



ALISHER
NAVOIY

ҒАРОЙИБ
УС-СИҒАР

9 жилд

24(54)1

17a

A-50 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ

Алишер Навоий

ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари

Ўн жилдлик

9 ЖИЛД

Монография

ТОШКЕНТ
“O‘ZKITOBSAVDO” нашриёти
2020

УЎК: 821.512.133-14
КБК: 84(5Ў)1
А 50

Масъул муҳаррир:

Тўхлиев Б. – филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Жабборов Н. – Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ профессори,
филология фанлари доктори

Омонов Қ. – ТДШУ профессори, филология фанлари доктори

А 50

Б.Тўхлиев, Н.Комилов, И.Хаққулов, Ҳ.Эшонкулов, В.Раҳмонов,
Э.Очилов, Н.Бекова, Д.Зоҳидова, З.Мамадалиева, А.Дехқонов, М.Тожибоева;

Алишер Навоий. “Ғаройиб ус-сиғар”. Ғазалларнинг шарҳ ва
изоҳлари. Ўн жилдлик. 9-жилд. – Тошкент: “O‘ZKITOBSAVDO”, 2020. –
278 б.

Таҳрир ҳайъати:

Давлатов О., Имомназаров М., Маннонов А.М., Маҳмудов Н.М.,
Муҳиддинов М., Омонов Қ., Раҳмонов Н., Рихсиева Г.Ш., Содиков Қ.,
Сирожиiddинов Ш.С., Тўхлиев Б., Қуронбеков А., Хаққулов И.Ч.


Монография Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазаллар шарҳига бағишланган. Шарҳлар адиб ғазалларининг матни, уларнинг вазн кўрсаткичлари, лугат ва насрий баён билан таъминланган.

Девондаги ғазалларнинг яхлит ва изчил илмий шарҳи биринчи марта амалга оширилмоқда.

Китоб илмий тадқиқотчилар, таълимнинг турли босқичларида фаолият юритаётган ўқитувчи ва мураббийлар, талаба ва ўқувчилар, шунингдек, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Монография ПЗ-20170930393 “Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазалларнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги илмий изоҳ ва шарҳларини яратиш” грант лойиҳаси асосида яратилган ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университети Илмий кенгашининг 2020 йил 26 ноябрдаги 4-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6858-8-8



© ТДШУ, 2020
© “O‘ZKITOBSAVDO”, 2020

ҲАЗАЛ МАТНИ ВА УНИ АНГЛАШ САНЪАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида “тарихий-маданий меросимиз намуналарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш, шу асосда юртдошларимиз, аввало, ёш авлодимизни халқимизнинг буюк маънавий меросига ҳурмат, она юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларнинг натижадорлигини тубдан ошириш” лозимлиги бежиз таъкидланмаган¹. Бунинг учун эса, албатта, қадимий ва бой адабиётимиз тарихи, хусусан, мумтоз адабиётимиз намуналари билан яқиндан, жиддий танишмоғимиз талаб этилади.

Мумтоз матнларни ўқиш ва нашр этиш жараёни мураккаб ва кўпқирралилиги билан ажралиб туради. Бунда мантишunos ва манбашunosларнинг хизматлари чеку чегара билмайди. Зеро, бизнинг қадимий маданий-маърифий меросимизнинг катта қисми турли ёзувлар билан алоқадор. Табиийки, улар орасида араб ёзувидаги обидалар катта мавқени эгаллайди. Йирик матншunosларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан улкан ишлар амалга оширилган. Уларнинг шарофати билан бугунги китобхон мана шундай бой ҳазинадан бемалол баҳраманд бўлиб бормоқда. Албатта, қилиниши лозим бўлган ишларимиз эса янада кўпроқ.

Аммо гап фақат қадимий матнларни ўқиш билангина боғлиқ эмас. Муаммонинг яна бир қиррасини уни тушуниш, ўқиш

¹ Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. – //

билан алоқадор. Шарқда шарҳ илмининг пайдо бўлгани тасо-
дифий эмас. Бу анъаналар араб, форс-тожик ҳамда туркий ада-
биётда алоҳида шарҳчилик мактабларининг пайдо бўлишига
олиб келди. Афсуски, бу анъаналар маълум сабабларга кўра,
узилиб қолди. Унга эҳтиёж эса камайгани йўқ. Навоий ижоди-
ни ўрганиш бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Мисолларга му-
рожаат қилсак:

*Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам,
Чаман сарви ёшли хилъат, менинг сарви равоним ҳам².*

Матндан маълум бўлишича, у маъшуқа гўзаллигини тав-
сифлашга бағишланган. Наврўз ёки байрам муносабати билан
“чаман сарви” ҳамда “сарви равон” бир хил кийим кийган. Бу
истилоҳларнинг биринчиси чаманзордаги сарв дарахтининг,
кейингиси эса лирик қаҳрамон – ошиқ тилга олаётган ёрнинг
лисоний ифодаларидир. Демак, уларнинг ҳар иккисидagi ки-
йим ҳам байрамона бўлган.

Буларнинг барчаси тўғри ва уларга нисбатан ҳеч қандай
эътироз йўқ. Шунга қарамай, байтнинг ҳозирги ҳолатида шу
маънонинг тўла юзага чиқиши учун ҳалақит берадиган бир
сўз мавжуд. У “ёшли”дир. Ҳозирги ҳолатда у ёнидаги бирор-
та сўз билан мантиқий жиҳатдан боғлана олмайди. Ваҳолан-
ки, “Мувофиқ кийдилар” ифодасида матнда умумлаштирувчи
сўз сифатида иштирок этиши мумкин бўлган “улар” сўзи акс
эттириши лозим бўлган маъно мужассамлашган. Шунга кўра,
“улар”нинг маъно қамровига кирувчи биринчи компонент
“чаман сарви”, иккинчиси эса “менинг сарви равоним” экан-
лиги ойдинлашади. Ўз-ўзидан мана шу жараёнда уларнинг ҳар
иккиси учун тегишли бўлган “кийим”нинг нима эканлиги ҳам
ошкор бўлади: у “хилъат” экан. У мазкур матнда “либос”, “уст-
ки кийим” мафҳумини беради.

² Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. Илмий-танқид-
дий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 6-жилд.
– Тошкент, Фан, 1990, 286-бет.

Энди бу хилъатнинг қандай эканлигини аниқлаш қолди, холос. “Ёшли” сифати, табиийки, бу вазифани адо эта олмайди. Аммо бу сўзнинг ранг билдирувчи сўз бўлиши лозимлигини тасаввур қилиш қийин кечмайди. Шунда “инсон умрининг даражалари (“ёш”, “қари”)ни эмас, балки кийим рангини (“оқ”, “қора”, “қизил”, “яшил”) англатадиган сўзга бўлган зарурият ҳис этилади. Асл матнда ҳам мазкур сўзнинг ўз ўрнида тўғри қўллангани маълум бўлади:

*Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.*


Кўринадики, битта сўзнинг асл матндагидан ўзгачароқ (демак, хато) шаклда кўчириб олишнинг ўзи ҳам матн мазмунини тушунишда, талқин қилишда хатолик ва қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин экан.

Айниқса, ғазалларнинг тасаввуфона йўналиши билан боғлиқ талқинларда кўплаб муаммолар юзага келади. Шахсий тажриба ва муаллиф матни орасидаги айирма талқин ва изоҳларнинг ҳам хилма-хиллигини, ҳатто улар орасидаги айрим зиддиятларни ҳам юзага келтириб чиқарди.

Талқинлардаги ўзига хосликлар унинг муаллифлари ҳақидаги тасаввур ва баҳолашга ҳам асос бўлади. Гап шундаки, бадий матн, жумладан, мумтоз адабиётимиз намуналари ҳам муаллифнинг ахлоқий, этник, диний, сиёсий, руҳий, маънавий, маърифий, дунёқарашга оид тасаввур ва қарашларининг ўзига хос тажассуми ҳамдир. Демак, бир асарни тўла тушуниш ва ҳис қилиш учун мана шу бирликларнинг яхлитлиги назарда тутилиши шарт бўлади.

Китобдаги талқинлар ўқувчиларимиз учун йўл кўрсаткичи вазифасини адо этса ажаб эмас. Уларнинг янада янгироқ ва яхшироқ талқинлар учун тўртки беришидан умидвормиз.

Боқижон ТЎХЛИЕВ



“Ғаройиб ус-сиғар”

“Меҳр кўрса ҳар киши ўз дилбари зебосидин...”

Меҳр кўрса ҳар киши ўз дилбари зебосидин,
Ўртанур мунглуғ кўнгул бемеҳрим истиғносидин.

Эй мусулмонлар, нетиб сўрмоқ таманносин қилай,
Менки бир сўкмак тилаб топман лаби гўёсидин.

Қадди раъносидин элга жилвайи васлин нетай,
Чун менга йўқ жуз дур бўлмоқ гули раъносидин.

Еткуруб элга лаби жонбахшидин қути ҳаёт,
Жуз ўлум ҳукми манга йўқ лаъли руҳафзосидин.

Тонг ели, тунд эсма ул ёнким, уюмайдур кеча
Итлари фарёдию ушшоқининг ғавғосидин.

Кон ютармен дурди соғар шавқидин, эй пири дайр
Соғаре бер, муғбача лаъли қадаҳпаймосидин.

Эй Навоий, шукр қил зулм этса ул султони ҳусн
Ким, қаю қул сенча топти тарбият мирзосидин.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Истиғно – 1) мухтож бўлмаслик, эҳтиёжсизлик; давлатмандлик, озга қаноат этиш, кўзи тўқлик; 2) ўз иззатида туриш, иззат-нафсини туширмаслик, иззат-нафс туйғуси; 3) ўзини катта тутиш, мутақаббирлик; ғурур; 4) ноз, карашма

Таманно – 1) истак, хоҳиш, умид; 2) мақсад, ғараз

Қут – 1) емак, овқат, озиқ; 2) рух, жон

Жуз – 1) бўлак, бошқа, ўзга; 2) майда, оз, бирор нарсанинг бир қисми, бир донаси; 3) аъзо, бадан аъзолари

Рухафзо – руҳлантирувчи, жонлантирувчи, тирилтирувчи

Соғар – май қадаҳи, косаси, май ичиладиган идиш

Қадахпаймо – қадах тутувчи, соқий

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли анъанавий ушбу ғазал радифсиз бўлиб, мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсалдир. Унда маъшуқа жабридан озорланган ошиқ кўнгил изтироблари тасвирланган.

Мехр кўрса ҳар киши ўз дилбари зебосидин,
Ўртанур мунглуғ кўнгул бемехрим истиғносидин.

Ҳар киши ўзининг зебо дилбаридан мехр кўраётган бир пайтда, менинг мунгли кўнглим бемехр (гўзалим) мағрурлигидан ўртанмоқда.

Матлаъда ошиқ ўзгалар аҳволи билан ўз ҳолини контраст ҳолда тасвирламоқда. Ўзгалар ёрининг меҳрибонлигидан хурсанд, лирик қаҳрамон эса маъшуқасининг озоридан кўнгли зада. Шу сабабли унинг юраги ўртаниб, ёнмоқда.

Ушбу таъриф ғазал бошланишидаги ўзига хос очкич фикр бўлиб, ғазал давомида матлаъдаги ушбу фикр ривожланиб, такомиллашиб боради.

Байтда дилбар ва зебо сўзлари орқали таносиб, мехр ва бемехр сўзлари орқали иштиқоқ, кўнгилнинг ўртаниши орқали ташхис санъатлари яратилмоқда.

Эй мусулмонлар, нетиб сўрмоқ таманносин қилай,
Менки бир сўкмак тилаб топман лаби гўёсидин.

Эй мусулмонлар, бўса орзусини қандай қилайки, бийрон лабларидан бир сўкишни ҳам тилаб тополмайман.

Иккинчи байтда ошиқнинг маъшуқа озоридан задалиги хусусийлик касб этмоқда. Яъни, ошиқ маъшуқасининг бийрон лабларидан бирон сўз чиқара олмай доғда. Шунинг учун ёрининг бифарқлигидан зада бўлган ошиқ ундан бўсани орзу қилишга ҳам ҳадикда. Бирор сўз, ҳатто сўкиш бўлса ҳам чиқармаган бу лаблардан бўсани қандай кутай, дея озурда.

Байтда эй мусулмонлар ундалмаси орқали илтифот, таманно, тилаб ва топарман сўзлари орқали “т” товуши такроридан тавзеъ, лаби гўёси бирикмаси орқали истиора санъатларига мурожаат қилинган.

Қадди раъносидин элга жилвайи васлин нетай,
Чун менга йўқ жуз дур бўлмоқ гули раъносидин.

Раънодек (нозик) қаддининг элга кўрсатган жилвасини нима қилайки, менга бу гул(дек юзи) ва раъно(дек қадди)дан баҳрамандлик йўқдир.

Навбатдаги байтда тасвирланишича, маъшуқа бошқалар билан бемалол гаплашади, ўзини эркин тутати. Лекин нима учундир, балки ошиқнинг ишқидан беҳабарлигидан, балки уни назарга илмаганидан, ошиғига мутлақо эътиборсиз. Бундан озорланган аламзада ошиқ “бундай гўзалликни нима қилайки, ундан менга бир баҳрамандлик етмаса”, дейди.

Байтда раъноси сўзи орқали тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ажуз тури, гули раъноси бирикмаси орқали эса истиора санъатларига мурожаат қилмоқда.

Еткуруб элга лаби жонбахшидин қути ҳаёт,
Жуз ўлум ҳукми манга йўқ лаъли руҳафзосидин.

Жон бахш этувчи лабларидан элга ҳаёт қувватини етказдию, менга ҳатто ўлим ҳукмини ҳам раво кўрмайди.

Ғазалнинг тўртинчи байтида ҳам шоир маъшуқанинг лаблари таърифини келтирмоқда. Яъни, маъшуқа бошқалар билан кулиб-очилиб гаплашади, бироқ ошиғига эса ҳатто назар ҳам ташламайди. Шунинг учун ошиқ ўз аҳволига муболағали тарзда назар ташлаб, “бошқаларга жон бахш этадиган лабларидан менга ҳатто ўлим ҳукми йўқ”, деб хафа бўлади.

Байтда лаби жонбахши, кути ҳаёт, лаби руҳафзоси бирикмалари орқали уч ўринда истиора, муболаға санъатларига мурожаат қилинган.

Тонг ели, тунд эсма ул ёнким, уюмайдур кеча
Итлари фарёдию ушшоқининг ғавғосидин.

Эй тонгги шабада, (ёрим кўчасига) эсма, чунки у итларининг фарёдию, ошиқларининг ғавғосидан кечаси ухлай олмаган.

Навбатдаги байтда тонгги шабадага мурожаат қилган шоир ёримнинг кўчасидан эсмай тур, бунинг сабаби маъшуқам кечаси ошиқларию итларининг фарёдидан ухлай олмаган, демоқда. Бу ўринда ошиқ ва итларнинг бир ўринда келиши ошиқнинг садоқат ва хорликда ит қатори эканлиги ҳақидаги мумтоз адабиёт талаби сифатида гавдаланмоқда.

Байтда тонг елини жонланириш орқали ташхис, итлари фарёдию ушшоқининг ғавғоси бирикмалари орқали таъдид, муболағанинг таблиғ даражасига мурожаат этилмоқда.

Қон ютармен дурди соғар шавқидин, эй пири дайр
Соғаре бер, муғбача лаъли қадаҳпаймосидин.

Эй дайр пири, май кўйқасининг хуморидан қон ютмоқдаман. Эй муғбача, қадаҳ тутувчи лаълдек лабларидан бир коса май тут!

Зохиран юқоридагидек шарҳланган байтнинг асл маъносини билиш учун дайр пири, муғбача, соғар, дурд каби сўзларнинг истилоҳий маъноларини билиш талаб этилади. Дайр пири – комил пир, муғбача – пир муждасини толибларга етказувчи пир ҳалфаси, соғар – илоҳий маърифат, дурд – ҳамма нарсанинг охири, паст навлиси, лаъл (лаб) – илоҳий калом. Демак, илоҳий маърифатни заррасини бўлса-да кўмсаган толиб уни мажозий маъшуқ тим-

солида кўрмоқда. Шунинг учун унинг лабларидан чиққан илоҳий калом орқали бу маърифатни англат, дея пири комилга мурожаат қилмоқда.

Байтда соғар ва соғаре сўзлари орқали тақрирнинг радд ул-хашв илал ибтидо тури, эй пири дайр ундалмаси орқали илтифот, соғар ва қадаҳ сўзлари орқали таносиб, пири дайр, мутбача, соғар, қадаҳ сўзлари орқали ҳам таносиб санъатларига мурожаат этилмоқда.

Эй Навоий, шукр қил зулм этса ул султони хусн
Ким, қаю қул сенча топти тарбият мирзосидин.

Эй Навоий, у хусн султони зулм қилса, сен шукур қил, ахир, қайси қул мирзосидан бунчалар тарбият кўрди!

Мақтаъда қанча зулм кўрса ҳам, ўз маъшуқасига содиқ қолган ошиқ ўзини қулдек хокисор санаб, севганини мирзо (амирзода) деб атамоқда. Зеро, мумтоз адабиёт тараннум этган ишқ ҳамиша шундай хокисорликни, камтарликни ёқлайди.

Байтда қул ва мирзо сўзлари орқали тазод ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал маъшуқа жабридан озорланган, бирок унга ҳамон содиқ ва мафтун бўлган ошиқ кўнглининг изҳоридир.

Назора БЕКОВА

“Тўла қондур кўзумнинг ҳалқаси то қолди ёримдин...”

Тўла қондур кўзумнинг ҳалқаси то қолди ёримдин,
Магар тушмиш қораси тоза доғи интизоримдин.

Кавокиб демағил, гардун кўзи гўё ёшармишдур,
Тутундинким, чиқар гардун сари шамъи мазоримдин.

Ярамға хеч мархамдин етишмас онча рохатким,
Чиқариб тил итинг қонин ялар жисми фиғоримдин.

Мен ул ой рашкидинким, эл кўрар, туфроғ агар бўлсам,
Кўрар эл кўзларин кўр айла, эй гардун, ғуборимдин.

Эгармас кўк хисори давриға турки фалак кўргач,
Эвурмак ашҳабин бир хишт уза чобуксуворимдин.

Эрур қонлиғ кўнгулда кўзларинг, вах, турфадур асру
Ки, чиқмаслар даме ул икки жайран лолазоримдин.

Ичиб гар тутмасанг эрди қадах, эй нўшлаб соқий,
Не имкон эрди қутқармоқ мени мухлик хуморимдин.

Мени ёзғурмангиз қилсам сабуҳийким, азал субҳи
Чиқиптур ихтиёр илгимдину иш ихтиёримдин.

Иноят ёмғури оллида дафъи саҳл эрур, гарчи
Ёғар идбор гарди, эй Навоий, рўзгоримдин.

V — — — V — — — V — — — V — — —
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
ҳазажи мусаммани солим

Лугат

Кавокиб – юлдузлар

Гардун – 1) осмон, фалак; 2) дунё, олам, жаҳон; 3) осмон, фалак, чарх; 4) арава; 5) юксак, баланд

Фиғор – 1) жароҳатли, мажруҳ; дард тортган, алам кўрган;
2) жароҳат

Хисор – 1) Қалъа, қўрғон, истехком; 2) кўк, осмон

Эвурмак – айлангириш, буриш

Ашҳаб – оқ, оқиш бўз от

Чобуксувор – чавандоз, отни маҳорат билан бошқарувчи

Муҳлик – ўлдирувчи, ҳалок қилувчи, ҳалокатли
Хумор – 1) Мастликдан кейинги бош оғриғи; 2) муштоқлик, зўр истак
Асру – 1) жуда, ниҳоятда; жуда кўп, беҳисоб; 2) тез, қаттиқ
Сабухий – тонг маҳалида ичиладиган май
Азал субҳи – энг қадимий тонг
Иноят – лутфлар, эҳсонлар, эзгуликлар; меҳрибончилик, ғам-хўрлик; илтифот, ёрдам
Даъф – қайтариш, йўқотиш, узоқлашиш, ҳайдаш, кетказиш
Саҳл – енгил, осон, қийин эмас
Идбор – бахтсизлик, тушкунлик, ишнинг орқага кетиши
Рўзгор – 1) турмуш, ҳаёт, шароит, тирикчилик; тақдир, қисмат, толе, бахт; 2) давр, замон

Шарҳ ва изоҳлар

Ошиқ қалби изтиробларига бағишланган ушбу тўққиз байти ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсалдир.

Тўла қондур кўзумнинг ҳалқаси то қолди ёримдин,
 Магар тушмиш қораси тоза доғи интизоримдин.

Ёримдан қолгач, кўзимнинг ҳалқаси қонга тўлди, қораси эса янгидан бўлган интизорлигим доғи-ҳасратидан тўкилиб кетди.

Матлаъда маъшуқасидан айрилган ошиқ изтироблари муболағали тарзда тасвирланмоқда. Ёримдан айрилганимдан сўнг, кўзимнинг ҳалқаси кўз ёши эмас, қонга тўлди. Қора гавҳари эса азбаройи интизорлигимнинг кучлилигидан тушиб кетди, яъни сўқир бўлиб қолдим.

Байтда муболағанинг табиғ даражасидан ташқари қора ва доғ сўзлари орқали таносиб санъати яратилмоқда.

Кавокиб демагил, гардун кўзи гўё ёшармишдур,
 Тутундинким, чиқар гардун сари шамъи мазоримдин.

Осмондаги юлдузларни юлдуз демаки, улар мазорим шами-дан осмонга ўрлаб чиқаётган тутунлардан осмон кўзидаги ёшдир.

Ошиқ маъшуқасидан айрилгач, хижрон ва соғинчдан вафот этди. Шундан кейин, уни эслаб яқинлари мозорига ёққан шамдан ҳам тутун шаклида аччиқ фарёдлар чиқади. Бу фарёдлар шу қадар аччиқ ва аламлики, ҳатто осмонга етиб бориб, гардун образи билан рамзлашган тақдирнинг кўзларини ёшлантиради. Осмондаги юлдузлар эмас, дейди Навоий, улар мана шу кўз ёшлардир.

Байтда ошиқ ҳоли чуқур трагик пафосга йўғрилган кучли муболаға билан тасвирланмоқда. Байтда, бундан ташқари, кавокиб ва гардун ҳамда шам ва тутун сўзлари орқали таносиб, гардун сўзи такроридан тақдирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, ташбеҳ санъатларига мурожаат қилинган.

Ярамға ҳеч марҳамдин етишмас онча роҳатким,
Чиқариб тил итинг қонин ялар жисми фиғоримдин.

Ярамға ҳеч малҳамдан итинг тилини чиқариб, мажруҳ жисмимдаги жароҳатдан ялаганчалик роҳат етишмайди.

Навбатдаги байтда маъшуқа озори ошиққа ҳар қандай роҳатдан ҳам яхшироқ эканлиги образли тарзда тасвирланмоқда.

Байтда муболағанинг кучли даражаси – ғулувга мурожаат этилган.

Мен ул ой рашкидинким, эл кўрар, туфроғ агар бўлсам,
Кўрар эл кўзларин кўр айла, эй гардун, ғуборимдин.

У ой(дек маъшуқам)ни шу қадар рашк қиламанки, эй тақдир, мени тупроқ қилсанг ҳам майли, фақат одамларнинг унга тикилган кўзларини ғуборим билан кўр қилиб қўй!

Навбатдаги байтда ошиқ маъшуқасини ой деб атаб, ўзини тупроққа тенг қилмоқда. Бироқ маъшуқасига тикилган кўзларни ўз ғубори билан кўр қилишга тайёр бу ошиқнинг ишқи ва бу йўлда хокисорлиги қанчалик кучли бўлса, рашки ҳам шунчалик ўткирдир.

Байтда ой ва туфроқ сўзлари орқали шартли тазод, кўрар эл ва эл кўрар бирикмалари орқали тарди акс, туфроқ ва гардун сўзлари орқали таносиб, эй гардун ундалмаси воситасида эса илтифот ва албатта, муболаға санъатларидан фойдаланилмоқда.

Эгармас кўк ҳисори даврига турки фалак кўргач,
Эвурмак ашҳабин бир хишт уза чобуксуворимдин.

Кўк қалъасида тақдир турки чавандоз (ё)имни кўргач, оқиш отини бир гишт устида айлантирди.

Рамзий образлар орқали истиоравий фикрлатган шоир осмонни кўкиш қалъага, уни бошқараётган фалак образида ифодаланаётган тақдирни туркка (жанговарлиги, бўйсунмаслиги туфайли) қиёсламоқда. Мана шундай бўйсунмас тақдир чавандози ҳам ошиқнинг гўзал ва бўйсунмас ёрини кўргач, оқ отини, яъни кундузни бир гишт устида айлантиради, яъни оламга оқшом чўкади. Байтда ошиқ ўз маъшуқасини гўзал ва бўйсунмас, балки туркдай қайсар тақдирни ҳам бўйсундирувчи хилқат дея муболаға билан тасвирламоқда. Зеро, ошиқ кўзига севикли ҳамиша бенуқсон ва баркамол кўринган.

Байтда кўк ҳисори, турки фалак бирикмалари, ашҳаб, хишт каби сўзлар ёрдамида бир йўла тўрт ўринда истиора ва муболағадан ташқари “э” сўзи такроридан тавзеъ санъатига ҳам мурожаат қилинмоқда.

Эрур қонлиғ кўнгулда кўзларинг, ваҳ, турфадур асру
Ки, чиқмаслар даме ул икки жайран лолазоримдин.

Қонлиқ кўнглимда кўзларингнинг (ёди) худди икки жайроннинг лозордан чиқмаслигига ўхшайди.

Навбатдаги байтда яна шоир истиоравий фикрлаётганини кўрамыз. Маъшуқанинг кўзларини икки оҳуга, ўз қалбини эса ишқ изтиробларидан қонга тўлгани учун лозорга ўхшатаётган шоир ҳар лаҳза севиклисининг кўзларини бир лаҳза ҳам ҳаёлидан, нафақат ҳаёлидан, балки кўнглидан чиқмаётганлигини бадий тасвирламоқда.

Байтда “қонли кўнгул” бирикмаси, икки жайран ва лозор сўзлари орқали уч ўринда истиора, тамсил ва муболаға санъатларидан фойдаланилмоқда.

Ичиб гар тутмасанг эрди қадах, эй нўшлаб соқий,
Не имкон эрди қутқармоқ мени муҳлик хуморимдин.

Эй, лаби ҳаёт берувчи соқий, ўзинг ичган қадахдан май тутмаганингда, ҳалокатли бу хумордан қутилмоғим имконсиз бўларди.

Навбатдаги байтда маъшуқага соқий дея мурожаат қилаётган улуғ шоир ўзинг ичган пиёладан май тутмасанг, мени ҳалокатли ишқ ва соғинч хумори ўлдиради демоқда. Агар байтни орифона мазмунда таҳлил қиладиган бўлсак, бундан-да мураккаб маъно кўринади. Яъни, мени илоҳий гўзалликдан олислик, илоҳиёт оламидан мосуволик хумори ўлдиргудек бўлиб қийнамоқда. Эй комил устоз, агар ўзинг баҳраманд бўлган маърифатдан мени ҳам баҳраманд қилмасанг, бу айрилиқ мени ўлдириши тайин. Байтнинг ботиний маъносида ориф ошиқ арзи ҳоли тасвирланмоқда.

Байтда қадах, соқий, хумор сўзлари орқали таносиб, эй нўшлаб соқий бирикмаси орқали эса илтифот санъатлари яратилмоқда.

Навбатдаги байтда юқоридаги илоҳий маъно давом эттирилади:

Мени ёзғурмангиз қилсам сабуҳийким, азал субҳи
Чиқиптур ихтиёр илгимдину иш ихтиёримдин.

Тонгда бош оғриғига май ичсам, мени айбламангки, энг аввалги тонгда ихтиёр қўлимдан ва иш ихтиёримдан чиққан эди.

Яъни азал субҳи энг аввалги яратилиш тонгдидаёқ мен Аллоҳ жамолига ошиқ эдим, демоқда улуғ шоир ва шунинг учун ҳар тонгда шунинг хуморига илоҳий маърифат шаробидан баҳраманд бўламан. Йўқса, бу илоҳиётга ошиқлик, ундан олислик мени ўлдириши тайин.

Байтда сабуҳий ва субҳ сўзлари орқали иштиқоқ, азал субҳи бирикмаси воситасида истиора, субҳи, чиқиптур, ихтиёр, илгимдин, иш, ихтиёримдин сўзлари воситасида “и” товуши орқали тавзеъ, ихтиёр сўзи такроридан тақрир санъатлари яратилмоқда.

Иноят ёмғури оллида дафъи сахл эрур, гарчи
Ёғар идбор гарди, эй Навоий, рўзгоримдин.

Эй Навоий гарчи ҳаётимда бахтсизлик гарди ёғиб турса ҳам иноят ёмғири билан уни йўқотиш енгилдир.

Мақтада Навоий ҳар қандай дунёвий ва инсоний кулфатни илоҳий иноят лаҳзада бартараф қилишга қодир, дея кўтаринки кайфиятда ғазални якунламоқда.

Байтда иноят ёмғири, идбор гарди бирикмалари орқали истиора ва шартли тазод, эй Навоий ундалмаси воситасида илтифот, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал ошиқ арзи ҳоли ва маъшуқа жабри тасвири билан бошланиб, ишқдан содиқлик тасвирлари билан кульминациясига етган ва илоҳий маърифатга ташна ориф ошиқ қалби чизгилари билан якунланган ўзига хос кичик дилномадир.

“Мени заифни саргашта айлади гардун...”

Мени заифни саргашта айлади гардун,
Шитобу давр ила хошокни нечукки қуюн.


Туташти телба кўнгул ул парий узоридин,
Бу ўтни гул соғиниб, ваҳки, куйди ул мажнун.

Хубоб ончаки Жайхун уза эрур мумкин,
Тасаввур айла кўзумнинг ҳубобидин гардун.

Юзунг шаҳидлари туфроғин совурмиш ел,
Буким булут кўрунур кўкта ҳар тараф гулгун.

Не айб, шодлиғ ашким кўп оқса васлингда,
Баҳор фасли бўлур чашмалар суйи афзун.

Қадингга сарв бош индурмамиш эмас акси
Ки, даҳр адаб қилур ани солиб су ичра нигун.



Ушотиб ўқини маҳзун кўнгулни синдурманг,
Ки, эв шикаст топар ҳар қачонки, синди сутун.

Ер остидин куп ила лаълни чиқар, эй муғ,
Ки, борди ер қуйи, чун сўз эшитмади Қорун.

Ғам ўлтурур мени, қўй панду бир қадах берким,
Қилур бу заҳрни тарёк дафъ, йўқ афюн.

Навоий, истар эсанг салтанат, фано бўлким,
Жаҳон забунунг эрур, бўлмасанг жаҳонға забун.

V-V- VV-- V-V- VV- (--)
мафоилун файлотун мафоилун файлун (фаълун)
Мужтаси мусаммани маҳбуни маҳзуф (мақтуъ)

Лугат

Хубоб – 1) Сув юзида пайдо бўладиган пуфакчалар; 2) осмон гумбази

Саргашта – сарсон, оввора; саргардон; паришон

Соғинмоқ – 1) соғинмоқ, орзу қилмоқ; 2) эсламоқ, кўргиси келмоқ, хотирламоқ; 3) ҳисобламоқ, ўйламоқ, гумон қилмоқ

Гардун – 1) Осмон, фалак; 2) дунё, олам, жаҳон; 3) осмон, фалак, чарх; 4) арава; 5) юксак, баланд

Афзун – 1) Ортиқ, зиёда, кўп; 2) афзал, юқори, устун; кўпроқ

Даҳр – 1) Замон, давр; дунё, олам; 2) замона; 3) ер юзи; 4) ҳаёт

Нигун – 1) Эгилган букилган; 2) ағдарилган, тўнтарилган, тескари

Маҳзун – 1) Ғамгин, қайғули; ҳазин, хафа; 2) ошиқ

Эв – уй, хона

Куп – 1) Хум, май қуйиладиган катта сопол идиш; 2) осмон, кўк

Муғ – мажусий, оташпараст, ўтга чўқинувчи; майфуруш

Тарёк – 1) Заҳарни даф қиладиган дори; 2) афюн, опий

Афюн – опиум, кўкнори, қорадори

Шарҳ ва изоҳлар

Мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал бўлган ўн байтли ра-
дифсиз ушбу ғазал ошиқнинг ишқ йўлидаги изтироблари, маъ-
шуқа жафолари изҳорига бағишланган.

Мени заифни саргашта айлади гардун,
Шитобу давр ила хошокни нечукки қуюн.

Мен хастани тақдир сарсон қилди, бу ҳолат худди хас-хашак-
ни қуюн шатоб билан (чирпирак) қилганга ўхшайди.

Матлаъда сўз ишқ изтироблари тўғрисида эмас, балки замон-
дан нолиш, замондошлардан шикоят қилишга ўхшайди. Сабаби,
ихтиёрсизлик, тақдир қўлида ўйинчоқ каби бўлишдан чарчаш
Навоий шеъриятида ўзига хос йўналиш бўлиб, матлаъга қараган
киши ушбу ғазални шу йўналишдаги – ижтимоий мазмундаги ға-
заллардан деб ўйлаши мумкин. Лекин иккинчи байтдан гап нима
ҳақида бораётганлигини англаб олиш мумкин.

Байтда гардунни шахслантириш орқали ташхис, тамсил ва му-
болағанинг табиғ даражасига мурожаат қилинмоқда.

Туташти телба кўнгул ул парий узоридин,
Бу ўтни гул соғиниб, ваҳки, куйди ул мажнун.

Бу (менинг) телба кўнглим у парий(дек гўзал севикли) юзидан
шундай ўтга туташдики, бу ҳолат худди оловни гул деб ўйлаб, куй-
ган жиннининг ахволига ўхшайди.

Байтни мазмунини янада аниқ ва тўғри англаш учун “Лайли
ва Мажнун” афсоналаридаги Мажнуннинг болалигига мурожаат
қилиш керак. Уларда айтилишича, Шарқда Мажнун номи билан
машҳур бўлган Қайс болалигида оловни кўрса, унга гул деб инти-
лар экан. Афсонадаги шу ҳолатга мурожаат қилган Навоий Маж-
нун оловни гул деб унга интилгани каби менинг қалбим ҳам сев-
гимининг гулдай юзига интилиб, куйиб қолди, демоқда.

Байтда телба ва парий сўzlари орқали таносиб ва тазод, парий
узор сўзи орқали истиора ва муболаға, тамсил санъатлари яратил-
моқда.

Хубоб ончаки Жайхун уза эрур мумкин,
Тасаввур айла кўзумнинг хубобидин гардун.

Жайхун дарёсининг устидаги хубоб (пуфакчлар) қанча бўлса,эй тақдир кўз ёшларим хубобини (шунчалар деб) тасаввур этавер!

Навбатдаги байтда Навоий ишқ ва соғинчдан, маъшуқа озори-дан зада бўлган ошиқ изтиробларидан тақдирга арз айтмоқда. Эй тақдир, менинг кўз ёшларимни қандайлигини тасаввур этмоқчи бўлсанг, Жайхундай дарёи азим устидаги кўпикларни қандайли-гини тасаввур қилавер, демоқда.

Байтда хубоб сўзи такроридан тақрирнинг радд ус-садр илал ҳашв, Жайхун сўзи воситасида талмих, тамсил ва муболаға санъ-атлари яратилмоқда.

Юзунг шаҳидлари туфроғин совурмиш ел,
Буким булут кўрунур кўкта ҳар тараф гулгун.

Осмоннинг ҳар томонда кўринаётган қизил булут эмас, бал-ки юзинг(ни кўролмай бу йўлда шаҳид бўлганлар)нинг тупроғини шамол совураётганлигидир.

Навбатдаги байтда ҳам табиат ва ошиқ ҳолатининг парал-лел тасвирланаётганини кўряпмиз. Яъни, осмонда куёш нурида куйган қизил булутларнинг пайдо бўлишини маъшуқани кўрол-май, унинг ҳажридан куйган ошиқлар тупроғини шамолда сову-рилганлигига қиёсламоқда. Тупроқнинг қизиллиги эса маъшуқа юзининг рангига мос.

Байтда юзунг шаҳидлари бирикмаси орқали истиора, тамсил ва албатта, муболағанинг кучли даражаси – ғулувга мурожаат қи-линмоқда.

Не айб, шодлиғ ашким кўп оқса васлингда,
Баҳор фасли бўлур чашмалар суйи афзун.

Висолинг насиб этганда, кўзимдан қувонч ёшлари кўп оқса, ажабланмаки, баҳор фасли булоқлар суви кўпаяди-да.

Навбатдаги байтда ҳам табиат ҳодисаси тасвирига мурожаат қилаётган шоир энди висол шодмонлиги тўғрисида сўз юрит-

моқда. Яъни, ҳижронда йиғлайвериб, кўзида ёш қолмаган ошиқ ҳолини тасвирлаган улуғ шоир, сени кўргач, висолинг шукронаси ва қувончидан кўз ёшларим тинмай оқса керак, ахир, баҳорда, яъни гуллар очилиб, ҳамма ёқ яшнагач, булоқларнинг суви ҳам кўпаяди-ку, демоқда. Демак, бу байтда маъшуқа жамоли – яхлит палотно ҳолатида баҳорга, ошиқ кўз ёшлари эса булоқ сувига қиёсланмоқда.

Байтда тамсилнинг гўзал намунаси яратилгандан ташқари, шодлиғ ашким бирикмаси орқали истиора, муболаға санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Қадингга сарв бош индурмамиш эмас акси
Ки, даҳр адаб қилур ани солиб су ичра нигун.

Қаддингга сарв бош эгмаганлиги учун дунё унинг аксини сув ичида тескари қилиб қўйибди.

Навбатдаги байтда ҳам табиат ҳодисаси билан ошиқ қалби садолари параллел тасвирланмоқда. Яъни, сарвнинг тиклиги ва сув бўйида ўсишига ишора қилган шоир маъшуқасининг қоматини кўз олдига келтирган ҳолда “сенга бош эгмагани учун дунё уни сув бўйида тескари қилиб қўйди”, демоқда. Сарвнинг тескарилиги эса унинг сувда аксини кўриниши ҳодисасига ишорадир.

Байтда тамсилнинг гўзал намунасидан ташқари сарв ва даҳр (дунё) шахслантирилиши орқали икки марта ташхис санъатига мурожаат қилинмоқда.

Ушотиб ўқини маҳзун кўнгулни синдурманг,
Ки, эв шикаст топар ҳар қачонки, синди сутун.

Ўқини синдириб, ғамгин кўнглимга шикаст бермангки, устун синса, уй шикастланиши аниқ.

Бу ўринда ўқи деб маъшуқа киприклари назарда тутилмоқда. Улар ошиқ қалбига жойлашиб олган. Шунчаки жойлашмаган, балки кўнглидан ўтиб, жонининг устунига айланган. Шунинг учун уларни синдириб, ошиқ қалбини азобдан қутқармоқчи бўлсак, аксинча баттар азоб берамиз.

Байтда ўқи сўзи ва маҳзун кўнгул бирикмаси орқали икки ўринда истиора, синдурманг ва синди сўzlари орқали иштиқоқ, эв ва сутун сўzlари воситасида таносиб, муболаға ва тамсил санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Ер остидин куп ила лаълни чиқар, эй муғ,
Ки, борди ер қуйи, чун сўз эшитмади Қорун.

Эй майхоначи, ер тагидан май хуми билан лаълни чиқар, ахир (пайғамбарнинг) сўзига қулоқ солмаганлиги учун Қорун ер тагига кирди-да.

Байтда Мусо пайғамбарнинг замондоши бўлган дунёдаги энг бадавлат афсонавий шахс Қорун эсланмоқда. Мусо пайғамбар унга кўп маротаба бойликнинг вафосиз, аксинча ҳайру эҳсоннинг савобли амал эканлигини такрорласа-да, Қорун унинг сўzlарига қулоқ солмайди. Натижада, унинг бор ҳазинаси билан бирга ўзини ҳам ер ютади. Ушбу Қуръоний ривоятга мурожаат қилаётган Навоий майхоначига, лаълдай қадрли ва қизил рангли қимматбаҳо май тўлдирилган хумни ер остидан қазиб олиб, бизга эҳсон қил, демоқда. Ахир, бойлик бевафо, эҳсон эса ҳайрли амаллардандир.

Байтнинг ботиний маъносини англаш учун муғ, куп ва май сўzlарининг истилоҳий маъноларини билиш талаб этилади. Муғ – комил устоз, куп – унинг маърифатга тўла ва толибларга илм улашувчи қалби, май эса илоҳий маърифат маъноларини акс эттиради. Демак, эй комил устоз, демоқда Навоий ўз даврининг маърифий дарғаларига қарата. Қорун ҳам ўз ҳазинасини аяб, фойдаланолмади, шундай экан қалбингдаги пинҳон илм ва маърифатни қалби ташна толибларнинг кўнгил қадаҳига қуйиб, эҳсон қил ва ўткинчи дунёда савобга эриш.

Байтда куп ва муғ сўzlари орқали таносиб, Қорунга мурожаат қилиш орқали талмех ва албатта тамсил санъатлари иштирок этмоқда.

Ғам ўлтурур мени, қўй панду бир қадах берким,
Қилур бу заҳрни тарёк дафъ, йўқ афюн.

Ғам ўлдирай деяпти, насиҳатингни қўй-да менга май бер, бу дардни тарёк эмас, афюн даф этишга қодир.

Навбатдаги байт ҳам маърифий мазмундаги маъвиза байт хисобланади. Умуман, Навоий ижодида етти байтли ғазалларда битта, тўққиз ва ундан ортиқ байтли ғазалларда эса иккитадан маъвиза ёки лирик чекиниш байти бўлиши анъанавий ҳол.

Демак, юқоридаги фикрини давом эттирган ҳолда Навоий илоҳиётдан олислик, дунёга алданиб қолишдан қўрқиш каби ғам-аламлар мени ўлдиришга етди, бунинг ягона давоси эса маърифат қадаҳидир. Бу ҳолат худди заҳарни унга қарши бўлган тарёк эмас, балки кучли тинчлантирувчи афюн (опен) моддаси гўё уни енга олгани кабидир, демоқда.

Байтда панд тарёкка, қадах эса афюнга ўхшатилиб, жамъ санъати яратилмоқда. Ундан ташқари, тамсил ва муболаға санъатларидан ҳам фойдаланилмоқда.

Навоий, истар эсанг салтанат, фано бўлким,
Жаҳон забунунг эрур, бўлмасанг жаҳонға забун.

Навоий султонликни истасанг, фоний бўл, дунёга қарам бўлмасанг, дунё сенга муте бўлади.

Мақтаъда ҳам Навоий юқоридаги фикрларни давом эттиради ва асл салтанат – ўзлик давлатини истасанг, фано, яъни йўқ бўлгин, йўқса жаҳонга забун – мутеъ бўлиб қоласан, демоқда.

Байтда жаҳон сўзи такроридан тақрир, тамсил санъатларига мурожаат қилнмоқда.

Умуман олган, маъшуқа жафосидан нолиш охинги билан бошланган ушбу ғазал жаҳонга боғланмаслик, балки уни ўзига забун – маҳв қилишдек соф орифона ғоя тарғиби билан якунланмоқда.

Ғазалдаги санъатлар ҳам гўзал бир тартиб билан ишланган. Яъни, тамсил санъатидан ўн байтда истисносиз фойдаланилган. Биринчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи байтларда ошиқ ҳолати ёки ошиқ назаридаги маъшуқа гўзаллиги табиат ҳодисаларига қиёсланиб, мисол келтирилса, иккинчи, еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи байтларда бу мисолларда ижтимоий мавзуларга мурожаат қилинган. Умуман, ушбу ғазал ўзига хос композицияси билан ҳам гўзал топилмадир.

Назора БЕКОВА

“Елга берди куйдуруб ул гул таным хокистарин...”

Елга берди куйдуруб ул гул таным хокистарин,
Оташин гул ҳажри совурған кеби булбул парин.

Англаман булбул қизик кўнглимудур, ё атр учун
Ғунчасидин гул муруттаб қилди ўтлуғ мижмарин.

Барги гулдур, йўқса булбулнинг туташмиш ҳар пари,
Баски, ёрутди сабо гул мижмарининг аҳгарин.

Гул эмастур, балки булбул ошенин ўртаган
Ишқ ўти бил, кўрсанг анинг даври лавни аҳмарин.

Кўй гулу булбулни, гулгун май тўла тут булбула,
То ўкуй булбул мақолотин очиб гул дафтарин.

Даҳр боғида гулу булбулға йўқ баргу наво,
Солмади бу ғуссадин наргис илигдин соғарин.

Соқиё, ҳайвон суйин мамзуж қилсанг ичмагай,
Ғар Навоий топмаса май ичра лаълинг жавҳарин.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Хокистар – кул

Муруттаб – тартибланган, тартибга солинган; комил, мукам-
мал

Мижмар – хушбўй нарсалар солиб аралаштириладиган нарса; чўғдон

Ахгар – лахча чўғ, олов; ошиқ

Лавн – 1) Ранг, бўёқ, гул (нақш); 2) сифат, одамнинг ранги

Аҳмар – қизил

Даҳр – 1) Замон, давр; дунё, олам; 2) замона; 3) ер юзи; 4) ҳаёт

Барг – 1) Япроқ, барг; 2) маҳбуб юзини тўсиб турган соч тарамлари; 3) эзгулик, яхшилик; 4) асбоб, жиҳоз, безак; зарур нарсалар; мажлис; сафар анжومي

Наво – 1) Нағма, оҳанг; 2) овоз, садо; 3) насиб, баҳра

Соғар – май қадаҳи, косаси, май ичиладиган идиш

Мамзуж – аралаш, аралаштирилган, махлут

Жавҳар – 1) гавҳар, қимматбаҳо тош; асл модда; 2) асос; унсур; моҳият; 3) нодир, ноёб; 4) нозик ҳис-туйғулар; 5) ҳаёт; 6) тоза

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий етти байтли ушбу ғазал мазмунан табиат тасвирига бағишланган бўлиб, шаклан мусалсалдир. Унда гул ва булбул можароси ошиқ арзи ҳолига уйғун тарзда тасвирланади.

Елга берди куйдуруб ул гул таним хокистарин,
Оташин гул ҳажри совурган кеби булбул парин.

Олов рангидаги гул булбул қанот-қуйруғини куйдургани каби у гул(дай маъшуқам) танимни куйдириб, кулини шамолга совурди.

Матлаъдаги ҳолат ҳижрон алами тўғрисида бормоқда. Унда маъшуқасини қизил гулга ва ўзини унинг ишқида оловга тушган булбулга ўхшатган ошиқнинг аҳволи тасвирланмоқда. Матлаъда қиёсланган бу тасвир, яъни ошиқ руҳияти ва табиат тасвири мутаносиблиги ғазал охиригача давом этади.

Байтда ул гул сўзи ва таним хокистарин бирикмалари орқали истиора, муболаға, тамсил ва гул ва булбул сўзлари орқали эса таносиб санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Англаман булбул қизиқ кўнглимудур, ё атр учун
Ғунчасидин гул мураттаб қилди ўтлуғ мижмарин.

Булбулнинг қизиган кўнглими ёки ҳид таратиш учун гул ўз ғунчасини чўғдонни муаттар қилдими, билмадим?!

Навбатдаги байтда ҳам маъшуқанинг гулга ва ошиқни булбулга ўхшатиш давом этмоқда. Энди гулнинг ғунчасига қараб, ошиқ иккиланмоқда: гул ўз ғунчасини хушбўй таратиш уч тартиблаб, оролаяптими ёки гул шохига илиниб қолган ошиқнинг ёниб турган чўғдай юрагими эканми бу?!

Байтда булбул, гул ва ғунча сўзлари орқали таносиб, булбулни жонлантириш орқали ташхис ҳамда тажохили орифона санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Барги гулдур, йўқса булбулнинг туташмиш ҳар пари,
Баски, ёрутди сабо гул мижмарининг аҳгарин.

Бу гул баргими ёки булбулнинг ҳар пари ўтга тутушганми, ёки тонгги шабада гул чўғдонининг юлдузини (чўғини) ёритдими?!

Навбатдаги байтда гул барги (ёки маъшуқа соч толалари) мадҳ этилмоқда. Бу гул барги (маъшуқам сочининг сочилган толаларими) ёки булбулнинг ҳар бир пари оловга тушдими (ошиқнинг жисму жонига олов сочилдими), ахир шабада гул чўғдонидаги юлдузларни ёритди-ку!

Байтда гул ва булбул сўзлари орқали таносиб, гул сўзи такрирдан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, сабони жонлантириш орқали ташхис ва тажохили ориф санъатларидан фойдаланилган.

Гул эмастур, балки булбул ошёнин ўртаган
Ишқ ўти бил, кўрсанг анинг даври лавни аҳмарин.

Булбул маконини ёндирган гул эмас, балки унинг қизил рангини кўриб, ишқ олови эканлигини англа.

Навбатдаги байтда ошиқ ўз ҳолини маъшуқадан кўрмаяпти, балки ўз юрагига тушган ишқ ўтидан шу ҳолга келганлигини ниҳоят англамоқда ва бунини, гул ва булбул образлари орқали образли тарзда тасвирлаб бермоқда.

Байтда гул ва булбул таносибидан ташқари ишқ ўти бирикмаси орқали истиора санъатлари яратилмоқда.

Қўй гулу булбулни, гулгун май тўла тут булбула,
То ўқуй булбул мақолотин очиб гул дафтарин.

Гул ва булбул можаросини қўй-да, булбулга гул рангли май тут.
Шунда гул дафтарини очиб, булбул ҳикоятини ўқий оламан.

Маълумки, май ичган киши суҳбатдошига қалбини очиб, дардини айта олади. Мана шу ҳолатни назарда тутган Навоий гулу булбу ҳақидаги турли тахмину фаразларингни қўй-да, булбулга (ошиққа) гулгул рангдаги асл шаробдан қуйиб бер, шунда у маъшуқаси ва ишқи тарихини сўзлаб беради ва мен ундан баҳраманд бўламан, демоқда.

Байтда гул ва гулгун сўзлари орқали иштиқоқ, гул ва булбул сўзлари орқали таносиб ҳамда тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, булбул мақолоти, гул дафтари бирикмалари орқали истиора, булбулни шахслантириш воситасида эса ташхис санъатлари вужудга келтирилмоқда.

Даҳр боғида гулу булбулга йўқ баргу наво,
Солмади бу ғуссадин наргис илигдин соғарин.

Дунё боғида гул ва булбулга эзгулик насибаси йўқ, бу ғуссадан наргиз қўлидан қадахни қўймайдиган бўлди.

Байт бутунлай образлиликка асосланган. Бу дунёда гулга ҳам, булбулга (ва умуман ҳар қандай мавжудотга) ҳам боқийлик насиб қилмайди. Баски, ҳамма нарса ўткинчи. Буни билган наргис (до-нишманд ринд) қўлидан қадахни қўймади. Ушбу маъвиза байтда Навоий ғазал мавзусидан чиқмаган ҳолда лирик чекиниш қилмоқда. Гул ва булбулни ишқ йўлида муродига етолмай, жувонмарг бўлган ошиқларга, наргисни эса бу ҳолатларни кузатиб турган до-нишманд риндга ўхшатмоқда. Наргиснинг сувга қараб бош эгиши қўлидан қадахни қўймаганлигига қиёсланмоқда.

Байтда даҳр боғи бирикмаси орқали истиора, гул, булбул ва наргис сўзлари орқали таносиб, наргисни жонлантириш орқали эса ташхис санъатлари яратилмоқда.

Соқие, ҳайвон суйин мамзуж қилсанг ичмагай,
Гар Навоий топмаса май ичра лаълинг жавҳарин.

Эй соқий, агар Навоий май ичида лаълдек лабингнинг тоза гавҳарини топмаса, унга оби ҳаётни аралаштирсанг ҳам ичмайди.

Мақтаъда Навоий гулу булбу можароларидан четга чиқиб, соқий қиёфасидаги маъшуқасига мурожаат қилиб, ундан илтифот кўрсатишни сўрамоқда.

Байтда ҳайвон суйи, лаълинг жавҳари бирикмалари орқали истиора, соқий ва май ҳамда лаъл ва жавҳар сўзлари воситасида икки ўринда таносиб, соқийга мурожаат қилиш орқали илтифот ва муболаға санъатларидан фойдаланилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал ошиқ қалбининг гулу булбул билан рамзлашган ҳолда образли тарзда қилган дил розидир. Ғазалнинг бошидан олтинчи байтигача гул ва булбул таносибии узулуксиз қўлланилган бўлса, мақтаъда бир йўла икки ўринда таносибга мурожаат қилган. Навоий шу ҳолда ғазални мазмунан ва ҳам поэтик жиҳатдан кульминацияга чиқариб, яқунлаганини кўраимиз.

Назора БЕКОВА

“Нихон ишқингки кўнглум ичра тушти юз шарор андин...”

Нихон ишқингки кўнглум ичра тушти юз шарор андин,
Нихоний доғлар қолмиш ичимда ёдгор андин.

Муқаввас қошларингнинг нақшидин гирён кўзум бўлмиш
Булутдекким, бўлур қавси қузаҳлар ошкор андин.

Бўлуптур сарвинозим ҳусн шамъи, бошида анинг
Бўрк зар риштаси улким, ёнар бир неча тор андин,

Бузуғ кўнглумки атрофида ул юз шавқидин қондур,
Эрур вайронаеким, лолалар бутгай баҳор андин.

Не кирпичлар экин улким, тахайюл айламак бирла
Бўлур жисм ичра ҳар дам жоним андоми фиғор андин.

Қади нахлидин ўлсам, дўстлар, будур васиятким,
Бошим узра экиб сарве қилинг мили мазор андин.

Жафодин юмса кўз, таскин топар кўнглум ўти, гўё
Қарори йўқ кўзи ҳар дам олур сабру қарор андин.

Жаҳон баҳри эмиш муҳлик, туман минг шукрим, гарчи
Кўп урдум даступо, туттум валеқ охир қанор андин,

Навоий янглиғ ўлмиш хонақаҳ аҳли суруғ мажнун,
Магарким сархуш ўтмиш ул парий девонавор андин.

V — — — V — — — V — — — V — — —

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
ҳазажи мусаммани солим

Луғат

Ниҳон – ниҳон, махфий

Шарор – учқун, аланга

Муқаввас – эгилган, қайрилган; қавс шаклига ўхшатиш

Бўрк – бош кийим; қалпоқ, телпак; бўрк

Андом – 1) қадди-қомат, тан, бўй; бадан, жисм; 2) афт, башара, қиёфа; 3) оройиш, тартиб, ярашиғлиғ

Фиғор – 1) Жароҳатли, мажруҳ; дард тортган, алам кўрган; 2) жароҳат

Нахл – кўчат, ниҳол, ёш дарахт

Муҳлик – ўлдирувчи, ҳалок қилувчи, ҳалокатли

Даступо – қўл-оёқ

Қанор – қуйи, ён; тараф, томон; соҳил, қирғоқ

Суруғ – хода

Мажнун – 1) Лайлининг ошиғи; 2) жинни, ақлдан озган; эси паст; 3. ошиқ, маъшуқ

Сархуш – маст, кайф

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий тўққиз байтли “андин” радифли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсалдир. Ғазалда маъшуқа васфи ошиқ шарҳи ҳоли билан уйғун тарзда тасвирланган.

Ниҳон ишқингки кўнғлум ичра тушти юз шарор андин,
Ниҳоний доғлар қолмиш ичимда ёдгор андин.

Кўнғлим ичига юзлаб шуълалар тушган пинҳон ишқингдан ичимда яширин доғлар ёдгор бўлиб қолди.

Маъшуқага арзи ҳолини айтаётган ошиқ ишқингни ҳеч кимга айтмаганим – пинҳон тутганим сабаби кўнғлимда яширин доғлар пайдо бўлди ва сендан эсда қоларли хотира – висол, хурсандчилик эмас, афсуски, фақатгина ўша доғлардир, демоқда алам билан.

Байтда ниҳон ва ниҳоний сўзлари асосида иштиқоқ, шарор ва доғлар, кўнғлум ва ичим сўзлари воситасида икки ўринда тано-сиб, муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Муқаввас қошларингнинг нақшидин гирён кўзум бўлмиш,
Булутдекким, бўлур қавси қузаҳлар ошкор андин.

Қавссимон қошларинг нақшидан кўзларим ёшга ўлди, бу ҳолат булутдан қуз ёмғирларининг тўкилишига ўхшайди.

Навбатдаги байтда ҳам маъшуқага қилинаётган дил рози давом этади. Қавс шаклидаги қошларингни кўролмай, кўзларим доим ёшли бўлдилар ва бу ҳолат қуздаги қавссимон булутлардан ёмғир ёғишига ўхшайди.

Байтда тамсилнинг гўзал намунасидан ташқари, муқаввас ва қавс сўзлари орқали иштиқоқ, қошларингнинг нақши ва гирён кўзум бирикмалари орқали истиора, муболаға санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Бўлуптур сарвинозим ҳусн шамъи, бошида анинг,
Бўрк зар риштаси улким, ёнар бир неча тор андин.

Гўзалимнинг бошидаги бўркнинг зар иплари ёниб туриши билан сарвинозим ҳусн шамига ўхшаб қолди.

Навбатдаги байтда дил розидан маъшуқа мадҳига ўтилмоқда. Менинг гўзал ёрим ҳусн шамига ўхшайди, дейди шоир ва буни қуйидагича исбот қилади: бошидаги бўрқ (туркийлар бош кийими)нинг зар иплари ёниб турибди-ку, ахир.

Байтда ҳусн шамъи бирикмаси орқали истиора, муболағанинг табиғ даражаси яратилмоқда.

Бузуғ кўнглимки атрофида ул юз шавқидин қондур,
Эрур вайронаеким, лолалар бутгай баҳор андин.

У (гўзалнинг) юзига бўлган иштиёкимдан кўнглим атрофида қонлар бор, бу ҳолат баҳорда вайрона атрофига лолалар чиққанига ўхшайди.

Навбатдаги байт яна шарҳи ҳол тарзида келмоқда. Фақат энди ошиқ маъшуқасига эмас, балки ғазалхонга дардини айтмоқда. Байтда ошиқ ўз кўнглини вайронага қиёс қилмоқда ва унинг атрофи ҳижрон алами, соғинч ва ёр жафосидан қонга тўлганлигини тасвирлаб, бу ҳолат худди вайрона атрофини баҳорда лолалар қоплаб олишига ўхшатмоқда.

Байтда бузуғ кўнглим, юз шавқидин бирикмалари орқали икки ўринда истиора, лолалар ва баҳор сўзлари орқали таносиб ва тамсил санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Не кирпичлар экин улким, тахайюл айламак бирла
Бўлур жисм ичра ҳар дам жоним андоми фиғор андин.

Бу қандай киприклар эканки, уларни ўйлаган билан жисмим ичида жоним борлиғи жароҳат олади?!

Навбатдаги байтда яна маъшуқа гўзаллиги мадҳ этилмоқда. Кипригинг юрагимни жаҳроҳатлади, кипригинг жонимга қадалди деган, анъанавий ташбеҳларни кучайтирган Навоий киприкларини ўйлаганим заҳоти, жисм ичидаги жоним жароҳатланди, демоқда. Демак, ишқ ўти ошиқни шу даражада кучли ёндирмоқдаки, маъшуқани кўриш тугул унинг биргина киприкларини хаёлига келтирса ҳам, қалби азобда қолмоқда.

Байтда муболағанинг кучли даражаси – гулув ҳамда жисм ва жон сўзлари орқали таносиб санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Қади нахлидин ўлсам, дўстлар, будур васиятким,
Бошим узра экиб сарве қилинг мили мазор андин.

Қадди ниҳоли(нинг ҳасрати)дан ўладиган бўлсам, бошим устига сарв дарахтини экиб, мозорим милини унинг танасидан қилинг, деб васият қиламан.

Нима учун? Сабаби, қадди мавзун маъшукани ҳатто қабрда ҳам эслаб туриш учун сарв дарахтини ўз қабрига мил (туғ) бўлишини хоҳламоқда садоқатли жонфидо ошиқ.

Байтда қади нахли бирикмаси орқали истиора, нахл ва сарв сўзлари орқали таносиб ва одатдагидек, муболаға санъатларидан фойдаланилмоқда.

Жафодин юмса кўз, таскин топар кўнглим ўти, гўё
Қарори йўқ кўзи ҳар дам олур сабру қарор андин.

Жафодан кўз юмса(яъни ўлса) кўнглим ўти таскин топади, қарори йўқ кўзим ҳам шунда сабру қарор топади.

Навбатдаги байтда ҳам фидойи ошиқ ёр жафосидан ўлишга ҳам рози. Зора, шунда кўнгилдаги ишқ ўти уни безовта қилмаса. Маъшукани қидириб, қарор топмаган кўз ҳам, мангуга юмилгач, қарор топса. Ишқ ўтига чора тополмаган, ҳижронда маъшукасини бир кўришга зор бўлган ошиқ сўнгги чорани ўлимдан қидириши мумтоз адабиётда анъана ҳисобланиб, Навоий шу анъанани ўзига хос йўналишда қўлламоқда.

Байтда жафодан юмса кўз, кўнгил ўти, қарори йўқ кўз бирикмалари орқали истиора, кўз сўзи такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, қарор сўзи такроридан тақрир, кўнгил ва кўзни шахслантириш орқали ташхис ва албатта, муболағанинг ғулув даражаси ҳосил бўлмоқда.

Жаҳон баҳри эмиш муҳлик, туман минг шукрким, гарчи
Кўп урдум даступо, туттум валеқ охир канор андин.

Жаҳон денгизи ҳалокатли экан, миллион марта шукурки, кўп қўл уриб, бу денгиздан нажот соҳилини топдим.

Бу соҳил Навоий ижодининг асосини ташкил этган илоҳий ишққа интиломоқ, дунёдан воз кечиб, илоҳий гўзалликка муҳаббат қўймоқ ва инсон камолотига эришиш воситасида бу гўзалликка, камолотга яъни инсоннинг асл ўзлигига интиломоқдир.

Маъвиза байтда жаҳон баҳри бирикмаси орқали истиора, баҳр ва канор ҳамда кўп ва туман минг сўзлари орқали икки ўринда таносиб, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Навоий янглиғ ўлмиш хонақоҳ аҳли суруғ мажнун,
Магарким сархуш ўтмиш ул парий девонавор андин.

У пари сархушликдан девонаворлигини кўриб, Навоий каби барча хонақоҳ аҳли хода каби (қотиб) девона бўлади.

Матаъда Навоий яна ғазалдаги асосий мавзуга қайтмоқда ва маъшуқа мадҳи билан уни якунламоқда. Яъни, маъшуқасини майхонадан девоналарча сархушланиб чиққанини кўрган хонақоҳдаги ошиқлар ўша ерда – хонақоҳда ҳам худди май ичган каби қотиб қолдилар.

Байтда илоҳий маърифатдан баҳраманд комил инсон ва унинг камолотига интилан, лекин хонақоҳ тимсолидаги шаклу суратга ўралашиб қолган инсонлар назарда тутилган. Улар комил инсоннинг илоҳий маърифатдан не чоғлик баҳрамандлигини кўрганлари заҳоти танлаган йўллари хато эканлигини билдилар ва қалбларидаги ҳавас ишққа айланди. Ва улар орасида, албатта, Навоий ҳам бор эди!

Маъшуқа хижронидан задаликдан ҳосил бўлган трагик пафос билан бошланган ғазал, Навоий услубига хос тарзда орифона кўтаринки кайфият тасвири билан якунланмоқда.

Байтда парий ва девона сўзлари орқали таносиб, муболаға санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Умуман олганда, ғазал ошиқона ва орифона туйғуларнинг инъикосидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Дема меҳнат тоғининг Фарҳоди саргардонимен...”

Дема меҳнат тоғининг Фарҳоди саргардонимен,
Тоза юз минг доғ ила ул қулланинг қаплонимен.

Ламъаи рухсоридин парвонадек куйсам не тонг
Менки, йиллар ул малоҳат шамъи саргардонимен.

Хуснунгга ҳайрон эсам, келмас улус ҳайронлиғи,
Кимки ҳайронинг эмастур, мен анинг ҳайронимен.

Мен ўлар ҳолатдаву жон қасди айлар ул пари,
Одамийлиғ кўргузурким, бир нафас меҳмонимен.

Гар кўнгул бузди мени, ёр эрди боис шукрим,
Чуғзнинг йўқ, бир малоҳат ганжининг вайронимен.

Дайр пири тутса май, нўш этсам эрмас айбким,
Заҳр агар ич дерким, анинг бандаи фармонимен.

Телбалиқдин ақл сари истамиш зоҳид мени,
Эй Навоий, мунча нодон билмас эрдим ани мен.

– V – – V – – V – – V ~ (– V –)
фоилотун фоилотун фоилотун фоилон (фоилун)
рамали мусаммани мақсур (маҳзуф)

Луғат

Кулла – чўққи, тоғ чўққиси
Ламъа – шуъла, нур

Чугз – бойқуш, бойўғли

Малоҳат – 1) Гўзаллик, чирой, хусн; 2) тузи расо, келишган, мазали; татими ёқимли; 3) жозиба

Ганж – 1) Хазина, бойлик, ганж; 2) нақд, олтин, қумуш; 3) илм, билим, маъно; 4) мақсад, муддао; 5) қимматбаҳо сўзлар

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий етти байтли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал бўлиб, радифсиздир. Ғазалда лирик қаҳрамон – мен тасвири етакчи бўлиб, ошиқ қалб изтироблари унинг ўзи томонидан ҳикоя қилинади.

Дема меҳнат тоғининг Фарҳоди саргардонимен,
Тоза юз минг доғ ила ул қулланинг қаплонимен.

Машаққат тоғининг Фарҳодисан демагин, юз минглаб янги доғ билан у тоғнинг қоплониман гўё.

Матлаъда шоир тошйўнар Фарҳодга мурожаат қилмоқда. Зеро, унинг маъшуқаси Ширин учун Албурз тоғини тешиб, сув ёки сут келтиргани ҳақидаги ҳикоя кейинчалик рамзларга кўчган ва у бало тоғини йўнувчи, меҳнат тошлари бошига ёғилувчи, ғамзада ва бахтсиз ошиқ тимсолида қабул қилинган.

Ғазалнинг лирик қаҳрамони бўлган ошиқ ўзини Фарҳодга тенглаштириб ҳам кўнгли тўлмай, бу тоғларда умр ўтказувчи қоплонга қиёсламоқда. Биргина фарқи, қоплоннинг доғлари ташқарисида бўлади ва улар эгасига ҳеч бир зиён етказмайди. Ошиқнинг доғлари эса кўнглида бўлиб, улар маъшуқа жафоси, хижрон азоби, дўстларининг кераксиз насиҳат ва маслаҳатлари тўфайли янгиланиб боради.

Менимча, Навоий айнан қоплон образига мурожаат қилгани бежиз эмас. Қоплоннинг жуфтига садоқатли эканлиги ҳам бу ўринда аҳамиятли бўлиши керак.

Байтда Фарҳодга мурожаат қилиш орқали талмиҳ, меҳнат тоғи, қулланинг қоплони бирикмалари орқали истиора, муболаға ва ружуъ санъатларига мурожаат қилмоқда.

Ламъаи рухсоридин парвонадек куйсам не тонг
Менки, йиллар ул малоҳат шамъи саргардонимен.

Юзининг шуъласидан парвонадек куйсам ажаб эмаски, мен
йиллар давомида у малоҳат шамининг саргардонидирман.

Навбатдаги байтда бўлажак висол орзусини ошиқ “гўзалим-
нинг шамдек порлаб турувчи юзини кўриб, атрофида парвонадек
айлансам, ўзимни шу ўтга урсам, ажаб эмас, ахир мен уни кўра-
ман деб йиллар давомида сарсон-саргардон юрибман-ку?!” - дея
тасвирламоқда.

Байтда ламъаи рухсори, малоҳат шамъи бирикмалари орқали
истиора, парвонадек сўзи орқали ташбеҳ, муболаға санъатлари
яратилмоқда.

Хуснунгга ҳайрон эсам, келмас улус ҳайронлиғи,
Кимки ҳайронинг эмастур, мен анинг ҳайронимен.

Хуснига ҳайронман десам, одамлар менга ҳайрон қолади. Ким
унга ҳайрон қолмаса, нега ҳайрон эмас экан деб, мен ўша одамга
ҳайрон қоламан.

Навбатдаги гўзал санъаткорлик акс этган байтда юқоридаги
фикрнинг исботи акс этмоқда. Яъни, маъшуқамга парвонадек
интилишимнинг сабаби, унинг хусну жамолига ҳайронлигимдир,
демоқда улуғ шоир. Ҳайрат – муҳаббатнинг бошланишидир, асли.
Гўзалликка ҳайронлик, унга асирликни, асирлик эса муҳаббат-
ни пайдо қилади. Ҳайрат фақат покиза кўнгилда юзига келади.
Шунинг учун тоза кўнгилли ошиқ ишқсиз оломоннинг бефарқли-
гини тушунмай, “хуснунгга ҳайронлигимни кўриб, одамлар нега
ҳайрон бўлишади, тушунмайман”, демоқда. Ахир бундай гўзал-
ликка қараб, ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ, шундай экан,
сенинг пок хуснунгга кўриб, ҳайрон қолмаганларни кўриб, ҳай-
ратдан: одамми улар ёки ишқсиз эшак, дардсиз кесакми?!

Маъшуқа гўзаллигидан ҳайронлик ҳолати Навоийнинг севган
мотивларидан ҳисобланади. Мажнун маъшуқаси хуснидан ҳай-
ронликдан телбаликкача боради. Фарҳод ҳайратдан ҳар сафар
ёрига бокқанда ва ҳатто у ҳақда ўйлаганда ҳам, ҳушидан кетади.

Улуғ шоир лирикасида ҳам хайронлик мотиви кўп қўлланилган.
Шу девондаги 9- ғазалнинг машҳур:

Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам менга хайрону мен хайрон анга.

Матлаъси;
Хусни ортар юзда зулфин анбар афшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Матлаъли 98-ғазалдаги:
Ошкор айлаб юзин кўзумни хайрон айлади,
Ёшурун олди кўнгул кўзумни хайрон айлагач.

каби мисраларда маъшуқа гўзаллигига ошиқ хайрати ва бу хайратнинг акс-садоси бўлмиш кучли муҳаббат тасвирланган.

Байтда хайрон сўзи тақроридан тақрир санъатининг радд ул-хашв илал хашв, радд ул-хашв илал ажуз турларига ва муболағанинг талбиғ даражасига мурожаат этилган.

Мен ўлар ҳолатдаву жон қасди айлар ул пари,
Одабийлиғ кўрғузурким, бир нафас меҳмонимен.

Мен ўлар ҳолатдаману, у пари жонимга қасд қилмоқда. Бу билан бир лаҳзалик меҳмонга одамгарчилик кўрсатмоқда.

Навбатдаги байтда ошиқнинг хайратдан ўлар ҳолатга келиши муболағали тарзда тасвирланган. Лекин шунда ҳам жафокор махбуба ошиққа раҳм қилиш у ёқда турсин, жонига қасд қилишга чоғланади. Садокатли ошиқ эса шу ҳолатда ҳам маъшуқани айбламайди, балки унинг бу ҳатти-ҳаракатидан ҳам эзгу хулоса чиқаради: шу бир лаҳзалик меҳмондорчиликда ҳам у паридек гўзалим одамгарчилик қилиб, жон беришимни осонлаштирмоқда, дейди.

Байт гўзал қалбли ошиқнинг саф гўзалликка бўлган покиза ишқи ва садокати тасвиридир. Унда ўлар ҳолатда ва жон қасди айлар бирикмалари, пари ва одабий сўзлари орқали икки ўринда таносиб, муболағанинг гулув даражаси каби санъатлар яратилмоқда.

Гар кўнгул бузди мени, ёр эрди боис шукрим,
Чуғзнинг йўқ, бир малоҳат ганжининг вайронимен.

Кўнгил мени ёр туфайли хароб қилди, бироқ шукурки, бой-
кушнинг эмас, бир малоҳат хазинасининг вайронасиман.

Навбатдаги байтда ошиқнинг ўз кўнглидан хафа эканлиги
тасвирланмоқда. Бунинг сабаби эса яна маъшуқадир. Маҳбуба ту-
файли кўнгил ўз соҳибини расвойи жаҳон қилди. Бироқ садоқат-
ли ошиқ бир яна ўз маслагидида собит: бойқушдек бедавонинг эмас,
балки хусн хазинаси бўлган гўзал дастидан вайрон бўлганидан
шоддир.

Байтда жонфидо ошиқ садоқати тасвири яна бир парда кўта-
рилган ҳолда акс этмоқда. Байтда кўнгилни жонлантириш орқа-
ли ташхис, чуғз, ганж ва вайрон сўзлари воситасида таносиб ва
шартли тазод, малоҳат ганжи бирикмаси орқали истиора, мубо-
лағанинг таблиғ даражалари яратилмоқда.

Дайр пири тутса май, нўш этсам эрмас айбким,
Заҳр агар ич дерким, анинг бандайи фармонимен.

Майхона пири май тутсаю мен уни ичсам, айбга санамангки,
агар заҳар ич деса ҳам унинг фармонидаман.

Одатдагидек, матлаъдан олдинги маъвиза байтда, Навоий га-
зал мавзусидан чекинган ҳолда фалсафий фикрламоқда: майхона
соҳиби, яъни комил устоз менга илоҳий маърифатни таклиф этса,
мен уни жон-жон деб қабул қиламан, агар унинг кўлидан заҳар
бўлса ҳам, қайтармас эдим, демоқда. Чунки бундай маърифат
соҳибларидан фақат яхшилик келади.

Байтда дайр пири бирикмаси ва май сўзи орқали таносиб, май
ва заҳ(а)р сўзи орқали тазод, муболағанинг таблиғ даражаси яра-
тилмоқда.

Телбалиқдин ақл сари истамиш зоҳид мени,
Эй Навоий, мунча нодон билмас эрдим ани мен.

(Ишқ аро) телбалигимдан зоҳид мени ақл сари даъват этади,
эй Навоий мен уни бунча ҳам нодон деб ўйламаган эдим.

Мақтаъда Навоий лирик чекиниш байтидаги фикрини давом эттириб, ғазални якунламоқда. Яъни, маъшуқам жонимни сўраса ҳам, мамнуният билан туҳфа этишим ёки майхона пири узатган майни қабул қилишимни кўрган зоҳид (яъни тоат-ибодатни таъма билан пеш қилиб, жаннатни кўзловчи риёкор) буларни телбалик деб билиб, ақлингни йиғвол, дея маслаҳат берди, демоқда шоир. Мен унинг бунчалар нодон эканлигини билмагандим.

Бу ҳайратланишда ошиқнинг шунча арзи ҳолини тушунмаган, аксинча унга бемаъни насиҳатлари билан озор берган, мумтоз адабиётда риёкор иккиюзламачи қиёфасида рамзлашган зоҳидга, унинг нафақат иккиюзламачи, балки ишқни тушунмайдиган, одамларни фақат Худодан кўрқитиб, сохта ибодатга чақирувчи эканлигига нисбатан аччиқ киноя аксланмоқда.

Байтда телбалик ва ақл сўзлари орқали тазод, телба ва нодон сўзлари орқали эса таносиб, муболаганинг табиғ даражаси каби санъатларга мурожаат қилинмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал шоир қалбидаги илоҳий гўзалликка интилиш туйғусини гўзал санъатлар билан қолиплаган ихчам тасвири, дейиш мумкин.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Чекканда наққоши қазо ул сарви гулрух сувратин...”

Чекканда наққоши қазо¹ ул сарви гулрух сувратин,
Гўё беганмай² ташламиш тарҳ айлаб³ ой, кун ҳайъатин⁴

¹ Наққоши қазо – тақдир наққоши, бу ерда яратувчи, яъни азхалдан абад-шача бўлган тақдирни белгилаб берувчи Аллоҳ назарда тутилади (қаранг: Сажжодий, 640-бет.).

² Беганмак – қизғанмасдан, маъқул кўриб.

³ Тарҳ айламоқ – қизмоқ, ясамоқ.

⁴ Ҳайъат – шакл, кўриниш, сурат.

То жилва қилди ул санам⁵, Лайло сўзи бўлди адам⁶
Савдом ўти чеккач алам⁷, паст этти Мажнун шуҳратин.

Рухсор⁸ очиб ул сиймбар⁹, қоматни айлаб жилвагар¹⁰,
Ўздию кесди сарбасар¹¹ гул рағбатин, сарв улфатин.

Кўнглум юзунг бечораси, жоним лабинг хунхораси¹²,
Сўр, эй жаҳон айёраси, гоҳе аларнинг ҳолатин.

Тақво эви¹³ ҳамвор¹⁴ эрур, субҳам¹⁵ ипи зуннор¹⁶ эрур,
Уй кулбайи хаммор¹⁷ эрур, то кўрдум ул Чин луъбатин¹⁸

Жаннатқа қилмасмен нузул¹⁹, ул кўй аро топсам вусул,
Дўзахни айлармен қабул, аммо йўқ анинг фурқатин.

Айлаб салосил²⁰ орзу, ортар жунунум²¹ мў-бамў²²,
Ногаҳ насими²³ мушкбў²⁴ еткурса зулфунг²⁵ накҳатин²⁶.

⁵ Санам – бут. кўч. Маъшуқа; гўзал.

⁶ Адам – йўқлик.

⁷ Алам – байроқ; алам чекмоқ – байроқ кўтармоқ, намоён бўлмоқ.

⁸ Рухсор – юз, чеҳра, бет

⁹ Сиймбар – кумуш бадан, оқбадан; гўзал, маъшуқа

¹⁰ Жилвагар – жилва қилувчи, ўзини гўзал ва порлоқ суратда кўрсатувчи

¹¹ Сарбасар – бошдан-оёқ, бутунлай

¹² Хунхора – қон тўқувчи, одамқуш; золим, берахм

Тақво эви – тақво уйи, тақво қилинадиган жой

¹³ Тақво эви – тақво уйи, ақво қилинадиган жой

¹⁴ Ҳамвор – – теп-текис, баравар

¹⁵ Субҳа – тасбех

¹⁶ Зуннор – дарвишлар, зардуштийлар, насроний диндорлари белига
боғлаб юрадиган ришта

¹⁷ Ҳаммор – майфуруш, майхона

¹⁸ Луъбат – кўғирчоқ; санам, бут; кўч. гўзал маъшуқа

¹⁹ Нузул қилмоқ – кирмоқ, тушмоқ

²⁰ Салосил – силсила, халқа

²¹ Жунун – жиннилик

²² Мўбамў – соч (толаси)дан соч (толаси)гача

²³ Насим – шабада

²⁴ Мушкбў – мушк ҳидли

²⁵ Зулф – соч

Иш сиррин²⁶ оё ким билур, кимдин бу мушкил очилур,
Вахким, бу ғам муҳлик²⁷ қилур, ҳар лаҳза кўнглум ҳолатин.

Бўлғил, Навоий, рўбараҳ²⁸, қилғил фано кўйин²⁹ панаҳ,
Тарк айла зуҳду³⁰ хонақаҳ³¹, қил дайр пири³² хидматин.

--V-- --V-- --V-- --V--

мустафилун мустафилун мустафилун мустафилун
ражази мусаммани солим

Насрий баён

Тақдирларнинг безакчиси, наққоши, яъни яратувчи ўша гул
юзли, сарв қоматли гўзалнинг суратини чизганида, гўё ою куннинг
шаклу шамоийлини ҳеч қизганмасдан унга бергандир.

Ўша гўзал ўзини кўрсатганидан кейин, “Лайло” деган сўз ҳам
йўқолди, мендаги савдо олови авж олганидан кейин Мажнуннинг
шухрати пасайди.

Тани қумушдай гўзал юзини кўрсатиб, қоматини намойиш эт-
гач, гулнинг рағбатини узиб, сарвнинг улфат – шерикларини бу-
тунлай кесиб ташлади.

Кўнглим юзингни кўриш учун бечораҳол, жоним эса лабинг
иштиёқида, эй жаҳоннинг айёр қизи, гоҳда уларнинг ҳолатини
ҳам сўраб-суриштириб тургин.

Чинлик гўзални кўргандан кейин тақво уйи ҳамма учун баро-
бар, тасбеҳимнинг ипи зуннор (риштаси), уйим майфурушнинг
кулбаси бўлди.

Ўша масканга етишсам, жаннатга киришни ўйламайман, Ун-
дан айрилгандан кўра, дўзахни қабул қилганим яхшироқдир.

²⁶ Нақхат – муаттар ҳид, ёқимли ҳид

²⁷ Иш сирри – иш (ходиса)нинг сири, моҳияти

²⁸ Муҳлик – ҳалок қилувчи

²⁹ Рўбараҳ – рўпара

³⁰ Фано кўйи – фано манзили, йўқлик, ўзликдан кечиш даражаси;

³¹ Зуҳд – дунёвий нарсалардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан шуғулланиш

³² Хонақаҳ – масжид, сўфийларнинг йиғиладиган жойи; шайх ва дарвишларнинг йиғиладиган жойи

Сочларингдаги муаттар хидларни кутилмаганда саҳар шабадаси (димоғимга) етказса, банд (занжир)га тушиш орзусида жунун мунтазам ортиб боради.

Бундай сиру асрорларни ким билади, бу мушкил ким туфайли ечилади? Э воҳ, кўнглимни бу ғам ҳар лаҳзада ўлим ҳолатига етказди.

Навоий, рўпара бўлгин-да, фано гўшасини ўзингга паноҳ деб бил, (юзаки) тоат-ибодатни, (тажрибасиз) сўфийлар жам бўлади-ган жойларни тарк этгину ҳақиқий йўл бошловчилар хизматини адо этгин.

Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазал олам гўзаллигини қайд этиш билан бошланади. У ўз-ўзича гўзал бўлиб қолган эмас. Бу гўзалликнинг яратувчиси бор. Бу гўзаллик ҳайрат ва эътиборларга лойиқдир:

Чекканда наққоши қазо ул сарви гулрух сувратин,
Гўё беганмай ташламиш тарҳ айлаб ой, кун ҳайъатин.

Тақдирларнинг безакчиси, наққоши (истиора), яъни яратувчи ўша гул юзли, сарв қоматли гўзалнинг суратини чизганида, гўё ою кўннинг (таъдид) шаклу шамойилини ҳеч қизғанмасдан унга берган (ташбеҳ). [Аллоҳ пири муршидни рўпара қилганидан кейин олам – яратганнинг тажаллийси ниҳоятда гўзал кўрина бошлади].

То жилва қилди ул санам, Лайло сўзи бўлди адам
Савдом ўти чеккач алам, паст этти Мажнун шуҳратин.

“Санам” – мутлақ борлиқ олам мазҳари, яъни ҳақ тимсолидир. Шундай экан, бутпарастлик тасаввуфда ҳақпарастликдир³³. Баъзилар, илоҳий сифат тажаллийсининг намоён бўлишидаги руҳий ҳақиқат деб биладиларки, унинг маъноси пир, муршид ва комил инсондир. Ҳақиқий ишқ ўзидан бошқа ҳамма нарсани ҳаёлдан нари суради, аниқроғи севган кўнгил учун ҳақдан бошқа нар-

³³ Дайр пири – майхона бошлиғи;

са қолмайди. “Лайло” сўзи бўлди адам”ни шу маънода тушуниш жоиз. Бунда рухоний устунлик натижасида иккинчи даражали нарсалар, моддий дунё ҳақидаги тушунчаларнинг йўқолиши ҳам назарда тутилади. Ошиқдаги савдо олови авж олганидан кейин Мажнуннинг шуҳрати пасайди.

Оламдаги хилма-хилликларнинг барчаси ягона ҳақиқатнинг намоён бўлиши, холос. Пири муршиднинг шарофати билан солиқ олам ҳақиқати сирларини англай бошлагач, мана шу хулосага келади:

Рухсор³⁴ очиб ул сиймбар³⁵, қоматни айлаб жилвагар³⁶,
Уздию кесди сарбасар³⁷ гул рағбатин, сарв улфатин.

Тани кумушдай гўзал юзини кўрсатиб, қоматини намоиш этгач, гулнинг рағбатини узиб, сарвнинг улфат – шерикларини бутунлай кесиб ташлади. Яъни донишманд устознинг олам сирларини очиб беришлари туфайли моддий олам ҳодисаларининг маъносизлиги аён бўла бошлади.

Кўнглум юзунг бечораси, жоним лабинг хунхораси³⁸,
Сўр, эй жаҳон айёраси, гоҳе аларнинг ҳолатин.

Кўнглим юзингни кўриш (олам сирларини англаш) учун бечораҳол (иштиёқманд), жоним эса лабинг (сендан келадиган муждалар) иштиёқида, эй жаҳоннинг айёр қизи, гоҳида улар (кўнгил ва жон)нинг ҳолатини ҳам сўраб-суриштириб тургин.

Тақво эви³⁹ ҳамвор эрур, субҳам⁴⁰ ипи зуннор эрур,
Уй кулбайи хаммор⁴¹ эрур, то кўрдум ул Чин луббатин⁴²

³⁴ Сажжодий. С.534.

³⁵ Қаранг: Сажжодий, 534-бет

³⁶ Рухсор – юз, чехра, бет.

³⁷ Сиймбар – кумуш бадан, оқбвдвн; гўзал, маъшуқа

³⁸ Жилвагар – жилва қилувчи, ўзини гўзал ва порлок сурагда кўрсатувчи.

³⁹ Сарбасар – бошдан-оёқ, бутунлай.

⁴⁰ Хунхора – қон тўкувчи, одамқуш; золим, бераҳм.

⁴¹ Тақво эви – тақво-уйи, тақво қилинадиган жой.

⁴² Ҳамвор – теп-текис, баравар.

Чинлик гўзал (ориф инсон)ни кўрганимдан кейин такво уйи ҳамма учун баробар, тасбеҳимнинг ипи зуннор (риштаси), уйим майфуруш (илоҳий билимлар тарғиботчиси)нинг кулбаси бўлди.

Жаннатқа қилмасмен нузул⁴³, ул қўй аро топсам вусул,
Дўзахни айлармен қабул, аммо йўқ анинг фурқатин.

Ўша масканга етишсам, жанатга киришни ўйламайман, Ундан айрилгандан кўра, дўзахни қабул қилганим яхшироқдир.

Айлаб салосил⁴⁴ орзу, ортар жунунум⁴⁵ мў-бамў⁴⁶,
Ногаҳ насими⁴⁷ мушкбў⁴⁸ еткурса зулфунг⁴⁹ нақҳатин⁵⁰.

Сочларингдаги муаттар ҳидларни кутилмаганда саҳар шабадаси (димоғимга) етказса, банд (занжир)га тушиш орзусида жунуним мунтазам ортиб боради.

Иш сиррин⁵¹ оё ким билур, кимдин бу мушқил очилур,
Ваҳким, бу ғам муҳлик⁵² қилур, ҳар лаҳза кўнглум ҳолатин.

Бундай сиру асрорларни ким билади, бу мушқил ким туфайли ечилади? Э воҳ, кўнглимни бу ғам ҳар лаҳзада ўлим ҳолатига етказди.

Бўлғил, Навоий, рўбараҳ⁵³, қилғил фано кўйин⁵⁴ панаҳ,
Тарк айла зуҳду⁵⁵ хонақаҳ⁵⁶, қил дайр пири⁵⁷ хидматин.

⁴³ Субҳа – тасбеҳ.

⁴⁴ Зуннор – дарвишлар, зардуштийлар, насроний диндорлари белига боғлаб юрадиган ришта.

⁴⁵ Хаммор – майфуруш, майхона

⁴⁶ Лўбат – кўғирчоқ; санам, бут; кўч. гўзал маъшуқа.

⁴⁷ Нузул қилмоқ – кирмоқ, тушмоқ

⁴⁸ Мушкбў – мушқ ҳидли.

⁴⁹ Зулф – соч.

⁵⁰ Нақҳат – муаттар ҳид, ёқимли ҳид.

⁵¹ Иш сирри – иш (ҳодиса)нинг сири, моҳияти.

⁵² Салосил – силсила, халқа.

⁵³ Жунун – жиннилик,

⁵⁴ Мў-бамў – соч (толаси)дан соч (толаси)гача.

⁵⁵ Насим – шабада.

⁵⁶ Мушкбў – мушқ ҳидли.

⁵⁷ Зулф – соч;

Навоий, рўпара бўгин-да, фано гўшасини ўзингга паноҳ деб бил, тоат-ибодатдан, сўфийлар жам бўладиган жойларни тарк этгину ҳақиқий йўл бошловчилар хизматини адо этгин.

Боқижон ТЎХЛИЕВ

“Вафо аҳлиға даврондин етар жавру жафо асру...”

Вафо аҳлиға даврондин етар жавру жафо асру,
Жафосидин анинг озурдадир аҳли вафо асру.

Буким, аҳли вафо ноёб эрурлар андин эркинким,
Бу эски тоқ аларға ёғдирур гарди бало асру.

Фалак дарди иложи чиқмай андин кимса топмайдур,
Магар ноёб эрур ул ҳуққа ичра бу даво асру.

Гаронжонлиғни қўй, жон бер, тилар бўлсанг дури мақсуд –
Ки, оламда оғирдур ушбу жавҳарға баҳо асру.

Фидо жонимни айлаб, олам аҳлидин тамаъ қилдим –
Вафо, астағфируллоҳ, қилган эрмишмен хато асру.

Ризо аҳлин сиёсат тигидин қўрқутмағил, эй шаҳ –
Ки, қатлингдин сенинг қўрқарға ўлмайдур гадо асру.

Табиат чоҳидин рухунгни қутқарким, ҳуш эрмастур
Қафас қайди аро бўлбулға бўлмоқ мубтало асру.

Чу кавсар жоми.зикри қилмади рафъ ўзлугум қайдин,
Бу ранжимға ҳамоно нафъ этар жоми фано асру.

V --- V --- V --- V ---

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
хазажи мусаммани солим

Ҳавойи гулшани қудс эт, Навоийким, хуш эрмастур
Зағанлар бирла бу гулшанда бўлмоқ бенаво асру (ҒС, 506).

Вафо аҳлининг қисмати жафо эканлиги ҳақидаги қарашлар Алишер Навоий ғазалиётида етакчи ўрин тутади. Вафо аҳли бу – ўзини англаган солиҳ инсонларнинг умумлашма тимсоли. Бу тоифага яхши одамлар, оқил кишилар, содиқ ошиқлар ва бошқа қалби маърифат зиёсию эзгулик ёғдусига ошно зотлар киради. Уларнинг бошига қисмат ҳамиша бало тошини ёғдиради, замон уларга боқмайди одамлар уларни тушунмайдилар ва таъна-маломат қиладилар:

Вафо аҳлига даврондин етар жавру жафо асру,
Жафосидин анинг озурдадир аҳли вафо асру.

Бу даврон кўпроқ вафо аҳлининг қалбини яралайди, чунки улар ҳаётнинг мазмун-моҳиятини теран англайдилар ва шу сабабли кўпроқ қийналадилар, ҳар нарсани кўнгилларига яқин оладилар.

Вафо аҳлининг сардафтари эканлиги жиҳатидан жафо аҳлининг зулму бедодига ҳаммадан кўп дучор бўлганлиги учун ҳам Навоийнинг дарду аламлари чегара билмайди, бу тоифани танқид қилиш шоир ижодининг асосий мотивини ташкил этади. Жумладан, “Маҳбуб ул-қулуб”да ўқиймиз:

“Ҳар кимгаким, бир вафо кўргуздум, юз бевафолиғ кўрмагунча қутулмадим. Ва ҳар ким билаким бир меҳру муҳаббат ойини (расми – Э.О.) туздум, минг жавру мазаллат (хорлик – Э.О.) тортмагунча халос бўлмадим.

Байт:

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим,
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.

Давр бевафолари жавридин дод ва даҳр (дунё – Э.О.) беҳаёлари зулмидин фиғону фарёд! То олам биносидур (яралибдики

– Э.О.), бу ўтга ҳеч киши менча ўртанмайдур, то бевафолиғ иб-тидосидур (пайдо бўлибдики – Э.О.), бу ёлинг (оташда – Э.О.) ҳеч ким мендек чурканмайдур (қоврулмайди – Э.О.). Замон аҳли бевафолиғидин кўксумда туганлар (жароҳатлар – Э.О.) ва даврон хайли (эли – Э.О.) беҳаёлиғидин бағримда тиканлар, ҳар қайсиға рақам урай десам, Айюб сабри анга вафо этмас ва қалам сурай десам, Нух умрида тамомға етмас” (Яъни, мен кўрган жафоларни бир-бир баён айласам, уни эшитишга сабр тимсоли бўлган Айюб пайғамбарнинг ҳам тоқати етмайди, Нух алайҳиссалом каби 950 йил яшасам-да, бу узун умр чеккан ранжларимни ёзиб чиқиш учун камлик қилади).

Буким, аҳли вафо ноёб эрурлар андин эркинким,
Бу эски тоқ аларға ёғдирур гарди бало асру.

Ҳадисларда айтилишича, Аллоҳ таоло балонинг энг каттасини аввал ўз пайғамбарларига юборади, кейин валийларга, ундан сўнг навбати билан. Шунга ишора қилиб, шоир ёзадики, бу кўҳна фалак вафо аҳлининг бошига кўп дарду бало ёғдиради, улар бу дарду бало остида эзилиб, баъзан йўқолиб кетадилар. Шунинг учун бу тоифа жуда ноёб ҳисобланади.

Фалак дарди иложи чиқмай андин кимса топмайдур,
Магар ноёб эрур ул ҳукқа ичра бу даво асру.

“Фалак деб аталган бу қутида мазкур дардга даво бўладиган дорининг топилиши жуда қийин, у ўта ноёб бўлиб, бунинг учун аввало фалакнинг дардига даво топиш керак, бусиз бирор кимса ундан бу нарсани тополмайди”. Бошқача айтганда: “Дунёни қайта бошдан мақсадга мувофиқ қилиб қурмагунча бу дарднинг давосини топиб бўлмайди. Чунки вафо аҳлининг қалбини пора-пора қилган нарса айнан фалак гардишининг инсон орзу-истакларига қарама-қарши айланишидир”.

Бундай фалакни бошдан-оёқ қайта қуриш ҳақидаги исёнкоро-на фикрлар Шарқ шоирлари ижодида кўп учрайди. Чунончи, Хўжа Ҳофиз ёзган эди: .

Биё, то гул барафшонему май дар соғар андозем,
Фалакро сақф бишкофему тарҳе нав андозем⁵⁸.

“Кел, то гул ўйнаб, қадаҳга май қуяйлик. Фалакнинг томини бузиб, уни янги лойиҳа асосида қайта қурайлик”. Бошқача айтганда: “Баҳор фаслида май ичиб, гуллар хидидан баҳра олайлик. Бу эски фалакни бузиб, уни янгидан тузайлик”.

Айни ғазал таъсирида ёзган форсий ғазалида Навоийнинг ўзи ҳам:

Баҳорон гар ба гулшан тарҳи жому соғар андозем,
Беҳ ар ин сақф бишкофему тарҳи нав дарандозем (ДФ, 395), –

деб ёзади. Яъни: “Баҳор фаслида агар гулшанда қадаҳ ва май базмини тузгудай бўлсак, бу кўҳна фалак иморатини бузиб, уни янгидан бино қилсак, маъкул бўлар эди”.

Гаронжонлиғни қўй, жон бер, тилар бўлсанг дури мақсуд –
Ки, оламда оғирдур ушбу жавҳарга баҳо асру.

“Мақсад гавҳарини тиласанг, сусткашликни қўй, тезроқ жон бер. Чунки бу оламда мазкур гавҳарнинг баҳоси кўп улкан”.

Мазкур байт тасаввуфий мазмунда бўлиб, асл мақсадни, яъни Аллоҳ ризоси, илоҳий маҳбуба висолига етишишни истасанг, унинг бу дунёдаги баҳоси улкан – унга фақат жон эвазига харидор бўлиш мумкин. Чунки илоҳий маҳбуба васлига ошиқнинг жисми эмас, балки унинг камолотга эришган руҳи восил бўлади.

Фидо жонимни айлаб, олам аҳлидан тамаъ қилдим
Вафо, астағфируллоҳ, қилган эрмишмен хато асру.

Бу байтда шоир кучли алам ва ўткир киноя билан: “Жонимни фидо қилиб, олам аҳлидан вафо талаб этибман. Астағфируллоҳ, хато қилибман: нима, олам аҳлида вафо йўқлигини билмас эдимми?!” – дейди. “Бу дунё шунақанги телба-тескари яратилганки, –

⁵⁸ Нақҳат – муаттар хид, ёқимли хид.

деб ёзади Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида бу борадаги фикрларини давом эттириб, – ҳар бир яхшилик ўз ортидан камида ўнта ёмонликни бошлаб келади, ҳар вафо юз жафога сабаб бўлади, дуо қилган қарғиш олади” ва ҳоказо.

Ризо аҳлин сиёсат тигидан қўрқутмағил, эй шах –
Ки, қатлингдин сенинг қўрқарга ўлмайдур гадо асру.

Ризо аҳли – ризо мақомини ўтиб, Ҳаққа бўйсунган ва ундан келадиган ҳамма нарсани мамнуният билан қабул қиладиган ва ўзи ҳам Ҳақни рози қилишга аҳд қилган илму ахлоқда етук инсонлар, шайху сўфийлар, валийлар. Ўзларини Аллоҳ йўлига бағишлаган бу тоифани дунё ташвишлари заррача қизиқтирмайди. Улар амалга интилмайди, давлатга ҳам берилмайди. Шунинг ҳам шоир ёздики, бу тоифани сиёсат билан қўрқитаман, деб беҳуда уринма, эй шох, гадо сенинг қатлингдан унча чўчимагани каби ризо аҳли ҳам дағдаганга парво қилмайдилар.

**Табиат чоҳидин руҳингни қутқарким, хуш эрмастур
Қафас қайди аро булбулга бўлмоқ мубтало асру.**

“Руҳингни жисм зиндонидан қутқарким, булбулнинг узоқ вақт қафасга банди бўлиши яхши эмас”.

Булбулнинг макони боғу роғлар бўлгани каби руҳнинг ҳам асл макони Арши аъло – жаннат боғларидир. Бу мақомга сазовор бўлиш учун руҳ юксалиши ва жисм қафасидан озод бўлиши керак.

**Чу кавсар жоми зикри қилмади рафъ ўзлутум қайдин,
Бу ранжимга ҳамоно нафъ этар жоми фано асру.**

“Кавсар жомининг зикри менинг ўзлимим бандидан халос айламади. Бу ранжимга фано жоми кўпроқ нафъ этадиганга ўхшайди”.

Кавсар – жаннатдаги ажиб бир чашма ёки ҳовуз. Тафсир ва ҳадисларда айтилишича, “унинг суви асалдан тотли, қор ва сутдан оқ бўлиб, ундан ичган киши абадий ташналик кўрмайди”⁵⁹.

⁵⁹ Иш сирри – иш (ҳодиса)нинг сири, моҳияти.

Ўзлик – инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги. Улар ҳар лаҳза кишига ўзлигини эслатиб, уни Худо йўлидан чалғитади. Ўзликни маҳв этиб, фоний бўлиш Навоий ғазалиётининг ўқ илдизини ташкил этади. Кўнгил то дунёвий муҳаббатдан мосуво бўлмай туриб, унга илоҳий ишқ ташриф буюрмаслиги учун ҳам шоир “Ўзлугумдин ўзга ул юзга ҳижобе топмадим”, дейди бошқа бир ғазалида.

Фано – ўзликдан, яъни моддий нарсалардан буткул узилиб, руҳиятга боғланиш. У – тариқатнинг ниҳояси, натижаси. Навоий назарида, фано даштига кириш учун “ўзни ўзликдан озод айлаш”, “зодсизлиқ зодини омода” этиш керак. Бу – озиқсизликни озиқ билиш, яъни руҳий озиқнинг ўзи билан кифояланиш, Ҳақдан ўзгасига эҳтиёжсизлик демак. Фано мақомига етган инсон наздида йўқлик билан борлик баробар бўлади. Ўзлигидан қутулиб, руҳини юксалтирган, бутун фикру зикрини ёлғиз Аллоҳга қаратган кишилар ана шундай юксак мақомга қўтариладилар. Бинобарин, шоир айтмоқчи: “Зоҳирий тоат-ибодатлар ва улар эвазига эришиладиган кавсар майи мени ўзлимиз занжиридан халос этмади, яъни бу дунё, нафс ва жисм муҳаббати ва тўсиқларидан қутқазмади. Бу азобларга фонийлик жоми – моддиятни тарк этиб, руҳиятга боғланиш, дунё севгисини енгиб, илоҳий ишққа эришишгина кўпроқ наф келтиради”.

Маълум бўладики, Навоий жаннат умидидаги тоат-ибодатлар мени бу дунё ташвишларидан буткул халос этмади. Мақсадга етиш учун тариқатга кириб, риёзат босқичларини босиб ўтишим ва фано бўлишим керак, демоқчи. Сабаби: инсоний камолотнинг асосий йўли тариқат бўлиб, шариат унинг дастлабки, тайёргарлик босқичи. Чинакам комилликни истаган киши бу босқичда қолиб кетмаслиги, бир етук пирга қўл бериб, тариқатга кириши лозим. Зеро, шариат зоҳирий покланиш қоидалари мажмуидан иборат бўлса, тариқат ботиний покланиш йўлидир. Шунинг учун ҳам машҳур тасаввуф шайхи Абдуллоҳ Ансорий: “Шариатни – жисм, тариқатни – дил, ҳақиқатни – жон деб ҳисобла”, – деган эди. Бунда у шариатни инсон танасининг ибодати, тариқатни эса қалб ибодати, деб кўрсатган.

Шарқ фалсафаси ва адабиётининг билимдонларидан Нажмиддин Комиловнинг ёзишича: “...тариқат ва ҳақиқат ботиний покланишнинг зарурий эҳтиёжи, шариат даражаси қониқтирмайдиган,

жондан кечиб ишқ шаробини ичишга тайёр турган алоҳида шахсларнинг танлаган йўлидир. Бундай одамларнинг Ҳақ сари интилиши шу даражада кучлики, уни муайян чорчўбаларда сақлаш ва сиғдириш мумкин эмас”⁶⁰.

Ҳавойи гулшани қудс эт, Навоийким, хуш эрмастур
Зағанлар бирла бу гулшанда бўлмоқ бенаво асру.

Гулшани қудс – поклик олами, илоҳий олам.

“Эй Навоий, поклик олами ҳавасини қилгилки, бу дунёда зоғлар билан овора бўлиб, умрни беҳуда ўтказиш, шу тариқа илоҳий насибадан бебаҳра қолиш яхши эмас”.

Бу байт шоирнинг: “Дунё – зоғу зағанлар маскани, агарки сен – булбул бўлсанг, ундан учиб чик”, – мазмунидаги қуйидаги мисраларига ҳамоханг:

Эй Навоий, даҳр боғидин қутулмоқ истаким,
Булбул учқан яхшироқ зоғу заған маъвосидин.

Эргаш ОЧИЛОВ



“Ёр мустағнию муҳлик ғами ҳижрон асру...”



Ёр мустағнию муҳлик ғами ҳижрон асру,
Оҳким, қолмишам ўз ҳолима ҳайрон асру.

Рахналар солди ўқунг касрати кўнглум уйига,
Ул ёгин айлади бу қулбани вайрон асру.

Эй рафиқ, ўқини захмимдин агар чектинг, лек
Етадур жонима кўнглумдаги пайкон асру.

⁶⁰ Муҳлик – ҳалок қилувчи, ўлдирувчи.

Шайх таклифи намоз этти, вале билмаским
Ишқ тийғи ярасидин борадур қон асру.

Ноз этиб ғамза ўқин гар отар, эй жон, асра
Ким, отар ғамза ўқин ноз ила жонон асру.

Ғусса жомики бу давр ичра лаболабдур, ани
Ваҳки, бот-бот тутадур соқийи даврон асру.

Эй Навоий, дема иқболи бақо мушқил эрур,
Фоний ўлғанға эрур ушбу иш осон асру.

—V— VV— VV— —

фоилотун фаилотун фаилотун фаълун
рамали мусаммани маҳбуни мақтуъ

Луғат

Мустағни – эҳтиёжсиз, бадавлат, ҳожатсиз

Муҳлик – ҳалокатли, ҳалок қилувчи, ўлдирувчи

Асру – жуда, кўп, беҳад

Касрат – кўплик, мўллик, сероблик

Раҳна – дарз, ёриқ, тешиқ

Ёғин – қор, ёмғир, ёғингарчилик

Рафиқ – дўст, ҳамдам, улфат

Заҳм – яра, жароҳат

Пайкон – камон ўқининг учидаги учлик темир; тиконнинг ўт-
кир учи

Тийғ – тиг, найза

Ғамза – ишва, ноз

Ғусса – ғам, қайғу

Лаболаб – лиқ тўла

Соқий – май қуювчи, косагул

Бақо – абадийлик, мангулик, доимийлик

Насрий баён

Ёр бизга эҳтиёжсизу ҳалокатли ҳижрон ғами ҳаддан ортиқ, оҳки, бу аҳволга тушганимдан ўз ҳолимга беҳад ҳайронман.

Кўнглим уйига ишқинг ўқи дарз, ёриқлар солди, ёмғир торларидек кўнглим кулбасини вайрон айлади.

Эй дўст, ўқдан етган жароҳатлар оғриғини чектинг, лекин жонимга кўнглимдаги ўқлар ҳам етарди. Сенинг ишқингда етган озорлар кифоя эди.

Шайх намозни таклиф этди, покиза бўлиш керак, лекин ишқ тигидан бўлган ярадан қон оқиб бораётганини билмайди.

Гўзал ноз билан ишва ўқини отар бўлса, эй жон, ўзингни асра, жонон ғамза ўқини нозланиб беҳад қаттиқ отади.

Гусса жоми айни дамда лиқ тўлганки, лекин соқийи даврон бу жомдан яна тез-тез тутишда давом этади.

Эй Навоий, боқий толеъ исташинг мушкулдир, фоний ўлганга ушбу иш жуда осондир.

Шарҳ ва изохлар

Радфидаги *асру* сўзи араб алифбосида вов ҳарфи билан ёзилгани учун, ғазал *вов* ҳарфига мансуб қатордан ўрин олган. Ғазал тузилишига кўра воқеабанд байтлардан ташкил топган бўлиб, *ҳижрон*, *ҳайрон*, *вайрон*, *пайкон*, *қон*, *жонон*, *даврон*, *осон* сўзлари асосида қофияланиб келган. Ҳар байт охирида келувчи *асру* радифи мазмуннинг кучайишига таъсир кўрсатган. Ғазалнинг асосий мавзуси ошиқ ва бепарво ёр жафосидан етадиган ишқ озори.

Ёр мустағнию муҳлик ғами ҳижрон асру,
Оҳким, қолмишам ўз ҳолима ҳайрон асру.

Ёр мустағнию, деб бошланар экан, бу ўринда *мустағни* сўзининг маъноси ғани, бадавлат, бошқа нарсаларга эҳтиёжманд эмас, ҳожатсиз маъноларини англатади. Яъни, маъшук ошиққа муҳтож эмас, унинг борлиғига парво ҳам қилмайди. Ёрнинг бепарволигидан ошиқнинг азобда ғам-ташвишлари беҳад кўпайиб боради.

Ишқда ўртанаётган, қийин ҳолатга тушган ўз аҳволига ҳайрон ошиқ, оҳки, деб ёнаётган жисмидан нола чиқаради. Матлаъдаги фикр кейинги байтларда давом этган. Ёр тасвирига эмас, ёрдан етаётган жафолар туфайли ҳалокатли ҳолатга яқинлашган ошиқ – лирик қаҳрамоннинг аҳволини тавсифлаш устунлик қилади.

Рахналар солди ўқунг касрати кўнглум уйига,
Ул ёгин айлади бу кулбани вайрон асру.

Тасаввуфда кўнгил уйга ўхшатилади. Бу уйдан ишқ маскан топади, унда ўрнашади, яшайди. Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-васат” девонидаги “Раҳм этиб, эй дўстлар, мажруҳ кўксумни ёринг, Қўл яланг айлаб солиб ҳар ён ичимни охторинг” матлаъли ғазалида ҳам кўксимни ёриб, кўнглимни изланг, уни тортиб олиб, ҳайдаб солинг, деган фикрлар тадрижий давом эттирилган. Ушбу маънодаки, кўнгилда ишқ маскан топган. У вафоли ёр жафосидан роҳатда эмас, балки ишқ уни ёндириб, кўксини тиглаб, танани азоблайди.

Байтда яна касрат сўзи ҳам қўлланган бўлиб, касрат кўплик маъносини англатади. Ўқунг касрати мажозий маънода ҳадсиз ёғилаётган ўқларни билдиради. Яъни, ёрнинг ҳар қарашлари танани тешиб, кўнгилга оғриқ беради. Натижада, ёр томонидан ёғилаётган ўқлар кўнгил уйини илма-тешиқ қилиб юборди, ёриқлар солади. Бу ёриқлардан кўнгил кулбаси вайрон бўлди, ташландиқ ҳолатга етди. Эй дўст, деб ўз жонига мурожаат қилади, ўқнинг яраларидан оғриқ чектинг, лекин кўнглимдаги пайконлар оғриғи ҳам сенга етар эдику! Жисм ўзи кўнгилдаги оғриқдан азобланиб юрган эди, ёрдан келаётган ҳар бир жафо тиғи баттар оғриқни кучайтирмоқда.

Шайх таклифи намоз этти, вале билмаским
Ишқ тийғи ярасидин борадур қон асру.

Ошиқнинг дардли ҳолини кўрган шайх намоз ўқиб, покиза бўлишни, юклардан халос бўлишни таклиф этди, лекин ишқ тиғи ярасидан қон оқиб бораётганини билмайди, дейди ошиқ. Тасаввуфда намоз – ошиқликни билдириш маъносини англатади.

Яъни, ошиқ ўз ишқини ошкор қилиш учун ҳали тайёр эмас. Қон таклифни бажаришга имкон бермайди. Кейинги байтда шоир бир фикрни икки мисрада ҳам такрорлайди, фикрни кучайтиради. Ёрнинг ҳар боқиши жонларга офат, киприклари билан ошиқ юрагини жароҳатлайди, дейилади. Ғамза билан нозланиб ўқларини отар бўлса, эй жон ўзингни асра, чунки жонон ноз билан ўқларини беҳад қаттиқ отадик, бунга чидаш мушкул.

Ғусса жомики бу давр ичра лаболабдур, ани
Ваҳки, бот-бот тутадур соқийи даврон асру.

Кўнгил жомга, идишга ўхшатилади, яъни жомга май қуйилганидек, кўнгилга ишқ-муҳаббат қуйилади. Бу ўринда ошиқ қалбида дард-қайғу шу даражада лиммо-лим тўлганки, соқийи даврон – май қуювчи фалак бу ғуссага тўлган кўнгилга яна-яна қуйишда давом этади. Жом бу ғусса майини ғамлашга ожиз, тошиб бормоқда. Табиийки, қайнаб-тошгач зоҳирда ўзини намоён этиб қўяди, ички дард танага оғриқ беради.

Эй Навоий, дема иқболи бақо мушkil эрур,
Фоний ўлганга эрур ушбу иш осон асру.

Эй Навоий, боқий саодат тилама, бу мушкул ишдир, қачонки ишқда фоний бўлсанггина ниятингга осонлик билан эришасан, деб ғазалга якун ясайди шоир. Матлаъдаги байтлар бошланиб, ривож топиб, мақтаъда ечимга қараб борган ва хулосавий фикрлар билан якун топган. Ғазалда тавсифланган ишқ, маъшук, ошиқ ҳолатини дунёвий ва тасаввуфий маънода ҳам шарҳлаш мумкин. Қачонки, инсон ўзлукидан кечса, мажозий ишқда ўзини топса, ҳақиқий ишқни топган бўлади.

Озода ТОЖИБОЕВА



“Юзунгда май гули ё гул очилган бўстондур бу...”



Юзунгда май гули ё гул очилган бўстондур бу,
Гулунгда қатра хай бўстондағи судин нишондур бу.

Кўзумда қатра қонлар боғлаган эрмас ҳамоноким,
Назар боғида шавқингдин очилган аргувондур бу.

Эмас васлинг тилаб учқан кўзум атрофида кирпик
Ким, ул дарёйи қушларға қамишдин ошёндуру бу.

Кўнгулдин чиққан оҳим айлар афзун халқ савдосин
Ки, шайдолиғ диёридин етишган қорвондур бу.

Қизил рағлар кўзумда кўрган анғлар ашқ селинким,
Оқарға келган ул йўллар била ҳар сари қондур бу.

Лабиндин хастадур кўнғлум, дам очма, эй Масих, ўтким,
Иложин юз сенингдакнинг беганмас нотагондур бу.

Қуюндек дашт аро кўрсанг мени, кўп қочмаким, ҳар дам
Бошингга эврулур сарғаштайи бехонумондур бу.

Кўнгул майхона роми, хотирим хуш май батидинким,
Мунга руҳул-аминдур ул, анга дорул-амондур бу.

Дема, ҳижрон туни ҳар дам етар ул ойға фарёдим,
Ул ой фарёдинга етмас, Навоий, не фиғондур бу.

V — — — V — — — V — — — V — — —

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
ҳазажи мусаммани солим

Луғат

Хай – тер, арақ
Арғувон – қизил гул
Кирпик – киприк
Ошён – ин, уя; маскан, турар жой
Афзун – ортиқ, зиёда, кўп
Рағ – томир, пай, қон томири
Ашк – кўз ёши
Масих – Исо пайғамбар
Беганмас – тан олмаслик
Саргашта – сарсон, овора; саргардон
Бехонумон – сарсон-саргардон, бечора
Ром – фармонбардор, мутё
Май бати – ўрдақ шаклидаги май идиши
Рухул-амин – фаришта Жаброил лақаби
Дорул-амон – саломатлик уйи, тинчлик ва осойишталик макони

Насрий баён

Юзингдаги қизиллик майдан ҳосил бўлган қизил гулми ё гуллар очилган бўстонми? Гул юзингдаги тер бўстондаги сувдан нишонадурму?

Кўзимда йиғилган қатра қонлар эмас, ҳамонким, булар сенга назар солганимда завқ-шавқдан очилган қизил гуллардир.

Васлингни тилаб кўзим атрофида пирпираган киприклар эмас, бу дарёдаги қушлар учун қамишдан ошёнду.

Кўнглимдан чиққан оҳим халқ ғамини зиёда айлар, чунки бу ишқ-муҳаббат элидин келган карвондур.

Кўзимдаги қизил қон томирларини кўрган киши англаб биларки, бу кўз ёшлардан ҳосил бўлган. Кўз ёшларим оқадиган йўлар билан ҳар сари қон боради.

Лабингдан кўнглум хастадур, нафас олма, эй Масих, юз сенингдек жон берувчи чорасозларни тан олмайдиган нотавондур бу.

Куюн каби даштларда мени кўрсанг, кўп қочма, ҳар доим бо-
шингда айланадиган сарсон-оворадурман.

Кўнгил майхонага мутеъ, хотирим май идишидан хушки, бу
идишдаги май ёр васлидан хабар беради, шундай экан майхона
унга осойишталик маконидир.

Ҳижрон тунида ҳар доим унга фарёдим етади деб ўйлама, ул
ой фарёдинга етмайди, Навоий бу не фиғондур.

Шарҳ ва изоҳлар

Ғазал лирик қаҳрамон тилидан тадрижий воқеалар асосига
қурилган бўлиб, тузилишига кўра воқеабанд ғазаллар сирасига
киради. Ғазал *бўстон*, *нишон*, *арғувон*, *ошён*, *корвон*, *қон*, *нотавон*,
бехонумон, *дорул-амон*, *фиғон* сўзлари ёрдамида қофияланиб кел-
ган. Май ва унинг таъсиридан юзага чиқадиган қизил ранг маз-
мунда етакчилик қилади, таърифлар қизил рангни англатувчи
турли жисмлардан ўсиб чиқади. Яна бир хусусияти, радифдаги бу
сўзи риторик сўроқ оҳангини ҳам, тасдиқлаш маъносини ҳам анг-
латади.

Юзунгда май гули ё гул очилган бўстондур бу,
Гулунгда қатра хай бўстондаги судин нишондур бу.

Ёрнинг юзи гулзорга, гуллар чаман-чаман очилиб турган бўс-
тонга ўхшатилади. Дастлаб таъриф кичикроқ бошланиб, кенгайиб
боради, юзидаги қизиллик май ичгандан юзага чиқадиган гул
рангига кирдими ёки бу юз гуллар очилиб турган бўстон, чаман-
зорми, дейди. Бу ўринда юздаги қизилликни табиий равишда ол-
сак ҳам юздаги қизил томирларнинг кўриниб туришини тушуниш
мумкин. Хатто, Навоий “Сабъаи сайёр”да нилуфар – кўк рангини
ҳам инсонга яқин муқобил вариантини топади. Ҳикоят қаҳрамо-
ни Меҳр юзига шапати уриб йиғлаганидан қизил юзларидаги кўк
томирлар кўриниб қолганини “нилуфарлар очиб гулистонидин”
тарзида қўллайди. Поэтик ифоданинг нозиклиги ғазалдаги маъ-
нонинг нафис ва айни дамда чуқур бўлишини таъминлаган. Бади-
ий ифода кейинги мисраларда янада нозиклашиб борган. *Гулунгда*

қатра хай – гул юзингдаги қатра-қатра тер томчилари бўстондаги сувдан нишонами? Бу ўринда ёрнинг юзидаги тер томчилари гул устида турган эрталабки шудрингга ўхшатилади. Шабнам шу даражада шаффофки, ундан гул ранги бемалол кўринади. Тер гўзални юзини кўришга халақит бермайди, балки янада бўртиқ, ҳаяжонга тўлиқ ҳусну жамолни тасаввур этишга кўмаклашади.

Кейинги байтдан таърифлар маъшукдан ошиққа, лирик қаҳрамоннинг ўзига кўчади.

Кўзумда қатра қонлар боғлаган эрмас ҳамоноким,
Назар боғида шавқингдин очилган арғувондур бу.

Кўзимда ҳосил бўлган қатра қонлар эмас, балки бу сенга назар ташлашда завқ-шавқдан очилган қизил гуллардир. Кўзнинг қизариб, қизил қон томирлари бўртиб кўриниши ошиқнинг кўз ёшлари кўп тўкилганидан, лекин шоир фикрни янада давом эттириб, асло бундай дея кўрма, дея таъкидлайди. Биринчи байтда юз бўстонга ўхшатиш эди, кўзимдаги йиғилиб қолган қатра қонлар бу ўшал боғга (юз) назар солганимда кўзим яшнаб, завқ-шавқдан очилган арғувон – қизил гуллардир, дейди. Боғга албатта кўз билан назар ташланади, эътибор қаратилади, гўзалликдан кўз яшнаб, сўнг ҳис-ҳаяжонли, завқли ҳолат ҳосил бўлади. Бу ўринда кўз ёшларидан ҳосил бўлган қизилик гулга менгзалиб, азобли ҳолат – бу аслида роҳат эди, дея кўрсатилмоқда. Шоир сатрларда биргина қизил рангни ифодалаш учун *май, май гули, гул, бўстон, қон, рағ, арғувон* сўзларини қўллаб, маъно бўёқдорлигини таъминлаган.

Эмас васлинг тилаб учқан кўзум атрофида кирпик
Ким, ул дарёи қушларга қамишдин ошёндуру бу.

Нигорон кўз ёнига жонсарақ киприк ҳам қўшилади. Васлингни истаб кўзим ёнида тинимсиз пирпираб учган киприкларим эмас, бу дарёдаги қушларга қамишдан бўлган макондир. Демак, гирён кўзнинг атрофидаги киприк худди дарёнинг ўртасидаги қушлар уя қурган, уларнинг беҳавотир яшашига кўрғон бўлиб турган узун қамишзорларга ўхшатиш. Бу ўринда киприкни ўртасидаги кўз-ни қамишзорни ўртасидаги дарёга қиёсласак, ҳар иккисида ҳам

сув бор, киприк қушларни беркитган, макон берган қамишзорга ўхшаб кўзни қўриқлашга масъул. Бундай поэтик топилма фақат Алишер Навоийдек ижодкор ҳаёлига келадиган ногўҳоний ўхшатишдир.

Кўнгүлдин чиққан оҳим айлар афзун халқ савдосин
Ки, шайдолиғ диёридин етишган корвондур бу.

Кўнгүлмидан чиққан оҳим халқ дардини зиёда қилади, чунки бу шайдолик диёридан етиб келган карвондур, дейди дирик қаҳрамон. Байтда шоирнинг оҳ-ноласи тутундек халқ орасига, юрагига кириб борди, дарди қўпайди, худди карвон бошқа эллардан хабар олиб келганидек, ишқ-муҳаббат диёридан хабар бераяпти. Агар одамни кичик олам – олами суғро деб олсак, кўнгил оламидаги нола оҳ бўлиб ўрлади, халқ орасига ёйилди, халқ бу ишқдан ўртанди, ғами ортди.

Қизил рағлар кўзумда кўрган анғлар ашқ селинким,
Оқарға келган ул йўллар била ҳар сари қондур бу.

Рағ – қон томири, албатта, қизил рангда. Кўзимда қизил қон томирларини кўрган одам биларки, бу кўз ёшларимдан. Бу ёшлар оқишни бошласа, ёш эмас ҳар сари қон қуйилиб оқади. Ашқ сели – оддий кўз ёшларидан кучлироқ маънони анғлатади, тўлиб-тошади. Шоир мисраларда ошиқнинг азобли ҳолатини янада кучайтирадики, ошиқ йиғлаб кўзларидан ёш ўрнига қон оқмоқда.

Лабиндин хастадур кўнгүлм, дам очма, эй Масих, ўтким,
Иложин юз сенингдекнинг беганмас нотавондур бу.

Юқорида ишқ-муҳаббат рамзи – қизилликни анғлатиш учун қўлланган сўзлар қаторида лаб айна муддаони анғлатиш учун қўлланадиган тимсоллар сирасига киради. Гўзал лабидан кўнгүлм хаста, бироқ эй Масих, дам очма, деб мурожаат қилади ошиқ, юз сенингдек иложин топиб, жон бахш этувчи чорасозларни тан олмайдиган даражада нотавондурман, дейди. Яъни, бу ўринда Исо Масихнинг жон бахш этувчи нафаси – дами назарда тутилмоқда, кўнгүлм хаста, ўлар ҳолатга етганман, бироқ менга жон-қувват

бағишлаш шарт эмас. Шу даражадаманки, юзта сенга ўхшашларни ҳам тан олмайдиган ҳолатда нотавонман. Дарҳақиқат, шифо бериш шарт эмас, агар маъшуқ васлига етмаса, тирикликдан не фойда?

Куюндек саҳроларда мени кўрар бўлсанг, кўп қочма, ҳар доим бошинг узра айланадиган сарсон-саргардонингман дейди. Ошиқнинг кўкка ўрлаган охи, безовта жисму жони оддий одамлар орасига сиғмайди. Ошиқ парвона мисоли ёр атрофида айланади, фақат мендан қочма деб ўтинади. Саргаштаи беҳонумон сўз бирикмаси ошиқнинг аҳволини янада аниқ ифода этган.

Кўнгул майхона роми, хотирим хуш май батидинким,
Мунга руҳул-аминдур ул, анга дорул-амондур бу.

Кўнгил майхонага қарам, мутеъ, хотирим май қуйилган идиш (бат)дан хуш деб айтади. *Бат* – ўрдак, *май бати* – ўрдак шаклидаги май идишини англатади. Байтдаги руҳул-амин – Жаброил алайҳиссаломга нисбатан қўлланадики, хабар келтирувчи маъноси кўпроқ. Яъни май ичиб, сархуш бўлиш ёр ҳаёлини ёдга солади, ёр васлидан хабар беради. Шундай экан майхона унга энг тинч, осойишталик маконидир. Бу ўринда майхона ва май энг мақбул ечим, хотимавий фикрларнинг ҳулосаси сифатида келади. Олим Н.Комилов май ва майдан ҳосил бўладиган сархушликни “Буюк нур чашмасидан ҳузурланиш, висол беҳудлиги, ҳаёт, табиат зеболиги ҳамда ақл ва тафаккур етмайдиган, аммо кўнгил билан ҳис этиладиган Мутлақ руҳ мўъжизоти жилвасидан баҳрамандлик ва шунга талпиниш сархушлигидир”, деб таърифлайди (Комилов, 2005: 60). Илоҳий файз манбаига интилишда ана шундай олий мақсад ётади, десак тўғрироқ бўлади.

Охирги мисраларда шоир ўз-ўзига мурожаат қилиш орқали фикрларини якунлайди. Ҳижрон тунда ул ойға, яъни ҳусну жамоли билан тўлин ойдек тунни ёритиб турувчи ёрга фарёдим етиб боради деб ўйлама, асло фарёдинг етмас, энди не фиғонинг бор, деб тугатади. Умуман олганда, ғазалда ошиқ ўз аҳволини тасвирлаш орқали ёр жамолини ҳам таърифлаб борадики, бундай ифода услуби, поэтик топилмаларнинг бетакрорлиги ўқувчини ҳайратга солиши, завқлантириши табиий.

Озода ТОЖИБОЕВА

—•—•—•—•—•—•—

“Ҳажрида кўнглумга бор ул лаъли сероб орзу...”

—•—•—•—•—•—•—

Ҳажрида кўнглумга бор ул лаъли сероб орзу,
Не ажаб махмур қилса бодайи ноб орзу.

Ул парий мажнуни ўлдум бу сабабдинким, эрур
Зулфининг занжиридин бўйнуғга қуллоб орзу.

Лаълидин беҳуш бўлмоғлиқ ҳавасдур жонима,
Кимга, ваҳким, бўлмағай мундоқ шакархоб орзу?!

Иттим оғзин истабон мен, йўқ таманнолиғни, вой
Ким, адам йўлида гум қилди бу ноёб орзу.

Кўрдим уд ул бут қошлари, кофирмен, ар исломи бор,
Каъба аҳли қилмаса бу навъ меҳроб орзу.

Фақр кўйининг қора шоли била гулхан кулин
Топқали, биллаҳки, қилман кишу синжоб орзу.

Гар Навоий тарки ишқ этти ҳавас ўлтурмаким,
Чин эмастур айламиш бу ишни ўйнаб орзу

— V — — — V — — — V — — — V —
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Лаъли сероб – қизил май
Махмур – маст

Бодаи ноб – тоза, тиниқ, соф май
Куллоб – илгак, сиртмоқ
Лаъл – қизил ақиқ тош; қирмизи лаб
Шакархоб – ширин уйқу
Адам – йўқлик
Гум – йўқолиш, ғойиб бўлиш, адашиш
Кофир – ғайри дин, динсиз
Меҳроб – меҳроб, масжидда имом турадиган тепаси қайрил-
ма жой
Фақр – камбағаллик, йўқсиллик; бечоралик, камтарлик.
Киш – қундуз пўстини
Синжоб – олмахон мўйнаси

Насрий баён

Ёр ҳажрида кўнглумнинг майга орзуси бор, бу тоза, соф май мени маст қилса не ажаб.

Ул парининг мажнуни бўлдим, бу сабабданки, зулфининг зан-жирлари бўйнулга сиртмоқ бўлишини орзу қиламан.

Жонимга ул майдан беҳуш бўлиш ҳаваси бор, кимда, ваҳки, мундоқ ширин уйқу орзуси бўлмагай!

Оғзини истаб мен, нозу фироқни кўрингки, йўқлик йўлида мендаги бу ноёб орзу йўқолди.

Ўшал бут санамнинг қошларини кўрдим, кофирман, исломи бор Каъба аҳли бу янглиғ меҳробни орзу қилмаса керак.

Фақр аҳлининг қора шоли билан гулхан кулин топиш йўлида, биллаҳки, қундуз пўстини билан олмахон мўйнасини орзу қил-майман.

Агар Навоий ишқни тарк этишни ҳавас қилса, ўлдирмаким, бу иш чин эмас, ўйнаб орзу қилган.

Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазал мазмунига кўра ишқ-муҳаббат мавзусида ёзилган бўлиб, ёр тасвири ва ошиқ изтиробларини ифода этади. Қофияларда се-

роб, ноб, қуллоб, шакархоб, ноёб, меҳроб, синжоб, ўйноб каби сўзлар мисралар жозибадорлигини таъминлаган.

Ҳажрида кўнглумга бор ул лаъли сероб орзу,
Не ажаб махмур қилса бодайи ноб орзу.

Мисрадаги *лаъли сероб* сўз биримасидаги лаъл сўзи қизил рангли ақиқ тошни, лаъли сероб сўз бирикмаси қизил рангли сув – майни билдиради. Бу ўринда май билан боғлиқ тасаввуфий тим-солларнинг маъносини англаш ҳам муҳим. “Майхона – илоҳий файз манбаи бўлган ғайб олами, соқий – бу файзни етказувчи комил пир, қадах – уни қабул қилувчи маърифатга ташна кўнгил, май – айнаи файз жилваси, мастлик – ана шу нашъадан ҳузурланиш” (Очилов, 2016: 217). Ёр ҳажрида кўнглумнинг қизил майга орзуси бор, не ажабки бу тоза май мени маст, сархуш қилса. Демак, май илоҳий файздан баҳрамандлик, ундан ҳузурланиш маъносини англатар экан, ошиқнинг қалб билан ҳис қилинадиган руҳий оламга кўчиб ўтиб, ақл ва мантиқ орқали мушоҳада қилинадиган моддий дунёни унутишидир. Кўнгилга тоза бодайи нобни қуйса ва сархуш бўлиб, унутса, қалбан Аллоҳ ишқида ўзини топса. Бу мастлик “Буюк нур чашмасидан ҳузурланиш, висол беҳудлиги, ҳаёт, табиат зеболиги ҳамда ақл ва тафаккур етмайдиган, аммо кўнгил билан ҳис этиладиган Мутлақ руҳ мўъжизоти жилвасидан баҳрамандлик ва шунга талпиниш сархушлигидир” (Комилов, 2005: 60).

Ул парий мажнуни ўлдум бу сабабдинким, эрур
Зулфининг занжиридин бўйнымга қуллоб орзу.

Ул парий ҳажрида мажнун бўлдим, бу йўлда зулфининг занжирини бўйнимга сиртмоқ бўлишини ҳам орзу қиламан, дейди ошиқ. Соч тасаввуфда илоҳиёт тажаллиси маъносини англатади, зулф дейилганда албатта, бурам-бурам, жингалак соч тушунилади. Агар соч – илоҳиёт тажаллиси бўлса, жингалак соч – ошиқ кўнглини илинтирувчи илоҳий нур ҳисобланади. Сочнинг тўлғониб турган қават-қават бурамлари тасаввуфда сайру сулук йўлини босиб ўтаётган солиқлар учун зинапоя маъносида ҳам қўлланади, яна

илгаклари ёрни тортиб олиб қолиш маъно хусусияти ҳам қўлланади. Демак, ёр зулфлари бўйнига сиртмоқ бўлиб, ўзига тортиб олиши – мажозий маънода Аллоҳни таниш йўлида ишқ-муҳаббат билан Унга боғланиб қолиш орзуси. Бу ошиқ учун энг олий бахт.

Лаълидин беҳуш бўлмоғлиқ ҳавасдур жонима,
Кимга, ваҳким, бўлмағай мундоқ шакархоб орзу?!

Ҳали бу орзу эканлигини байт охирида такрор эслатар экан, фикр тадрижий давом этади ва ошиқнинг мақсади очиқланиб боради: бу орзуми, ширин уйқуда кўрилаётган тушми? Майдан сархуш бўлиб, илоҳий файздан баҳраманд бўлишни ким ҳам орзу қилмайди, ким ҳам бундай ширин уйқуни хоҳламайди? Сархуш, маст бўлмай туриб, қалб бундай ҳузурни туя олмайди.

Иттим оғзин истабон мен, йўқ таманнолиғни вой
Ким, адам йўлида гум қилди бу ноёб орзу.

Ошиқнинг юқоридаги фикрлари ҳали орзу, орзусини рўёбга чиқариш учун оз фурсат қолди, тўсиқ нимада? Оғизни бу ўринда ёр оғзи маъносида ҳам, май сақланган кўзанинг оғзи маъносида ҳам тушуниш мумкин. Оғиз тасаввуфий маънода пирнинг сўзи, сўздан, тарбиядан солиқ ўзликни топиб боради. Май кўзасидаги оғизни тополмаслик, орзунинг амалга ошмай қолишига, бу ноёб орзунинг йўқ бўлишига олиб келади. Чунки ошиқ хаёлан маст бўлиб, ҳузурланишни истагани, кўрса қуйиб ичадиган оғзи йўқ.

Кўрдим ум ул бут қошлари, кофирмен, ар исломи бор,
Каъба аҳли қилмаса бу навъ меҳроб орзу.

Тасаввуф шеъриятида бут, бутхона, кофир, тарсо, зуннор каби тимсоллар тизими ҳам мавжуд. “Бунда бут – ишқ ва ваҳдат мазҳари, бутхона – илоҳий олам, бутпараст – илоҳий ишқ ошиғи, бутпарастлик – илоҳий маҳбубага ошиқлик” маъноларини англатади (Очилов, 2016: 299). Ҳазалдаги бут қошлари дейилганда, санам юзида ўша ваҳдат зухури акс этгани ва бу гўзаллик ошиқни диндан чиқарадиган кофир даражасига олиб борганини тушуниш

мумкин. Мазкур талқин Навоийнинг бошқа асарларида ҳам кенг ифода этилган, ишора қилинган. Санамнинг юзида Мутлақ руҳ жамоли қанчалик акс этганига эътибор берилса, яна бир маънода – бу жамол комил инсонда зуҳур этади, дейилади. Алишер Навоийнинг олам – одам ва унинг яратувчиси ваҳдат ул-вужуд назарияси таълимотидан келиб чиқишини тасаввуфшунос олим Н.Комилов уқтиради. Аллоҳ таолонинг жамоли дунёда, табиатдаги барча нарсада зуҳур этар экан, “инсон ҳам мазкур кўзгунинг бир бўлаги, лекин у Руҳи мутлақ энг кўп акс этган хилқат”, деб тушунтиради (Комилов, 2005: 61). Шу маънода маҳбуб жамоли гўзаллик тимсоли сифатида танланиши, ақлдан оздириши ҳам бежизга эмас.

Фақр кўйининг қора шоли била гулхан кулин
Топқали, биллаҳки, қилман кишу синжоб орзу.

Сўфий аҳли сингари қора шоли билан билан гулхан кулин топиш йўлида кундуз пўстини ва олмахон мўйнаси орзуим эмас. Тариқат йўлига кирган солиқ моддий олам роҳатларидан кечиб, мақом ва ҳол босқичларини босиб ўтади, олий мақсад сари интилади. Қора шол Иброҳим Адҳамдан қолгани ва кимларга мерос қолгани, умуман қора рангнинг маънолари ҳақида И.Ҳаққулов устоз “Яна қора ранг талқини ҳақида” мақоласида қизиқарли маълумотларни келтирган. Олим, тасаввуф илмига кўра “фақр тариқи – ишқ ва маърифат, тафаккур ва хоксорлик инсонни шу дунёда жаннатга восил этувчи мунаввар бир йўл эрур. Бу жаннат эса ошиқ, ориф ва фақирнинг кўнгил оламидир”, деб таъкидлайди ва “Сабъаи сайёр”даги Фаррух ва Ахий қора палос орқали ўз мақсадига етганини айтади (Ҳаққулов). Демак, фақрлик йўли билан қора шолни ёпиниб, гулханларда тобланиб, мақсадга етар экан, нега моддий оламдаги юмшоқ, роҳатбахш лаззатларни танлаши лозим.

Гар Навоий тарки ишқ этти ҳавас ўлтурмаким,
Чин эмастур айламиш бу ишни ўйнаб орзу.

Мақтаъда шоир ҳамма айтилган фикрларга хотима ясаб, Навоий ишқни ҳавас қилди, лекин бунини чин деб тушунманг, ўйнаб, хаёлан орзу қилган эди, дея яқунлайди. Умуман, ғазалда фикр

Ўйини кетади, бу орзуми, ростми? Мантиқан Навоий ўша ҳолатни орзу қилгани, интилгани рост. Мақсадга етишиш ҳаёлий орзудан ҳақиқатга айланишини истади. Умуман, бу ғазалларда етакчи мазмун гўзал тасвирлар билан қалб поклиги, ҳалоллик, нафсни тийиш каби тушунчалар орқали очиб борилади.

Озода ТОЖИБОЕВА

“Ҳар ён ул юзда тер оқиздингму...”

Ҳар ён ул юзда тер оқиздингму,
Ё оқар меҳр чашмасидин су?

Қолди холинг тер остида, ёхуд
Дамин асрар суға чўмуб ҳинду.

Тердин ул юзга бўлмиш ўзга сафо,
Қатрадин гарчи тийрадур кўзгу.

Гулда шабнам ажаб худ эрмас, лек
Ойда анжум ғариб эрур асру.

Сенда тер, менда ашкдур юз уза,
Йиғласам мен, санга келур кулгу.

Уёлиб тер оқизди анжум эмас,
Шоми ҳажрида торами мийну.

Дер Навоийки ғайр эмас мавжуд,
Турфа сўз “ло илоҳа илло ҳу”.

-V-- V-V- --

фоилотун мафоилун фаълун
хафифи мусаддаси солими маҳбуни мақтуъ

Лутат

Чашма – булок
Сафо – поклик, тозалик
Тийра – қора, қоронғи
Анжум – юлдузлар
Асру – беҳад, жуда, бениҳоя
Ашк – кўз ёши
Торам – гумбаз, қубба; кўк, осмон
Мийну – зангори осмон; рангдор шиша, забаржад (кўк тош)
Шоми ҳажри – ҳижрон қоронғилиги
Ғайр – ўзга
Ло илоҳа илло ҳу – Ундан ўзга илоҳ йўқдир

Насрий баён

Ҳар ёнга юзингдан тер оқиздингми? Ё бу қуёшдек чашмадан оқаётган сувми?

Холинг тер остида қолди ёхуд сув остига чўмиб нафас чиқармай турган ҳиндуми?

Тердан юзинг тоза, покиза бўлди, томчидан гарчи кўзгу хира бўлса ҳам.

Гулда шудринг тургани яхши эмас, лекин ойни олдида ҳам юлдузлар шундай ғариб кўринади.

Юз узра сенда тер, менда кўз ёшлари, мен йиғласам, сенга кулгу келади.

Уялганидан тер оқизди, бу юлдузлар эмас, ҳижрон тунида кўк осмондек мовий ранг шишалардир.

Навоий айтадики, Ундан ўзга илоҳ йўқдир, ўзга мавжуд эмас.

Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазал ишқ-муҳаббат мавзусига бағишланган бўлиб, ошиқона ҳазаллар сирасига киради. Матлаъдаги фикр кейинги байтларда давом эттирилган. Воқеалар тадрижий ривожланиб боришига кўра воқеабанд байтлардан ташкил топган. Байтлар сатрлар якунидаги *оқиздингму, су, ҳинду, кўзгу, асру, кулгу, мийну, илло ҳу сўзлари* асосида қофияланиб келган. Агар гул, гулзор сўзлари қўлланган ҳазалларда шоир қизил рангни англатиш учун кўплаб муқобил тушунчаларни бир ҳазалда саралаб йиғса, мазкур ҳазалда табиий ҳодиса – оддий тер томчиларига қиёсан бир қанча вариантларни келтириб териб, ажойиб композиция ҳосил қилган.

Ҳар ён ул юзда тер оқиздингму,
Ё оқар меҳр чашмасидин су?

Юздан ҳар ёнга тер оқиздингму, деб сўрайди ошиқ ва ўзи жавобини топиб, мабодо бу терлар шу нарса эмасмиди, деб, яна сўрайди. Бу ўринда бир жумлани ичида сўроқ ҳам, сўроқни тасдиқлаш учун ичида жавоби ҳам бор дейиш мумкин. Ёрнинг юзидан оқаётган терлар шу даражада шаффоф, тиниқки, бу терларнинг, бу янглиғ тиниқликнинг манбаи қаерда? Иккинчи мисрага эътибор қилсак, айти жавоби кўрсатилган. Меҳр – қуёш, таърифда юз қуёшга ўхшатилмоқда. Қуёшдек оламини, кўнгилни мунаввар этмоқда. Юзингдаги терми, ё қуёш чашмасидан оқаётган сувми? Маълумки, чашма – булоқ энг тиниқ сув, табиий равишда ердан сизиб чиқадиған чучук тоза сув. Қуёшнинг эса тафти бор, иссиқ ҳаво тер сизиб чиқишига олиб келади. биргина терни ифодалаш учун қўлланган воситалар кейинги мисраларда янада тадрижий давом эттирилади.

Қолди холинг тер остида, ёхуд
Дамин асрар суға чўмуб ҳинду.

Юздаги қора хол ҳам шоир эътиборидан четда қолмаган. Хол юзга гўзаллик бағишлаб туради. Аслида шаффоф тер томчилари тагида хол кўриниб туради, асло тўсмайди. Ҳинд кишисини ол-

ганда Навоий улардаги қораликни кўзлайди ва ҳинд сув остига чўмиб, нафас олмай, сувнинг остида ўзини сақлаб тургани, холнинг сув остида турганига менгзалади. Ҳинднинг сувда тургани вақтинчалик бўлганидан холнинг ҳам бу ҳолати вақтинчалик. Парда кетиб, юзнинг асли ўзини намоён этишни бошлайди.

Тердин ул юзга бўлмиш ўзга сафо,
Катрадин гарчи тийрадур кўзгу.

Агар ойна юзига сув сепилса, табиийки, 3нинг юзи хира тортади. Шоир қатра – сув томчиларидан кўзгу гарчи хира тортса ҳам, ёр юзидаги тер юзни тоза покиза қилади, ювиб тушади, дея уқтиради. Аслида сув ойнани ҳам ювиб, покиза қилади, ғуборлардан тозалайди, ойна юзи равшанлашади. Қараган киши ўз аксини тиниқ кўради. Бу ўринда ёр юзи илгари ҳам мусаффо бўлгани назарда тутилиб, сувнинг ролига ҳам урғу берилади.

Тасаввуфда кўзгу – олам, яъни Аллоҳ таолонинг жамоли акс этган кўзгу, илоҳ ҳусну жамолини дунёга ёйган деб тушунилади. Бу ўринда янада аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун “Лисон ут-тайр”даги гўзал подшоҳ ҳақидаги ҳикоятни эслаш кифоя. Кўзгунинг тиниқ бўлиши, Аллоҳ таоло яратган жамики оламни янада аниқроқ илғай олишимиз, оламни ва унинг яратувчисини покиза қалб билан, гўзал таассурот ва тасвиротларда билиб боришимиздир.

Гулда шабнам ажаб худ эрмас, лек
Ойда анжум ғариб эрур асру.

Навоийнинг юксак поэтик тафаккурлаш тарзига монанд, фикрлар ҳам юксалиб борган. Юздаги тер гулдаги шабнамга ўхшатилади. Шабнам, шудринг эрта тонгда тундаги ҳаво ҳароратининг пастлиги ва гулнинг ички ҳарорати натижасида гулнинг ўзидан сизиб чиқади. Эрта тонгда шу даражада чиройли, шаффоф сув томчиси ҳосил қиладики, бу ҳали очилмаган гул ғунчасида аниқроқ кўринади. Ёмғир ёғмаса ҳам шудрингнинг қаердан келиб қолгани кизиқ. Шудринг тер каби танадан сизиб чиққан – бу биринчи белгиси, қолаверса у ошиқдан бахтлирок, ўшал гулни ўпиб

турибди. Мисра мазмунини айтилиш оҳангига кўра ўзгартириш мумкин, Агар “Гулда шабнам ажаб, худ эрмас” шаклида қўлласак ҳам гулда шабнамнинг бўлгани ажойиб маъноси англашилади. Ҳар ҳолда ажаб сўзини эътиборда тутамиз.

Иккинчи мисрада фикр янада кучайтирилади – ойни олдида юлдузлар ғариб кўринади. Тунда осмонга қараган одам ойни ёнида турган юлдузлар эмас, ойга эътибор қаратади. Ойдаги ёруғликнинг олдида юлдузлар арзимас бўлиб қолади. Бу ўринда ёр жамоли ойга, тер томчилари юлдузларга қиёс қилинмоқда. Табиийки, юлдузларга нисбатан ойнинг қадри баланд. Юздаги тер юзни кўриш учун ҳалақит бермайди, баъзида эътиборни ҳам тортмайди.

Сенда тер, менда ашқдур юз уза,
Йиғласам мен, санга келур кулгу.

Ёрдаги ҳолат ошиққа ҳам кўчади. Бу ўринда тасвир табиий равишда жонли чиққан. Ёрдаги гўзал ҳолатдан, унга етолмаган ошиққа беҳад изтироб етган, натижада тер ўрнига кўз ёшлари юз уза тўкила бошлайди. Сенда тер, менда кўз ёш, мен йиғласам, сенга кулгу келар, дея фиғон қилади. Бу ўринда сув ва терда яқинлик бор, лекин ҳолат бўйича бир-бирининг зидди, бири роҳат, бири азоб, кулгу – йиғи ҳолатини ифода этган.

Уёлиб тер оқизди анжум эмас,
Шоми ҳажрида торами мийну.

Ёрнинг юзидан оқаётган тер томчилари юлдузлар эмас, дея юқоридаги фикрни инкор қилади. Бу ўринда *торами мийну* сўзининг жуда кўп маънолари борлигини инобатга олиш лозим. *Торам* – баланд, *мийну* – зангори осмон, жаннат, забаржад (кўк тош), рангдор шиша, зангори осмон каби турфа маънолари мавжуд бўлиб, барчасида мовий, улуғворлик маъноси етакчилик қилади. Байтдаги маънога татбиқан қўлласак, ёрнинг юзидан оқаётган тер томчиларини мовий осмон рангидаги забаржадга, мовий рангли шишага қиёслаш мумкин. Ҳижрон тўнидаги ошиқ учун бу терлар худди улуғвор осмон каби мовий ранг шишалардир.

Охирги байтда Навоий “Ло илоҳа илло ҳу” – Ундан ўзга илоҳ йўқдир, калимаси билан ўзга ғайр мавжуд эмас, дея фикрини тугатади. Демак, ғазалдан англашиладики, таърифлар дунё гўзалидан илоҳ гўзаллиги сари кўтарилиб борган. Мисраларда тер томчилари, гулдаги шудринг, ой ёнида юлдузлар, мовий ранг шишалар каби ўхшатишлар қўлланган. Эътибор қилсак, уларнинг барчаси аслининг олдида арзимас. Аслининг ёнидаги зарралар унинг ўрнини босмайди, эътибор барибир аслга қаратилади. Демак, дунёни яратган Аллоҳ таолонинг ўзи барча яратилган нарсаларнинг яратувчиси. Шундай экан, яратувчининг ўзи асл, соф, ўзгаси мавжуд эмас.

Озода ТОЖИБОЕВА

“Шоми ҳажр ўлтурди бу ношодни, сен шод ую...”

Шоми ҳажр ўлтурди бу ношодни, сен шод ую,
Қайғум этти қасди жон, сен қайғудин озод ую!

Кеча гар то субҳ монӣ эрди нолам уйқунга,
Чунки бўлди дафъ ул афғон била фарёд, ую.

Бизни ҳижронингда сўнгги уйқу бости, бори сен
Кўз очиб ноз уйқусидин бизни қилсанг ёд, ую.

Сен бағоят масту усрук, наргисинг уйқу тўла,
Чунки ғунчанг дағи қилди эснамак бунёд, ую.

Тун эрур кеч тонгла топқунг уйқусизлиғдин хумор,
Бир замон бошинг қўюб, эй сарви ҳурийзод, ую.

Ўтти ярим кечаю яхши эмас масти хароб,
Кўз юмуб очқунча суҳбатни қилиб барбод ую.

Эй Навоий, маст бир тун кўз оёғига қўюб,
Уйғанурға ҳашр субҳин айлабон миод, ую.

– V – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Ую – “ухламок” феълининг буйруқ шакли, яъни “ухла”

Ношод – шод эмас, қайғули

Шоми ҳажр – айрилиқ шоми

Моний – ман қилувчи, тўсувчи

Дафъ – дафъ этиш, кетказиш

Дафъ бўлиш – бу ерда: йўқ бўлиш

Бори – бари, барчаси, ҳаммаси; яна

Сўнгги уйқу – бу ерда ўлимдан киноя

Масту усрук – маст-аласт

Наргис – гулнинг бир тури. Унинг гули кўзга ўхшагани учун бадий адабиётда ўхшатиш йўли билан кўз маъносида ишлатилади

Бунёд – асос, пойдевор, негиз

Ғунча – атиргул ёки шунга ўхшаш гулларнинг ҳали очилмаган ҳолати. Бадий адабиётда мажоз йўли билан ёрнинг оғзи маъносида ишлатилади

Хумор – ичкилик ёки бошқа кайф берувчи нарса истеъмолидан кейинги бош оғриғи. Бу ерда: уйқусиз ўтган кечадан кейинги бош қарахтлиги;

Хурийзод – хурдан туғилган, гўзал

Ҳашр субҳи – қиёмат тонги

Миод – 1) ваъдалашиш; 2) бирор ишни бажариш учун жой ва пайтни белгилаб ваъдалашиш

Насрий баён

1. Бу қайғули одамни (яъни ошиқни) айрилиқ шоми ўлдирди. Сен эса шод-хуррам ҳолда ухлагин.

2. Кечаси то сахаргача менинг нолам сенинг уйқунгга монев бўлди-тўсқинлик қилди. Энди эса ўша афғон ва фарёдим дафъ бўлди, йўқолди. Сен ухлагин.

3. Сенинг ҳижронингда-айрилигингда бизни сўнги уйқу-ўлим бости-эгаллади. Сен эса, ноз уйқусидан кўзингни очиб, бизни эслагин-да, ухлагин.

4. Сен ниҳоятда маст-аластсан, кўзларинг уйқуга тўла, Чунки оғзинг яна эснашни бошлади. Сен ухлагин.

5. Тун кеч бўлди. Тонгда уйқусизликдан бошинг карахт бўлади. Эй ҳурдан туғилган гўзал, бир оз вақт бошингни қўйиб ухлагин.

6. Ярим кеча ўтди. Сен масту хароб ҳолда кўз юмиб очгунча суҳбатни барбод қилиб ухлагин.

7. Эй маст бўлган Навоий, бир тун ёр оёғига кўзингни қўйиб, Қиёмат тонгида уйғонишга ваъдалашиб ухлагин.

Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазал бошидан охиригача ийсор асосига қурилган. Ўзига раво кўрган оғирлик-машаққатни маҳбубга раво кўрмаслик, маҳбубга раво кўрган яхшилик, неъматни ўзига раво кўрмаслик, яъни ки ўзидан маҳбубни ҳамма нарсада афзал кўришни “Ийсор” деб айтилади. Бу ношодни – ошиқни айрилиқ шоми ўлдирди, деб маҳбубга мурожаат қилмоқда шоир. – Сен эса шод ҳолатда ухлагин. Менинг қайғум менинг жонимга қасд қилди. Сен эса қайғудан озод ҳолда ухлагин.

Кечаси то субҳгача ошиқнинг ноласи маҳбубни ухлашга қўймаган бўлса энди унинг нолаю фарёди тинди, яъни у – ошиқ жон таслим қилди. Шунинг учун маҳбуб тинч ухлаши мумкин. Маҳбубнинг ҳижронида ошиқни сўнги уйқу, яъни ўлим бости. Энди маҳбуб ноз уйқусидан кўзини очадиган бўлса, бизни эсласин-да, яна ухлайверсин деб таъкидламоқда ошиқ.

Маҳбуб уйқунинг масти, унинг бемор – сузилган кўзлари уйқуга тўла. Чунки унинг ғунчадек оғзи ноз билан эснашни бошлади. Тун ярим кечадан ошди. Тонг отгач, маҳбубни уйқу хумор қилиб, боши қарахт бўлиши мумкин. Энди ҳурдан туғилгандек покиза маҳбуб бир лаҳза бошини қўйиб ухлаб олиши лозим.

Ошиқ суҳбатга муштоқ. Маҳбуб эса суҳбатни кўз очиб юмгунча барбод қилиб ухлагани яхши. Навоий шеъриятида “уйқу”, “маст” сўзига яна шунингдек “маҳшар тонги” сўзига қўйиладиган маъно жуда залворли. Шоир ўзининг машҳур ғазалида шундай дейди:

Аниким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек ётар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

Яъни ишрат тунида васл уйқуси олиб кетган киши Навоийга ўхшаб то Қиёмат тонгигача уйқуни тарк қилиб ётади.

Таҳлил қилаётганимиз ушбу ғазал мактаъсида ҳам шоир ҳашр субҳи, яъни Қиёмат тонгини зикр қилиш билан ўз фикрини якун-ляпти.

Шоир кўзини маҳбубнинг оёғига қўйиб то Қиёмат кунининг субҳигача яъни куёш ғарбдан – ботадиган жойидан чиқадагиган кунгача шу ҳолатда ётишни орзу қилмоқда.

Акрам ДЕҲҚОНОВ

—~~~~~—
“Ғамимниму дейин ё беғам элнинг можаросинму?..”
~~~~~—

Ғамимниму дейин ё беғам элнинг можаросинму?  
Кўнгул ҳолинму ёхуд кўнглум олғаннинг жафосинму?

Қатик ишқим балову шиддатинму айлайин тақрир;  
Йўқ эрса бениҳоят иштиёқим ибтилосинму?

Ададсиз дарду ранжим саъб эканниму қилайин шарҳ,  
Сифатқа рост келмас шавқум ошуби балосинму?

Кўнгулда васл боғи орзусинму баён айлай,  
Бағирда хори ҳижрон нўгининг муҳлик яросинму?

Вафосиз ёр бепарволиғинингму сўзин айтай,  
Манга жавру жафо тийгин уруб, элга вафосинму?

Фалак зулми, улус бедоди ё бир сарви раънонинг  
Менинг ҳолимни айлаб беҳаво ҳар ён ҳавосинму?

Навоий, илтифот оғоз қилди ёр, билманким,  
Фироқидин шикоятму қилай, васл илтимосинму?

V --- V --- V --- V ---  
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
ҳазажи мусаммани солим

### Луғат

**Можаро** – 1) икки ўртада воқеъ бўлган аҳвол, жанжал: воқеъ.  
2) оққан, жараён этган

**Такрир айламоқ** – гапириб бермоқ

**Ибтило** – балога қолиш, балога гирифтор бўлиш

**Саъб** – оғир, қийин, машаққат

**Ошуб** – ғавғо, тўполон, ҳаяжон, қўрқув

**Хор** – тикан

**Нўт, навг** – бирор нарсанинг учи. Хори ҳижрон нўги – ҳижрон тиканининг учун

**Муҳлик** – ҳалок қилувчи, ўлдирувчи

**Беҳаво** – ҳавосиз, ёмон, ночор

**Ҳаво** – 1) орзу, истак, майл, ҳавас; 2) ишқ муҳаббат; 3) учиш, парвоз.

**Оғоз қилмоқ** – бошламоқ

## Насрий баён

1. Мен ўзимнинг ғамимни ҳикоя қилиб айтайми ёки беғам – бепарво элнинг жанжалиними?

Мен ўз кўнглимнинг ҳолатини айтайми ёки кўнглимни олганнинг менга қилган жафосини айтайми?

2. Қаттиқ ишқимнинг бало ва шиддатини бир-бир айтайми ёки охири кўринмайдиган иштиёқимнинг бошимга солган балоларини айтайми?

3. Сон саноғи йўқ дард ва ранжимнинг қанчалиқ қаттиқлигини шарҳ қилай – изоҳлайми ёки сифатлаб бўлмайдиган(кучли) шавқимнинг ғавғо – тўпалонининг балосини айтайми?

4. Кўнглимдаги ёрнинг васли боғи орзусини баён қилайми ёки бағримдаги хижрон тиканининг учидан ҳосил бўлган яра ҳақида сўзлайми?

5. Вафоси йўқ ёрнинг бепарволиги ҳақида айтайми ёки менга жабру жафо тигини уриб, элга – бошқаларга вафо қилаётгани ҳақида айтайми?

6. Фалакнинг зулми, халқнинг адолатсизлигидан гапирайми ёки бир сарв қадли гўзалнинг менинг ҳолимни расво қилиб, ўзи эса ҳар тарафга учиб – ҳар хил нарсаларни орзу қилиб юргани ҳақида гапирайми?

7. Эй Навоий, ёр илтифот қилишни бошлади. Энди унинг фироқи – айрилигидан шикоят қилишни ҳам ёки васлини сўрашни ҳам билмаяпман.

## Шарҳ ва изоҳлар

Навоий ғазалиётида “ғам” мавзуси, бу сўзга юкланадиган маъно жуда улкан. Шоир шеъриятининг жозибасини, сеҳрини оширган омиллардан бири ҳам унинг ғамга ошнолиги, уни ўзининг ҳаёти мазмунига айлантирганидир. Навоий ўзининг машҳур ғазалларидан биринг мақтаъсида шундай дейди:

Навоий, чорадин кўп дема сўз ким,  
Ғамингға чорасизлиғ чора ўлмиш.

Ушбу таҳлил қилинаётган ғазалда ҳам фикр оқими, сўз йўналиши асосан ғам ва унинг маънодошлари атрофида айланади. Ғазалда қўлланган сўзларга эътибор берамиз: “ғамимниму”, “беғам”, “можаросинму”, “жафосинму”, “қатик”, “балову”, “шид-датинму”, “ибтилосинму”, “дарду”, “ранжим”, “саъб”, “ошуби” “балосинму”, “хори ҳижрон”, “нўгининг”, “муҳлик”, “яросинму”, “вафосиз”, “жабру”, “жафо”, “тийгин”, “фалак зулми”, “улус бедоди”, “беҳаво”, “фироқидин шикоятму”.

Ушбу истифода қилинган қилинган сўзларнинг барчасининг марказида “ғам” туради. Қолган сўзлар эса марказдаги шу сўзнинг атрофида доира ҳосил қилиб айланади. Уларнинг барчаси шоирнинг қайғу ва изтиробини изҳор қилиш учун сафарбар қилинган.

Шоирнинг ғами жуда улкан. У ўз ғамини изҳор қилишни ҳам, ғами йўқ элнинг ғавғосини дейишга ҳам ҳайрон. Ғами йўқ эл қандай ғавғо кўтариши мумкин? Уларнинг ҳам ғами бор. Лекин уларнинг ғами шоирнинг улкан ғами олдида майда ва арзимасдир. Шоир ўз кўнглининг ҳолати ҳақида сўзлашга ҳам, кўнглини олган маҳбубнинг жафо – озорлари ҳақида сўзлашга ҳам ҳайрон. У жуда кучли ишқ туфайли ўзига юзланган бало ва қаттиқликларни бирма-бир айтишни ҳам, ёки чек-чегараси йўқ иштиёқи туфайли бошига тушган офатлар ҳақида сўзлашни ҳам билмайди. Сон-саноғи йўқ дард ва ранжлари қанчалик қаттиқ эканини шарҳлашни ҳам, сифатга рост келмайдиган, яъни сифатлаб бўлмайдиган даражада, кучли шавқ-завқининг ғавғо-тўпалонидан юзага келган балоларни шарҳлашни ҳам билмаяпти шоир. Кўнглида маҳбубнинг васл боғини орзу қилишдан ҳосил бўлган ободликни баёнга келтиришни ҳам, бағрида айрилиқ тиканининг ўткир учидан ҳосил бўлган ҳалок қилувчи яра ҳақида айтишни ҳам билмай турибди. Вафосиз ёрнинг бепарволиги хусусида сўз бошлашни ҳам, ёки бўлмаса шоирга жабру жафо қилиб, бошқаларга вафо кўрсатгани хусусида сўзлашни ҳам билмайди. Фалакнинг зулми, халқнинг адолатсизлиги ва бир сарв қадли гўзалнинг ошиқ аҳволини хароб қилиб, ўзи эса ҳар тарафда бепарво юргани бир хил даражада адолатсизлик эканини шоир таъкидлаб айтмоқда.

Ғазал мақтаёсида маҳбубнинг ва ниҳоят илтифот қила бошлагани, бинобарин у ошиқнинг сўзларини тинглашни бошлагани ҳақида хабар берилмоқда. Энди ошиқ бу имкониятдан фойдала-

ниб ёрнинг фироқидан шикоят қилсаммикан ёки васлини сўрба  
ёлворсаммикан, деб ўйланиб қолган.

Акрам ДЕХҚОНОВ



**“Назарға келгали ул икки наргиси жоду...”**



Назарға келгали ул икки наргиси жоду,  
Кўнгулда йўқтурур орому кўзда ҳам уйқу.

Кўнгулки қайғу сипоҳи била низоъ этти,  
Не шод ўлайки, кўнгулни босиптурур қайғу.

Кўзунг Хўтан кийигидур, юз узра холларинг  
Магарки нофасидин мушк сочти ул оҳу.

Кўнгулни туз, тиласанг фойиз ўлса туз маъно,  
Нединки, эгри эса эгри кўргузур кўзгу.

Хуш улки, дайрға борғач қадаҳни муғбача маст  
Юкунуб илгима берди чиқиб келиб ўтру.

Чу кофир урди бу янглиғ йўлумни, дин лафзин  
Яна тилимга кечурсам уят эрур асру.

Навоий ўйнади жон халқдин бурун, раҳм эт,  
Чу қилди жалдлик, эмди керак анга жўлду.

V-V- VV-- V-V- --  
мафоилун фаилотун мафоилун фаълун  
мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ



## Лугат

**Наргиси жоду** – сеҳрли кўз, сеҳрловчи кўз

**Хўтан** – жой номи

**Нофа** – мушк, мушқдон. Хушбўй қора модда бўлиб, Хўтан оҳу-лари киндигида етишади, дейилади

**Мушк** – қора рангли хушбўй модда

**Кўнгулни туз** – кўнглингни тўғрила

**Туз маъно** – тўғри маъно, рост маъно

**Дайр** – 1) Бутхона; 2) Маж, Майхона. Дайр пири – маж. Пири комил

**Мугбага** – 1) Бутхона ходими; 2) Майхона ходими

**Юкунмак** – ҳурмат юзасидан эгилмоқ, таъзим қилмоқ

**Ўтру** – қарши, рўпара пешвоз чиқиш

**Асру** – жуда кўп, ортиқча, ғоят

**Жалдлик** – чаққонлик, тезлик, жанговарлик, шижоат

**Жўлду, жалду** – мукофот, инъом

## Насрий баён

1. Маҳбубнинг икки сеҳрловчи кўзига назарим тушгач кўзимга уйку ҳам, кўнглимда оромим ҳам йўқолди.

2. Кўнглим қайғу аскари билан низо-уруш қилди, кўнглини қайғу босиб – эгаллаб олгач, мен қандай қилиб шод бўлай.

3. Кўзинг Хўтан кийигидир, юзингдаги холларинг эса ўша кийикнинг нофаси – киндигидан сочилган мушк зарраларидир

4. Кўнглингда тўғри маънолар кўп бўлишини истасанг кўнглингни – ниятингни тўғри қилгин. Чунки агар кўзгу эгри – қий-шиқ бўлса у ўзига тушган нарсани ҳам эгри кўрсатади.

5. Майхонага борганимда майхона ходими менга пешвоз чиқиб, таъзим қилиб, қўлимга қадаҳни тутқазди.

6. Кофир мени бундай ҳолатда йўлдан ургач, “дин” лафз-сўзини тилимга олсам кўп уят бўлади.

7. Навоий халқдан илгарироқ жон ўйнади. Бу билан у катта шижоат кўрсатди. Бундай шижоати учун энди унга инъом бериш керак.

## Шарҳ ва изоҳлар

Навоий шеърятининг грамматик қурилиши жуда мураккаб. У ўз шеърларида баъзан гап таркибини бутунлай ўзгартириб юборади. Гап таркибини жой жойига қўйиб олмагунча маънони тўғри чиқариб бўлмайди. Ушбу ғазалнинг матлаъсида ҳам шундай мураккаблик кузатилади “Назарга келгали ул икки наргиси жоду” мисрасининг тартиби қуйдаги: “Ўша икки сеҳрловчи кўзга назарим тушгач...”. Шунга ўхшаш яна бир мураккаб қурилишли бир байтни кўриб чиқамиз:

Кўнгил ғамини деб аҳбоб, раҳм қилди ҳабиб,  
Менинг жароҳатим эрдики, қолди марҳамсиз.

(Ғаройибус-сиғар, 200 ғазал)

Бу байтдаги мазмунни шу ҳолатида чиқариб олиб бўлмайди. Мазмунни тўғри чиқариш учун аввало байтдаги тиниш белгиларини тўғри қўйиб чиқиш шарт:

Кўнгил ғамини деб аҳбоб раҳм қилди, ҳабиб  
Менинг жароҳатим эрдики, қолди марҳамсиз.

Яъни менинг кўнгил ғамимни деб дўстларим менга раҳм қилишди, натижада ғамим кетди. Менинг ҳабибим аслида ўша ғамим – жароҳатим эди. Ғамим кетгач, жароҳатим марҳамсиз қолди.

Таҳлил қилаётганимиз ғазалда, агар эътибор берсак, уч байтда “кўнгул” сўзи зикр қилиняпти.

1-байтда: “Кўнгулда йўқтурур орому...”

2-байтда: “Кўнгулки қайғу сипоҳи била низоъ этти...”

4-байтда: “Кўнгулни туз...”

1-байтда кўнгулда ором йўқлиги, бинобарин, кўзда уйқу ҳам йўқлиги айtilди.

2-байтда аслида мавҳум тушунча бўлган кўнгил ва қайғуни ташхис қилиб жонлантириляпти. Кўнгил қайғу лашкари билан жанг қилди ва енгилди. Қайғу лашкари кўнгилни мағлуб қилиб, уни босиб олди. Шундай бўлгач, қандай қилиб энди ошиқнинг кўнгли шод бўлсин.

Навоийнинг ҳаётдаги ва ижоддаги энг асосий шиорларидан бири кўнгилнинг тўғрилиги, уни тўғрилашга ҳаракат қилишдир. Шоир ўз асарларида жуда кўп ўринларда кўнгилни, қалбни тўғрилаш инсон маънавиятини ислоҳ қилишда ҳал қилувчи омил эканлигини таъкидлаган. “Насойимул-муҳаббат”да Хожа Хайрча ҳақидаги ҳикоятда шундай келтирилади:

“Шайх ул-ислом дебдурки, ҳарким бемор бўлса эрди ё бир дардга учраса эрди, Хайрчадин фотиҳа тилар эрди. Ул ўқиғач, филҳол шифо топар эрди. Бир қатла бир донишманднинг тиши оғриб эрди, анга борди. Ул “Ал-ҳамд” ўқуғач, ҳамул дам сихҳат топти. Ул донишманд дедики, Хайрча, “Алҳамд”ни рост ўқумайсен, мен санга ўргатай, то туз ўқиғайсен! Ул дедики, сен кўнглунгни тузат!”

Ҳазалнинг тўртинчи байтида ҳам айни маъно таъкидланяпти: “Агар кўнглингда тўғри маънолар мавж уришини хоҳласанг, ўз кўнглингни тўғрилагин. Чунки қийшиқ ойнанинг акси ҳам қийшиқ бўлади”.

Маъно кўнгилда ҳосил бўлади ва кўнгилдан кўнгилга ўтади. Кўнгилнинг ҳолати сўзда акс этади. Бинобарин, сўзнинг таъсирли бўлиши бевосита кўнгилнинг тўғрилигига боғлиқдир.

Шоир ҳазал мақтаёсида ўзининг маҳбуб йўлида жон ўйнаганини, яъни шижоат билан таҳликали бир ишга журъат қилганини таъкидламоқда. Мадомики мен шундай жалдлик қилдим, яъни шижоат билан ҳаммадан аввал жонимни хатарга қўйдим. Шундай экан, энди менинг бу ишимга муносиб бир мукофот – инъом берилиши лозим.

“Шижоат” сўзининг шарҳларида шундай дейилади: “Бошқалар қилишга журъати етмай турган бир ишни қилиш”. Бошқалар бу ишни қилишга журъати етмай турганининг сабаби унда хатар-таҳлика бор. Ҳазал мақтаёсидаги “жалдлик” сўзи “шижоат” сўзининг синоними сифатида ишлатилган.

“Жон ўйнаш” ибораси Навоийда ҳам, бошқа шоирлар Луғатида ҳам учраб туради. Масалан, Кўкон адабий муҳити вакиллари-дан бўлган шоир Муҳаййирнинг Навоий ҳазалига ёзган мухаммасида шундай банд мавжуд:

Ўшал дамким ул ой васли гулистонида ер берди,  
Бошим қўйиға гўё зулфи чавгонида ер берди,  
Менга ўйнарға жон ушшоқ майдонида ер берди,  
Келиб ўлтирдию илким чекиб ёнида ер берди,  
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

Навоийнинг ушбу ғазалини гарчи айрим байтларида тадрижийлик мавжуд мустақил байтли ғазаллар туркумига киритиш мумкин.

Акрам ДЕҲҚОНОВ



“Юзу кўзунгда муайян камоли сунъи илоҳ...”



Юзу кўзунгда муайян камоли сунъи илоҳ,  
Не юздурур бу, не кўз ло илоҳа иллаллоҳ.

Жамолинг ойина ва-ш-шамси кўзгуси нозил,  
Кўзунг қаросиға мо зоға сурмаси ҳамроҳ.

Тилинг ҳамеша ладуний улумиға нотик,  
Дом кўнглунг илоҳий румузидин огоҳ.

Қамар ҳар ой боши муъжизнамой илгингдин,  
Қочиб бошини ўғурларки бўлур ийла дутоҳ.

Чу сен сипехрдин ўтгунг шиҳобу ҳалқайи бадр  
Эмаски чарх чекар кеча ҳасратингдин оҳ.

Сенинг шафоатинг уммиди чун эрур мумкин,  
Ғуноҳкор бировдурки, йўқтур анга ғуноҳ.

Навоий гулшанининг наргиси нужум ўлғай,  
Кўз учидин анга қилсанг ҳисоб вақти нигоҳ.

V- V- VV-- V- V- VV ~  
мафоилун файлотун мафоилун файлон  
муҷтасси мусаммани маҳбуни мақсур

### Луғат

**Сунъи Илоҳ** – Илоҳнинг санъати

**“Ваш-шамси”** – арабча “Қуёшга қасам”

**“Мо зоға”** – “кўзи оғани йўқ” арабча ибора

**Ладуний** – Худо томонидан берилган

**Дутоҳ** – икки букилган

**Шиҳоб** – 1) ўт, олов ёлкини; 2) Ҳавода “ялт” этиб ўтадиган шуъла; 3) Учар юлдуз

**Мўъжизанамой** – мўъжиза кўрсатувчи

### Насрий баён

1. Сенинг юзу кўзингда Аллоҳ санъатининг мукамаллиги кўриниб туради. Бу қандай юздир, бу қандай кўздир, Ла илаҳа иллолоҳ.

2. Жамолинга оина сифатида “Ваш-шамси” сураси нозил бўлган. Кўзингнинг қорасига “Мо зоға” оятининг сурмаси ҳамроҳдир.

3. Тилинг доим Аллоҳ томонидан берилган илмни сўзлайди. Кўнглинг ҳамиша илоҳий рамзлардан огоҳдир.

4. Тўлин ой ҳар ойнинг бошида сенинг мўъжиза кўрсатувчи бармоғингдан қочиб, бошини яширадики, натижада икки букилгандек бўлиб қолади.

5. Сен осмон гумбазидан шуъладек бир лаҳзада ўтиб кетдинг. Фақатгина тўлин ойнинг ҳалқаси эмас, бутун осмон ўша кечаси сенинг ҳасратингдан оҳ чекди.

6. Мадомики сенинг шафоатингдан умид қилиш мумкин экан, гуноҳкорлар ҳудди гуноҳи йўқ одамдек бўлиб қолади.

7. Агар Сен ҳисоб-китоб вақтида (яъни Қиёматда) кўзинг кири билан Навоийга нигоҳ солсанг, унинг, яъни Навоийнинг гулшанининг нарғиз гуллари юлдузга айланади.

### Шарҳ ва изоҳлар

Бу наът ғазал бўлиб, унда Пайғамбар алайҳиссаломнинг гўзаллиги сифатланади. Биринчи байтда у зотга хитоб қилиб: “Сенинг юзу кўзингда Аллоҳ санъатининг мукамаллиги намоён бўлган. Бу нақадар гўзал юз, бу нақадар гўзал кўз. “Ла илаҳа иллоллоҳ” деб ўз ҳайратини ифодалаяпти шоир. Одатда “Ла илаҳа иллоллоҳ”, “Субҳоналлоҳ”, “Аллоҳу акбар” каби тасбеҳлар бирор нарсадан ҳайрон қолганда, ўта гўзал, чиройли нарсани кўрганда, инсонни лол қолдирадиган бирор иш юз берганда айтиладиган тасбеҳлар жумласига киради. Бу ерда ҳам шоир Пайғамбар алайҳиссаломнинг юзи ва кўзининг гўзаллигини мушоҳада қилиб, бу гўзалликдан ҳайрон қолиб, ўз ҳайратини ифодалаш учун “Ла илаҳа иллоллоҳ” деб хитоб қиляпти.

Иккинчи байтда у зотнинг жамолига “Ваш-шамси” сураси кўзгу бўлиб нозил қилингани айтилиб, кўзининг қорасига “Мо зоға” оятининг сурмаси зийнат бергани зикр қилинмоқда. Бу оят Қуръони Каримнинг Ван-нажм” сурасининг 17-18-оятлари бўлиб, унинг таржимаси қуйидагича: “(Пайғамбарнинг) кўзи (ўнгу сўлга) оғгани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ”. Бу сурада пайғамбар алайҳиссаломнинг меърожга чиқишлари ва у даргоҳдаги ақлу шуурни лол қилувчи манзараларни кўрганлари ва у ерда, яъни Аллоҳнинг даргоҳида юксак одоб билан турганлари ҳикоя қилинади.

Ғазалнинг учинчи байтида пайғамбаримизнинг тили ладуний – Аллоҳ билдирган илмни сўзлаши, шунингдек, у зотнинг қалби илоҳий рамзлардан ҳамиша огоҳ бўлганлиги ҳақида хабар берилмоқда. Ҳақиқатан ҳам Пайғамбаримизнинг гапирган гапларининг маъноси Аллоҳ тарафидан у зотнинг қалбига илҳом қилиб берилган бўлади.

Тўртинчи байтда пайғамбар алайҳиссаломга берилган улуг мўъжизалардан бири – “Шаққи қамар” Ойнинг иккига бўлини-

ши ҳодисаси ҳақида сўз боради. Пайғамбар алайҳиссаломдан мушриклар Ойни иккига бўлишни сўрашганда у зот кўрсаткич бармоқлари билан Ойга қараб ишора қилганлар ва тўлиб турган ой қоқ иккига бўлиниб, бир бўлаги ўз ўрнида қолган, иккинчи бўлаги эса осмоннинг қарама-қарши тарафига ўтиб қолган. Навоий шу ҳодисага ишора қилиб, тўлин ой ҳар ойнинг бошида мўъжиза келтирувчи бармоғингдан қочиб, бошини яширади. Натижада у гўёки икки букилгандек бўлиб қолади, деб айтаяпти.

Ғазалнинг бешинчи байтида яна Меърож воқеасига сўз мавзуси қайтаяпти. Шоир Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўша кечада осмон ғумбазидан шуъладек бир лаҳзада ўтиб кетганлиги ва у зотнинг бунчалик тез ўтиб кетганидан фақатгина тўлин ойнинг ҳалқаси эмас, бутун осмон ҳасратдан оҳ чекиб қолганини таъкидлаяпти.

Олтинчи байтда сўз мавзуси Пайғамбар алайҳиссаломнинг шафоати хусусига кўчмоқда. У зот гуноҳкор умматларини Аллоҳ ҳузурида шафоат қиладилар, яъни гуноҳларини сўраб оладилар. Навоий шу нарсани эслаб, мадомики сенинг шафоатингдан умид бор экан, гуноҳкор одам худди гуноҳи йўқ инсон кабидир, дея у зотнинг буюк шафоат мақомини эътироф этмоқда.

Мақтаъда шоир пайғамбар алайҳиссаломнинг шафоатидан умидвор бўлиб, агар сен Қиёмат кунинда кўз қири билан Навоийга нигоҳ қилсанг, унинг гулшанидаги нарғиз гуллари юлдузларга айланиб кетади, дея ўз умидворлигини изҳор қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бу ғазалда Пайғамбар алайҳиссаломнинг гўзал сувратлари ва сийратлари мадҳ этилиб, Меърож кечасидаги илоҳий ҳолатларга нозик ишоралар қилинади.

**Акрам ДЕҲҚОНОВ**



## “Оташин гул гарчи зийнатдур жаҳон бўстониға...”



Оташин гул гарчи зийнатдур жаҳон бўстониға,  
Барқ эрур ҳар ел учурған барги булбул жониға.

Гарчи шамъ ўлди шабистон зеби, кўрким, шуъладин  
Тил чиқармиштур сусаб парвоналарнинг қониға.

Майки куйгай соқийи гулрух эрур ҳайвон суйи,  
Ваҳки, офат сайлидур ишқ аҳли хонумониға.

Най елин Исо дами тутқилки, ул бордур самум  
Ҳар нафас аҳли муҳаббат хотири вайрониға.

Бир қадаҳ май ичмади бу дайр аҳли бехумор,  
То таҳаррук бўлди бу тоси нигун даврониға.

Бода беранжи хумор эрмиш фано жомида, лек  
Ичмак ани келмамиш ҳар булҳаваснинг шониға.

Ҳасрат ўлтурди мени, эй муғ, кетур жоми фано  
Ким, чидай олман бугундин сўнг анинг ҳижрониға.

“Бўлмайин фоний, муҳаббат жомин ичмакдур маҳол!”,  
Сабт этинг бу нуктани дайри фано айвониға.

Ком топмай кимки ҳирмон дардиға бўлмиш асир,  
Истаса ҳамдard ўлтуртунг Навоий ёниға.

– V – – – V – – – V – – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф



## Лугат

**Барқ** – чақмоқ, чақин, яшин

**Шабистон** – кеча, тун

**Ҳайвон суйи** – тириклик суви, ҳаёт суви

**Сайл** – 1) Сел; 2) Кучли оқим, офат

**Хотири вайрон** – вайрон бўлган кўнгил

**Тоси нигун** – маж. Осмон (айнан: тўнтарилган тос)

**Булҳавас** – Ҳар нарсани ҳавас қилувчи; ҳардамхаёл

**Сабт этмак** – ёзиб қўймоқ

**Ҳирмон** – маҳрумлик, бебаҳралик, бенасиблик.

## Насрий баён

1. Қип-қизил гул гарчи жаҳон бўстониға зийнат бўлса ҳам, унинг шамол учирган ҳар бир барғи булбулнинг жони учун чақмоқдекдир.

2. Шамъ, гарчи туннинг зийнати бўлса ҳам, лекин у парвоналарнинг қонини ичиш учун шуъладан тил қилиб чиқариб олган.

3. Гул юзли соқий қуядиган май гарчи тириклик-ҳаёт суви бўлса ҳам, лекин бу май ишқ аҳлининг хонумони учун офат келтирувчи селдир.

4. Найнинг овозини, Исонинг дами – нафаси деб ҳисоблагин, лекин ўша нафас шабадасини муҳаббат аҳлининг вайрон бўлган кўнгиллари учун ҳалокатли иссиқ шамолдекдир.

5. Бу осмон гумбази ҳаракатланганидан буён бу майхона аҳли то ҳумор бўлмагунича бир қадаҳ ҳам май ичмади.

6. Фано жомидаги боданинг ҳумор ранжи йўқ эмиш, лекин уни ичиш ҳар бир хомхаёл қилувчининг иши эмас.

7. Мени ҳасрат ўлдирди. Эй майфуруш, фано жомини келтиргинки, бугундан кейин унинг ҳижронига чидай олмайман.

8. “Фано бўлмасдан туриб муҳаббат жомини ичиш мумкин эмас”. Менинг бу ҳикматли гапимни фано дайрининг айвонига ёзиб қўйинглар.

9. Кимки мақсадига етолмасдан маҳрумлик дардига йўлиққан – асир бўлган бўлса ва ўзига ҳамдард истаса, уни Навоийнинг ёнига ўтказинглар.

### Шарҳ ва изоҳлар

Бу ғазалда Алишер Навоий ҳаётдаги одатий нарсаларга, ҳодисаларга фалсафий, ижтимоий, тасаввуфий мазмун ва руҳ бериб, улкан умумлашма хулосалар чиқаради.

Биринчи байтда гулзорга зийнат бўлиб турган қип-қизил гулнинг сочилган алвон рангли япроқлари булбулнинг жони учун ҳалокатли чақмоқ каби экани айтилмоқда. Чунки булбулнинг ўта ҳассос ва нозик, у гулда мавжуд бўлган гўзалликнинг бошқалар кўра ва илғай олмайдиган томонларини, қирраларини кўнгил кўзи билан кўради. Бу ерда булбулни Яратувчининг санъатига ошиқ бўлган образ деб тасаввур қилиш мумкин. Ушбу ғазал байтларида борлиқдаги мавжудотнинг хилқатига яширилган буюк диалектик қонуният сирлари очиб берилмоқда. Навоий бошқа бир ғазалида ҳар қандай очилиб турган гўзал бир гулнинг остида албатта бир шахло кўзли гўзалнинг тупроғидан зарра мавжуддир, дейди. Шунга ўхшаш ушбу ғазалнинг 1–4-байтларидаги зикр қилинмиш образ – гул, шамъ, май, най ели кабилар ўзларига боғланган нарсалар: гул булбулнинг, шамъ парвонанинг, май ишқ аҳлининг, най ели (най овозини олиб келган майин шаббода) эса ишқ аҳлининг вайрон бўлган кўнгли учун ҳалокат келтирувчидир.

Иккинчи байтда шамъ гарчи қоронғу туннинг зийнати бўлса ҳам, лекин унинг гўзаллигига маҳлиё бўлган парвоналарнинг қонига ташна бўлиб, уларнинг қонини ичиш учун оловли тилини чиқаргандир, деб таъкидланмоқда. Бу ўринда шамънинг шуъласини илоннинг тилига ўхшатилмоқда. Бундай ўхшатиш гарчи зоҳирда изҳор қилинмаган бўлса ҳам, байтнинг ботиний мазмунидан келиб чиқиб турибди. Чунки илон тилини чиқариб ўйнатган пайтда, унинг тилини кичкина ҳашарот деб ўйлаган қурбақа ёки бошқа жонзотлар илонга яқинлашади, шунда илон ўз ўлжасини тутиб, қонини ичади ёки ютиб юборади. Шунга ўхшаб парвона

хам шамънинг оловли тилига махлиё бўлиб, унга яқинлашади ва қаноти куйиб ҳалок бўлади.

Кейинги байтда гулюзли соқий қуядиган май гарчи ҳаёт суви, тириклик суви бўлса ҳам, лекин ишқ аҳлининг хонумонини оқи-зиб кетувчи офат селига ўхшатилмоқда.

Навбатдаги байтда найнинг овозини олиб келган майин шабо-да – эпкин гарчи Исонинг нафаси каби ҳаёт бағишловчи хусуси-ятга эга бўлса ҳам, лекин бу майин ел муҳаббат аҳлининг вайрон бўлган кўнгилларини ҳалок қилувчи самум – иссиқ шамолдир, дея таъкидланмоқда.

Эътибор берилса, бу тўрт байтда тўртта турлича гўзал хусуси-ятга эга бўлган тўрт мавжудотнинг ҳаётбахшлик ва ҳалокангез-лик хоссалари зикр этиляпти. Биринчисида гўзал кўринишга ва хушбўй ҳидга эга бўлган гул, иккинчисида гўзал кўринишга ва ҳароратга эга шамъ, учинчисида тотли бир таъмга эга ичимлик – май, тўртинчисида эса сеҳрли овози бор найнинг икки ўзаро зид бўлган хоссалари ҳақида сўз юритилган. Бу зикр қилинмишлар одатда ўз табиатларига кўра марғуб ва маҳбуб, латиф бир нарсалар бўлса ҳам, лекин улардаги бу латифликни ўта ҳассослик билан англаган булбул, парвона, ишқ аҳли ва муҳаббат аҳли учун муҳ-лик – ҳалок қилувчидир.

Навбатдаги байтда яна май ҳақида сўз боради. Бу айланиб ту-рувчи осмон ҳаракатда бўлганидан буён бу майхонадагилар то хумор бўлмагунларича бирор қадаҳ май ичмадилар. Фано жоми-даги боданинг хумор қилиш хусусияти йўқ бўлса-да, лекин ҳар қандай хомхаёл қилувчи, енгилтак одамлар уни ичишга муносиб эмаслар. Бу бодани ҳар ким ҳам ича олмайди.

Шоирни ҳасрат ўлдирди. Чунки унинг қалби ўта ҳассос, ҳар бир нарсадан ўта таъсирланади. Шунинг учун фано жомидан сипқо-риб, бу машаққатдан халос бўлмоқчи. Шу сабабли муғ – майхо-на ходимиға хитоб қилиб, ундан фано жомини келтиришни ти-ламоқда. Чунки шоир, яъни ошиқ, маҳбубнинг ҳижронига ортик чидай олмайди.

Бу жомдан май ичиш учун унга лойиқ бўлиш лозим. “Фоний бўлмасдан муҳаббат жомидан ичиш мумкин эмас”. Мана шу жум-лани фано дайри – яъни фано майхонасининг айвонига – пеш-тоқиға битиб қўйишни ўтинмоқда шоир.

Кимки мақсадига ета олмай, маҳрумлик дардига йўлиққан бўлса ва ўзига ҳамдард истаса, уни Навоийнинг олдига ўтқазинглар. Унга Навоийдан яхшироқ ҳамдард топа олмайсизлар, дея таъкидланмоқда ғазал мақтаёсида.

Айтиб ўтиш жоизки, Навоий ўз асарларида жуда кучли дард билан ёзади. Хоҳ ғазал бўлсин, хоҳ фард, хоҳ дoston ёки бошқа туркумга оид асар бўлсин, унинг асосини дард ташкил қилади. Улуғ шоир ҳар қандай асарнинг яшовчанлиги ва таъсирчанлигини таъминловчи омил бу – ўша асарнинг дард билан ёзилишидир, деб ҳисоблайди. Алишер Навоий ўзининг “Сабъаи сайёр” асарида ўзидан олдин ўтган ҳамсанависларга жуда юксак одоб билан бир неча эътирозлар билдиради. Мана шу эътирозларнинг биринчиси ва энг асосийси уларнинг Баҳромга бағишланган дostonларида дард йўқлигидир, деб айтади:

Неча навъ ишни қилдилар тақсир,  
Гар тутарсен қулоқ, қилай тақрир:  
Бири буким, йўқ анда мояи дард,  
Қилдилар “ишқ” сўзидин ани фард.

“Яъни улар (Низомий ва Хусрав Дехлавий) Баҳром ҳақидаги дostonларида бир неча камчиликка йўл қўйдилар. Сен қулоқ тутсанг мен уларни бирма-бир санаб бераман: Биринчиси уларнинг дostonларида мояи дард (дарднинг моддаси) йўқлигидир. Улар “ишқ” сўзини дарддан холи қолда таърифладилар”.

Ушбу ғазалнинг мақтаёсида ҳам Навоий маҳрумият дардига (ёрдан, дўстан, умуман мақсад қилинган нарсалардан жудоликка) мубтало бўлганларнинг барчасига ўзининг ҳамдарддигини эълон қилиш билан ўз фикрини якунламоқда.

**Акрам ДЕҲҚОНОВ**

—•—•—•—•—•—•—

**“Кўнгулким, васлин истар ҳар тараф доғи ситам бирла...”**

—•—•—•—•—•—•—

Кўнгулким, васлин истар ҳар тараф доғи ситам бирла,  
Эрур Юсуф харидори неча эски дирам бирла.

Фигонлиғ кўнглуму ўтлуғ дамимни саҳл тутмангким,  
Олибмен ишқ иқлимини бу таблу алам бирла.

Итурдум оҳ ила ағёрни ул юз ҳавосидин  
Анингдекким, киши судин кетаргай хасни дам бирла.

Қуруғ жисмимда қонлиғ захм эмастур қатъ учун ҳар ён  
Ки, пайванд айламишсен ул сўнгакларни бақам бирла.

Туган бирла алифдин, эй мунажжим, ҳолатим кўргил,  
Ки, кўксум тахтайи рамл ўлди ҳар ён бу рақам бирла.

Кўнгул машҳудиға чун бўлди восил бўлса бўлсун тил  
Агар қойил самад бирла вагар зокир санам бирла.

Таайюн хирманин куйдургай аммо барқрафторе  
Ки, кўқдин ерча манзил қатъ қилғай бир қадам бирла.

Дема кўксумда эскиргай туганларким, кўзум ҳар ён  
Чу тўкти қатра доғ ўлди бу сариг сафҳа нам бирла.

Қаду зулфунг била оғзинг тилаб кўз юмди оламдин,  
Навоийға тараҳҳум айлаким, борди алам бирла.

V — — — V — — — V — — — V — — —  
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
ҳазажи мусаммани солим

## Лугат

**Доғи ситам** – зулм доғи, жафо доғи

**Саҳл тутмоқ** – енгил тутмоқ, енгил санамоқ

**Дам** – нафас

**Алам** – 1) байроқ; 2) оғриқ

**Табл** – катта ноғора, довул

**Итурмоқ** – йўқотмоқ, йўқ қилмоқ

**Ҳаво** – орзу, майл, истак, ҳавас

**Бақам** – қизил бўёқ олинадиган дарахт; қизил бўёқ

**Туган** – доғ, белги.

**Рамл** – кум 1) Қум билан фол очиш; Тахтаи рамл – фол очилар диган тахта

**Маншуд** – кўзга кўринган; мушоҳада этилган

**Самад** – беҳожат, ҳеч кимга ҳожати тушмайдиган

**Ас-сомад** – Аллоҳнинг сифатларидан бири

**Санам** – 1) Бут; 2) маж. Севгили, гўзал

**Таайюн** – белгили бўлиш, аниқланиш; ошкор бўлиш; шуҳратланиш

**Баркрафтор** – чакмоқдай тез юрадиган

**Қатъ** – кесмоқ, қирқмоқ; Манзил қатъ қилмоқ – манзил босиб ўтмоқ, йўлни босиб ўтмоқ

**Тараҳхум** – раҳм қилиш

## Насрий баён

1. Жафо доғи билан ёрнинг васлини истайдиган кўнгил гўёки бир нечта эски тангалар билан Юсуфга харидор бўлган одамга ўхшайди.

2. Менинг фиғонли кўнглиму ўтти нафасимни енгил деб ўйламанглар. Мен ишқ мамлакатини мана шу ноғораю мана шу байроқ билан олганман.

3. Ўша чехрани орзу қилганимдан пайдо бўлган оҳ билан рақибни йўқ қилдим. Бу гўё киши сувнинг бетигаги хасни пуфлаб кетказганидай бўлди.

4. Қуриган жисмимда қонли жароҳатлар эмас, гўёки менинг суяқларимни қизил бўёқ билан бир-бирига пайванд қилиб – улаб чиққандексан.

5. Эй мунажжим, доғ билан алифдан менинг ҳолатимни кўргин. Менинг кўксим бу рақамлар билан гўёки фол очиладиган тахтага ўхшаб қолди.

6. Кўнгил мушоҳада этган нарсасига етишди. Энди тил хоҳ Самад (Самад – Аллоҳнинг сифати)ни эслаш ёки санам-бутни зикр қилиш билан машғул бўлсин, барибир.

7. (Кўнгил) шуҳратга интилиш орзусини куйдириб юборади, лекин у чақмоқдай тезкорки кўкдан ергача бўлган манзилни бир қадам билан босиб ўтади.

8. Кўксимдаги доғларни эскиради, демагин. Кўзим қачонки томчиларни тўккач, бу сариқ саҳифа нам билан доғ бўлди.

9. Қаддинг, зулфинг ва оғзингни тилаб – орзу қилиб оламдан кўз юмган Навоийга раҳм қилгин. Чунки у бу дунёдан алам – армон билан кетди.

### Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазални Навоий ўз кўнглини таърифлаш, унинг ҳолатини баён қилиш билан бошламоқда. Ғазал матлаъсидаёқ талмех санъати қўлланиб, мумтоз адабиётимизда энг кўп қўлланилган Юсуф алайҳиссалом воқеасига ишора қилиняпти. Шунингдек, ташхис санъати воситасида аслида мавҳум (абстракт) тушунча бўлган “кўнгул”ни шахслантириляпти, аниқроғи, моддийлаштириляпти. Яъни ҳамма тарафида жафо ва ситам доғлари бор кўнгил гўё бир неча эски, доғ босган тангалари билан Юсуфни сотиб олмоқчи бўлган одамга ўхшатишмоқда. Иккинчи байтда кўнгилнинг яна бошқа бир сифати – фиғонли экани зикр қилиняпти. “Фиғонли кўнглим ва ўтли нафасимни енгил деб санаманглар, чунки мен мана шу довул – ноғора ва байроқ билан ишқ мамлакатини забт этдим”, деб айтмоқда. Ўзининг фиғон тортаётган кўнглини аскар ноғорасига, ўтли нафасини эса жанг пайтида кўтариладиган байроққа қиёс қиляпти. Учинчи байтда эса ёр юзининг орзусида ўзи чеккан оҳ билан рақибларини маҳв этганини ва бу маҳв

этиши худди сувнинг бетидаги хасни нафаси билан пуфлаб кет-казганига ўхшатиляпти. Ошиқ маҳбубнинг ишқида шу даражада маънавий юксакликка кўтарилиб кетганки, рақиблари унинг учун худди сувнинг бетидаги хашакка ўхшаб қолган. Тўртинчи байтда ошиқнинг қуриган жисмидаги қонли жароҳатлар қонли жароҳат эмас, балки гўё ошиқнинг қуриган суякларини қизил бўёқ билан бир-бирига улаб чиққандекдир, дея муболага санъатининг ғулув туридан фойдаланиб бир ҳолат тасвирланяпти.

Бешинчи байт:

Туган бирла алифдин, эй мунажжим, ҳолатим кўргил,  
Ки, кўкsum тахтайи рамл ўлди ҳар ён бу рақам бирла.

“Туган” сўзининг луғавий маъноси “доғ” дегани. Бу байтнинг биринчи мисрасининг мазмуни шундай: “Эй мунажжим, доғ билан “алиф”дан менинг ҳолатимни кўр...” Бундай талқинда мисрадан мазмун чиқмайди. Яхшилаб эътибор берилса, байтда китобат санъати қўллангани маълум бўлади. Бу санъатнинг қўлланганига “алиф” сўзи ишора қиляпти. Ечим “доғ” ва “алиф” сўзларидан топилади. “Туган” сўзи “доғ” маъносини билдиради. Доғ эса одатда юмалоқ шаклда бўлади. Араб алифбосидаги “хойи ҳавваз”, яъни юмшоқ “ҳ” ҳарфининг сўз охирида келадиган, ўзидан олдинги ҳарфга қўшилмаган шакли ҳам юмалоқ бўлади. Демак, “ҳ” (о) ҳарфини “алиф”га қўшсак “оҳ” ( ) сўзи келиб чиқади. Шоирнинг “Туган бирла алифдан...” деган сўз бирикмасидан кўзда тутилган мақсад “Оҳ” ( ) сўзи экан. Ҳазалнинг учинчи байтида ҳам “оҳ” сўзи очик зикр қилиб ўтилган. Шунинг учун шоир “оҳ” сўзини яна очик-ойдин айтишни чиройли санамагани учун уни китобат санъати воситасида киноя йўли билан зикр қилмоқда.

Олтинчи байтда кўнгил ўз орзусига – мақсад қилган нарсасига етишгани, энди тил Самад – Беҳожат бўлган Зотни эслайдими ёки бут-санамни зикр қиладими ошиқ учун бунинг фарқсиз экани таъкидланмоқда.

“Таайюн” сўзининг “белгили бўлиш”, “аниқланиш”, “ошкор бўлиш”, “шуҳрат қозониш” каби маънолари бор. Еттинчи байтдаги “Таайюн хирманин куйдургай...” сўз бирикмасининг эгаси,



яъни бажарувчиси кўнгилдир. Кўнгил “шуҳратга интилиш” деган фикрни, орзун куйдириб йўқ қилиб юборган. Лекин у шундай шиддатли ва тезкорки, кўкдан ергача бўлган масофани бир қадам билан босиб ўтишга қодир.

Саккизинчи байтда яна кўнгилдаги доғ ҳақида сўз бормоқда. Одатда инсон танасидаги, шунингдек, қалбидаги яралар ҳам вақт ўтиши билан қуриса тузалади. Қуримаса, нам ҳолатда тураверса, тузалмайди. Бу байтдаги “Дема кўксумда эскиргай туганларким...” жумласидан мурод ҳам қалбдаги яралардир. Яъни вақт ўтиши билан қалбимдаги доғ-яралар эскиради, тузалади, деб ўйламагин. Кўзимдан тўкилаётган ёш томчилари бу сариғ саҳифани – қалбимни нам қилиб, ундаги доғ – яранинг эскиришига ёки тузалишига имкон бермаяпти, дея таъкидламоқда.

Мақтаъда маҳбубнинг қадди, зулфи ва оғзини орзу қилиб ошиқнинг оламдан кетганининг хабари берилар экан, Навоий ўзини учинчи шахс сифатида зикр этиб, унга раҳм қилишни Яратувчидан сўрамоқда. Чунки у бу дунёдан алам билан кетди. “Алам” сўзининг луғавий маъноси “оғриқ”, “дард”. Лекин бу байтда “армон” маъносида ишлатилган.

**Акрам ДЕҲҚОНОВ**



**“Куйди кўнглумким, недин манзил эмас жононаға...”**



Куйди кўнглумким, недин манзил эмас жононаға  
Тушти ўт ганж орзусидин бизинг вайронаға.

Ул парий усрук кўзин истаб биёбон тутмишам  
Ким, кийик бирла мудом улфат бўлур девонаға.

Келдиму кўрдум юзин қайтурмен эмди ўртаниб,  
Шамъни кўрган нафас ёнмоқ керак парвонаға.

То манга бегона бўлдунг кўнглум ўлди шодким,  
Ошнодин улфатинг кўпракдурур бегонаға.

Чархдин йиғларсен, эй кўз, билки бўлмиш еткудек  
Сайли ашкингдин халал бу эртаги ғамхонаға.

Эйки, истарсен бериб жон, васл топқанлар сўзин,  
Сафҳаға ўт сол қачон етсанг бизинг афсонаға.

Эй Навоий, неча бағринг су бўлуб тўккунг сиришк,  
Тойири давлат чу боқмас бўйла обу донаға.

– V – – – V – – – V – – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Луғат

**Усрук** – маст

**Сайл** – сел, қаттиқ ёққан ёмғир

**Сафҳа** – саҳифа, варақ, бет

**Сиришк** – кўз ёши

**Тойири давлат** – давлат қуши

### Насрий баён

1. Жононага манзил бўлмагани сабабли менинг кўнглим куйди. Ганжни орзу қилган бизнинг вайронага ўт тушди.

2. Ўша парийнинг сузилган кўзини орзу қилиб биёбон – чўлни ватан тутдим. Чунки девона доим кийик билан улфат бўлади.

3. Келдим ва маҳбубнинг юзини кўрдим. Энди ўртаниб қайтаман. Чунки парвона шамни кўргандан кейин ёниши керак.

4. Менга бегона бўлганингдан кейин кўнглим шодланди. Чунки ошнолардан кўра бегонага сенинг улфатчилигинг кўпроқдир.

5. Эй кўз, дунёнинг ишларидан йиғлайсан. Сенинг кўз ёшларинг селидан бу қадимий ғамхона (яъни дунё) бузилиб кетай деди.

6. Эй жон бериб васл топганлар сўзини излайдиган киши, қачонки бизнинг афсонага етсанг, ўша саҳифани ўтга сол, ёқиб юбор.

7. Эй Навоий, бағринг қанчалик сув бўлиб, кўз ёш тўксанг ҳам, давлат қуши бундай дон ва сувга қарамайди.

### Шарҳ ва изоҳлар

Бу ғазал ишқий мавзуда ёзилган бўлиб, биринчи байтни шоир ўз кўнглининг жононага манзил бўлмагани сабабидан қуйганини баён этиш билан бошламоқда. Ошиқ кўнглининг бундай қуйиши ганжни орзу қилган вайронага ўт тушганига ўхшатиляпти. Иккинчи байтда эса маҳбубнинг сузук кўзларини истаб биёбонларни маскан тутганини тасвирлар экан, ошиқ ўзини девонага, маҳбубнинг сузилган кўзларини эса кийикка ташбеҳ қилади. Учинчи байтда ошиқнинг келиб маҳбубнинг юзини кўрибоқ ўртаниб қайтганини шамни кўриб ёнган-қуйган парвонага ташбеҳ қилинапти.

Ғазалнинг дастлабки уч байтида кетма-кет бир нечта ўхшатишлар тизиб келтирилган. Биринчи байтда кўнгил вайронага, жонона ганжга, иккинчи байтда маҳбубнинг сузилган кўзи кийикка, ошиқнинг ўзи эса девонага, учинчи байтда маҳбубнинг юзини шамъга, ошиқни эса парвонага ўхшатишлар.

Тўртинчи байтда ошиқ ўз маҳбубининг унга бегона бўлганидан шодлигини изҳор қиляпти ва шу шодлигининг сабабини кўрсатяпти. Чунки сенинг улфатлигинг – деб таъкидламоқда ошиқ, – ошнолардан кўра бегоналарга кўпроқдир”.

Бешинчи байтда шоир ўзининг кўзига мурожаат қилиб: “Эй кўз, дунёнинг айланишидан, яъни унинг ишларидан зорланиб йиғлайсан. Балки сенинг ёшинг сели туфайли бу қадимий ғам уйи, яъни ер юзи – дунё бузилиб кетай деб қолди”, деб айтмоқда.

Навоий ўз асарларида ер юзини истиора санъати асосида турли номлар билан атайди.

Масалан:

Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бебунёд бил,  
Ул кесакни сувда кўр, бу сафҳани барбод бил.

(Бадоеул-бидоя, 406 ғазал)

Қуёш ганжи бўлуб туфоққа махфий,  
Қарорди бу буюк вайрона сақфи.

(“Фарҳод ва Ширин”)

Бу келтирилган мисолларда шоир ер юзини “кесак” ва “буюк вайрона” дея номлаган. Таҳлил қилинаётган ғазалда эса “эртаги ғамхона” дея таърифланган. Буюк адибнинг дунёни бундай номлар билан номлашлари бежиз эмас.

Биринчи мисолдаги “Ул кесакни сувда кўр...” жумласида “кесак” деб дунёни – ер юзини ҳақир санашига келсак, Навоий тасаввур ва тахайюлнинг энг юксак чўққисидан туриб ер юзига назар солган. Ерни Аллоҳ таолонинг Қудрати олдида, чексиз галактикада кичкина бир гувалак – кесакдек тасаввур қилган. Бу мисрадаги мазмунга адабий-поэтик тасаввурсиз, соф илмий томондан ёндашсак ҳам ер юзининг қуруқлик қисми уни эгаллаб турган улкан сув оламининг олдида бир гувалакдек кўриниши аниқ.

Кейинги, “Фарҳод ва Ширин” достонидан олинган мисолга қарасак, Навоий бу ерда қуёшнинг ботиш манзарасини чизмоқда. Қуёш ботиб, буюк вайрона – ернинг шифти, яъни осмон қорайди, деб айтяпти. Одатда вайронада ганж – хазина яширилган бўлади. Агар бу мисрани тўғри маънода тушунилса ҳам тўғри бўлаверади. Ернинг бағрида қанчадан-қанча хазиналар, инсоният яратилганидан буён яширилган ганжиналар ётибди. Агар мажозий маънода талқин қилсак, ернинг бағрида қанчадан-қанча улуг зотлар – анбиёлар, авлиёлар, уламолар, сиддиқлар, обидлар, хулас, ададини ёлғиз Яратувчигина биладиган инсониятнинг гавҳарлари маскан топган. Навоий мана шу мазмунни назарда тутгани ҳақиқатга яқинроқ.

Таҳлил қилаётганимиз ғазалнинг байтидаги дунёнинг номига тўхталсак, “эртаги ғамхона” – “қадимий ғам уйи”да инсон яшайди. Бу шундай ғам уйики, одам бу масканда яшар экан, муттасил йўқотишларга учрайди. Ота-онасидан, яқин қариндошларидан, ёр-дўстларидан битта-битта айрилиб боради. Инсоният яратил-

ганидан буён ҳаёт шу тарзда доира бўлиб айланиб келмоқда. Буюк Навоий мана шу манзарани ҳассос қалби билан кўриб, бу дунёни, ер юзини “эртаги ғамхона” – “қадимий ғам уйи” дея номлаган.

Мақтадан олдинги байтда шоир нидо санъати воситасида мухотабга хитоб қилмоқда. Ушбу байтдаги хитоб икки хил талқинни кўтаради: Биринчисида “бериб жон” сўз бирикмаси мухотабнинг сифати бўлиб келади. Яъни “Васл топганларнинг сўзини жон бериб излаётган эй сен...”. Иккинчиси: “Жон бериб васлга етганларнинг сўзини истаётган эй сен...” Лекин иккинчи маъно ҳақиқатга яқинроқ. Чунки Навоий ўзини ҳам жон бериб васл топганлар қаторига қўшапти. Шоир бу байтда аҳли ҳақнинг сўзини истаб юрган кишига хитоб қилиб: “Эй жонларини бериб висолга етганларнинг сўзини истаб юрган зот, қачонки бизнинг аҳволимиздан ҳикоя қилувчи афсоналарга етсанг, бошқаларнинг ҳолатлари ёзилган саҳифаларингни ўтга ёқиб юбор!” деб айтмоқда. Навоий қалбининг аҳволдан ҳикоя қилувчи афсоналар эса унинг ўз асарлари – дostonлари, ғазал ва рубойлари, ёдномаларидир.

Ғазал мақтаёсида шоир ўзига хитоб қилиб: “Эй Навоий, сенинг бағринг ҳар қанча эзилиб, сув бўлиб, тинимсиз кўзёш тўкишингдан фойда йўқ. Чунки давлат куши бу каби сув ва донга қайрилиб қарамайди”, деб ғазални якунламоқда.

**Акрам ДЕҲҚОНОВ**

——  
**“Ёнида эл кўрсам ўқ санчилмасунму жонима...”**  
——

Ёнида эл кўрсам ўқ санчилмасунму жонима,  
Менки ғайратдин раво кўрман ани ўз ёнима.

Захмлик жонимки, ишқи ўтидин хурсанд эрур,  
Ўт эмас ул марҳамедурким, ёқибдур жонима.

Васлиға кўз маҳрам эрмастур, нетиб маҳрам бўлу  
Икки тар доманки, тануғлуғ берурлар қонима.

Чун етар ул ойға афғоним, эрур бу дам-бадам  
Ким, чиқиб жон доғи ҳамраҳ бўлғуси афғонима.

Ақлу жондин ишқида бегона бўлдунг, эй кўнгул,  
Кет худой учун, бугундин сўнг мени ҳам тонима.

Тан уйин дард ўқи кўп захм этти, аммо шукрим,  
Кирмади ношукрлуғ сайлоби бу вайронима.

Эй Навоий, кулди ул гул ашкима, бўлмай халос  
Йиғламоқдин, ком агар будур гули хандонима.

– V – – – V – – – V – – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Луғат

**Ғайрат** – 1) рашк, қизғаниш, ҳамият; 2) саъй-ҳаракат, берилиш

**Захм** – 1) яра, жароҳат; 2) Маж. Кўнгил ғашлиги

**Марҳам** – Ярага қўйиладиган дори, малҳам. Марҳам ёқмоқ –  
Марҳам қўймоқ

**Маҳрам** – 1) Бир-бирига никоҳ раво бўлмаган энг яқин қарин-  
дош; 2) Улфат, ҳамдам, сирдош; 3) Хусусий хизматчи, ички хизматчи

**Тануғ** – Гувоҳ, шоҳид; тоник; белги, нишона

**Доман** – Этак; Ўнгир;

**Сайлоб, селоб** – Сел, сел суви, тошқин

### Насрий баён

1. Мен ёрнинг олдида бошқа бировни кўрсам нима учун жонимга ўқ санчилмасин? Ваҳоланки мен уни ҳатто ўзимдан ҳам рашк қилганимдан ёнида ҳам турмайман.

2. Яраланган жоним унинг ишқи ўтидан хурсанд. Унинг ишқи ўти ўт эмас, балки менинг жонимга қўйилган малҳамдир.

3. Унинг васлига кўз маҳрам эмас. Шундай экан, менинг қонимга гувоҳлик берадиган иккита ҳўл этак қандай қилиб маҳрам бўлсин?

4. Мадомики ул ойга менинг оҳу афғоним етар экан, вақти-вақти билан жоним ҳам чиқиб оҳу фиғонимга ҳамроҳ бўлади.

5. Эй кўнгил, унинг ишқида ақл ва жондан айрилдинг – бегона бўлдинг. Энди Худо учун мендан кет, бугундан кейин мени ҳам танима.

6. Тан уйига дард ўқи кўп жароҳат етказди. Аммо шукрки, ношукрликнинг сели, тошқини бу бинога (яъни тан уйига) кирмади.

7. Эй Навоий, ул гул (яъни ёр) менинг кўз ёшларимга кулди. Ўша гули хандонимга менинг кўз ёшим мақсад бўладиган бўлса, мен ҳеч қачон йиғлашдан халос бўлмай.

### Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг “Кўнглум ўртансин агар ғайрингга парво айласа...” мисраси билан бошланувчи ғазалини профессор Н. Комилов “Рашкнома” деб атаган эди. Чунки ўша ғазалда ошиқнинг рашки – ғаяурлигининг ҳарорати уфуриб туради. Ушбу шарҳланаётган ғазал матлаъси ҳам ошиқнинг маҳбубга нисбатан ғаяурлигининг даражасини ифодалаш билан бошланмоқда:

Ёнида эл кўрсам ўқ санчилмасунму жонима,  
Менки ғайратдин раво кўрман ани ўз ёнима.

Ушбу матлаъда ифода топган ғайратнинг даражаси “Кўнглум ўртансин агар ғайрингга парво айласа...” мисраси билан бошланган ғазалдагидан анча кучли. Маҳбубнинг ёнида бировни кўрсам нима учун жонимга ўқ санчилмасин. Мен уни ўзимдан ҳам рашк-ғайрат қилиб, ёнимда туришини ҳам раво кўрмайман, деб айтяпти шоир.

Ғаяурлик сифати мўмин киши учун энг қадрли сифатлардан биридир. “Ғайрат” сўзи “рашк қилмоқ” деган маънони билдира-

ди. “Ғаюр” эса шу сўзнинг орттирма даражаси, яъни “ўта рашкчи” деган мазмунда.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурида Саъд ибн Убода исмли саҳобанинг ғаюрлиги – ўта рашкчи экани хусусида сўзланди. Шунда у зот: “Мен Саъддан ҳам ғаюроқман, Аллоҳ таоло эса мenden ҳам ғаюроқдир”, деб айтди.

“Ғаюр” сифати фақат аёл кишига нисбатан рашк маъносини англатмайди. Агар шундай бўлганида Пайғамбар алайҳиссалом бу сифатни Аллоҳ таолога нисбат бермаган бўлар эди. Аллоҳ таолонинг бандасига нисбатан ғаюрлигининг маъноси шуки, агар банда Аллоҳ таолони қўйиб, бошқа нарсани илоҳ деб сиғинса, сиғинишга энг ҳақдор бўлган Зот – Аллоҳнинг ғаюрлиги келар экан.

Иккинчи байт:

Захмлиқ жонимки, ишқи ўтидин хурсанд эрур,  
Ўт эмас ул марҳамедурким, ёқибдур жонима.

“Марҳам ёқмоқ” сўз бирикмаси “малҳам қўймоқ” деган мазмунда ишлатилади. Байтнинг биринчи мисрасидаги “...ишқи ўтидин хурсанд эрур...” сўз бирикмасини зикр этишдан мақсад, иккинчи мисрадаги “марҳам ёқмоқ” жумласини айтишга тайёргарлик кўришдир. Чунки “ўт” сўзи билан “ёқибдур” сўзининг маънода ўзаро алоқадорлиги бор. Гарчи байтдаги “ёқибдур” сўзи ўз маъносида қўлланмаган бўлса-да. Байтдаги иккита “ўт” сўзи ва “ёқибдур” сўzlари таносиб санъатини вужудга келтирган. Иккита “ўт” сўзи эса лафзий санъатлардан тақрирни ҳам ҳосил қилган.

Учинчи байт:

Васлиға кўз маҳрам эрмастур, нетиб маҳрам бўлур,  
Икки тар доманки тануғлуқ берурлар қонима.

Маҳбубнинг васлига ҳатто кўз ҳам маҳрам – яқин эмас. Бас, шундай экан, ошиқнинг қонига гувоҳлик берадиган иккита нам этак қандай қилиб маҳбубнинг васлига маҳрам бўлсин?!

Байтдаги сўзларда “р” ҳарфи саккиз марта ишлатилиб, (тавзеъ санъати) ўзига хос оҳангдорликни ҳосил қилган. Шунингдек,



биринчи мисрада “маҳрам” сўзининг такроридан тақрир санъати ҳосил бўлган.

Тўртинчи байтда ошиқ ўзининг оҳу афғони ўша ойга – маҳбубга кўтарилиб етиб боришини, бинобарин, ошиқнинг жони ҳам унинг афғонига шерик бўлиб маҳбуб томон интилиб-кўтарилиб боришини баён этмоқда. Навоий бу байтда аслида абстракт – мавҳум тушунча бўлган жон сўзини моддийлаштириб тасвирлаб жуда чиройли манзарани ўқувчи кўз олдига келтириб берган.

Бешинчи байтда ошиқ кўнгилга мурожаат қилиб, унинг ақл ва жондан бегона бўлганини, яъни узоқлашганини таъкидлаб айтиб туриб, энди Худо учун мени ҳам тарк этгин, мени ҳам танимагин, дея ўтинмоқда.

Матлаъдан олдинги байтда ошиқ ўзининг бадани биносига замоннинг дард ўқлари кўп зиён етказганини баён қилар экан, бир нарсаса қайта-қайта шукрлар қилади. Бу шукрлар шунинг учунки, бу вайрон бўлган жисмга, баданга ношукрликнинг селоби – тўфони кирмаганлигидандир. Замоннинг шунча дарду ситамлари етиб вайрон бўлган бўлса-да, ошиқнинг бадани, кўнгли ношукрлик балосидан омондадир. Ошиқ шунга шукр қилмоқда. Шукр қилиш эса неъматнинг бардавомлигини, унинг зиёда бўлишини таъминлайди.

Мақтаъда Алишер Навоий ўзининг кўз ёшларига маҳбубнинг кулгани ҳақида хабар берар экан, маҳбубимга мақсад агар менинг кўз ёшимдан кулиш бўлса, мен ҳеч қачон йиғлашдан тўхтамай, дея тилак тиламоқда.

Ҳазал мақтаъсида Навоий бир неча бадий санъатларни қўллаган:

Эй Навоий, кулди ул гул ашкима, бўлмай халос  
Йиғламоқдин, ком агар будур гули хандонима.

1. Нидо санъати: Эй Навоий.
2. Тазод: кулди, йиғламоқдин.
3. Тақрир: ул гул, гули хандонима.
4. Истиора: Ул гул.
5. Тавзеъ: Кулди ул гул.

Бу санъатлар зўрма-зўраки, мажбурлаб пайдо қилинган эмас. Балки фикрнинг оқимига мос равишда, ҳазалнинг умумий руҳига

мувофиқ ҳолда, табиий равишда ҳосил бўлган ва ғазалнинг ҳусни интиҳо билан чиройли якунланишини таъминлаган.

Акрам ДЕҲҚОНОВ



**“Анбари тар истаман юз узра холинг борида...”**



Анбари тар истаман юз узра холинг борида,  
Кам кўрунур янги ой мушкин ҳилолинг борида.

Сийми ашким итларингнинг йўлида сарф айларам,  
Чун демиштурларки қозғон дўст молинг борида!

Чашмаи ҳайвондин, эй жоним, су ичмайдур кўнгух  
Хизрваш хаттинг аро ширин зулолинг борида.

Чун вафо қилмас кишига оқибат даврони ҳусн,  
Бас ғанимат бил вафо қилмоқ жамолинг борида.

Дегасен, мискин Навоий ноласин булбул кеби  
Эй сабо, ул гул ҳаримиға мажолинг борида.

– V – – – V – – – V – – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

**Луғат**

**Анбари** – 1) Хуш исли нарсалар аралашмасидан тайёрланган хушбўй қора модда; хушбўйлик. Анбари тар – янги анбар

**Мушкин** – 1) Мушк ҳидли; 2) Мушк рангли, қора тусли

**Қозғонмоқ** – қозонмоқ, қўлга киритмоқ, ҳосил қилмоқ  
**Чашмайи ҳайвон** – тириклик суви  
**Зулол** – тип-тиниқ ва ширин совуқ сув  
**Ҳарим** – Хос жой, ўз аҳли бўлмаган кишилар киритилмайдиган жой

### Насрий баён

1. Сенинг юзинг узра холинг бўлган ҳолда, янги анбарни истамайман. Мушк рангли ҳилолинг (қошинг) борида янги ой нуқсонли кўринади.

2. Кўз ёшим кумушини итларинг учун сарф қиламан, чунки “Молинг борида дўст орттир”, деб айтишган.

3. Эй жоним, Хизрга ўхшаш хатларинг орасида жойлашган ширин лабинг борида тириклик булоғидан сув ичишни кўнглим истамайди.

4. Хусннинг вақти – даврони охир-оқибатда кишига вафо қилмайди. Бас, шундай экан, хусн-жамолинг борида вафо қилишни ғанимат билгин.

5. Эй сабо, мискин Навоийнинг булбул каби ноласини имкониётинг борида ул гулнинг ҳузурига етказгин!

### Шарҳ ва изоҳлар

Ғазал матлаъси хусни ибтидо санъати билан бошланган. Маҳбубнинг юзидаги холни сифатлашда шоир ўзига хос йўл тутган. Холнинг хушбўйлик, тимқоралик ва янгилик сифатини бевосита айтмай, билвосита келтиряпти. Яъни юзинг узра холинг борида янги (свежий) анбарни истамайман. Маълумки, ҳар бир нарсанинг ўзигагина хос бўлган сифати унинг янгилик пайтида кучли бўлади. Масалан, қовун ёки беҳи янги узилган пайтида ҳиди кучли бўлиши ёки гул янги узилган вақтида унинг таровати ва бўйи ёқимли бўлиши ва ҳоказо. Шунга ўхшаш шоир ҳам маҳбубнинг холидаги тароватни янги анбардан ҳам марғуб эканини айтмоқда. Матлаънинг биринчи мисрасида маҳбуб холининг уч сифати ҳақида хабар бор: қоралик, хушбўйлик ва таровати – янгилиги ҳақида. Иккинчи мисрада эса маҳбуб қошининг си-

фати васф этилмоқда – кўриниши дилга марғуб ва ёқимли экани. Мушкинлик – тим қоралик одатда ойнинг сифати эмас. Ёрнинг қоши фақат шаклда янги ойга ўхшайди. Шунинг учун шоир истиора санъати воситасида ёрнинг қошини мушк ранги ҳилол деб айтмоқда.

Ҳазалнинг иккинчи байти ирсоли масал санъати асосига қурилган. Шунингдек, касри нафс – нафсини синдириш санъати ҳам бор:

Сийми ашким итларингнинг йўлида сарф айларам,  
Чун демиштурларки: “Қозғон дўст молинг борида!”

Бу байтда “Молинг борида дўст орттир” деган мақолнинг гўзал шаклдоши Навоий тили билан келтирилган. Маҳбубнинг ўзи учун кўз ёши кумушини сарф қилишга ошиқ ботина олмайди. Шунинг учун итларининг йўлида сарф қилишга жазм қилган. Ит образи мумтоз шеърятимизда одатда икки маънони ифодалаш учун хизмат қилади: ижобий маънода вафо рамзи сифатида ва салбий маънода нафснинг сийратини кўрсатишда. Бу байтда вафо рамзи сифатида ишлатилган.

Учинчи байтда маҳбуб лабининг жон бағишловчилик сифати ҳақида сўз бормоқда. “Зулол” Луғатда тиник, совуқ ва ширин сувнинг номи. Истиора санъати билан ёрнинг лабини “зулол” деб айтмоқда шоир. Маҳбуб лабининг бу сифати ошиқ учун чашмаи ҳайвон – тириклик сувидан ҳам азизроқдир.

Навоий ўзининг деярли барча асарларида Аллоҳ таолонинг буюк қонунини – дунёнинг ўткинчилигини қайта-қайта таъкидлаганидек (“Ёр” юзидаги барча жонзот фонийдир” (“Раҳмон” сураси, 26-оят), ушбу ҳазалнинг тўртинчи байтида ҳам маҳбубга мана шу ҳақиқатни яна бир бор эслатмоқда:

Чун вафо қилмас кишига оқибат даврони хусн,  
Бас, ғанимат бил вафо қилмоқ жамолинг борида.

Айни мазмуннинг бошқача тарздаги фавқулодда гўзал ифодасини “Ғаройибус сиғар” достонидаги 228 ҳазалда ҳам кузатамиз:

Бўлмангиз мағрури хусн, эй шўхларким, боғ аро  
Сиз кеби билтурғи гуллардин бири пайдо эмас.

Ғазал мақтаёсида Навоий шеъриятида энг кўп қўлланган поэтик синтаксис усулларида бири бўлган инверсия (гап бўлақларининг одатдаги тартибини ўзгартириш) ҳодисасини кўрамиз:

Дегасен мискин Навоий ноласин булбул кеби,  
Эй сабо, ул гул ҳаримиға мажолинг борида.

Биринчи мисрадаги “Дегасен Мискин Навоий ноласин булбул кеби...” жумласининг мазмуни “Мискин Навоийнинг булбул каби ноласини...” тарзида тушунилса тўғри бўлади. Байт мазмунини инверсиясиз талқин қилинса “Эй сабо, қувватинг борида мискин Навоийнинг ноласини ёрнинг ҳузурига булбул каби етказгин...”, деган маъно чиқади. Бунда нотўғри бўлади. Чунки сабода булбул каби нола қилиш хусусияти йўқ.

Ғазал матлаёсида бадий санъатлардан нидо (“Эй сабо”) ва истиора (“ул гул”) қўлланилган.

**Акрам ДЕҲҚОНОВ**

——  
**“Қил учи кўрмай оғзингдин нишона...”**  
——

Қил учи кўрмай оғзингдин нишона,  
Анга ошиқ бўлубмен ғойибона.

Хатинг бош чеккали холинг кўрунмас,  
Кўкарди чун екин, гум бўлди дона.

Баҳона қилмай ел қонин тўқарсен,  
Менга еткач, қилурсан бир баҳона.

Булут ермаски, гардун юз яшурмиш  
Ки, тортар шуълаи оҳим забона.

Бу жавлонким қилурсен, ваҳ, замоне  
Инон чеккилки, қўзғалди замона.

Фано аҳли сўзин кўп айла мазкур  
Ки, уйқу даф етар ушбу фасона.

Ўтар ёринг, Навоий, арз қилким,  
Қадам қўйсанг яқиндур бандахона.

V--- V--- V--  
мафойилун мафойилун фаувлун  
ҳазажи мусаддаси маҳзуф

### Лугат

**Хат** – қизларнинг юқори лабидаги майин туклар

**Гум** – йўқолган

**Дона** – уруғ

**Баҳона қилмай** – суриштирмай

**Гардун** – осмон

**Забона** – аланга тили

**Инон** – тизгин, жилов

**Чек** – тортгин

**Фано аҳли** – фонийлар

**Фасона** – афсона, қисса

**Бандахона** – қуллар яшайдиган жой, уй

### Насрий баён

Сенинг оғзингдан қил учича нишона кўролмай, унга ғойибона ошиқбўлибман. Лабларингда майин туклар униб, холинг кўринмай қолди. Зотан, екин кўкарганда уруғ кўздан ғойиб бўлади. Ҳеч бир

сўраб-суриштирмай ел қонини тўқасан. Навбат менга келганда бир баҳона топиб қонимни тўкмайсан.

Кўни қоплаган қоп-қора тутун емас. Мен тортган алангали оҳимдан фалак бекиниб олган.

Хой! Бир лаҳза жиловингни торт! Сен шундай жавлон қил-япсанки, ошиқларинг замонга ғавғо солмоқдалар.

Фонийлар ҳақида кўпроқ гапиргин. Схунки бу хилдаги афсона одамлар кўзидаги уйқуни қочирази.

Эй Навоий, ёринг ўтиб бормоқда. “Марҳамат қилсангиз, қулингизнинг уйи яқин” деб арз қилгин.

### Шарҳ ва изоҳлар

Оғизга нисбатан “қил учича” иборасининг ишлатилгани боиси шундаки, классик адабиётда оғиз торлиги сулувлик кўрсаткичларидандир. Оғизни кичик, нуқтадай, заррадай дейиш – яхши, уни ғазалдагидек йўққа чиқариш оғиз торлиги ҳақидаги энг яхши муболағадир.

Хат – юқори лабдаги майин туклар ҳам гўзаллик белгиларидандир.

Фано аҳли сўзи – фонийлар ҳақида сўзлаш демакдир. Одатда, афсона уйқу келтиради. Шоир бунда тескари фикр бераётганининг боиси бор: фонийлар – сўфийликда энг олий риёзат босқичига етган, руҳан ҳақ билан қовушаётган кишилардир.

Бандахона сўзини қўллашдан муддао: ошиқ камтарлигини уқтириш, унинг тилидан ўз уйини “қуллар хонаси” деб кўрсатишдир. Мумтоз шоирлар мактубларда ўзларини фақир, банда деб камтарлик қиладилар. Худди халқ ўртасида камина сўзининг қўлланилганидек...

Ваҳоб РАҲМОНОВ



**“Лабларингким, хайф ерур тенг тутмоқ они қанд ила...”**



Лабларингким, хайф ерур тенг тутмоқ они қанд ила,  
Синдур-ур юз қанд бозорини шаккарханд ила.

Токи ҳайронмен сенга номус ила итмиш кўнгул  
Телба янглиғким, қочар ел ғофил ўлғоч банд ила.

Одам ул соатки, жаннат ичра авлодин кўрар,  
Не қувонғай дам-бадам сен нозанин фарзанд ила.

Кўй насиҳат, зоҳиду, ўтлуғ дамимдин ваҳм қил,  
Телба ит имкони йўқтурким, соғалғай панд ила.

Ҳожатингни елга арз етмакка ҳожат бўлмасун,  
Хуш чиқишсанг лаҳзае бу зори ҳожатманд ила.

Лабларинг ҳажрида юз паркандким бўлмиш кўнгул,  
Лаъл ерур маҳлул қон ўрниға ҳар парканд ила.

Схун Навоий кўнгли синди, емди лутфунг не осиг  
Ким, ушатса шишани бутмас яна пайванд ила.

– V – – – V – – – V – – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

**Луғат**

**Шаккарханд** – табассум

**Итмиш** – йўқолган



**Банд** – бўғов, кишан  
**Одам** – одам ато  
**Нозанин** – сулув  
**Зоҳид** – умрини динга бағишлаган одам  
**Осиғ** – наф, фойда  
**Бутмас** – бутун бўлмайд  
**Панд** – насиҳат  
**Лаҳзае** – бир лаҳза  
**Ҳожатманд** – еҳтиёжли  
**Парканд** – парча, бўлак  
**Маҳлул** – еритилган  
**Лутф** – карам, яхшилик, шафқат  
**Дам** – нафас

### **Насрий баён**

Сенинг лабларингни қандга тенглаштириш – хайфдир. Схунки лабларинг табассум билан юз қанд бозорини бекор қилади. Сенга хайрон қолганимда, эл ғофиллигидан фойдаланиб занжирини судраб қочган телбадай кўнглим номус билан йўқолиб кетибди.

Одам Ато жаннатда ўз авлодларини кўрар екан, сенга назари тушганда жуда қувониб кетади. Эй зоҳид, насиҳатингни қўй, оловли нафасимдан еҳтиёт бўл. Телба итни насиҳат билан соғайтириш имкони йўқдир.

Лабларингдан айрилиқда кўнглим юз лахта бўлган, гўё унинг ҳар парчаси қонга емас, еритилган лаълга ботириб олингандай. Навоий кўнгли сингандан сўнг, энди лутф-марҳаматингдан нима фойда? Шишани қайта пайванд қилиш билан бутун қилиб бўладими, бўлмайд-ку?

### **Шарҳ ва изоҳлар**

Ёр лабларини қанддан юқори қўйилиши: ошиқнинг унга маҳлиёлиги ва маҳбубанинг ширинсўзлиги билан изоҳланади.

Телбанинг занжирини судраб қочишига келсак, илгарилар телбани занжирбанд қилиб, уйда сақлаш расм бўлган. Одам-

нинг жаннатда авлодини кўриб қувониши форс-тожик ва араб адабиётида жуда анъанавий фикрдир. Навоий ҳам ҳусн порлоқлиги намунасини кўрсатиш учун ана шу поэтик деталдан фойдаланган.

Лаблар айрилиғида кўнгулнинг юз парча бўлиши ва ҳар парчаси ёритилган лаълга ботириб олингандай алвонлиги масаласига келсак: лаб, кўнгул парчаси ва лаъл – барчаси рангдош алвондир. Бундаги ранглар таносибида ошиқ изтиробларининг мислсизлиги намоиш етилган.

Кўнгул синишига келсак, муаллиф зимдан: кўнгил шишадир, деган фикрни олға суриб, ўқувчиларни дилозор бўлмаслик, кўнгиллар шишасини синдирмаслик, кишиларни авайлашга чорлаган.

**Ваҳоб РАҲМОНОВ**

——  
“Меҳрдин дерменки, бўлсам дойим ул ойим била...”  
——

Меҳрдин дерменки, бўлсам дойим ул ойим била,  
Найлайинким, чарх эврулмас менинг ройим била.

Ҳажр аро мендурмену пуруҳу пурхам қоматим,  
Ғам чериги хасму мен бу навъ ўқ-ёйим била.

Аҳли мажлис куйдурур тилин кесиб, бошин узуб,  
Шамъ даъво қилса моҳи мажлисоройим била.

Кўҳи дарду тешайи ҳижронни сўр Фарҳоддин,  
Анғламас Хусравки, Ширин бирладур дойим била.

Хусниға ҳар лаҳза ҳайронроқмен охир яхшидур,  
Ўлмасам ногаҳ бу ишқи ҳайратафзойим била.

Бўлмайин дайри фано хаммори гар қилсам бадал  
Шоҳиди худбин ридосин бодаполойм била.

Дам-бадам мискин Навоийнинг дегил қон ютмоғин,  
Эй қадах, гар ҳамдам ўлсанг бодапаймойим била.

– V – – V – – V – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Лугат

**Рой** – фикр, қараш  
**Пуроҳ** – оҳга тўла  
**Пурхам** – эгилиб-букилган  
**Черик** – қўшин, лашкар  
**Хасм** – душман, мухолиф  
**Мажлисоро** – мажлисни безовчи  
**Хайратафзо** – хайратни орттирувчи  
**Дайри фано** – фано бутхонаси, мажозан сўфийлар маскани  
**Хаммор** – ичкилик ясовчи, ичкиликка берилган  
**Бадал** – эваз, алмаштириш  
**Шоҳиди худбин** – ўзини ўйловчи гўзал, бу ерда ўз  
манфаатини кўзловчи сувраторо киши маъносида  
**Ридо** – елкага ташланадиган устки кийим, ёпинчик, одатда,  
шайх-дарвишлар кийган.  
**Бодаполо** – майсузгич  
**Бодапаймо** – май ичувчи, май қуювчи

### Насрий баён

1. Ой юзли ёримга меҳрим баландлигидан доим у билан бирга  
бўлишни истайман. Лекин нима қилайки, чарх менинг бу хоҳи-  
шимга мувофиқ айланмайди.

2. Ҳажр майдонида мен оҳ чекиб, эгик қоматим билан турибман; душманам беҳисоб ғам лашкари-ю мен унинг қаршисида ана шундай ўқ(оҳлар) ва ёйим (эгик қаддим) биланман.

3. Агар шам мажлисни безаб, ёритиб турган ойим (ёрим) билан ҳусн талашиб, ёруғлик даъвосини қилса, мажлис аҳли унинг тилини кесиб, бошини олиб, ўзини куйдирадилар.

4. Дард тоғи ва ҳижрон тешасининг қандайлигини Фарҳоддан сўра, уларнинг нима эканлигини Ширин билан доим бирга бўлиб, ҳажр азобини тортмаган Хусрав қаердан ҳам биларди?!

5. Хуснига ҳайронлигим ҳар лаҳзада ошиб бормокда, охири бу ҳайратни орттирувчи ишқ мени ўлдирмаса яхшийди.

6. Агар худбин зоҳиднинг ёпинчигига май сузадиган матоимни алмаштирсам, фано бутхонасининг май тайёрловчиси бўлишга поллойиқман.

7. Эй қадах, агар май ичувчи ёрим билан ҳамнафас бўлсанг, унинг ҳажрида бечора Навоийнинг ҳар нафасда қон ютаётганини айтиб бер.

### Шарҳ ва изоҳлар

Биргалик маъносини ифодаловчи “била” сўзи радиф сифатида танланган мазкур ғазалда, ажабки, ҳажр ва айрилиқ оҳанги етакчи мавқеда туради. Ҳижрондан баҳс этувчи матлаъ ва мақтаъ оралиғида лирик қаҳрамон ишқ дардининг ўз қалбида садо бераётган кечинмалари, руҳий-маънавий дунёсидаги талотумлари билан намоён бўлади. Айни тасвир ғазалнинг тавсифий характери билан ошиқона-орифона мазмундаги йўналишини белгилаб берган.

Ғазалнинг илк байтидаёқ кўзга ташланадиган жиҳат ошиқнинг ўз хоҳишига зид бўлса-да, айрилиқни муқаррар воқелик, қисмат сифатида қабул қилганлигидир:

Мехрдин дерменки, бўлсам дойим ул ойим била,  
Найлайинким, чарх эврулмас менинг ройим била.

Ошиқнинг ёрга муҳаббати шу даражада баландки, бир лаҳза бўлса-да, ундан айрилишни истамайди. Лекин, афсуски, тесқари

айланувчи чарх бунга имкон бермайди. Лирик қаҳрамон тилидан айтилган “найлайинки” лафзи унинг тақдирга тан берганлиги, иложсизлиги ифодаси сифатида янграйди. Яна бир жиҳати, у ошиқнинг васл орзуси имконсиз эканлиги ҳақидаги мулоҳазаси ортида узоқ муддатли аччиқ тажрибалари ётганлигини тасдиқлайди. Ошиқнинг ўзига ўзи чиқарган ҳукм-хулосаси мақомидаги бу иқроридан ҳажрнинг пешонага азалдан битилган қисмат, сарнавишт эканлиги англашиладики, бу лирик қаҳрамоннинг ишқи хос аҳлидан эканлигига ишорадир. Унинг ишқ йўлида ҳар қандай зарбага руҳан тайёрлиги навбатдаги байтда рўй-рост намоён бўлади:

Ҳажр аро мENDурмену пуроҳу пурҳам қоматим  
Ғам чериги хасму мен бу навъ ўқ-ёйим била.

Навоий ошиқнинг жисмонан ожиз ва нотавон ҳолати ортида аслида мислсиз руҳоний қувват ва жасорат мужассам бўлганлигини бетакрор поэтик манзара яратиш орқали кўрсатиб беради. Ҳажр – муҳораба майдони. Унинг ўртасида айрилиқ азобидан қадди эгилган, тинимсиз оҳ чекаётган ошиқ турибди. Атрофдан эса унинг устига ёпирилиб душман – ҳисобсиз ғам лашкари келмоқда. Ошиқнинг унга қарши ўзининг мажозий маънодаги жанг қуроли – эгик қадди кўринишидаги ёй ва ундан таралаётган ўқлар – оҳларидан бошқа ҳимоя воситаси йўқ. Навоий истиора (эгилган қоматни ёй, оҳни ўқ, ғамни черик деб аташ), таносиб (ўқ, ёй, черик, хасм каби сўзларни мазмуний алоқадорликда ишлатиш), ташхис (ғамни душман қўшини сифатида шахслантириш) каби усулларни уйғун ҳолда қўллаб яратган бадийи воқелик ўқувчининг тасаввурида аниқ-таниқ гавдаланади ва у ошиқнинг забун аҳволига ачиниш ҳиссидан кўра хайрхоҳ бўлиш, хайрат кўрсатиш, таҳсин айтиш кайфиятига мойил бўлади, ошиқни маънавий қаҳрамон сифатида қабул қилади.

Учинчи байтда фикр Шарқ мумтоз шеъриятидаги яна бир анъанавий тасвир объекти – мажлисга кўчади:

Аҳли мажлис куйдурур тилин кесиб, бошин узуб,  
Шамъ даъво қилса моҳи мажлисоройим била.

Мажлисдан мурод – суҳбат. Суҳбат эса мажлис аҳли орасида ўз маърифатидан бошқаларга баҳра ва файз етказишга қодир кишининг бўлмоғини тақозо этади. Навоий “мажлисоро” (“мажлисни безовчи”) сўзи билан сифатлаган ёр ана шундай зот. Шундан унинг руҳоний пир, муршиди комил мартабасидаги ёр эканлиги, ғазалнинг сўнгги байтларида очик ифодаланган орифона мазмун мазкур байтда рамзлар орқали берилганлигини сезиш мумкин. Шоир ҳусни таълил воситасида “Агар шам мажлисни безаб, ёритиб турган ойим (ёрим) билан ҳусн талашиб, ёруғлик даъвосини қилса, мажлис аҳли унинг тилини кесиб, бошини олиб, ўзини куйдирадилар” деб айтади. Нур, ёруғлик ҳидоят тимсоли саналади. Зулат, қоронғулик эса, аксинча, гумроҳлик, залолат рамзи. Пирнинг руҳафзо ва файзбахш суҳбати лирик қаҳрамон каби ишқ талабгори бўлган мажлис аҳлининг қалбини маърифат ва ҳидоят нури билан чароғон қилади. Шунинг учун пирни вазифаси кечани ёритиш бўлган шам билан тенглаштириб бўлмайди. Асл мақсади ҳидоят нурининг бадиий тавсифи бўлган Навоий шамни яхшироқ ёниши учун ипини кесиб, янгидан ёқиб қўйилишидек маиший ҳодисани нореал, бироқ гўзал, шоирона сабаб билан изоҳлайди: шам мажлисининг зийнати бўлган ёр билан ким ёруғроқ эканлигида даъволашгани учун тилини кесишди (ипни қисқартириш жараёнида шамнинг алангаси ўчади, яъни тили кесилади). Бунда Навоий аланганинг шакл ва ранг жиҳатидан тилга ўхшашлигини, нутқда “аланга тили” деган ибора ишлатилишини эътиборга олган. Шамнинг тепа қисмини яхшироқ ёғду бериши учун олиб ташлаш – уни бошидан жудо қилиш, кейин ёқиб қўйилиши эса шамга бериладиган жазонинг олий кўриниши – оловда куйдириш.

Тўртинчи байтда шоир айрилик дардининг моҳиятини уни ўз танасида синаб кўрганлар англаб етишини таъкидлаш учун Фарҳод, Хусрав ва Ширин тимсоллари билан боғлиқ талмехга мурожаат қилади. Дард тоғи ва ҳижрон тешасининг қандайлигини Фарҳоддан сўраш кераклигини, уларнинг нима эканлигини Ширин билан доим бирга бўлиб, ҳажр азобини тортмаган Хусрав қардан ҳам билишини айтади:

Кўхи дарду тешайи ҳижронни сўр Фарҳоддин,  
Англамас Хусравки, Ширин бирладур дойим била.

Гарчи байтда гавдаланган тимсоллар Навоий достонининг қахрамонлари бўлган Фарҳод, Хусрав ва Ширинлар бўлмай, Навоийгача талқин этилган қиссаларга мансуб эканликлари аён бўлса-да, “Ғаройиб ус-сиғар”га киритилган ғазалларнинг хронологиясини назарда тутган ҳолда шоир мазкур қиссаларнинг ўқувчиси сифатида ўзининг “Фарҳод ва Ширин” асарини яратганига қадар ҳам қалбан Фарҳодга яқинлигини изҳор этган деб айтиш мумкин. Бу Навоий ижодидаги ишқ концепциясининг дунёқараш даражасида шаклланганини кўрсатувчи кўплаб мисоллардан бири. Навоийнинг ишқи хос моҳиятидан баҳс этувчи

Дедиким: Куймагингни айла маълум!

Деди: Андин эрур жоҳ аҳли маҳрум!

байти орқали Фарҳод тилидан “Хусрав каби тожу тахт эгалари ишқ ўтида куйиш саодатидан маҳрумдирлар” дейишида ҳам юқоридаги байт мантиғига мувофиқлик бор.

Навоий ижодидаги концептуал тушунчалардан бири ҳайратдир. Ғазалнинг навбатдаги байтида ҳам ҳайрат ишқнинг муҳим сифати бўлиб намоён бўлади:

Хуснига ҳар лаҳза ҳайронроқмен охир яхшидур,

Ўлмасам ногаҳ бу ишқи ҳайратафзойим била.

Навоий “Хуснига ҳайронлигим ҳар лаҳзада ошиб бормоқда, охири бу ҳайратни орттирувчи ишқ мени ўлдирмаса яхшийди” дер экан, ўзидан кетказадиган даражада ҳайрат туғдирувчи ишқнинг асл манбаи ҳақида янада очиқроқ ишора беради. Байтни Навоийнинг ҳайрат билан бевосита боғлиқ достони – “Ҳайрат ул-аброр”нинг муқаддимавий қисмидаги уч бобдан иборат “Ҳайратлар” билан боғлаш унинг мазмунини чуқурроқ идрок этиш имконини беради. Уларда кўнгил – Хожанинг Ер юзи, самовот ва бадан мулкига сафари хусусида сўз боради. Хожа бемисл гўзаллик ва ажойиботдан жунбушга келар экан,

Топмади сарриштани чун фикрати,

Ҳайрат уза қилди гулу ҳайрати.

Шунда унга ғойибдан етган нидо:

Ким недурур ҳайрати бефойда, Санга бу ҳайрат ила не фойда?! Сирри ҳақиқатдин ўлуб баҳравар, Айла басират кўзи бирла назар деб хитоб қилади. Дунё мўъжизаларига басират – қалб кўзи билан ибрат назарини солган кўнгил барча яратикларнинг зикр ва саждада, маърифатуллоҳға шуҳуд, яъни Аллоҳни танитувчи хужжатлар эканлигини англаганида ҳайрат узра ҳайрати ғалаба қилиб, ҳушидан кетади.

Мунча ғаройибғаки қилди гузар,  
Айлади ибрат кўзи бирла назар.

Борчасида зикру сужуд англади,  
Маърифатуллоҳға шуҳуд англади.

Қилди яна ҳайрати беҳад ани  
Ҳуш заволи била беҳуд ани.

Бу байтлар Куръони каримдаги инсонни дунё ва ўзига ибрат нигоҳини солмоққа даъват этилган куйидаги каби оятларга асосланган: “Осмонлардаги кимсалар, ердаги кимсалар, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дарахтлар, жониворлар ва одамлардан кўплари, албатта, Аллоҳға сажда қилишини кўрмайсанми?” (“Ҳаж” сураси, 18-оят); “Ва ерда чуқур ишонувчилар учун белгилар бор. Ва ўзларингизда ҳам (белгилар) бор. Ёки кўрмаяпсизларми?” (“Зориёт” сураси, 20-21-оятлар). Кўнгилнинг сўнгги учинчи сафари бадан мулкига – суратан кичик, моҳиятан олами кубро бўлган, чек-чегарасиз моддий дунё айнан унга нисбатига кўра олами сугро номини олган маъвога бўлганлиги бежиз эмас. Чунки Хожанинг саёҳатлари ҳайратафзо – ҳар сафар ҳайратни оширувчи эди. Сўнгги, олий манзил сифатида кўнгилнинг доимий масканига айланган бадан мулки ибрат назари билан қаралса, соҳибининг ҳайратини авж нуқтага кўтарувчи манзил. Яратувчи қудрати ва санъатининг олий тажассуми бўлган инсон Раббини таниш саодатига эга. Байт шарҳига қайтадиган бўлсак, ошиқ-солик ёр-пирнинг камолотидан беҳудлик даражасидаги ҳайратда қолган, чунки дунёда ўзини маънан тарбия қилиш воситасида Эгасини таниган инсоннинг



хусни хулқидан ортиқ мўъжиза бўлиши мумкин эмас. “Лисон ут-тайр” достонида ҳайратга солиқ босиб ўтиши лозим бўлган мақом сифатида қаралиб, унинг сўнгги манзил – факру фанодан олдинги босқич эканлиги айтилади. Таҳлилини кўраётганимиз ғазалда ҳам ҳайрат ҳақидаги байтдан кейин фано билан боғлиқ қарашлар ифода этилган тасаввуфий мазмундаги байт келади:

Бўлмайин дайри фано хаммори гар қилсам бадал,  
Шоҳиди худбин ридосин бодаполойим била.

Лирик қаҳрамон “Агар худбин зоҳиднинг ёпинчиғига май сузадиган матоимни алмаштирсам, фано бутхонасининг май тайёрловчиси бўлишга нолойиқман” дейди. Фано дайри – нафсоний иллатлар буткул барҳам топиб, ўзлик йўқоладиган маънавий маскан. Фано дайридаги ишқ майи моддий дунёнинг ҳою ҳавасларини унуттириб, Ҳақ муҳаббатидан завқу сурур бахш этади. Бу неъматдан маст бўлиш учун ошиқ май тайёрлаш – ўзликни унутиб, ваҳдатга етишиш сирларини ўрганиш машаққатларини чекиши керак. Зоҳиди худбин – ўз манфаатлари йўлида ибодат қилувчи шахс. Ишқ эса ҳар қандай шаклдаги худпарастликни бутунлай рад этади. Унинг шарти бағишлаш ва бериш. Зоҳиднинг елкасидаги ридо – ёпинчиқ унинг сувраторолигидан, ботинни қўйиб, зоҳирни эътиборда тутишидан дарак. Шунинг учун ошиқ май сузадиган матосини – ишқини софлантирувчи, қалбини иллатлардан тозалаш илмини ҳеч қачон зоҳиднинг ридосига – намойишкорона қилинадиган тақво эвазига келадиган обрў-шухратга алмашмаслигини айтар экан, унинг “агар шундай қилсам, фано дайри хаммори бўлишга муносиб эмасман” деган иқрори қасамёд оҳангида жаранглайди. Байтда фикр хаммор ва зоҳид, ридо ва бодаполо сўзларига асосланган тазод воситасида юзага чиқарилган.

Сўнгги байтдаги талқин асосида Шарқ мумтоз шеъриятида кенг тарқалган жамъ усули ётади. Бунда тасвир ўзаро мазмуний-шаклий мувофиқлик заминида чизилади:

Дам-бадам мискин Навоийнинг дегил қон ютмоғин,  
Эй қадах, гар ҳамдам ўлсанг бодапаймойим била.

Шоир қадаҳга мурожаат қиларкан, ўзининг дам-бадам хижрон азобида қон ютаётганини май ичувчи ёрига етказишини сўрайди. Байтнинг ҳар икки мисрасида ифодаланган фикр ичмоқ тушунчаси воситасида ўзаро боғланади: ошиқ қон ютади, ёр эса бода ичади. Бу алоқадорлик, айни пайтда, зидлашга асосланган: қон ютмоқ кучли даражадаги азобни ифодаласа, бода ичиш шоду хуррамликка сабаб бўлади. Биринчи мисрада “дам-бадам” сўзи ҳам мантиқан иккинчи мисрадаги “ҳамдам” сўзига дахлдор. “Дам-бадам” сўзи ошиқнинг ҳар нафасида қон ютишини ифодалайди. “Ҳамдам”нинг эса ташхис воситасида жонлантирилган қадахнинг сифати бўлиб келиши бежиз эмас. У байтда “дўст”, “шерик”дан кўра нозикроқ маънони англатади. Қадаҳга том маънода ёрнинг лаби, дами – нафаси тегиб туради. Шунинг учун ҳам махбубнинг ҳар бир дами (нафаси) етиб турадиган қадаҳга дам-бадам (ҳар нафас олганда) қон ютаётган ошиқнинг аҳволини айтиш вазифаси юкланган. Байтдаги бодапаймо, яъни бода ичувчи ёр илоҳий ишқ майидан бахравар пир эканини, ошиқнинг эса ундан айру тушгани учун ранжу аламларга гирифтор бўлганини англаш мумкин. Ғазалда айрилиқдан бошланган тасвир айрилиқ билан якун топади. Лекин ўқувчи бу хижроннинг соҳибини камолга етказувчи, алалоқибатда висол эшигини очувчи саодат йўли эканлигини қалбан ҳис этади.

Дурдона ЗОҲИДОВА

“Ғар сабодек ҳамдам эрман сарви озодинг била...”

Ғар сабодек ҳамдам эрман сарви озодинг била,  
Бормен, эй гул, қайдаким бўлсам, сенинг ёдинг била,

Ранге йўқтур чун қизил гулдин санга, эй андалиб,  
Эл қулоғин асру кўп ёлқитма фарёдинг била.

Эйки дерсен, кўзларим кўнглунгни не навъ этти сайд,  
Бир кабутар нетсун охир икки сайёдинг била.

Масжид ичра бутпараст ўлмоқ неча, эй пири ишқ,  
Дин учун кирдим фано дайрига иршодинг била.

Сеҳр эрур, эй ишқким, кўнглум била пайконидин,  
Хирқайи жисм ичра ўту сунӣ асродинг била.

Гар итобе зоҳир этсанг ўзгаларнинг кўнглин ол,  
Негаким мен хўй этибмен зулму бедодинг била.

Эй Навоий, телбалик тарк эткасен кўргач висол  
Хурсийратлик, малакхўлуқ парийзодинг била.

– V – – V – – – V – – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Луғат

**Сарви озоd** – тик сарв, бу ўринда ёрнинг тик, келишган қадди

**Ранг** – баҳра, наф

**Андалиб** – булбул

**Ёлқитмоқ** – қулоқни битирмоқ, батанг қилмоқ, чарчатмоқ,  
малол келтирмоқ

**Не навъ** – қандай

**Сайд** – ов, ўлжа

**Сайёд** – овчи

**Пайкон** – камон ўқининг учи

**Фано дайри** – фано бутхонаси, мажозан суфийлар маскани

**Хирқа** – шайх ва дарвешларнинг уст кийими, тўн

**Итоб** – қахр, ғазаб, таъна

**Хўй** – одат, қилиқ

**Малакхўлуқ** – фаришта қилиқли

**Хурсийратлик** – ҳурларники каби ахлоқли

## Насрий баён

1. Агарчи сенинг сарвдек тик қаддинг билан сабо каби ҳамдам бўлмасам-да, эй гулюзли ёр, қаерда бўлсам ҳам сенинг ёдинг билан тирикман.

2. Эй булбул, сенга гулнинг қизиллигидан юқмаган, баҳра етмаган бўлса, фарёдинг билан кўп ҳам элнинг қулоғини тўлдириб, малоллик келтирма.

3. Эй ёр, “кўзларим кўнглингни қандай қилиб овлади?” деб сўрайсан. Ахир битта кабутар (кўнгил) икки овчи (кўзлар)дан қандай қилиб қочиб қутулсин?!

4. Эй ишқ пири, масжид ичида бўлатуриб, бутга сиғинишим қачонгача давом этади? Бас, сенинг тўғри йўлни кўрсатишинг туфайли динни деб фано бутхонасига кирдим.

5. Эй ишқ, бу қандай сеҳрки, жисмим кийимининг ичида кўнглим ва ёр пайкони (ўқнинг учи)дан ҳосил бўлган ўт ва сувни асраб турибсан?!

6. Агар қахру ғазаб кўрсатиб, ортидан кўнгил олмоқчи бўлсанг, ўзгаларга юзлан, чунки мен зулму ситамларингга одатланиб бўлганман.

7. Эй Навоий, жаннатдаги хурлар одобига, фаришта хулқига эга паризодингнинг васлига етсанг, телбалигингни тарк этасан.

## Шарҳ ва изоҳлар

Мазкур ғазал Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонига киририлган “била” радифли уч ғазалдан бири бўлиб, бошдан-охирига қадар мурожаат-хитоб тарзида битилган.

Ғар сабодек ҳамдам эрман сарви озодинг била,  
Бормен, эй гул, қайдаким бўлсам, сенинг ёдинг била

Матлаъда ошиқ ёрга қарата “агарчи сенинг сарвдек тик қаддинг билан сабо каби ҳамдам бўлмасам-да, эй гулюзли ёр, қаерда бўлсам ҳам сенинг ёдинг билан тирикман” деб айтади. Ошиқнинг ҳеч қачон ёрини кўра олмаса-да, ҳар доим унинг ёди билан

тириклиги ҳақидаги бу эътирофида туйғулар беғуборлиги му-  
жассам. Ишққа хос ана шундай маънан тозартириш хислатидан  
баҳрамандлик ҳаммага ҳам насиб этмаслиги кейинги байтда ўз  
тасдиғини топган:

Ранге йўқтур чун қизил гулдин санга, эй андалиб,  
Эл қулогин асру кўп ёлқитма фарёдинг била.

Гулнинг қизиллигидан юқтира билмаган, гўзаллигидан наво топа  
олмаган булбул – булҳавас ошиқнинг ишқ ҳақида куйлашга маънавий  
ҳаққи йўқ, дарди йўқ фарёд элнинг қулогига малол келади.

Учинчи байт савол-жавоб тарзида шакллантирилган:

Эйки дерсен, кўзларим кўнглунгни не навъ этти сайд,  
Бир кабутар нетсун охир икки сайёдинг била.

Маъшуқа “кўзларим кўнглингни қандай қилиб овлади?” сў-  
райди. Ошиқ эса “ахир битта кабутар икки овчидан қандай қилиб  
қочиб қутулсин?!” деб жавоб беради. Навоийнинг даҳо сўз устаси  
эканлиги шундаки, унинг ҳар бир байтида ғоя ёки унинг ифода  
тарзи жўн бўлмайд, ўқувчига қутилмаган маъно, шавқ, ҳисси-  
ётни инъом этади. Ана шу нуқтаи назардан Навоий лирикасида  
фалсафий салмоғидан кўра нафис ва завқбахш қиёсу тамсиллари  
билан кўнгилни забт этадиган мисралар беҳисоб. Юқоридаги байт  
ҳам шундай байтлар сирасидан. Кўнгилнинг ёрнинг икки кўзи  
асирига айлангани бечора кабутарнинг икки овчи таъқибидан қо-  
чиб қутула олмагани каби эканлиги, маъшуқанинг эса ўзини ғо-  
филликка солиб “кўнглингни қандай қилиб бериб қўйдинг?” қа-  
билида савол бериши – буларнинг барчаси ўқувчининг тасаввури-  
ни жонлантиради, ҳиссиётини ҳаракатга келтиради. Навоийнинг  
сўз маҳорати шундаки, байтдаги етакчи бадий санъатларнинг  
барчаси ўзаро алоқадор бўлган учта сўз – кабутар, сайд, сайёд сўз-  
лари истифодаси орқали юзага чиққан. Булар таносиб (кабутар,  
сайд, сайёд), иштиқоқ (сайд – сайёд), истиора ( кабутар – кўнгил,  
сайд – кўз) санъатлари.

Кейинги байт кескин зиддиятга асосланган рамзийлик, чуқур  
орифона руҳ билан суғорилган:

Масжид ичра бутпараст ўлмоқ неча, эй пири ишқ,  
Дин учун кирдим фано дайриға иршодинг била.

Аввалги байтларда маъшуқага, андалибга йўналтирилган хитоб энди ишқ пирига кўчади ва байтдаги ифода оҳанги ҳам муршидининг мавқеига мос ҳолда юқори пардага кўтарилади, солиқ гўё ишқ устозининг маънавий мададини ҳис этиб, журъату шиддатга тўлиб “Эй ишқ пири, масжид ичида бўлатуриб, бутга сиғинишим қачонгача давом этади? Бас, сенинг тўғри йўлни кўрсатишинг туфайли динни деб фано бутхонасига кирдим” деб айтади. Масжид ичидаги бутпараст бўлиш ва, аксинча, дин учун бутхонага кириш ўз маъносида имконсиз, ақлга зид ҳолат. Бут – кўнгилдаги нафсоний хоҳишлар, кибр, уjb, риё, худбинлик; бутпарастлик – ана шу иллатларга сиғиниш, уларнинг қули бўлиш. “Худпараст – бутпараст” дейди Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида. Фано дайри – илоҳий ишқ туфайли нафс барҳам топадиган маънавий маскан. Унга етишиш ишқ муршидининг иршоди, кўрсатмаси билан амалга ошади. Байтда кўнгил бутларини синдириб, ҳидоят завқини тотган ва ўзининг бу шарафга етишига сабабчи бўлган ишқдан миннатдорлик ҳисси билан тўлиб-тошган ошиқнинг изҳори ифодаланган. Байт истиоранинг мураккаб тури – кинояга асосланган. Кинояда фикр кўчма маъноли сўзлар воситасида берилиб, истиоравийлик нафақат нарсаси, балки ҳолат ва ҳаракатга ҳам кўчиб ўтади. Масалан, “тонг отиб, қуёш чиқди” деган фикр “тонг сўфиси нур жойнамозини солди” тарзида берилади. Юқоридаги мисраларда ҳам “ишқ туфайли нафс, риё учун қилинадиган тақводан воз кечдим, Аллоҳ муҳаббатидан баҳра олиб, ҳидоят топдим” деган мазмун киноявий шаклда ифодаланган. Байтдаги масжид – дайр, бутпараст бўлмоқ – дин учун кирмоқ каби эътиқод ва қадриятга дахлдор тушунчаларга асосланган тазод усули унинг кучли ҳиссий таъсирини таъминлаган. Ундаги “пири ишқ” бирикмасини икки йўсинда – ўз маъносида (ошиқнинг ишқ йўлидаги пири, устози, реал инсон) ва истиоравий ташхис сифатида (ишқни жонлантириб пир деб аталмоқда, кўнгил гулшани, қад ниҳоли дейилгани каби) тушуниш мумкин ва уларнинг ҳар иккаласи ҳам байтнинг мазмун мундарижасига мувофиқ келади.

Галдаги байтда мазмунини чақиш тафаккур ва тадаббурни талаб этади.

Сехр эрур, эй ишқким, кўнглум била пайконидин,  
Хирқайи жисм ичра ўту сунӣ асродинг била.

Кўринадики, лирик қаҳрамон ишққа мурожаат қилиб, “Эй ишқ, бу қандай сехрки, жисмим кийимининг ичида кўнглим ва ёр пайконидан ҳосил бўлган ўт ва сувни асраб турибсан?!” деб ҳайрат изҳор этади. Ишқ – сехргар. Унинг жодуси жисм кийимининг ичида ўт – кўнгилни ва сув – пайконни бир пайтнинг ўзида сақлаб турганида намоён бўлади. Кўнгилни муҳаббат азобида ёнгани учун ўтга қиёслангани, ўт ва сувни бир жойда жамлаш имконсизлиги тушунарли. Пайкон ўқнинг учи, ўқ эса мумтоз назмда мажозан маъшуқанинг нигоҳи ёки киприги эканлиги, чунки уларнинг ўқдек ошиқнинг кўнглига санчилиши ҳам маълум. Фақат пайконни нима сабабдан сув деб аталаётгани илк дафъа тушунарсиздек. Матнга герменевтик ёндашув қисмни бутун орқали идрок этишни тақозо этади. Шу маънода, маълум бир ижодкор қўллаган сўзнинг моҳиятини англаш учун уни айни ижодкорнинг бошқа асарлари контекстида талқин этиш зарур. Шу усулдан борсак, Навоий шеъриятида пайкон-сув жуфтлиги гул-юз, тиш-дур, қад-нихол каби ўхшашлик асосидаги кўплаб жуфтликларнинг бири эканлиги ва анча фаол қўлланганлиги маълум бўлади. Қатор байтларида Навоий пайкон – ўқнинг бошоққа ўхшаш учини шаклан томчиға қиёслаганини кўрамыз. Масалан:

Ўқларингдин дамбадам таскин топар кўнглум ўти,  
Бордурур бир қатра су гўёки ҳар пайкон анга.

Яъни: кўнглимдаги ишқ ўти ўқларингдан пасаяди, чунки ҳар бир ўқнинг учи унга бир қатра каби сув бўлиб сепилади. Демак, Навоий бу байтда пайконни сув томчисига қиёслашда шаклий ўхшашликка суянган. Пайконнинг сувга нисбат берилишининг бошқа асослари ҳам бўлиши мумкинмикин деган савол туғилади. Сабаби, мумтоз асарлар тилининг изоҳли луғатларида, хусусан, “Навоий асарлари луғати”да пайконга “камон ўқининг учи, ўқ

учидаги металл башоқ” деб изоҳ берилган. Таҳлилини кўраётганимиз байтда пайконнинг ўтли кўнгилда сақланиши ҳақида гап кетади. Шунинг учун унда оловга тушса қизиб чўтга айланиши тайин бўлган металл пайконни фақат шаклига асосланиб томчи сув деб аталган дейиш мантиққа номувофик кўринади. Навоийнинг бошқа шеърларида учрайдиган куйидаги каби байтлар пайкон-сув жуфтлиги шарҳига тарихий-маданий ёндашув заруратини кўрсатади:

Хаста кўнглум оғзи захми пахталиғ пайконидин,  
Бор анингдекким, момуқ бирла ичар бемор су.

“Худди бемор пахта билан сув ичгани каби хаста кўнглим оғзининг яраси (ўзига кирган) ўқ учидаги пахтадан сув ичади” дейди шоир. Байтдан куйидагилар аёнлашади:

1) Ўтмишда ўқ учини фақат металлдан эмас, пахта ўраб ҳам тайёрланган;

2) Пахта пайконлик ўқлар сувга солиб қўйилган ва нам ҳолида ишлатилган.

Шоирнинг мана бу байтида ҳам тасвир шу ҳодиса заминида чизилган:

Ўқларингдин жон топармен, гўйиё пайконлари  
Су ичарда гўта топмиш чашмайи ҳайвон аро.

Мазмуни: танамга қадалган ўқларинг менга жон бағишлайди, бу ўқларинг пайкони тириклик чашмасига ботирилиб, сув шимдирилган, шекилли. Навоий лирикасида поэтик ният билан боғлиқ ҳолда пайконни сувга солиб қўйилиш сабабларига ишоралар ҳам учрайди: ҳўл ўқдан кучлироқ ва хавфлироқ жароҳат етган, баъзан ўққа шу усул билан заҳар сингдирилган. Мазкурлардан маълум бўладики, Навоийнинг ўтли кўнгилга санчилган пайконни – ўт ва сувни бир жойда жамлашни сеҳргар ишқнинг иши деб аташи нозик ҳаётини кузатишдан туғилган мантиқий поэтик тасвир эди.



Олтинчи байтда ошиқ аллақачон ўз севиклисининг зулму ситамларига ўрганиб бўлганини, ранжу машаққат у учун ҳаёт тарзига айланганини айтади:

Гар итобе зоҳир этсанг, ўзгаларнинг кўнглин ол,  
Негаким мен ҳўй этибмен зулму бедодинг била.

Зеро, инсон дард билан улғаяди. Ғазал аввалида Навоий гулдан фараҳ ва наво олиш булбулнинг ўзига боғлиқлигини айтган эди. Буни яхши англаган ошиқ ёрнинг зулму итобидан ҳам шифо топа билади.

Матлаъда шоир

Эй Навоий, телбалик тарк эткасен кўргач висол  
Хурсийратлик, малакхўлуқ парийзодинг била –

“Эй Навоий, жаннат ҳурлари одобига, фаришта хулқига эга паризодингнинг васлига етсанг, телбалигингни тарк этасан” деб айтади. Одатда, парини учратиш одамни ақлу ҳушидан айириб, телба қилади. Бироқ ҳажру дарди ҳам тарбиялаш, ислоҳ қилиш, даволаш хислатига эга пари суратли маъшуқа ҳуру фаришта ахлоқини намоён қиладиган бўлса, ошиқнинг телбалиги буткул барҳам топади. Байтда ёрнинг “хурсийрат, малакхў, парийзод” каби сифатларини санаши орқали тансиқ ус-сифот санъатининг ажойиб намунаси ижод қилинган. Унинг ўзига хослиги шундаки, тизилган сифатлар ўзаро таносибни ҳам ҳосил қилган. Ҳур, фаришта, пари инсон жинсидан бўлмаган хилқатларнинг номи. Бу билан маъшуқанинг сурати ва сийрати ғайри оддий даражада гўзал эканлиги назарда тутилади.

Навоийнинг кўплаб ғазалларида кузатилгани каби “била” радифли ушбу ғазалида ҳам теран мазмун санъаткорона ижод маҳсули бўлган поэтик воқеълик орқали намоён бўлади.

**Дурдона ЗОҲИДОВА**

—•••••—

**“Ваҳки, ул шўх бориб, жонима ўт солди яна...”**

—•••••—

Ваҳки, ул шўх бориб, жонима ўт солди яна,  
Телмуруб икки кўзум йўлга боқиб қолди яна.

Нечук ўлмай мени беморки, Исо нафасим  
Кўрди ҳолимнию кўрмасга ўзин солди яна.

Йиғланг, эй шамъу суроҳийки, ўларимни билиб,  
Мутриби нағмасаро навҳа кўкин чолди яна.

Захме истар эди кўнглум қиличидин, гўё  
Илгига тийғ менинг кўнглум учун олди яна.

Ақлу дин нақди фано дайри аро кирмас эгач,  
Май била муғбачалар йўлида сайфалди яна.

Сабр элин йиғмиш эдим чиқмас эгач ул хуршид  
Войким, зарра кеби ҳар сари кўзғолди яна.

Йўлда, эй Хизри раҳим, хаста Навоий қўлини  
Ким, бу йўл пўясидин бағри анинг толди яна

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

**Луғат**

**Суроҳий** – май шишаси

**Мутриби нағмасаро** – ашула айтувчи созанда

**Навҳа** – товуш чиқариб йиғлаш, нола  
**Кўк** – куй, оҳанг  
**Заҳм** – яра, жароҳат  
**Илиғ** – қўл  
**Нақд** – сараланган, қимматбаҳо нарсалар; бойлик, пул  
**Фано дайри** -- фано бутхонаси, мажозан суфийлар маскани  
**Муғбача** – май ташувчи бола  
**Сайфалмоқ** – сарflanмоқ, созурилмоқ  
**Йўлдамоқ** – йўлламоқ, етакламоқ  
**Пўя** – юриш, қадам  
**Хизр** – оби ҳайвон – тириклик сувини ичиб, абадий ҳаётга эришган, инсонларга йўлдошлик қилиб кўмак берувчи зот.  
**Бағир** – кўкс, кўкрак, жигар

### Насрий баён

1. Эвоҳки, у шўх (ёр) кетиб, яна жонимга ўт солди, икки кўзим яна унинг йўлига термилганича қараб қолди.

2. Мен бемор нима учун ўлмай, ахир Исо каби жонбахш нафас-лигим ҳолимни кўрдию, ўзини яна кўрмасликка солди.

3. Эй шам ва май шишаси, сиз ҳам йиғлангки, ўлишимни билган ашула айтувчи созанда яна йиғи куйини чала бошлади.

4. Кўнглим унинг қиличидан бир яраланишни истарди. Ёр гўё менинг кўнглим учун яна қўлига тиг олгандек.

5. Ақлу дин бойлиги фано бутхонасига кира олмагач, яна май ва муғбача (май ташувчи бола)лар йўлида созурилди.

6. Элни тўплагандек сабримни йиғиб, ёримни кутаётган эдим. Лекин у қуёш (ёр) чиқмагандан кейин, эвоҳки, сабрим эли яна зарра каби ҳар тарафга қўзғалиб, тарқаб кетди.

7. Эй йўлимнинг Хизри, хаста Навоийнинг қўлидан тутгинки, бу йўлда қадам ташлашдан яна унинг кўкси толди.

### Шарҳ ва изоҳлар

Ошиқнинг ҳижрон дарди ва ишқ азоблари ҳақидаги мунгли қўшиғидай жаранглайдиган ушбу ғазал илк байтиданоқ ўқувчини мутаассир қиладиган руҳий манзара тасвири билан бошланади:

Ваҳки, ул шўҳ бориб, жонима ўт солди яна,  
Телмуруб икки кўзум йўлга боқиб қолди яна.

Шўҳ гўзали тарк этган ошиқнинг жони азоб ўтида ёнмоқда, кўзлари ёр кетган йўлларга термилганича жим турибди. Радиф сифатида танланган “яна” сўзи бу ҳолатнинг биринчи марта юз бермаганлиги, бот-бот такрорланишини англатиб, дарднинг даражасини тасаввур эттиришга хизмат қилган.

Нечук ўлмай мени беморки, Исо нафасим  
Кўрди ҳолимнию кўрмасга ўзин солди яна.

Жони азобда қолган хаста ошиқ дардига дармон истади, бунинг давоси маҳбубининг Исоники каби жонбахш нафаси, лекин, афсуски, ёри беморининг ҳолини кўриб, кўрмасликка олади. Энди ошиқ учун ўлим муқаррар. Фикрнинг ривожини кейинги байтда ўзифодасини топади:

Йиғланг, эй шамъу суроҳийки, ўларимни билиб,  
Мутриби нағмасаро навҳа кўкин чолди яна.

Бемор оғирлашиб қолса, ўлим шарпасини сезган яқинлари йиғлаб, фарёд кўтаради. Ошиқнинг ҳамдамлари эса дард мажлиси аҳли – мутриб, шам, май шишаси. Унинг ўлими яқинлашганини сезган чолғучи йиғи куйини бошлайди. Шунда ошиқ шам ва май шишасига қарата умидсизларча “сиз ҳам мотам куйига жўр бўлиб йиғланг, ўлимим яқин” деб хитоб қилади. Жонсиз ашёларни ҳам йиғлатишга қодир руҳий ҳолат тасвири ташхис – шахслангириш санъати воситасида чизилган. Бунда лирик қаҳрамоннинг айнан шам ва суроҳига мурожаат қилиши (бу нидо санъатини ҳам юзага келтирган) мантикий асосга эга: уларнинг ҳар иккиси ҳам йиғига алоқадорликда тасвирлаш мумкин бўлган тимсоллар. Шамнинг ўтда эриб, томчилаб оқиши юракнинг куйиб, кўздан ёшлар тўкилишига, май шишасидан суюқлик куйилгандаги садо қалбдан отилиб чиқаётган йиғи овозига монанд: худди кимдир жимгина куйиб кўз ёш тўккани, кимдир дард билан айтиб-айтиб йиғлагани каби. “Яна” радифи аввалги байтларда бўлгани каби мазкур байт-

да ҳам бу ҳолатнинг такрор юз бераётганига ишора қилишини англаган ўқувчида савол туғилиши мумкин: ўлим қайта-қайта со-дир бўлмайди-ку?! Гап шундаки, Навоий лирикасида ёрдан айру тушишга, ҳажрга давомли, тугамайдиган ўлим сифатида қарала-ди. Ҳазалларидан бирида Навоий шундай мулоҳаза қилади:

Ҳажр ила кўрма раво жонимга бепоён ўлум,  
Тийғ сурким, хуштутур оз оғриғу осон ўлум.

Яъни ошиқ ёрга қарата “Ҳажрингда қолдириш билан жонимга тугамайдиган ўлимни раво кўрма, ундан кўра тиг тортиб ўлдир-гинки, бундай оз оғриқли ва осон ўлим топиш яхшироқдир” дей-ди. Ушбу байтнинг мантиғи таҳлилини кўраётганимиз ғазалнинг навбатдаги байтида ҳам нима учун ошиқ ўзининг ёр қиличидан яраланишини исташини тушунишга ёрдам беради:

Захме истар эди кўнғлум қиличидин, гўё  
Илгига тийғ менинг кўнғлум учун олди яна.

Ошиқнинг кўнғли ёр қиличидан жароҳат топишни истаган эди, шу сабабли маъшуқа қўлига тиг ушлаганини кўрганда унда “Ёрим менинг кўнғлим учун ҳам нимадир қилмоқчи шекилли” деган умид уйғонади. Байтда Навоий услубига хос жиҳат – бир пайтнинг ўзида жумланинг ҳам иборалик, ҳам луғавий маъноси-ни назарда тутиш кўзга ташланади:

8. Ёр қўлига кўнғлим учун – менинг раъй-хоҳишимни деб қи-лич олди.

9. Ёр қўлига кўнғлим учун – кўнғлимга аталган қилични олди.

Навбатдаги байт Навоийнинг девон тузиш тамойиллари му-носабати билан айтган “Ул жиҳатдин бу девонда ҳамду наът ва мавъизадин бошқа ҳар шўрангиз ғазалдинким, истимоъи маҳвашларға мужиби саркашлик ва ғамкашларға боиси мушав-вашлик бўлғай, бирор-иккирор насихаторо ва мавъизатосо байт иртиқоб қилинди” деган фикрининг далили бўлган байтдир. Бу билан Навоий ҳамд, наът, мавъиза йўналишидаги махсус ғазал-ларидан ташқари ошиқона ғазаллари таркибига ҳам бир-икки панд-насихат ёки орифона руҳдаги байт қўшганини алоҳида

таъкидлаган. Улуғ мутафаккирнинг деярли ҳар бир ғазалида бўй кўрсатган бундай байтлар маржон шодасидаги энг порлоқ дурдай кўзга ташланади ва қолган байтларнинг ҳам ўзига моҳиятан боғлиқ эканлигини эслатиш вазифасини бажаради.

Ақлу дин нақди фано дайри аро кирмас эгач,  
Май била муғбачалар йўлида сайфалди яна.

Фано – ўзликни йўқотиб, Ҳақни топиш ақлу ҳикмат, ҳисоб-ки-тоб билан эмас, балки ақлу ҳушдан айирадиган, масту беҳуд қиладиган муҳаббат майи билан эришиладиган мақом. Бу ҳақиқатни англаган ошиқ ақлу дин бойлиги билан фано майхонасига кириш имконсиз эканлигини билгач, уларни май ва муғбача – май ташувчи хизматчиларга етишиш йўлида ҳавога сочиб, совуриб юборади. Зеро, ошиқ ақлу ҳушни йўқотмасдан майхона аҳлига айлана олмаслигини тушуниб етади.

Ҳазалнинг олтинчи байтида ошиқнинг фазилатларидан бўлган сабрнинг ғоят оригинал тарздаги бадиий ифодаси истиора ва тазод санъатлари воситасида берилади:

Сабр элин йиғмиш эдим чиқмас эгач ул хуршид  
Войким, зарра кеби ҳар сари қўзғолди яна.

Лирик қаҳрамон “Элни тўплагандек сабримни йиғиб, ёримни кутаётган эдим. Лекин у қуёш каби ёр чиқмагандан кейин, эвоҳки, сабрим эли яна зарра каби ҳар тарафга қўзғалиб, тарқаб кетди” деб зорланади. “Бор сабрини тўпламоқ” ибораси сўнгги даражадаги имкон билан сабр-тоқат қилишни англатади. Ошиқ ёрининг қуёш каби порлоқ юзини кўриш умидида бор сабрини заррама-зарра йиққан эди, лекин маъшукаси чиқмагач, сабри зарралари ҳар тарафга тўзғиб кетди. Айни ҳолнинг муҳим бир воқеанинг гувоҳи қилиш ваъдаси билан йиғилган халқнинг ўша ҳодиса юз бермагач, тарқалиб кетишига қиёслаш фавқулудда назик ўхшатма. Байтда сабрни эл деб аталиши истиорани, қуёш ва зарра сўзлари тазодни юзага келтирган.

Ғазалнинг ирфоний салмоғи лирик қаҳрамон маърифат талабгори бўлган солиқ сифатида йўлга чиққан сўнгги байтда яққол сезилади:

Йўлда, эй Хизри раҳим, хаста Навоий қўлини  
Ким, бу йўл пўясидин бағри анинг толди яна.

Хаста Навоий мақсад манзилига етиш йўлида қадам ташлашдан толиқди, у яна ўзининг қўлидан Хизр каби тутадиган маънавий пирнинг мададига муҳтож.

Ғазалнинг қофия тизимини қолди, солди, чолди, олди, сайфолди, кўзғолди, толди каби соф туркий феъллар ташкил этади. Бу сўзлар “яна” радифи билан бирикиб, ҳар бир байтда тасвир этилган хатти ҳаракатлар вақтда давомий бўлганлигини кучайтириб кўрсатган.

Ғазал арузнинг рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф вазнида битилган (фоилотун / файлотун / файлотун / файлун). Мазкур ўлчовда қисқа ҳижоларнинг кўп эканлиги ундан тез ва шиддатли оҳанг ҳосил бўлишини таъминлайди. Ғазалнинг арузий мусиқаси “яна” радифи орқали ифодаланган ҳолат-ҳодисаларнинг дам-бадам, кетма-кет юз бериши тасвири билан уйғунлик ҳосил қилади.

Дурдона ЗОҲИДОВА

——  
**“Кўнглум оғзингнинг хаёлидинки тўлмиш ғам била...”**  
——

Кўнглум оғзингнинг хаёлидинки тўлмиш ғам била,  
Нақд уза мумедурурким, нақш эрур хотам била.

Ғам туни анжумни оҳим ўқлари захмиға чарх  
Ул момуқлар билки, қўймишдур ясаб марҳам била.

Йиғлама, эй кўзки, бормас зулм нақши кўнглидин,  
Тошда қозғон хат не имконким бузулғай нам била.

Ул алифдурким аёндур бир тарафдин шамраси,  
Қадди бир ёндин осилғон мушкбў парчам била.

Шайхи ғофил кўнглин этти зарқ оҳидин қора  
Тифлдекким, кўзгуни қилғай мукаддар дам била.

Оҳким, овора бўлдум айта олмай шаммае,  
Ёшурун кўнглумдаги дардимни бир ҳамдам била.

Эй Навоий, гар десангким бенаволиғ кўрмайин,  
Ошнолиғ қилмағил жинси баний одам била.

– V – – V – – V – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Лугат

**Нақд** – сараланган, қимматбаҳо нарсалар; бойлик, пул

**Хотам** – узук, узукка ўрнатилган муҳр

**Анжум** – юлдузлар

**Заҳм** – яра, жароҳат

**Момуқ** – пахта

**Марҳам** – малҳам, дори

**Қозмоқ** – кавламоқ, ўймоқ

**Шамра** – шох, новда

**Мушкбў** – мушк ҳидли, хушбўй

**Парчам** – байроқ учига боғланган ипак боғлами, мажозан  
зулф, кокил

**Зарқ** – алдов, ҳийла, риё

**Тифл** – бола

**Мукаддар** – кирланган, хираланган

**Шамма** – бир оз, бир қадар

**Бенаволиғ** – бечоралик, чорасизлик, умидсизлик



## Насрий баён

1. Бойлик билан тўлдирилган идишнинг оғзини мум билан беркитиб, муҳр босилгани каби оғзинг хаёлини асрайдиган кўнглим ғам билан тўлди.

2. Осмондаги юлдузлар эмас – ғам тунида чархни оҳим ўқлари билан яраладим, у эса жароҳатларига пахталар билан малҳам қўйиб олди.

3. Эй кўзим, йиғламаки, ёрнинг кўнглидаги зулм нақшини ёшларинг билан ювиб кетказа олмайсан: тошга ўйиб ёзилган хатни намлик билан ўчириб бўлмайди.

4. Қаддининг бир томонидан тушиб турган мушк ҳидли қора сочи алиф ҳарфининг шамраси – тепа чап қисмидан пастга қаратиб ёзиладиган чизиқчаси кабидир.

5. Ғофил шайх ёш бола кўзгуни нафаси билан хиралантиргани каби риё билан тортган оҳларидан кўнглини қора қилиб қўйди.

6. Оҳки, кўнглимда яширин дардни айтишга бир дўст топа олмай, овора бўлдим.

7. Эй Навоий ( наво эгаси), агар навосизлик кўрмай десанг, одам боласи жинсидан бўлганлар билан ошно бўлма.

## Шарҳ ва изоҳлар

Асосий эътибор ишқ изтиробларининг поэтик тасвирига қаратилган тавсифий характердаги мазкур ғазал фавқулудда ёрқин бадий топилмалар билан зийнатланган. Матлаъда ошиқ кўнглидан ўрин олган маъшуканинг оғзи хаёли ҳақида сўз боради:

Кўнглум оғзингнинг хаёлидинки тўлмиш ғам била,  
Нақд уза мумедурурким, нақш эрур хотам била.

Ғазалнинг матлаъи – ҳақиқат асрори мажоз суратида зоҳир бўлган байт. Оғиз – рамз. Унинг тағзаминига сингдирилган маъно эса ирфоний моҳиятга дахлдор. Оғиз етишдан мақсад – пирнинг ғайб асроридан огоҳ, маърифат лаззатидан комёб қилувчи жонбахш сўзлари. Лекин бунга эришиш беҳад мушкул, илоҳий сир-

ларни англаш саодати мислсиз маънавий эҳтиёж ва тайёргарликни талаб этади. Матлаъда солиқнинг ўз-ўзини ана шундай руҳоний тарбия этиш машаққати акс этган. Оғизнинг ҳаёли кўнгил ичида. Чунки, у шу қадар кичикки, кўз билан кўриш имконсиз, оғизни ҳаёл билан тасаввур қилиш мумкин. Буни рамз тилидан мантиқ лисонига ўгириб айтиш мумкинки, ҳақиқат зоҳир кўзи билан эмас, кўнгил кўзи билан англанади. Шунинг учун солиқ кўнгилда доимо оғиз – пирнинг маърифатбахш сўзларига етиш ҳаёли билан яшайди, бироқ бунинг мушкуллигидан кўнгил ғам билан тўлади. Навоий оғиз ҳаёли билан банд кўнгилнинг ғамга тўлишини тенг ўхшатиш – ташбеҳи тасвир воситасида ҳум ичига солинган бойликларни сақлаш учун устидан эритилган мум қуйиб, кимга тегишли эканлигини тасдиқловчи муҳр босиб қўйилишига қиёслайди. Бу муқоясада ҳум – кўнгил, оғиз ҳаёли – хазина, мум – ғам, мумга муҳрини босган эса матнда билвосита назарда тутилган ишқ хазинабони дейиш мумкин.

Иккинчи байт ҳам ўта гўзал ва завқбахш бадиий идрок маҳсули:

Ғам туни анжумни оҳим ўқлари захмиға чарх  
Ул момуқлар билки, қўймишдур ясаб марҳам била.

Байтда намоён бўлган тафаккур тарзи мумтоз шеършуносликда ҳусни таълил деб аталади. Бунда муайян ҳодисанинг сабаби рад этилган ҳолда унинг ўрнига шоирнинг бадиий нияти билан боғлиқ гўзал, таъсирли, бироқ ҳаётий бўлмаган сабаб кўрсатилади. Ошиқ тунда осмондаги юлдузларга қараб “Булар юлдузлар эмас – ғам тунида чархни оҳим ўқлари билан яралаган эдим, у жароҳатларига пахталар билан малҳам қўйиб олди” деб айтади. Одатда, ҳусни таълилда уч бадиий санъат – ташбеҳ (ўхшатиш), ташхис (шахслантириш), муболаға (бўрттириш) санъатларининг унсурлари уйғунлашиб, янги ном билан аталувчи шеърый санъатни ҳосил қилади. Юқоридаги байтда ҳам кумушранг юлдузлар пахтага ўхшатиш, чархни инсон каби жароҳатларини тузатиш учун уларга малҳамли пахталарни қўйиб олганини айтиш орқали шахслантирилган ва ниҳоят ошиқнинг оҳлари чархга етиб бориб қадалгани муболағани юзага келтирган. Буларнинг сабаб – оқибат

муносабати асосида умумлаштирилишидан ҳусни таълил келиб чиққан.

Учинчи байт ҳам образли тафаккур асосига қурилган:  
Йиғлама, эй кўзки, бормас зулм нақши кўнглидин,  
Тошда қозғон хат не имконким бузулғай нам била.

Байтнинг етакчи тасвир воситаси ўхшатиш асосидаги санъатлардан яна бири бўлган тамсилдир. Шоир таххис воситасида лирик қаҳрамон тилидан кўзига мурожаат этиб: “Эй кўзим, йиғламаки, ёрнинг кўнглидаги зулм нақшини ёшларинг билан ювиб кетказа олмайсан: тошга ўйиб ёзилган хатни намлик билан ўчириб бўлмайди” дейди. Кўз ўз ёшлари билан қаҳри қаттиқ маъшуқанинг кўнглини эритишдан, унга ёр нақшлаб олган зулмни кетказишдан умидвор. Ошиқ эса бунинг имконсизлигини кўзига тушунтириш учун шунга ўхшаш ҳаётий ҳолатни – тошга ўйиб ёзилган хатни сув билан кетказиб бўлмаслигини мисол қилиб келтиради. Бунда ёрнинг кўнгли зимдан тошга, ундаги зулм ёзувга, кўз ёшлари сувга қиёсланади. Кўринадики, бу байтдаги бадмехр ва тошбағир маъшуқанинг маънавий қиёфаси матлаъдаги ошиқ оғзи ҳаёли билан яшайдиган пир тимсолидан фарқланади. Матлаъдан мақсад таъкидланганидек “ҳақиқат асрорини мажоз суратида кўрсатиш” бўлса, бу “мажоз – ҳақиқат кўприги” тарзида изоҳлаш мумкин бўлган байт. Бу каби байтлардаги маъшуқанинг суратини Ҳақ қудратининг зуҳури, сийрати туфайли етган озорларни эса нафси маҳв этиш, маънавий покликка эришиш воситаси сифатида қабул қилинади. Бунда ошиқ “ким назар пок айлагач, айни ҳақиқатдир мажоз” деган мантиқ билан иш кўради.

Ҳазалнинг тўртинчи байти Навоийнинг ўта синчков шоирона нигоҳи туфайли ижод қилинган бадиий ихтиро натижаси. У китобат – араб алифбосидаги ҳарфлар воситасида бадиий образ яратиш усулига асосланган:

Ул алифдурким аёндур бир тарафдин шамраси,  
Қадди бир ёндин осилғон мушкбў парчам била.

Шарқ мумтоз адабиётида алиф ҳарфини ёрнинг тик қаддига нисбат берилган юзлаб байтлар бор. Ана шу анъанавий ташбеҳ-

га мурожаат қилган Навоий байтида кўзга ташланадиган одатдан ташқари ҳолат алиф ҳарфини ёзишдаги энг нозик жиҳатларни ҳам эътиборга олинганидир. Хаттотлар тик устун шаклидаги алиф ҳарфини юқори қисмининг ўнг томонида пастга қараган шохсимон белгича билан ёзадилар ( | ). Навоий уни ёрнинг тик қадди бир томонидан тушиб турган кокилга қиёслайди. Шарқ қиз-аёллари сиймоси ўзига хос тарзда дарж этилган бу байт бадиий асарнинг ўзи яратилган тарихий-маданий муҳитнинг ҳужжати ҳам эканлигини тасдиқлайди.

Ҳаётий мисол ёрдамида қиёслаш кейинги байтда ҳам давом этади:

Шайхи ғофил кўнглин этти зарқ оҳидин қора  
Тифлдекким, кўзгуни қилғай мукаддар дам била.

Байтда ғофил шайхнинг кўнгли риё билан тортган оҳларидан қора эканлиги ёш бола кўзгуни нафаси билан хиралантиргани каби эканлиги айтилади. Шайхнинг ғофиллиги ишқ дардидан бегона эканлигида. Унинг тифлга қиёсланиши сабаби ёш бола каби нодон, қилаётган ишининг моҳиятини англаб етмайдиган эканлигидадир.

Ҳазалнинг сўнгги икки байти аввалгиларидан фарқли равишда ижтимоий руҳ касб этган:

Оҳким, овора бўлдум айта олмай шаммае,  
Ёшурун кўнглумдаги дардимни бир ҳамдам била.

Лирик қаҳрамон оҳ тортиб, кўнглидаги яширин дардини айтишга бир дўст топа олмай, овора бўлганлигини айтади ва мақтаъда шундай хулосага келади:

Эй Навоий, гар десангким бенаволиғ кўрмайин,  
Ошнолиғ қилмағил жинси баний одам била.

Шоир ўзига мурожаат қилиб “Эй Навоий (наво эгаси), агар навосизлик кўрмай десанг, одам боласи жинсидан бўлганлар билан ошно бўлма” деб хитоб қилади. Мақтаъдаги “Навоий” сўзи

иттифоқ санъати тақозосига кўра шоирнинг таҳаллусини ҳам, “наво эгаси” деган маънони ҳам билдиради. Айни байтда назарда тутилган наво руҳий сурур, файз демакдир. Бир асосдан ясалган “навоий” ва “бенаволиғ” сўзлари иштиқоқ санъатини юзага келтирган бўлиб, у “Эй Навоий, номингга мос равишда наво эгаси бўлиб қолишни истасанг, зоҳири одам, ботини инсоний дарддан махрум кимсаларга яқинлашмагин” деган мазмунни ифодалаш учун хизмат қилган. Кўрамизки, маънавий баҳра ҳақидаги фикр билан бошланган ғазал ишқ азоблари туфайли тозариб, юксалиб, орзусига етган лирик қаҳрамоннинг ўз мақомида собит туриш ҳақидаги қарори билан якун топган.

Дурдона ЗОҲИДОВА



**“Яна не ўт эдиким тушти хонумонимға...”**



Яна не ўт эдиким тушти хонумонимға,  
Яна не шўъла эдиким, туташти жонимға.

Яна не барқ эдиким, тушқач ўртади хасдек,  
Бир ўт шарорасидин жисми нотавонимға.

Яна не новаки мужгон эдики, қатлим учун  
Тиқилди кўнглума, яъники кирди қонимға.

Яна ичимга магар ишқ солди ўтки, чиқар  
Шарарлари қотилиб оҳ ила фигонимға.

Бало ўти ёнадур тўш-тўшимдин, эй носих,  
Эшит насиҳату зинҳор келма ёнимға.

Сариг юзумни қизил қилмади висол майи,  
Бу гулшан ичра баҳор ўлмади хазонимға.

Навоий итти қўюб ёдгор хаста кўнгул.  
Дедики, еткурунг албатта дилситонимға.

V-V- VV-- V-V- -- (VV-)  
мафоилун файлотун мафоилун фаълун (файлун)  
мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ (маҳбуни маҳзуф)

### Лугат

**Хонумон** – уй-жой ва уй жиҳозлари  
**Барқ** – чақин, чақмоқ, яшин  
**Шарора, шарар** – аланга, ёлқин, учқун  
**Нотавон** – кучсиз, ожиз  
**Новак** – камон ўқи  
**Дилситон** – кўнгил овловчи, мафтун этувчи  
**Итмоқ** – йўқолмоқ, бедарак кетмоқ  
**Мужгон** – киприк  
**Тўш-тўш** – ҳар тарафдан, ҳамма томондан  
**Носиҳ** – насиҳат айтувчи  
**Хазон** – куз, хазон фасли

### Насрий баён

1. Хонумонимни куйдирган яна қандай ўт бўлди экин? Жонимга туташган яна қайси шуъла экин-а?
2. Заиф жисмимни хасдек куйдирган яна қайси чақиннинг ўтли учқуни бўлди экин?
3. Мени ўлдириш учун кўнглимга санчилиб, (заҳри) қонимга тарқалган яна қайси киприк ўқи бўлди экин?
4. Ичимни яна куйдираётган ишқ ўти бўлса керакки, оху фиғонимга қўшилиб ичимдан учқунлар чиқапти.

5. Ҳар томонлама бало ўти ичида ёняпман, шунинг учун, эй насихат айтувчи, менинг насихатимни сен эшитгину зинҳор ёнимга кела кўрма.

6. Сариф юзимни висол майидан қизартириш насиб этмади – бу умр гулшанида баҳор кўрмай, куз ичида яшаб ўтяпман.

7. Навоий ўзидан хаста кўнглини ёдгор қилиб қолдираркан, уни, албатта, ўз эгаси – ёримга етказинг деб васият қилди.

## Шарҳ ва изоҳлар

Тартиб ва қонуният – камолотнинг намоён бўлиш шакли. Навоийнинг руҳоний дунёси ҳам, ижод олами ҳам қатъий низомлар билан тузилган эди. Навоийнинг даҳолиги унинг ўзи учун тайин этган олий маънавий мезонлардан ҳаётда, белгилаб олган бадиий-эстетик тамойилларидан ижодда зарра қадар чекинмаганлигида ҳам кўринади.

Навоий аксар ҳолларда алоҳида олинган битта ғазали доирасида ҳам шу ғазалнинг ўзигагина дахлдор бўлган тамойилни белгилаб олганининг гувоҳи бўламиз. Бу тамойил байтлар аро гоҳ мазмун яхлитлигида, гоҳ тимсоллар алоқадорлигида, гоҳ поэтик воситалар муштараклигида, гоҳ эса қурилиш тарзининг умумийлигида кўзга ташланади. Навоийнинг қуйидаги ғазалида ҳам айна ҳолни кузатиш мумкин. Етти байтдан иборат ғазалнинг дастлабки тўрт байти “яна” сўзи билан бошланиб, лирик қаҳрамоннинг ўзига ўзи берган саволи тарзида шакллантирилган.

Яна не ўт эдиким тушти хонумонимга? Яна не шуъла эдиким, туташти жонимга?

Ҳар мисра бошида қўлланган “яна” сўзи тавсифланаётган ишқ ўтида куйиш билан боғлиқ ҳолатларнинг такрорий эканлигини англатиш баробарида уларни қайта-қайта бошидан кечириб, ҳоли қолмаган ошиқнинг таажжуби асосли эканини кўрсатишга хизмат қилган: хонумонини куйдирган яна қандай ўт бўлди экин? Жонига туташган яна қайси шуъла экин-а? Байт қурилиши жиҳатидан муқобала – синтактик параллелизмга асосланган, яъни ҳар иккала мисрадаги бўлаклар гапдаги вазифасига кўра тенг маъқеда. Лекин мазмун эътибори фикр мисрадан мисрага кучайиб, кўта-

рилиб борган: ишқ ўти ошиқнинг хонумонини ёндириб юборганига ҳам чидаган эди, ундан ажралган ёлқин жонига ҳам тутшиб, куйдира бошлади-ку.

Иккинчи байтда ишқнинг куйдириш қудрати тасвири кучайтирилиб, уни янада вайронкор ўт манбаи бўлган чақинга қиёсланади:

Яна не барқ эдиким, тушкач ўртади хасдек,  
Бир ўт шарорасидин жисми нотавонимға?

Ишқ чақмоғи шу қадар кучли ва шиддатлики, унинг битта учқуни ҳам ошиқнинг хасдек жисмини куйдириб, кул қилади. Сиртдан қараганда бу тасвир Шарқ шеъриятига хос муболағавий тафаккур маҳсули бўлиб кўринади. Бироқ унинг замирига чуқурроқ дахл қилинса, унда Навоий ижодининг ғоявий тағзамини бўлган мажоз ва ҳақиқат фалсафаси образли тарзда намоён бўлганини идрок этиш мумкин. Мажозий ишқ йўлидаги маҳрумият ва риззатлар ошиқни тоблаб, хасдек қовжиратиб қўйса-да, нафсоний иллатларидан поклайди, руҳан ҳақиқий ишққа тайёрлайди. Ана шунда илоҳий ишқ осмонида чақнаган яшиннинг битта учқунни ҳам унинг борлиғини ўртаб, кул қилишга қодир бўлади. Бу рамзан ошиқнинг фано бўлишини, ўзлигидан буткул халос бўлиб, ваҳдатга етишини ифодалайди. “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Сукрот тилидан Фарҳодга қарата айтилган, асар ғоясининг семантик очкичи даражасига кўтарилган мисраларда ҳам фикр айнан ўт, хас, барқ, шарар, кул тимсоллари воситасида берилган:

Қилиб ишқи мажозий зору ғамнок,  
Этар ошиқ танин андоқки хошок.

Ҳароратлар этиб ул хасқа мойил,  
Қилур ўт етгач ўртанмакка қобил.

Чақилғоч барқи ишқи жовидони,  
Етишгач бир шарар, кул айлар они.

Лирик қаҳрамон ишқнинг кутилмаган зарбаларидан ҳайратланишда давом этади:



Яна не новаки мужгон эдики, қатлим учун  
Тиқилди кўнглума, яъники кирди қонимға?

Байтда ёрнинг киприги ошиқни ҳалок этиш қасдида аввал  
кўнглига санчилиб, кейин захри қонига тарқалган ўққа нисбат бе-  
рилади.

Кейинги икки байтда яна ўт тимсолига мурожаат қилинган. Бу  
ҳол унинг ғазалда марказий образ сифатида талқин этилганлиги-  
ни кўрсатади.

Яна ичимга магар ишқ солди ўтки, чиқар  
Шарарлари қотилиб оҳ ила фиғонимға?

Ошиқ яна таажжубда: ичини куйдираётган ишқ ўти бўлса ке-  
ракки, оху фиғонига қўшилиб учқунлар чиқяпти. Бу ғазалнинг  
сўроқ қолипидаги сўнгги байти. Шундан кейин ошиқ характери-  
нинг динамикасида ва шунга мувофиқ равишда ғазал структура-  
сида ҳам кескин бурилиш кузатилади. Бу шаклан илтифот – фикр-  
ни бошқа шахсга кўчириш санъати орқали юзага чиққан:

Бало ўти ёнадур тўш-тўшимдин, эй носих,  
Эшит насиҳату зинҳор келма ёнимға.

Кўрамизки, байт бало ўтида ёнмоқдан баҳс этиши билан ол-  
динги байтлар билан тадрижий алоқада. Бироқ унда фикр энди  
сўроқ, ажабланиш тарзида эмас, қатъий ҳукм оҳангида янграйди.  
Ошиқ ишқ ўти бегона носихга юзланиб, “Ҳар томонлама бало ўти  
ичида ёняпман, шунинг учун, эй насиҳат айтувчи, менинг на-  
сихатимни сен эшитгину зинҳор ёнимга кела кўрма” деб айтади.  
Жону жаҳонини ўртаган ишқ олови ловуллаб, авж олгани сайин  
ошиқнинг маънавий қуввати ва ҳайбати ҳам ортиб боради. Наво-  
ий байтда сўз қўллашда шакл ва маъно муносабатини эътиборга  
олинганини кўрамиз. “Носих” ва “насиҳат” сўзлари иштиқоқни  
ҳосил қилган бўлса, “ёнадур” ва “ёним” сўзлари ҳамшакллик ун-  
сурига эга.

Ошиқнинг носихга хитоби ҳайқириқдай эшитилса, кейинги  
байтда файласуфона хулоса оҳанги сезилади:

Сариғ юзумни қизил қилмади висол майи,  
Бу гулшан ичра баҳор ўлмади хазонимға.

Байт Навоий сўзига хос фасоҳат билан айтилган. Ошиқ тилидан “Сариғ юзимни висол майидан қизартириш насиб этмади – бу умр гулшанида баҳор кўрмай, куз ичида яшаб ўтяпман” дейилар экан, иккинчи мисрадаги “баҳор” ва “хазон” истиоралари орқали икки ҳолатга гўзал ишора берилган:

1) Ошиқнинг хазони – ишқ дардидан сарғайган юзи баҳор – васл майидан етадиган қизилликни кўрмади.

2) Ошиқ ҳаётини баҳори, яъни шоду хуррамлиги йўқ умр гулшанида фақат хазон – дард-алам, сўлиб-сарғайиш билан ўтказди.

Байт турмушнинг аччиқ тажрибаларидан ҳосил бўлган умумлашма мазмунига эга. Баҳор – хазон, сариғ – қизил тушунчаларига асосланган тазод ундаги маҳзунлик оҳангини, фалсафий руҳни кучайтиришга хизмат қилган, сўнгги байт – мақтаъдаги фикрларнинг васият мақомида айтилишига замин ҳозирлаган:

Навоий итти қўюб ёдгор хаста кўнгул,  
Дедики, еткурунг албатта дилситонимға.

Ошиқ хаста кўнглини ўзидан ёдгор қилиб қолдирар экан, уни дилситони – дилининг ҳақиқий эгаси бўлган ёрига топширишни илтимос қилади. Навоий соҳибидан ёдгор бўлиб қолаётган мажруҳ кўнгил ташхиси орқали айрилиқ дардини ҳаётий воқелик билан боғлиқ ҳолда шу қадар таъсирли кўрсатганки, бу дард ўқувчининг қалби ҳам кўчиб ўтади.

Ҳазал арузнинг мужтаси мусаммани маҳбуни мактуъ (айрим мисралари унинг вариантдоши бўлган мужтаси мусаммани маҳбуни маҳзуф) ўлчовида ёзилган (мафоилун / файлотун / мафоилун / фаълун). Қофия сўзлар матлаъ охирида ва бошқа байтларда иккинчи мисранинг охирги рукнлари бўлган иккинчи ҳашв ва зарбда келган. Зарбнинг фаълун (– –) кўринишидаги икки чўзиқ ҳижодан иборатлиги унинг таркибида келган қофия сўзнинг эгалик қўшимчасини олган бўғинини кучли оҳанг билан ажратиб ўқишни талаб қилади: жонимға, қонимға, фиғонимға, хазонимға тарзида. Бу ҳол лирик қаҳрамоннинг жисму жонида кечаётган

моддий ва рухий эврилишларни таъкидлаб кўрсатиш имконини берган. Шунингдек, газал вазндан туғиладиган мусикий оҳангдан ташқари муайян мазмуний ритмга ҳам эга. Бу ритм “яна” сўзи билан бошланувчи шаклан муштарак дастлабки тўрт байтда ишқ ўти тасвири билан боғлиқ ҳолда тадрижан кучайиб боради ва янгича қурилишга эга носихга мурожаат байтда авж нуқтага кўтарилади. Мақтаъдан олдинги ошиқнинг баҳорсиз хазони ҳақидаги байт қиссадан ҳисса вазифасини бажариб, унда пасайиш ва ғамгинлик оҳанги бор. Ва ниҳоят, лирик қаҳрамоннинг ўзига хос васияти бўлган мақтаъ билан ишқ қиссаси мунгли садо остида якун топади.

Дурдона ЗОҲИДОВА



“Мени гадой қачон еттим эрса шоҳимға...”



Мени гадой қачон еттим эрса шоҳимға,  
Юзумни ерга қўюб шукр дей илоҳимға.

Кўрушмагимга агар бўлса мултафит, бўлғай  
Висол тубийи жаннат била гиёҳимға.

Гунаҳ йироқлигим эрди, чу лутф мазҳарисен,  
Иноят айлагилу боқмағил гуноҳимға.

Деди сафарда сутун бирла боргоҳимдур  
Кишики, боқти фалак бирла дуди оҳимға.

Баҳо туганларим ўлмиш висол учун, ҳайҳот,  
Киши бу тухфани сотқайму ул дароҳимға.

Бузулди кўзу кўнгулдин ишим, магар тушқай  
Бир аҳли дил кўзи бу ҳолати табоҳимға.

Навоиё, яна гар ёр юзини кўрсам,  
Мутиъу қул бўлайин бахти некхоҳимға.

V-V- VV-- V-V- --  
мафоилун фаилотун мафоилун фаълун  
мужтаси мусаммани маҳбуни мақтуъ

### Лугат

**Мултафит** – илтифот этувчи  
**Лутф** – мулойимлик, яхши муомала  
**Мазҳар** – кўриниш жойи, пайдо бўлиш ўрни  
**Иноят** – меҳрибончилик, марҳамат  
**Сутун** – устун  
**Боргоҳ** – подшоҳ қароргоҳи  
**Туган** – куйишдан қолган доғ, белги  
**Дароҳим** – танга пуллар  
**Табоҳ** – хароб, бузук, вайрон  
**Некхоҳ** – яхшилиқни хоҳловчи

### Насрий баён

1. Мен гадо қачон шоҳимнинг васлига етсам, юзимни ерга қўйиб Аллоҳимга шукр айтаман.

2. Агар кўришмоғимизга илтифот қилса эди, мен ва ёримнинг учрашуви ҳақир гиёҳ билан жаннат дарахтининг висоли каби бўлар эди.

3. Гуноҳим сендан йироқлигим эди, сен лутф кўрсатувчисан, шунинг учун марҳамат қилгину гуноҳимга қарамагин.

4. Фалакка етиб борган оҳим тутунини кўрган одам уни шоҳ сафар пайтида тиккан чодирнинг устуни деб ўйлайди.

5. Висолни сотиб олиш учун танамда ишқ ўтидан қолган доғлар бор холос. Лекин, ҳайҳотки, васл тангага сотилармиди, у кишининг ихтиёрига кўра бошқага тухфа этилади-ку!

6. Агар менинг хароб аҳволимга бирор дил аҳлининг кўзи тушса, ишимнинг бузилиши кўздан тортиб кўнгилгача етиб борганини билади.

7. Эй Навоий, яна ёр юзини кўрсам, менга шундай яхшиликни раво кўрган бахтимга қул бўлиб эргашишга розиман.

### Шарҳ ва изоҳлар

Узоқ ва қаттиқ орзуланган ҳодиса, одатда, кишининг тасаввурига ҳаёлот маҳсули бўлган лавҳаларни муҳрлайди. У юз беражак воқеликни тахайюл кучи билан кўради, таҳлил қилади. Мазкур ғазалда лирик қаҳрамоннинг васл орзусидан туғилган ана шундай тасаввур ва мушоҳадалари ўз ифодасини топган.

Мени гадоӣ қачон еттим эрса шоҳимға,  
Юзумни ерга қўюб шукр дей илоҳимға.

Ошиқ “Мен гадо қачон шоҳимнинг васлига етсам, юзимни ерга қўйиб Аллоҳимга шукр айтаман” деб орзу қилади. Бундан висолнинг ошиқ учун улкан иноят, улуғ неъмат эканлиги англашилади. Яхшилик етганда шукр саждасини адо етиш мўмин учун фазилатли амал саналади. Ошиқ ана шу фазилат эгаси. Жалолиддин Румий “Неъматга шукр қилмоқ ўша неъматдан кўра яхшидир. Шукр қилмоқ неъматнинг жонидир” деб айтади. Навоийнинг ғазални ошиқнинг ёрни кўрганда Яратганга шукрона айтиб, юзини ерга қўйиш истаги ҳақидаги байт билан бошлагани, бир томондан, бу истакнинг қанчалик кучли эканлигини кўрсатса, бошқа тарафдан, бу орқали шоир тавсифлаш мушкул бўлган ҳиссий-руҳий вазиятни биргина ҳаракат – шукр саждаси тасвири воситасида ифодалашга эришган.

Мумтоз шеърият учун ошиқнинг маҳбуби қаршисидаги хоксорлигини ифодаловчи “шоҳ – гадо”, “хожа – қул”, “қуёш – зарра”, “дарё – қатра” каби жуфтликлар асосидаги тазодлар анъанавий саналади. Навоий анъанадан ўзига хослик ясайди. Матлаъда ўзи ва ёр ўртасидаги мақом нисбати гадо ва шоҳники каби эканлигини айтган лирик қаҳрамон кейинги байтда ўзини арзимас бир

гиёҳга, ёрини жаннат ниҳолига қиёслаб, “Агар кўришмоғимизга илтифот қилса эди, мен ва ёримнинг учрашуви ҳақир гиёҳ билан жаннат дарахтининг висоли каби бўлар эди” дейди:

Кўрушмагимга агар бўлса мултафит, бўлғай  
Висол тубийи жаннат била гиёҳимға.

Навоий лирикасининг қаҳрамони бўлган ошиқнинг маънавий олами, ахлоқий сифатлари, феъл-сажияси, майл-рағбатларини бошқариб турган мантиқни тўлақонли англаш уларни мутафаккир шоир дунёқарашининг концептуал масалалари билан боғлашни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ошиқнинг ўзини ҳақирлик нигоҳида, ёрини олий рутбада кўриши нафсга шикаст, руҳга камол етказди. Менликни маҳв қилиб, Холиқ йўлида фано бўлмоқ учун аввало халқ қаршисида руҳ кушандаси бўлган кибр кишанини ечиб, ажз ва камтарлик ҳавосидан нафас олмоқ керак. Мўминнинг расули акрам Муҳаммад с.а.в., солиқнинг пири, фарзанднинг ота-онаси ва, умуман, инсоннинг инсон қаршисидаги хоксорлигидан мурод Ҳақ ризоси бўлмоғи керак. Фарҳоднинг Ширинга бўлган муҳаббати алалоқибатда ишқи илоҳийга восил қилганини “ҳақиқатга бадал бўлди мажози” деб тавсифланиши унинг илму донишда, фазлу камолда, зўри дастда тенгсиз бўлса-да, ўзини энди саводи чиқаётган кишига хос камтарлик билан тутишини ёки вафоти олдидан отасига хитобан

Йиқилса хужра, бўлсун қаср обод.

Курса сабза, бўлсун сарв озод дейишини тақозо этар эди.

Шайх Саъдий Шерозийнинг “Бўстон” асарида ёмғир қатраси ҳақидаги ҳикоят бор. Унда айтилишича, булутдан узилган бир томчи ерга тушаётиб пастдаги бепоён дарёга кўзи тушади ва хижолат ичида “Дарёнинг олдида мен ким бўлибман, қасамки, дарё бор жойда мени йўқ даражада дейиш мумкин” деб ўйлай бошлайди. Ўзига ҳақирлик назари билан қарагани учун минглаб томчилар ичида айнан уни дарё қирғоғидаги садаф жони ичига олиб, парвариш қилади ва камсуқум қатра вақти келиб шоҳлар тожига муносиб беназир дурга айланади. Ҳикоятдан хулоса шуки

Баланди аз он ёфт, к-ў паст шуд,  
Дари нисти куфт, то ҳаст шуд.

Яъни: қачонки паст бўлган эди, баландликни топди, йўқлик эшигини қоққан эди, бор бўлди. Ошиқнинг ҳам ўзини ёр қошида жаннат дарахти қаршисидаги ожиз гиёҳдек паст тутиши аслида у кўтарилган юксакликдан нишон. Ҳазалнинг учинчи байти ҳам шу муносабат, шу мантиқ заминига қурилган:

Гунаҳ йироқлиғим эрди, чу лутф мазҳарисен,  
Иноят айлагилу боқмагил гуноҳимға.

Ошиқнинг ёрдан айру эканлиги ўзининг хоҳишига мутлақо зид, у туну кун васл орзуси билан яшайди. Бироқ шундай бўлса-да, ўз ихтиёридан ташқаридаги иш – ёридан йироқликни унинг олдидаги гуноҳи деб билади ва лутфу иноят кўрсатиб, кечиришни илтижо қилади. Таъсирли жиҳати шундаки, аввалги байтлардаги каби бу мисрада ҳам ҳали воқеъ бўлмаган ҳодиса ҳақида сўз кетади: юз бермаган висол мабодо амалга ошгудек бўлса, ошиқ қилмаган гуноҳи учун ёлвориб, кечирим сўраш ниятида.

Дастлабки уч байт ҳис-туйғулар поклиги ва самимияти билан кўнгилни забтига олса, кейинги икки байт васлга етиш йўлида ранжу аламларни дақиқ поэтик йўсинда тасвирлагани билан таъсирлантиради.

Деди сафарда сутун бирла боргоҳимдур  
Кишики, боқти фалак бирла дуди оҳимға.

Ҳазалнинг шу қисмидан бошлаб аввалги байтларда орзу этилган васлнинг нима учун муҳол эканлиги, унга элтадиган йўлнинг ададсиз риёзатлардан иборат эканлиги аёнлашади. Улкан ҳодисага даҳлдор тавсиф бадиий бўёқларнинг қуюқлигини, ифодадаги маҳобатни талаб этади. Шундан келиб чиққан Навоий “Фалакка етиб борган оҳим тутунини кўрган одам уни шоҳ сафар пайтида тиккан чодирнинг устуни деб ўйлайди” дея муболағавий ўхшатиш қилади. Дарду оҳ тутунининг фалак тоқига туташганини шаклий монандлик асосида шоҳона чодирни тутиб турувчи

устунга нисбат бериш нодир бадий қиёс. Кейинги байтда ҳам Навоийнинг ҳаётий ҳодисага санъаткорона назар қараб, поэтик кашфиёт ярата олиш истеъдоди намоён бўлган:

Баҳо туганларим ўлмиш висол учун, ҳайҳот,  
Киши бу тухфани сотқайму ул дароҳимға.

Ошиқ васлнинг маънавий харидори. Унинг бойлиги нишони бўлган тангалари – ишқ ўти танасида қолдирган беҳисоб доғлар бор. Лекин васлга эришиш учун уларнинг кифоя қилмаслигини, зеро, дийдор талабгорнинг хоҳишига кўра сотиб олинадиган эмас, муқобил томоннинг истагига кўра тухфа этиладиган неъмат эканлигини ошиқ яхши тушунади.

Ҳолатнинг оғирлиги, ишқ ошиқни тўлиқ ўз ихтиёрига олгани олтинчи байтда кўз ва кўнгил тимсоллари воситасида баён этилган:

Бузулди кўзу кўнгулдин ишим, магар тушқай  
Бир аҳли дил кўзи бу ҳолати табоҳимға.

Ошиқ ўзининг хароб аҳволига бирор дил аҳлининг кўзи тушса, ишининг бузилиши кўздан тортиб кўнгилгача етиб борганини кўришини айтади. Ишнинг кўзу кўнгилдан бузилиши кўздан бошланган волаё ошуфталиқнинг кўнгилга кўчиб, ихтиёр буткул кетганлигини-ю жисму жоннинг вайрон бўлганлигини билдиради. Фақат буни англамоқ учун ошиқнинг ҳолатига зоҳир кўзи билан эмас, дил кўзи билан қарамоқ керак. Чунки ошиқнинг ўзи ҳам ҳусни мутлақнинг жилвасини унинг яратикларида кўзи билан кўриб, кўнгли билан ҳис этган, ҳайратидан ўзлик иморатини бузган аҳли диллардан бири. Шунинг учун ҳам у “аҳволимни мен каби кўнглини кўзга айлантирганларгина тушуна олишга қодир” дегандек бўлади. Байтда асосий поэтик урғу биринчи мисрадаги “кўзу кўнгил”ни иккинчи мисрадаги “дил кўзи” билан боғлашга қаратилган.

Ҳазал шоирнинг “Эй Навоий, яна ёр юзини кўрсам, менга шундай яхшиликни раво кўрган бахтимга қул бўлиб эргашишга розиман” деган орзумандлик руҳидаги аҳди билан якунланади:



Навоиё, яна гар ёр юзини кўрсам,  
Мутиъу қул бўлайин бахти некхоҳимға.

Ғазал тўлиғича васл ва унга алоқадор жараён, ҳолат, тушунчалар заминиди қад ростлаган. Унда ошиқнинг дийдор билан боғлиқ ёруғ умидлари, маънавий сафога ташна ва некхоҳ қалби, бу йўлдаги синовлардан синмаган, аксинча, юксалиб бораётган курашчан руҳи намоён бўлган.

Дурдона ЗОҲИДОВА



---

“Кўнглума андуҳ елидин ғуборедур яна...”

---



Кўнглума андуҳ елидин ғуборедур яна,  
Ғўйий они қўзғаган чобуксуворедур яна.

То не гуллар очқай охир ишқ айлаб чок-чок,  
Ғунчадек кўнглумда буким хорхоредур яна.

Оҳ дудин саҳл туттум, оҳким ул дуд аро  
Сабр уйин куйдурғали ҳар ён шароредур яна.

То лабинг ушшоқдин жон олмоқ этти ихтиёр,  
Жон берурга ҳар тараф беихтиёредур яна.

Тонг елидин бўлди гўё сунбулунг ошуфтаким,  
Ғар қаён боқсам паришонрўзгоредур яна.

Ерга сочқан тер фано даштида солик жабҳаси,  
Ғавҳари мақсудидин ҳар дам нисоредур яна.

Рафъ ўлуб эрди Навойининг жунуни, эй парий,  
То санга тушмиш кўзи мажнуншиоредур яна.

– V – – V – – V – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзүф

### Лугат

**Чобуксувор** – моҳир отлиқ, чавандоз

**Хорхор** – қайғу, ташвиш, кўнгил ҳаяжони

**Саҳл** – осон, енгил

**Шарор** – аланга, ёлқин, учқун

**Ушшоқ** – ошиқлар

**Ошуфта** – тарқалган, паришон, мафтун

**Паришонрўзгор** – беҳаловат, беқарор кун кечириш

**Фано** – ўткинчилик, йўқ бўлиш

**Солик** – тариқатга кирган киши

**Жабҳа** – манглай, пешона

**Нисор** – сочқи

**Рафъ** – кетказмоқ, бартараф қилмоқ, юксалмоқ

**Жунун** – телбалик, савдойилик

**Мажнуншиор** – телбаликни одат қилган

### Насрий баён

1. Кўнглимга яна ғам елидан чанг-ғубор етди, бу елни қўзғаган шўх чавандозим бўлса керак.

2. Ғунчадек кўнглимни қайғу тикани мана шу фикр билан тир-наб қон қилади: ишқ ҳали кўнгилни чок-чок қилиб, қандай гуллар очар экин (қандай қонлар оқизар экин)?

3. Чекаётган оҳим тутунларига енгил қараган эканман, оҳқи, бу тутун ичида яна сабрим уйини куйдирадиган учқунлар пайдо бўлди.

4. Лабинг ошиқларнинг жонини олишни ихтиёр қилган эди, атроф жон беришда ихтиёри бўлмаганлар билан тўлиб кетди.

5. Тонг ели сунбулга ўхшаган қора сочларингни тўзғитди шекилли, қаерга қарасам, жаҳон кўзимга қоронғу кўринмоқда.

6. Фано даштида солиқнинг пешонасидан тўкилган терлар уни мақсадга етгани билан қутлаш учун сочилган гавҳарлардир.

7. Навоийнинг телбалиги энди кетган эди, эй пари, яна сенга кўзи тушди-ю мажнунга айланди.

### Шарҳ ва изоҳлар

Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” лирик куллиётида “яна” радифли беш ғазал мавжуд бўлиб, мазкур ғазал шулардан биридир. “Яна” радифи ишқ риёзатларининг давомли ва туганмас характерини очиб бериш, дарднинг бадийи суратини рангин бўёқларда чизиш имконини берган.

Кўнглума андуҳ елидин ғуборедур яна,  
Гўйий ани қўзғаған чобуксуворедур яна.

Матлаъни ғамгин ишқ ҳикоясининг бошланмаси дейиш мумкин. У воқеа ҳар сафар андуҳ елининг қўзғалишидан бошланишини хабар беради. Бу елдан кўтарилган ғам тўзони ошиқнинг қалбини қоплаб олади. Бу ҳол ошиқ учун янгилик эмас, у аввалги тажрибаларидан сезадикки, чангу ғуборни яна ўша отни чоптириб, кўздан ғойиб бўлган шўҳ чавандози кўтарган. Тасаввуф тимсолларининг истилоҳий маъноларини эътиборда тутиб айтиш мумкинки, ёр дейилганда Аллоҳ таолони, пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.ни, пирни ёки ҳусни мутлақнинг мазҳари бўлган комил инсонни назарда тугилади. Шунингдек, у солиқнинг қалбига чексиз завқу илҳом, кашфи асрор бахш этувчи, бироқ етишиш мушкул бўлган руҳоний ҳолатни – Ҳақ таоло зотини мушоҳада этишни ёки айни ҳолатни қалбидан ўтказаятган инсонни ҳам билдириши мумкин. Шу сабабли сўфиёна руҳдаги асарларда, хусусан, Навоийнинг шеъриятида ёр шўҳ, тутқич бермас, етиб бўлмас чавандоз сиймосида ҳам гавдаланади. Шу қиёфага мос ҳолда “чобук”, “чобуксувор”, “саманд”, “таковар”, “рахш”, “бодпо” каби ўнлаб сўзлар ишлатилганки, уларнинг истифодаси аксар ҳоллар-

да юқоридаги маъно билан боғлиқ. Матлаъда қаламга олинган “ел”, унинг маънодоши бўлган “бод” сўзлари тасаввуф истилоҳи сифатида дилнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини ифодалайди (“Миръот ул-ушшоқ”). Байтнинг ботиний талқини қуйидагича: яна ғайб асрорининг, Ҳақ таоло зотининг мушоҳадасидан қалбимда бир илҳомбахш кўзғалиш кўтарилди-ю, мен англаб, ҳис этиб улгурмай ғойиб бўлди, бу ҳолдан кўнглимни ғам-андух ғубори қоплади.

Иккинчи байтда ишқ туфайли етган уқубатлар тасвири давом эттирилади:

То не гуллар очқай охир ишқ айлаб чок-чок,  
Ғунчадек кўнглумда буким хорхоредур яна.

Ошиқнинг кўнгли ғунча каби қонга тўлиқ. Чунки “ишқ ҳали кўнглимни чок-чок қилиб, қандай гуллар очар экин (қандай қонлар оқизар экин)?” деган қайғули фикр уни доим тирнаб туради. Байтда Навоийнинг сўзларни ҳам мантиқий, ҳам шаклий мутаносибликда қўллаш санъати юксак даражада зоҳир бўлган. Биринчи мисрадаги “ғунчадек кўнгил” иккинчи мисрадаги “гул очмоқ” билан маъно зидлиги асосидаги алоқадорликни ҳосил қилган. Ошиқ кўнглининг ғунчага ташбеҳ этилишига сабаб унинг ғунча каби ёпиқ – хафа ва қизил – қатма-қат қон боғлаган эканлиги. Ғунча кўнгилга гул каби хандон бўлиб очилмоқлик насиб этмаган. Чунки ишқ унинг қисматиға хурсандликдан гул каби очилмоқликни эмас, чок-чок бўлиб, қонлар оқизиб “гул очиш”ни ёзган. Навоий қонга тўлган кўнглининг тилка-пора бўлишини “гул очмоқ” истораси орқали беради. “Ғунча”, “гул”, “хорхор” сўзларини мазмуний алоқадорликда қўллаб, таносибни юзага келтиради. Ва ниҳоят, “чок-чок” ва “хорхор” сўзларини такрорланиб қўлланилишига кўра ўзаро боғлаб, мукаррар санъатининг намунасини яратади. Байтда мукаррар санъати билан боғлиқ ҳолда эътиборга олиниши керак бўлган яна бир жиҳат “чок-чок” ва “гул-гул” сўзларининг “яна” радифи билан муайян уйғунлик ҳосил қилганидир. Радиф такрорланиш хусусиятига эга бўлади. Бу вазифада келган “яна” сўзининг луғавий маъноси ҳам “такрор” демакдир. “Чок-чок” ва “гул-гул” сўзлари байтдаги такрор устига такрор оҳангини кучай-

тиришга, ишқ изтиробларининг давомли хуружини бадий ёрқин ва таъсирчан ифодалашга хизмат қилган.

Учинчи байтда ҳолатнинг зоҳири ва аслини тафтиш қилишдан ҳосил бўлган ҳулоса тақдим этилади:

Оҳ дудин саҳл туттум, оҳким, ул дуд аро  
Сабр уйин куйдурғали ҳар ён шароредур яна.

Ошиқ “Чекаётган оҳим тутунларига енгил қараган эканман, оҳки, бу тутун ичида яна сабрим уйини куйдирадиган учкунлар пайдо бўлди” дея иқрор қилади. “Оҳ” сўзининг байтда такрорий келиши ошиқнинг бир ёри учун оҳ чекишини, бир бу ўтли нафасидан таралган учкунлар сабр уйини куйдиргани учун оҳ тортишини ифодалаган.

Тўртинчи байтда ёр тимсоли бироз аниқ қиёфа касб этади:

То лабинг ушшоқдин жон олмоқ этти ихтиёр,  
Жон берурга ҳар тараф беихтиёредур яна.

Ёрнинг лаби ошиқлар жонини олишни ихтиёр қилган эди, атроф жон беришда ихтиёри бўлмаганлар билан тўлиб кетди. Лабнинг сўфиёна талқинга кўра, ҳақиқат асроридан хабар берувчи сўзга ишора эканлигини эътиборга олсак, гап пир иршодга йўловчи маърифатангиз сўзларга оғиз очмоғи билан атроф бу суҳбатдан баҳра топиш учун жонини беришга тайёр солиқлар билан тўлиб кетгани ҳақида бораётганини айтиш мумкин бўлади. Аввалги байтларда кузатилгани каби бу байтда ҳам ҳар икки мисрадаги сўзлар алоҳида поэтик таъсирни кўзловчи муносабат билан боғланган. Ёр лабининг жон олишга ихтиёр этиши ва ошиқларнинг жон беришда беихтиёрлигини айтиш орқали Навоий байт структурасини тўлиғича тазод усули асосида шакллантиришга эришган.

Бешинчи байтда ошиқ ҳолатининг яна бир қирраси ёрнинг сочи билан боғлиқ ҳолда очиб берилади:

Тонг елидин бўлди гўё сунбулунг ошуфтаким,  
Ҳар қаён боқсам паришонрўзгоредур яна.

Ошиқ ўзидан ҳаловат кетиб, паришонҳоллик юз кўргазганини тонгги сабонинг ёр зулфини тўзғитганлигидан кўради: “Тонг ели ёримнинг сунбулга ўхшаган қора сочларини тўзғитди шекилли, қаерга қарасам, жаҳон кўзимга қоронғу кўринмоқда”. Навоий бу сафар биринчи мисрадаги ошуфта – ёйилган сунбул (истиора орқали ёрнинг қора толим-толим зулфи назарда тутилмоқда) ва иккинчи мисрадаги паришонрўзгор сўзлари ўртасидаги умумийлик асосида жамъ санъати намунасини яратади. Зеро, майин сабо туфайли тўзғиб ёйилган қора сочлар ёрнинг юзини тўсиб қўйиб, ошиқнинг кўзига дунёни қоронғу кўрсатиши-ю ҳаётининг остин-устин бўлиб кетишига сабаб қилиб кўрсатилмоқда. “Ошуфта” ва “паришон” сўзларининг иккаласи ҳам “тарқалган”, “тўзғи-ган” маъносини билдириб, улар сочга нисбатан қўлланганда жисмоний, рўзгорга нисбатан ишлатилганда руҳий ҳолатни ифодалайди. Байтнинг ботиний маъносини тушуниш соч билан боғлиқ тимсолларнинг қўлланишидаги анъанавийлик ва рамзийликни эътиборга олишни тақозо этади. Мумтоз шеърятдаги анъанавий ёр тасвирига кўра маҳбубнинг гўзаллиги жам бўлган ҳар бир аъзо маълум бир белги, сифат ва рамзга эга. Жумладан, юзнинг сифати ёруғлик, ўт, оқлик, софлик, тиниклик. Шу сабабли у нур манбаи бўлган ой, қуёш, шамга ёки сув, ойна каби тиниқ ва акс эттириш хусусиятига эга ашёларга қиёсланади. Юз рамзан Яратганнинг ҳидояти, ҳақиқати, дийдорига эришиш тимсоли ҳисобланади. Юзни тўсиб турувчи зулфлар эса ҳақиқатга, васлга эришиш йўлидаги ранжу машаққатлар, азоб ва балолар тимсоли. Зулф узун, толалари кўп, ранги эса қоп-қора. Чунки мақсадга эришиш йўли ҳам хатарли ва давомли, толалар кўп бўлгани каби бу йўлда тузоклар ҳисобсиз. Бу йўл зулматида адашиш, нафс қутқуларига алданиб қолиш мумкин. Шунинг учун зулфга нисбатан “кофир” сифати ҳам ишлатилади. Тасаввуфий талқинга кўра юз Аллоҳга тегишли ваҳдат (яккалик), зулф эса касрат (кўплик) олами – дунё тимсоли. Мақсад зулф остида яширинган юзга етишиш экан, кўнгил бу йўлдаги ранжу риёзатларни сабот билан енгиб, уни босиб ўтиши керак. Агар шундай қилинса, ўрилган соч қаватлари зина, поғона вазифасини бажарадики, ундан кўтарилиш оқибатда юзга – васлга етказади. Сочнинг тўзғиб, ёйилиши эса ошиқни бу имкондан маҳрум этади. Навоийнинг машҳур

Юзинг висолига етсун десанг кўнгулларни  
Сочингни бошдин-аёғ чин ила шикан қилғил

байтидаги “Агар кўнгиллар юзинг висолига етишсин десанг, сочингни бошидан охиригача чин – қатма-қат қилиб синдир (ўрим ҳолига келтир)” деган фикрлар ҳам айни ҳолатга ишорадир.

Олтинчи байтга қадар Навоий ирфоний моҳиятни рамз либосида ифодалаган бўлса, мақтаъдан олдинги байтда анъанага кўра уни очиқ акс эттиради:

Ерга сочқан тер фано даштида солиқ жабҳаси,  
Гавҳари мақсудидин ҳар дам нисоредур яна.

Байтда фано даштида солиқнинг пешонасидан тўкилган терлар уни мақсадга етгани билан қутлаш учун сочилган гавҳарларга тенглаштирилади. Навоий истиора ва ташбеҳ орқали икки ҳаётий воқеликни образли тарзда боғлайди:

10. Меҳнат юкидан қадди букилган одамнинг пешонасидан томган терлар оёғи остига тўкилади.

11. Кишининг меҳнатини тақдирлаш учун сочилган қимматли сочқилар оёғи остига тушади.

Навоий солиқнинг мақсадига ўзликдан кечиб машаққати туфайли тўккан терлари билан эришишини айтар экан, уларни солиқни муносиб тақдирлаш учун сочилган, маънавий баҳоси тенгсиз гавҳарларга қиёслайди.

Мақтаъ лирик қаҳрамон – Навоийнинг энди кетаёзган жунуни парисуратли ёрини кўриши билан қайтгани ва у яна мажнунваш телбага айлангани ҳақида:

Рафъ ўлуб эрди Навоийнинг жунуни, эй парий,  
То санга тушмиш кўзи, мажнуншиоредур яна.

Ҳазалнинг “яна” сўзи билан якун топиши унда тасвирланган қалбнинг руҳий-маънавий изланишлари, бир топа олмаслик изтиробидан ва бир эришмоқлик суруридан етган турфа ҳолатларнинг ҳали давом этишига ишорадир...

Дурдона ЗОҲИДОВА

—•—•—•—•—•—•—

**“Кўрадурменки борур ёру қолурмен мени гумрах...”**

—•—•—•—•—•—•—

Кўрадурменки борур ёру қолурмен мени гумрах,  
Бора олман, тура олман, не қатик ҳолат эрур, ваҳ.

Ҳажридин жонима юз бийм қолайин деса андин,  
Хўйидин кўнглума минг ваҳм бўлайин деса ҳамрах.

Кўюнғ уммиди, юзунғ ҳасрати бирла, агар ўлсам  
Ёвумай равзаға валлоҳ, тиламай ҳурни биллаҳ.

Майға машғул ўлубон ҳажрни умдан унутурмен,  
Бузулур зор кўнгул, кирди эса ёдима ногаҳ.

Ақл таклиф қилур кўнглумаким, тарки жунун қил,  
Телбадин ким бу тамаъ тутқай, агар бўлмаса аблаҳ.

Шоҳу сойилға насиб ар кўпу оздур, не тафовут,  
Тенг насиб ўлди, чу туфроққа агар сойил, агар шаҳ.

Ёр гофиллиғидин зулфида жон берди Навоий,  
Сайд ўлар домда, сайёд агар бўлмаса оғаҳ.

—V— VV— VV— VV—  
фоилотун фаилотун фаилотун фаилотун  
рамали мусаммани маҳбун

**Луғат**

**Гумрах** – йўлдан адашган, йўлини йўқотган  
**Бийм** – қўрқув



**Хўй** – одат, феъл-атвор  
**Кўй** – кўча, жой, манзил  
**Ёвумоқ** – яқинлашмоқ  
**Равза** – боғ, жаннат  
**Валлоҳ, биллаҳ** – Аллоҳ номи билан қасам  
**Умдан** – ишонган ҳолда  
**Жунун** – савдойилик, телбалик  
**Аблаҳ** – нодон, ақли қисқа  
**Ар** – агар  
**Сойил** – гадо, айнан сўровчи

### Насрий баён

1. Кўраманки, ёр кетмоқда, мен эса йўлни йўқотганимча қолмоқдаман. Орқасидан бора олмайман, жойимда ҳам тура олмайман. Эвоҳки, бу қандай оғир аҳвол?!

2. Жоним ортидан бормасдан қолай деса, ҳажридан юз қўрқувга тушади. Кўнглим унга ҳамроҳ бўлай деса, феъл-қилиқларидан минг ваҳима босади.

3. Кўчанг умиди ва юзинг ҳасрати билан ўлсам, қасамки, жаннатга яқинлашмайман, хурни тиламайман.

4. Май билан машғул бўлиб, айрилиқни буткул унутаман, лекин кутмаганда ёдимга кириб, зор кўнглим бузилиб кетади.

5. Ақл кўнглимга “телбаликни тарк эт” деб таклиф қилади. Агар нодон бўлмаса, ким ҳам телбадан буни умид қилар эди?

6. Агар шоҳнинг насибаси кўп, гадоники оз бўлса, нима фарқи бор? Гадо ҳам, шоҳ ҳам тупроққа борганда насибаси бир хил-ку!

7. (Аҳволидан) ёр беҳабарлиги учун Навоий унинг сочига боғланиб қолиб, жон берди: агар овчи хушёр бўлмаса, тутган ўлжаси тузоқда ўлиб қолади.

### Шарҳ ва изоҳлар

Маҳбубнинг ошиқни тарк этиб кетиш лаҳзалари тасвири Шарқ мумтоз шеъриятида кўплаб бетакрор байтларнинг, ҳатто шоҳ асарларнинг туғилишига тўртки берган. Ёр кетаётган лаҳзалар –

васлнинг охири, айрилиқнинг боши. Туйгулар тўлқинланадиган, тасаввур ўткирлашадиган, ёрсиз келажакнинг ҳаёли кўрқинч суратини чизадиган дамлар. Саъдий Шерозий бу лаҳзаларни

Дар рафтани жон аз бадан гуянд ҳар навъе сухан,  
Ман худ ба чашми хештан дидам, ки жонам меравад –

“Ўлим пайти жон бадандан ундай чиқаркан, бундай чиқаркан қабiliдаги гапларни аввал қулоғим билан эшитгандим, энди кўзларим билан ўзимнинг жоним қандай чиқаётганини кўриб турибман” дея беҳад таъсирли тасвирлаган эди.

Ёрнинг ошиқни тарк этиб кетиш манзарасига Навоийдек бетимсол санъаткор ҳам алоҳида эътибор қаратган бўлиб, шоир ижодида унинг юксак поэтик талқинлари учрайди. “Кўрадурменки борур ёру қолурмен мени гумраҳ” деб бошланувчи ғазал ҳам унинг ана шундай асарларидан бири. Матлаъда ёрининг узоқлашиб бораётганини кузатиб турган лирик қаҳрамон ўз аҳволининг қанчалик нотаваон ва забун эканлигидан хабар беради:

Кўрадурменки борур ёру қолурмен мени гумраҳ,  
Бора олман, тура олман, не қатик ҳолат эрур, ваҳ.

Ёр кетмоқда – у билан бирга қалбдан сурур, кўздан нур кетмоқда. Акс ҳолда ошиқ ўзини гумроҳ – йўлини йўқотган деб атасмас эди. Бу ўринда Навоий “гумроҳ” сўзи орқали икки жиҳатни қасд қилгандек. Мажозан ёр ошиқнинг ҳаёт йўлидаги чироқ эди, у кетгач, ҳаёти зулматга айланди, йўлини, борар манзилини йўқотди. Том маънода эса, ошиқ ёрининг изидан то кўздан ғойиб бўлгунича тикилди ва ниҳоят у кетган йўлни йўқотиб қўйди. Одатда, инсон руҳий мувозанати бузилса, нима қиларини билмай, саросимага тушади. Ошиқ ҳам шу ҳолга тушган: на ёрининг ортидан бора олади ва на ўрнида тура олади. Кейинги байтда бу оғир ҳолатнинг янада нозик сабаблари борлиги изоҳланади:

Ҳажридин жонима юз бийм қолайин деса андин,  
Хўйидин кўнглума минг ваҳм бўлайин деса ҳамраҳ.

Ортидан бормасдан қолай деса, жони ҳажрдан юз қўрқувга тушади. Ҳамроҳ бўлиб бораё деса, ёрнинг феъл-қилиқларидан кўнглини минг ваҳима босади. Байт мувозана ва мутобиқа санъатларига асосланган, яъни ҳар иккала мисрадаги сўзлар ҳам вазн, ҳам синтактик қурилиш нуқтаи назаридан ўзаро мувофиқ. Байтнинг шаклан бир-бирига нисбатан тенг мавқедаги мисралардан тузилгани унда айтилаётган фикрни – ошиқнинг икки тенг кучли қарордан қай бирини танлай олишни билмай изтиробда қолганлигини янада кучайтириб тасвирлашга хизмат қилган. Шунингдек, байтда қўлланган ташхис санъати орқали жоннинг қолишдан қўрқувда, кўнгилнинг кетишдан ваҳимада эканлиги айтилар экан, жон ва кўнгилнинг лирик қаҳрамон измидан чиққани, ошиқнинг ихтиёрсизлиги назарда тутилади. Ҳазал рамали мусаммани маҳбун ўлчовида битилган бўлиб, мазкур вазн туркий шеърятда жуда кам қўлланган. Таъкидлаш жоизки, аруз илмини назарий ва амалий жиҳатдан мукаммал эгаллаган Навоий ёрини йўқотиб қўйган лирик қаҳрамонининг руҳий саросимаси, ҳаяжони, юрак зарбига мувофиқ келадиган арузий оҳанг ярата билган. Чунки деярли ярми қисқа ҳижоладан таркиб топган рамали мусаммани маҳбун (фоилотун / фаилотун / фаилотун / фаилотун) вазнidan тез ва шиддатли оҳанг ҳосил бўлади.

Кўюнг уммиди, юзунг ҳасрати бирла, агар ўлсам,  
Ёвмай равзага воллах, тиламай ҳурни биллах.

Ёр кетди, лекин унинг кўчасини излаб топиш умиди, юзини қайта кўриш ҳасрати ошиққа бир умрлик ҳамроҳ бўлиб қолди. У бу ҳамроҳларидан охири нафасигача ажралмасликни, боқий дунёда ҳам бирга бўлишни истади, ҳатто, ёр кўчаси умидини ташлаб жаннатга, юзи ҳасратини қўйиб ҳурга яқинлашмасликка қасам ичади. Байтда лаффу нашр (йиғиш ва ёйиш) санъати бор: “кўй”, “юз”, “равза”, “ҳур” сўзлари нашр тарзида тарқоқ берилган, лафф ҳукмига кўра “кўй” “равза” билан, “юз” эса “ҳур” билан боғланади. Зеро, лаффу нашр шундай санъатки, “мунда эшитгучининг ўзи ул бир нечанинг ҳар бирига алоқадор нимани боғлар деб ишонилур” (Атоуллоҳ Ҳусайний).

Навбатдаги байт ҳажрни унутиш азоблари ҳақида:

Майға машғул ўлубон ҳажрни умдан унутурмен,  
Бузулур зор кўнгул, кирди эса ёдима ногаҳ.

Ошиқ май билан машғул бўлиб, айрилиқни унутади, лекин кутмаганда ёр ёдига кириб, зор кўнгли бузилиб кетади. Навоий ижодида май асосан илоҳий ишқ рамзи сифатида қуйланган бўлса-да, баъзан мажозий тарзда қайғунинг зидди бўлган хурсандчилик, фараҳ, шодликни ҳам англатиб келади. Масалан, қуйидаги байтда шу ҳолни кўриш мумкин:

Давр эл соғарини қилди майи ноб тўла,  
Жуз менинг эски сафолимники, хуноб тўла.

Таҳлилини кўраётганимиз байтда ҳам ошиқ дунё ишлари билан бўлиб, ҳажр ёдидан кетгандек бўлади. Зеро, ҳаётнинг ўткинчи наъъаси асл мақсадни унуттириб қўйиши мумкин. Лекин ошиқ учун бу вақтинчалик ожизлик. Ёр ёди кўнгилга кириши билан дарди янгиланади, жунуни ортиб, кўнгил ақлнинг измидан чиқади:

Ақл таклиф қилур кўнглумаким, тарки жунун қил,  
Телбадин ким бу тамаъ тутқай, агар бўлмаса аблах.

Ақл кўнгилга “жунунни тарк эт” деб таклиф қилади. Ошиқ эса “Агар нодон бўлмаса, ким ҳам жунунни тарк этиш телбанинг қўлидан келишига умид боғлар эди” дея ақлни “ақлсизлик”да айблайти ва шу тарзда ўзининг девона кўнгли раъйи билан розилигини билдиради.

Ҳазал аввалидан бормоқ ва қолмоқ, жон ва кўнгили, қўй ва равза, юз ва ҳур, май ва ҳажр, ақл ва кўнгилини зидлаш асносида мушоҳада юритаётган шоир шу усулга амал қилган ҳолда мавъиза, панд-насиҳат айтиш ўрни келганда – мақтаъдан олдинги байтда ҳам шоҳ ва сойил (гадо) тимсоллари воситасида фалсафий тафаккур маҳсули бўлган хулосасини тақдим этади:

Шоҳу сойилга насиб ар кўпу оздур, не тафовут,  
Тенг насиб ўлди, чу туфроққа агар сойил, агар шах.

Агар шоҳнинг насибаси кўп, гадоники оз бўлса, нима фарқи бор? Гадо ҳам, шоҳ ҳам тупроққа борганда насибаси бир хил-ку! Бу фикрлар Навоий ижодида алоҳида ўрин тутиб, турли бадиий ранг ва оҳангларда жилоланган шоҳ ва гадо фалсафасининг бир кўринишидир.

Навоий, одатда, ғазални қайсидир жиҳати билан ажралиб турадиган, баъзан ғоя залвори, баъзан эса бадиий малоҳати устун бўлган байт яқунлайди. Мазкур ғазалнинг мақтаъи ҳам ҳиссий-поэтик нафосати билан ўзига жалб этади:

Ёр ғофиллиғидин зулфида жон берди Навоий,  
Сайд ўлар домда, сайёд агар бўлмаса оғаҳ.

Аҳволидан ёр беҳабарлиги учун Навоий унинг сочига боғла-ниб қолиб, жон берди. Бу овчи хушёр бўлмаса, тутган ўлжаси ту-зоқда ҳалок бўлиши кабидир. Ғоят ҳаётий мисол заминига қу-рилган бу байт ўқувчида бир пайтнинг ўзида ҳам шафқат туйғу-сини, ҳам бадиий ҳаяжон ҳиссини уйғотади. Бундай таъсирга эса ҳақиқий санъат асари қодирдир.

Дурдона ЗОҲИДОВА

—~~~~~  
“Ваҳки, бир бадмеҳр ўқи жонимга паррондур яна,..”  
~~~~~

Ваҳки, бир бадмеҳр ўқи жонимга паррондур яна,
Тийра кўнглум қулбасининг шамъи пайкондур яна.

Бир парий ишқида “жон”нинг нуқта бирла “нун”идек,
Нотавон жонимда наълу доғ пинҳондур яна.

Баски пайконинг йиғилди, йиқти тан кошонасин,
Бу бино су қасратидин, ваҳки, вайрондур яна.

Танға жузв ўлди ўқунг ул навъким, андин ани
Олмоқ анбурлар била тортиб не имкондур яна.

Эйки, кўнглумни дединг мажруҳ эмастур ишқдин,
Кўрмадинг оёки мужгоним аро қондур яна.

Чикмишам муғ кўйидин сархуш яшун, эй чархким,
Ер била тенг қилмоғинг оллимда осондур яна.

Дашт аро Мажнунни кўрганлар Навоийни кўруб,
Қилдилар ҳайратки, не ғули биёбондур яна.

– V – – V – – V – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Бадмеҳр – меҳри ёмон, меҳрсиз

Паррон – учқур, учаётган

Тийра – қоронғу, қора

Пайкон – камон ўқининг учи

Наъл – тақа, этик ва ковушга қоқиладиган темир нағал, тақа
шаклидаги тамға

Доғ – куюк, куйган жой

Нотавон – заиф, ожиз

Касрат – кўплик

Жузв – бўлак, қисм

Анбур – омбур, қисқич

Мажруҳ – жароҳатланган

Мужгон – киприк

Оё – сўроқ ва таажубни англатувчи сўз, балки, эҳтимол

Муғ – мажусий, оташпараст, мажозан илоҳий ишқ майидан
маст киши

Сархуш – кайф, маст

Ғули биёбон – сахро деви

Насрий баён

1. Эвоҳки, бир меҳрсизнинг ўқи яна жонимга қадалди. Ўша ўқнинг пайкони (учи) яна қоронғу кўнглим кулбасининг шамидир.

2. Бир парининг ишқида яна заиф жонимда “жон” сўзидаги “нун” харфи ва нуқта каби тамга ва доғ яширинган.

3. Пайконларинг (ўқларинг учи) шунчалик кўп қадалдики, охири тан кошонасини йиқитди. Бу бино сувнинг кўплигидан, эвоҳки, яна вайрон бўлди.

4. Ўқинг танам билан шундай бирикиб кетдики, уни омбур билан ҳам суғуриб олишнинг имкони йўқ.

5. Эй ёр, кўнглимни ишқдан жароҳатланмаган дединг, киприкларим оралиғидаги қонни яна кўрмадинг, шекилли.

6. Муғ кўчасидан маст ҳолда чиқипман, эй чарх, яшиниб олки, сени яна ер билан тенг қилиб қўйиш менга ҳозир осон.

7. Дашт аро кезиб юрган Мажнунни кўрганлар Навоийни кўриб, “бу яна қайси саҳройи дев бўлди экин?” – деб ҳайратландилар.

Шарҳ ва изоҳлар

Навоийнинг “яна” радифли бошқа ғазалларида кузатилган каби ушбу ғазалида ҳам ишқ йўлида етган ранжу машаққатлар тасвири етакчилик қилади. Ғазалда қўлланган ўқ, пайкон, наълу доғ, мужгон, мажрух, қон каби сўзлар ундаги поэтик тасвирнинг меҳвари ишқ жароҳати ва ундан етадиган озор талқини эканлигини кўрсатади. Айнан жароҳат тушунчаси ғазалнинг дастлабки беш байтини боғлаб туради, олтинчи байт анъанавий тарзда ирфоний мазмунга эга, мақтаъ эса хотима-хулоса вазифасини бажаради.

Ғазал меҳрсиз ёр нигоҳи (ёки киприги)нинг ошиқ жонига ўқ бўлиб қадалгани ҳақидаги хабардан бошланади:

Ваҳки, бир бадмеҳр ўқи жонимга паррондур яна,
Тийра кўнглум кулбасининг шамъи пайкондур яна.

Навоий ёр ўқининг зарбидан жони азобда қолган ошиқнинг кўнгли ғам билан тўлганини таносиб ва истиора асосига қурилган

ғўзал ташбеҳ орқали ифодалаган: ошиқнинг ношод кўнгли – кулба, ундаги зулматнинг сабаби шам ўрнини ўқ эгаллаганлиги. Бу қиёсда шоир ўқ учи – пайкон ва шам бошининг шакл жиҳатидан ўхшашлигини назарда тутлади.

Навоий иккинчи байтда ҳам шакл асосида поэтик тимсоллар яратишда давом этади:

Бир парий ишқида жоннинг нуқта бирла “нун” идек,
Нотавон жонимда наълу доғ пинҳондур яна.

Лирик қаҳрамон ишқ ўтидан жонида “жон” сўзидаги нун ва нуқта каби куюк излари борлигини айтади. “Наъл” сўзи ярим ҳалқа шаклини билдириб, у мазкур кўринишга эга бўлган тақа, пойафзалга қоқиладиган темир, тамға, куйишдан қолган белгига нисбатан қўлланиши мумкин. Байтда “наъл” ярим доира, “доғ” эса нуқта шаклидаги куйишдан қолган изларни ифодалаб келмоқда. Навоий ошиқнинг озурда жони “жон” (جان) сўзининг ёзувдаги ифодасига ўхшаб қолганини, ундаги наъл шаклидаги из “нун” ҳарфининг ҳалқаси, доғ эса “нун” устидаги нуқта эканини китобат санъати воситасида моҳирона кўрсатиб берган. Бадиий ният “нун” ҳарфи шакли асосида юзага чиқарилган ушбу байтдаги сўзлар таркибида “нун” ҳарфининг ўзини ҳам 11 марта қўлланиши товушдошликка асосланган тавзеъ санъатини ҳосил қилган.

Ҳазалда қўлланган “яна” радифи туфайли ўқувчи ишқ ошиқ бошига дарду азобларни муттасил суратда ёғдираётганини тасаввур этиб боради ва учинчи байтга келиб ошиқ жисмига қадалган пайконларнинг йиғилиб, тан қошонасини вайронага айлантирганини мантиқий ҳол сифатида қабул қилади:

Баски пайконинг йиғилди, йиқти тан қошонасин,
Бу бино су қасратидин, ваҳки, вайрондур яна.

Биз аввалги шарҳларимиздан бирида пайкон сўзи Навоий ҳазалларида англаган маънони тўлақонли тушуниш унга тарихий-маданий контекстда ёндашишни тақозо этишини таъкидлаган ва ижодкор яшаган даврда ўқ учи нафақат металлдан, балки пахта ўраб ҳам тайёрланиб, сувга ботириб қўйилганини айтиб,

бунга шоир ижодидан далилларни келтирган эдик. Навоий ижодида пайкон ва сув жуфтлиги таносиб даражасида қўлланганига, унда “пахталиғ пайкон”, “момуг чирмалғон пайкон” жумлаларнинг ишлатилганига ҳам эътибор қаратгандик.⁶¹ Юқорида байтда ҳам бино намлик таъсирида нураб, бузилгани каби ёр пайконларидаги сувлар йиғилиб ошиқнинг тан кошонасини вайрон қилгани айтилади. Бинони йиқитишга қодир намлик ҳосил бўлиши учун ўзи билан сув келтирган пайконлардан қанчаси бир жойга жам бўлиши зарурлигини фақат тасаввур қилиш мумкин. Қолаверса, бу ўринда пайкондаги намлик танадаги жароҳатни газак олдириб, ҳалокатга йўллашига ишора ҳам бўлиши мумкин.

Кейинги байтда ҳам жисмга ўрнашган ўқнинг муболағавий тавсифи давом эттирилиб, унинг ошиқ танаси билан бирикиб кетганлиги, ҳатто, омбур билан ҳам суғуриб олишнинг имкони йўқлиги айтилади:

Танға жузв ўлди ўқунг ул навъким, андин ани
Олмоқ анбурлар била тортиб не имкондур яна.

Бешинчи байт ошиқнинг яширин ишқ жароҳатини билмайдиганларга, эҳтимолки, уни шунча дарду балога ташлаб, ўзини гофилликка солиб “Ишқ кўнглингни яраламабди-ку” дейдиган ёрга қаратилган:

Эйки, кўнглумни дединг мажруҳ эмастур ишқдин,
Кўрмадинг, оёки, мужгоним аро қондур яна.

Лирик қахрамон бунга жавобан “Кўнглимни ишқдан жароҳатланмаган дединг, киприкларим оралиғидаги қонни яна кўрмадинг, шекилли” деб эътироз қилади ва бу билан қалбига сиғмай қолган жароҳат қонларининг кўзларидан ёш бўлиб оқаётганига ишора беради.

Олтинчи байт бир қарашда байт структурасида мустақил мазмуний тугалликка эга қўшмисра сифатида ажралиб туради.

⁶¹ Бу ҳақида “Ғар сабодек ҳамдам эрман сарви озодинг била” мисраси билан бошланувчи 541-ғазал шарҳида батафсил фикр юритганмиз.

Чикмишам муғ кўйидин сархуш яшун, эй чархким,
Ер била тенг қилмоғинг оллимда осондур яна.

Муғ кўчасидан маст ҳолда чиқаётган лирик қаҳрамон “Эй чарх, яшиниб олки, сени яна ер билан тенг қилиб кўйиш менга ҳозир осон” деб айтади. Агар бу мисраларни аввалги байтлар билан боғлаб, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида янгидан тафаккур этиб кўрилса, ишқ йўлида етган жароҳатлари ошиқнинг жону жисми – ўзлик қафасини барбод этиб, руҳини озод қилганини ва осмонларни паст этар даражада юксалтирганини англаш мумкин бўлади. Айни маънавий парвоз, ишқ майидан етган журъат лирик қаҳрамонга чархни ер билан яксон қилиш қувватини бахш этади. Чархни ер билан тенг қилиш қалбида Аллоҳ муҳаббати бор инсон дунё ташвишларини оёқ остига ташлаши, назар-писанд қилмаслигининг образли тасвиридир. Навоий бу юксак фикрни гўзал бадиий пардозда тақдим этади. Байтда “Ер билан тенг қилмоқ” жумласининг ибора сифатидаги “обрўсизлангириш” маъноси эътиборга олинган, айни пайтда лирик қаҳрамоннинг “Эй чарх, беркиниб ол, сени тортиб, ерга тушираман” деган таҳдидли хитобида жисмоний ҳаракатга муболағавий ишорани ҳам кўрамыз.

Сўнгги байтда шоир дашт аро кезиб юрган Мажнунни кўрганлар ўзини учратиб қолсалар, “Бу яна қайси саҳройи дев бўлди экин?” деб ҳайратда қолишларини айтади:

Дашт аро Мажнунни кўрганлар Навоийни кўруб,
Қилдилар ҳайратки, не ғули биёбондур яна.

Шоир ўзини саҳрода саргардон кезган Мажнун билан қисматдош, қиёфодош сифатида кўраркан, бу билан ишқининг жунуни, туғени, табиати ҳақида хулоса қилгандек бўлади.

Дурдона ЗОҲИДОВА

—~~~~~—

“Танимда заъфдурур то иситмиш ул дилхоҳ...”

—~~~~~—

Танимда заъфдурур то иситмиш ул дилхоҳ,
Куёш ҳароратидин не ажаб қурса гиёҳ.

Анинг ниҳол қади титрабон терак янглиғ,
Мен эврулуб бошиға тортибон сабодек оҳ.

Танини гунча кеби тўнға чирмабон қат-қат,
Валек талфасадин гулдек очилиб гаҳ-гоҳ.

Гулобхонадағи гул кеби сўлуб жисми,
Қилиб гулоб кеби тернинг ўртасида шиноҳ.

Ётиб кўзи кеби гулгун ҳарир уза бемор,
Валек мендек этиб сихҳат аҳлини гумроҳ.

Деманки, шарбат учун яхшидур чучук жоним,
Яраса садқа учун қилғасиз мени огоҳ.

Навоиё, дема невчун танинг заиф ўлмиш,
Танимда заъфдурур то иситмиш ул дилхоҳ.

V- V- VV-- V- V- VV ~ (- -)
мафоилун фаилотун мафоилун фаилон (фаълун)
мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур (мақтуъи мусаббағ)

Лутат

Заъф – хасталик, заифлик

Иситмоқ – иситмаламоқ

Дилхоҳ – дил хоҳлайдиган, ёқимли

Эврулмоқ – айланмоқ

Талфаса – бетоқатлик, хаяжон

Шиноҳ – сузиш

Гулоб – атиргул суви, атиргул суви қўшилган тотли ичимлик

Гулобхона – гулоб тайёрланадиган жой

Гулгун – гулранг, алвон, қизил

Ҳарир – ипак мато

Гумроҳ – йўлдан адашган, йўлини йўқотган

Насрий баён

1. Ўша кўнглим истаги (бўлган ёр) иситмалагандан бери танамда заифлик: гиёҳ қуёш ҳароратидан қуриса, ажабланарли эмас.

2. Унинг ниҳол қадди терак сингари титрагани сайин мен бошидан сабо каби айланиб, оҳ тортаман.

3. Танасини гунча каби қават-қават тўнга чирмаган, лекин гоҳ-гоҳ бетоқатликдан гулдек очилади (ёпинганларини очиб ташлайди).

4. Жисми гулобхонадаги гул каби сўлиб, гулобга ўхшаган терга фарқ бўлган.

5. Қизарган кўзи каби гулранг ҳарир устида бетоб бўлиб ётибди, лекин мен каби соғлом кишиларни йўлдан адаштирган.

6. Ширин жонимни (касал ёримга) шарбат тайёрлаш учун яхши дейишга ҳаддим сиғмайди, мабодо жоним садақа қилишга яраб қолса, мени хабардор қилиб қўйинг.

7. Эй Навоий, нима учун тананг заиф деб сўрама, ўша кўнглим истаги (бўлган ёр) иситмалагандан бери танамда заифлик.

Шарҳ ва изоҳлар

Мазкур ғазалнинг бетакрорлиги шундаки, унда сиймоси чирилган гўзал мумтоз лирикадаги минглаб ғазалларнинг бош тасвир объекти бўлган ёрдан кескин фарқланади: Навоий маҳбубани реал инсон – иситмалаган бемор қиёфасида тасвирлайди.

Шарқ мумтоз шеъриятидаги ошиқ образининг хатти ҳаракатлари, характер белгилари муайян ахлоқ мезонларига хосланган

бўлиб, ёр учун фидо бўлиш, жону жаҳонини бахшида этиш унинг энг барқарор сифатларидан бири. Ёрини бетоб ҳолда кўриш ошиқнинг унга бўлган меҳру шафқатини, ғамхўрлик ва фидоийлигини бир неча қарра кучайтириб юборганини Навоий ўта таъсирли қилиб ифодалаган. Бошқа ғазаллардан фарқли ўлароқ ушбу ғазалда ошиқнинг ҳар бир изтиробини маъшуқадаги касалликнинг маълум аломати билан боғланганки, бу орқали кўз ўнгимизда ёридан кўра кўпроқ дард тортаётган инсон қиёфаси намоён бўлади.

Танимда заъфдурур то иситмиш ул дилхоҳ,
Куёш ҳароратидин не ажаб қурса гиёҳ.

Лирик қаҳрамон “Ўша дилхоҳ – кўнглим истаги бўлган ёр иситмалагандан бери танамда заифлик, гиёҳ қуёш ҳароратидан қуриса, ажабланарли эмас” дейди. Заифлик, беҳоллик – иситма олган кишига хос белги. Бу белгининг бемор ёридан ошиққа кўчиб ўтгани унинг севиклиси дардини бутун борлиғи билан ҳис эта олганидан далолат. Навоий бу ҳолатни тамсил санъати воситасида образли тарзда гавдалантиради: қуёш тафтидан гиёҳ сўлиб қолса, бундан ҳайратга тушмаслик керак. Бу ўринда ёрни зимдан қуёшга қиёсланар экан, юзнинг нурли, порлоқ эканлигидан ташқари иситма тобидан қизиган эканлиги ҳам эътиборга олинган.

Иккинчи байтда иситмада кузатиладиган аломат – титраб-қалтираш тасвирга олинган:

Анинг ниҳол қади титрабон терак янглиғ,
Мен эврүлүб бошиға тортибон сабодек оҳ.

Ёрнинг ниҳол қадди терак сингари титрагани сайин ошиқ унинг бошидан сабо қаби айланиб, оҳ тортади. Ташбехнинг ажойиб намунаси бўлган бу байтда ёрнинг иситмада титраётган қадди шабодада тебранаётган ёш теракка, унга етаётган озордан оҳ тортиб, бошидан айланиб-ўргилаётган ошиқ сабога қиёсланган. Ошиқнинг сабога ўхшатилиши учун икки асос бор. Биринчидан, сабо ҳам, ошиқ тортаётган оҳ ҳам моҳиятан ҳаво оқимининг ҳаракатидан иборат. Иккинчидан, сабо дарахтлар атрофида айланиб,

кезиб юради; ошиқ эса ёрнинг бошидан айланиб, гирдикапалак бўлади.

Учинчи байтдаги тасвирга ҳарорати ошган беморнинг бир совуқ қотиб, бир қизиб кетиши асос бўлган:

Танини ғунча кеби тўнға чирмабон қат-қат,
Валек талфасадин гулдек очилиб гаҳ-гоҳ.

Ёр танасини ғунча каби қават-қават тўнға чирмаган, лекин гоҳ-гоҳ бетоқатликдан гулдек очилади, яъни ёпинганларини очиб ташлайди. Байтда тазод ва ташбеҳ воситасида совиш-исиш билан боғлиқ ёпиниш-очилиш ҳолатларини ғунча ва гулга, ёрнинг кийимларини гулбарглarga нисбат берилгани; қат-қат ва гоҳ-гоҳ сўзлари орқали мукаррар ҳосил қилингани таъсирли ва нафис манзарани юзага келтирган.

Галдаги байтда Навоийнинг қалами тасвирга иситмада терлаш ҳодисасини олган ҳолда яна бир гўзал лавҳани чизади:

Гулобхонадаги гул кеби сўлуб жисми,
Қилиб гулоб кеби тернинг ўртасида шиноҳ.

Ёрнинг жисми гулобхонадаги гул каби сўлиб, гулобга ўхшаган терга ғарқ бўлган. Навоий гулоб яшаш жараёнидаги нозикликларни – гулоб тайёрлаш учун гул баргларини сувга солиб қўйилганда уларнинг сўлиб қолишини назарда тутиб, бу ҳолни ёр жисмининг баланд ҳарорат таъсиридан терга чўмган бўлса-да, сўлғин бўлиб қолганига қиёслайди. Навоий гул, гулоб, гулобхона сўзлари асосида ҳосил қилган иштиқоқ санъатининг ўзига хослиги шундаки, у сўз шакллари бир-биридан ясалганини, улар ифодалаган маъноларнинг ўзаро алоқадорлигини кўрсатиш билан бирга бу сўзлар ўртасида нафақат шаклан, балки мазмунан ҳам бутун – қисм муносабати борлигини ифодалаган. Ёр – гул, унинг терлари гулоб – гул суви, у ётган жой эса гулобхона. Айтайлик, гул, гулгун, гулрў сўзларини қўллаб иштиқоқ ҳосил қилинса, шакл ва маъно алоқадорлиги юзага келса-да, бундай мазмуний бутун – қисм муносабати ҳосил бўлмайди.

Бешинчи байтдаги тасвир марказида иситмада кўз оқининг қизариб кетиши туради:

Ётиб кўзи кеби гулгун ҳарир уза бемор,
Валек мендек этиб сиҳхат аҳлини гумроҳ.

Байтда ёр қизарган кўзи каби гулранг ҳарир устида бетобу беҳол бўлиб ётса-да, лирик қаҳрамон каби кўплаб жисман соғлом ошиқларни ақлу ҳушидан айириб, йўлдан адаштиргани таъкидланади. Шундан унинг соғайгандаги мафтун этиш ва жозиба қудратини тасаввур этиш мумкин.

Деманки, шарбат учун яхшидур чучук жоним,
Яраса садқа учун қилғасиз мени огоҳ.

Мазкур байт инсоннинг инсон учун фидо бўлишининг беназир бадиий ифодаси. Унда ошиқнинг ширин жонидан кечиб бўлса-да, севгилиси дардига малҳам бўлиш истаги қанчалар кучли экани “чучук” сўзининг ўз (“шарбат”га нисбатан) ва кўчма (“жон”га нисбатан) маъноларидан моҳирона истифода этиш асносида кўрсатиб берилади. Бемор, одатда, шарбат бериб парваришланади. Ошиқ ёри учун тайёрланадиган шарбат тотли бўлиши ширин жонини беришга тайёр, лекин жони шарбатга етарли даражада яхши таъм бермайди деб қўрққани учун бу таклифни айтгани хижолат бўлади. Касал тезроқ соғайиши учун хайр-аҳсон ҳам қилинади. Ошиқ “Агар ёрим шифо топсин деб садақа қилсангиз, менга хабар бериб қўйинг, жоним ҳеч бўлмаса шунга яраб қолар” дейди.

Ҳазал лирик қаҳрамоннинг “Эй Навоий, нима учун тананг хаста деб сўрама, ўша кўнглим истаги бўлган ёр иситмалагандан бери танамда заифлик” деган иқрорини қайта ва қатъий оҳангда такрорловчи байт билан якунланади:

Навоиё, дема невчун танинг заиф ўлмиш,
Танимда заъфдурур то иситмиш ул дилхоҳ.

Мухтасар хулоса қилганда, чуқур ҳаётий руҳ, туйғулар самимияти барқ уриб турган бу ғазал Навоийнинг ўзганинг дардини

ҳис этиш, бошқага етган озордан озор топиш одамейлик нишони эканлиги ҳақидаги юксак қарашларининг ўзига хос бадиий тасдиғидир.

Дурдона ЗОҲИДОВА

“Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била...”

Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била,
Нечунки кўзда ёруғлик эрур қароғи била.

Фироқ шомӣ енгилмас ўқунг кўнгул йўлини
Ки, борур ул сари пайконидин чароғи била,

Эрур сукуту фано ишқ лозими, булбул
Не воқиф онча фигону улуг димоғи била.

Ул ўтки ўртади парвонани, ҳамул ўтдин
Кўринки қовруладур шамъ доғи ёғи била.

Шоҳу улус ғамияю жоми Жам, хушо улким
Синуқ сафол ила дурд ичкай ўз фароғи била.

Хумор аро тиладим соқию қадах, юз шукр,
Ки улки мен тиладим келди ўз аёғи била.

Кучарга сарв ниҳоли бири қадингдек эрмас,
Агар кетурса ани боғбон қучоғи била.

V-V- V V-- V- V- V V-

мафоилун фаилотун мафоилун фаилун
мужтасси муссаммани маҳбуни маҳзуф

Луғат

Сафо – поклик, тозалик.

Жоми Жам – Жамшид жоми.

Дурд – ҳар нарсанинг куйқаси, қолдиғи, сифатсизи

Ҳамул – ўша, шундай

Шарҳ ва изохлар

“Ҳазоин-ул маоний”нинг биринчи девони — “Ғароиб-ус сиғар”га киритилган ва Алишер Навоийда кам учрайдиган таҳаллуссиз ғазаллардан бири (“Ғаройиб-ус сиғар”да жами ўнта таҳаллуссиз ғазал бор) шу сатр билан бошланади. Ушбу ғазал “Бадоеъ-ул бидоя” девонида ҳам мавжуд. Демак, у шоирнинг ёшлик йилларида ёзилган. Ғазал етти байтдан иборат, лекин таҳаллусли мақта бўлмагани сабабли якунловчи хулоса етиш-маётгани сезилади. Асар мавзуи — ишқи илоҳийни қуйлаш, бу ғоя гоҳ мажозий ташбеҳ-истиоралар, анъанавий образлар (парвона, булбул), гоҳ тўғридан-тўғри тасаввуфий истилоҳ — тамсиллар воситасида баён этилади. Қайд этиш жоизки, ишқи илоҳийни тараннум этган ирфоний-маърифий мазмундаги ғазаллар Навоий девонларининг асосий қисмини ташкил этади, уларни эса бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: 1) муножот ғазаллар; 2) Худо ва пайғамбар мадҳига бағишланган наът-ҳамд ғазаллар; 3) ошиқнинг аҳволини тасвирловчи “шарҳи ҳол” ғазаллар; 4) фалсафий фикр-мушоҳадаларни ифодаловчи ғазаллар. Тилга олинган ғазалда ошиқона кечинмалар руҳи, ёр васфи ҳам, фалсафий мушоҳада-муқошифа ҳам бор. Демак, асар бирон-бир ҳис, бирон-бир муайян ҳолатни эмас, шоирнинг катта мавзу атрофидаги умумий тасаввур-тушунчалари, шунга мувофиқ ишқнинг инсон қалбига ўтказадиган таъсири ҳақида зикр этади, ишқ ва фано, тариқат йўлининг жозибаси ва таҳликаси шоирона талқин этилади. Шу боис ғазал байтларини бевосита ўзаро

занжирий боғланиш эмас балки қофия, радиф, мавзу ва оҳанг муштараклиги бирлаштириб туради, мадх, васф, шарҳи ҳол ва тасаввуфий маънолар бир ўзандаги оқимга туширилган.

Чунончи, матлада ошиқнинг ишқ дарди янгиланганидан хушнудлиги, иккинчи байтда маъшуқа фироқида қийналиш, кинояли хотирот, учинчи ва тўртинчи байтларда ишқнинг қудрати ва мўъжизакорлиги ҳақида мулоҳаза-муқояса, бешинчи байтда шоҳва дарвешнинг ишққа муносабати, олтинчи ва еттинчи байтларда бўлса илоҳиёт файзини топган солиқнинг лаҳзалик масрур туйғулари, ёр жамолига маҳлиёлиги тасвир этилади. Хуллас, ишқнинг турли жихати, ошиқ инсоннинг ҳолатлари ва шоирнинг ўз мавзуйига муносабати, қарашлари акс этган.

Умуман, Навоийда илоҳий ишқ ҳар хил ҳолатларга боғланиб, ҳар бир ғазалда ўзгача бир тароват янги-янги ифода, услубий тарзу равия билан куйланади. Шунинг учун унинг ғазаллари бир-бирининг айнан такрори эмас, балки ҳар бири янги асар сифатида ўқувчига алоҳида завқ бағишлайди, тасаввуфиинг ҳар бир мақоми ва манзилларидаги руҳий ҳолат, бу манзилларни кашф этиш қийинчиликлари, Буюк Илоҳнинг ҳузурига талпиниш, соғинч ва қўмаш, маънавият неъматидан "сархушлик, қалби маърифатга ғарқ Дўст дийдорига ташналик, ундан маҳрумлик дамларидаги изтироб ҳар бир ғазалда турфа рангу оҳанг, суврату санъатлар орқали такрор-такрор талқин этилади. Бу ғазалчиликда, айниқса, орифона шеърятда қабул қилинган анъана бўлиб, шоирнинг ўзига хос маҳорати, навбунёдкорлиги шу анъана бағрида камол топиб, кўзга аёнлашди.

Буни меъморлик санъати билан қиёсласа бўлади: Самарқанду Бухоро, Ироқу Нишопур, Балху Ҳирот меъморчилик ёдгорликларига қаранг, уларнинг нақшу нигори, кошинлари, тарху тароватида ўхшашлик бор. Аммо ҳар бири яна ўзига хос салобат, хусну жозигага эга, ҳар бир меъморнинг "дастхати"ни аниқ ҳис этасиз. Шеърят ҳам шу: қатъий анъаналар андозаси ичра беназир устакорлик, улуғ салафлар даражасига кўтарилиш ва шу майдонда ихтиролар қилиш, янги йўл, янги оҳанглар топиб, элни қойил қилиш. Анъанавий усул-равияда маҳорат кўрсатиш — бир мўъжиза, асрлар анъанасини енгиб шоирона ихтиролар қилиш — иккинчи, янада олийроқ мўъжиза.

Навоийнинг ҳар бир ғазалида анъанавий мавзуни янги руҳ, янги туйғу ва фикр билан янгидан янгратиш, ғазалнинг қадимий шаклидан фойдаланиб, шоирона мўъжизалар кўрсатиш маҳорати намоён. Воқеан, таҳлилга олган ғазалимиз ҳам “Эрур кўнгилда сафо ишқ тоза доғи била” деб бошланади: ишқнинг кўнгилда ҳар бир янгиланиши, тоза доғлар қолдириш янги илҳом ва завқ олиб келади, янги шеърни бунёд этади. Ушбу ғазални байтма-байт шарҳлаб чиқсак, айтилган фикрлар тўлароқ ва аниқроқ англашилади.

Биринчи байт:

Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била,
Нечунки кўзда ёруғлик эрур қароғи била.

Ишқнинг доғи — дарду алами, асорати, яраси тозаришидан кўнгилда шодлик, сурур ва равшанлик пайдо бўлди. Зотан, бунга ажабланмаслик керак, чунки кўзнинг қорачиғи равшанлиги унинг қорачуғидан. Байтнинг мазмуни шу. Ажойиб ташбех: кўз гавҳари қора, аммо кўришнинг қуввати, ёруғлик ўшандан, демак, ишқ кўнгилга дарду доғ солса-да, лекин кўнгил кўзини равшанлаштиради, оламни мусаффо нигоҳ билан идрок этишга чироғи хидоят бўлади.

Навоий шу ташбех орқали тазод санъатининг фавқулодда янги бир кўринишини кашф этган ва инсон руҳидаги талотумларни, қарама-қарши ҳолатларни тушунтира олган: ишқ-муҳаббатдан фориғ одам тинч, хотиржам яшаши керак. Бироқ ҳаётда бунинг акси бўлади, муҳаббат дардига гирифторлик хурсандчилик, фароғатга сабаб бўлади. Кўнгил бу дарддан яйрайди! Шоир оқлик ва қораликни (байтда “сафо” ва “тоза” сўзлари ҳам ўзаро мутаносибликка киришиб, завқли бир туйғу бағишлайди), қуллик ва озодликни, ишқий безовталиқ лаззати ва ишқсизлик бадбахтлигини қиёслайди, сўфийнинг тан азоблари эвазига туядиган руҳий-маънавий ҳузурини олқишлайди. Доғ — тамға, нишон; доғ — андух, ғам; доғ — жароҳат, яра; доғ — юракдаги қора нуқта, сувайдо; доғ — лоланинг қора ранги; доғ — қуллик белгиси.

Сафо эса “риёзат чекишдан кўнгилнинг покланиши” (“Миръотул ушшоқ”), “поклик, таъбнинг нописанд, ёмон хислатлардан тозаланиши... кўнгилнинг ағёр, яъни ғайри ёрдам, ғаддор дунёдан юз ўгириши” дир (“Мусталаҳоти урафо” 262-бет). Шундай қилиб, ишқ доғи ағёр доми, дунё кудрати қуллигидан кўнгилни озод этади. Илоҳни севиш, унга қул бўлиш қуликдан озод бўлишнинг чин йўли, демак, бундай қуликдан хурсанд бўлиш керак. Шунинг учун ҳам ошиқ маҳбубасининг тамғасини кўнгилда асраб, унга қул бўлишдан боши осмонда. Ишқнинг фараҳ ва фароғат, сафо ва рўшнолик келтириш хосиятини шундай ажойиб, оригинал тоза тасвир билан ифодалаган шоир иккинчи байтда мўъжизакор таҳаюлининг яна бир қиррасини кўз-кўз этади:

Фироқ шои энгилмас ўқунг кўнгул йўлини
Ки, борур ул сари пайконидин чароғи била,

Биринчи байтдаги қоронғу-ёруғ тазоди давом эттирилган, аммо маъно бошқа. Биринчи байтдаги ташбеҳ асослари доғ ва кўз қорачиғи ижобий маънодаги ранг эди, аниқроқ қилиб айтсак, бу қоралиқлар оклик-равшанлик келтирадиган эди, (фироқ шои эса ошиқ учун ёруғлик эмас, азоб-изтироб олиб келади. Ошиқнинг ҳижрондаги кунлари тун билан баробар, ҳижронда ошиқ учун ёруғлик йўқ, унинг тонги зим-зиё, қуёши маҳв этилган, фироқ шои тариқат аҳли наздида солиқни илоҳдан ажратиб турувчи парда, касрат, дейди шоир маъшуқага қараб, ўқинг (кипригинг) кўнглим йўлини адашмасдан топади, чунки у кўнгилга томон чироғи билан келаяпти. Кимга ишора бор бу ерда? Гап шундаки, “пайкон” сўзи қам ўқни билдиради, лекин бу ўринда камон ўқи назарда тутилаяпти. Камон ўқининг ўткир учи эса металдан ясаларди.

Шу нишонга қараб учиб бораётганда метал қисми яраклаб турар, баъзан эса олов сочаётгандай, шуълаланиб кўзга ташланарди. Ўқнинг ана шу ҳолатини Алишер Навоий чироқ кўтариб бораётган одамга ўхшатиб, жонли ва чиройли суврат чизган: “Фироқ шоида, яъни сенинг ёдинг, вақтинча кўнгилдан кўтарилиб, дунё иши — ташвиши парда бўлиб мени сендан ажратганда, ўқинг адашмасдан кўнгил йўлини топади, зеро у ўз нишонига

пайкони чироқ қилиб бораяпти”. Бундай ташбехни бошқа бирорта шоирда учратмаймиз: ёрнинг киприги — зулматни ёриб бораётган машъала, гўё зим-зиё тунда чақилган чакмоқ.

Албатта, маъшуқа кипригини чакмоққа қиёс этганда Навоий кўзни ҳам назарда тутган, чунки аслида киприк бировга қараб отилмайди, балки назар, қараш йўналади, яъни кўзнинг нури, қуввати таъсир этади, жозиба, куч бағишлайди. Шунинг учун киприк чакмоқ самовий миқёсда илоҳий нурнинг ярқ этиб, кўнгилни ёритиши ёки заминий миқёсда соҳибкаромат пирнинг назар қилиши, бир нигоҳ билан қалбларга ғулғула солиши тарзида талқин этилиши мумкин. Оддий ҳаётда ҳам қалб китоби бўлмиш кўзларнинг кўнгилларни боғлаши, севгига замин ҳозирлаши кўп учрайдиган ҳодиса.

Учинчи байт:

Эрур сукуту фано ишқ лозими, булбул
Не воқиф онча фиғону улуғ димоғи била.

Навоий “Асарлар”и куллиётининг 1988 йилги янги наشريда (3-жилд. 428) мазкур байтнинг биринчи мисрасида “фано” ва “булбул” сўзларидан кейин вергул қўйилгани учун маъно бузилган. Агар шу нашрга суянадиган бўлсак, “Сукут ва фанодир, ишққа лозим бўладигани булбул, бунча фиғони ва улуғ димоғи билан нимадан хабардор?” деган ғалати гап келиб чиқади.

Бундай “тахрир” ўқувчини чалғитиши, Навоий асарларини тушунишни қийинлаштириши аниқ (Буни таъкидлашга мажбурмиз, чунки ҳозирги ёзувга кўчирилган классик шеърларда тиниш белгиларининг белгиларининг аҳамияти катта, вергул нотўғри қўйилгани учун маъноси мавҳумлашган байтлар анча). Хўш, Навоий бу байтда нима маънони ифодалаган? Бу маъно қўйидагича: “Сукут сақлаш ва фано — жисму нафс эҳтиёжларидан батамом кутулиш ишқнинг заруратидир, шунча нола-фиғони, сархушу ошуфталиги билан булбул буни қайдан билсин”. Ҳа, шоир бу ерда ошиқлик рамзи, нафосат ошуфтаси, ишқни ёниб куйловчи булбул билан баҳсга киришган. Бу қизиқ, чунки Навоийнинг бир қанча ғазалларида булбул хониши мадҳ этилади, лекин бу байтда у булбул ишқнинг моҳиятига тушуниб етмайди,

деган фикрни баён этади. Балки бошқа маъно бордир бу гапнинг тагида, балки шоир бирор-бир мазҳаб ақидасини, бирор-бир тариқат пешвосининг кўрсатмаларини тасдиқлаётгандир?

Дарҳақиқат, матлубга етишиш йўли фақат оху нола эмас, фиғон чекмай, зоҳиран сукутда бўлиб, дардни элга ошкор қилмай, ботинан кўнгилни маърифатдан сароб этиб, фано мартабасини эгаллаш ҳам мумкин. Масалан, Баҳовиддин Нақшбанднинг ақидаси шундай. (Баҳовиддин Нақшбанддан сиз самоъга қандай қарайсиз, деб сўраганларида, у киши: “Мо инкор накунему ин кор накунем” — “Биз инкор қилмаймиз, аммо бу ишни қилмаймиз”, деб жавоб берганлар). Самоъ ва зикрга берилмай, муайян касб билан шуғулланиб, одамларни ҳақни танишга даъват этган дарвешларнинг йўли шуни тақозо этарди.

Улуғ мутафаккир рамзий йўсинда тариқат аҳлининг икки тоифаси сулукини таққослаган: тинч, хотиржам зикр билан, ички оламини тараққий эттириб, ҳаққа яқинлашувчилар ва самоъ, рақс, кўшиқ-куй орқали муҳаббатларини очик изҳор этувчи бетоқат, безовта одамлар. Шундай ошиқлик ҳар доим ҳам фиғону нола эмас экан, “анжуман-да ҳилват” кўрувчиларнинг ботиний маърифати, кошифлик йўлида ўзгача ёниш, ўзгача фидойи қатъият бор. Тўртинчи байт мазмуни учинчи байт юзасидан айтган фикримизни тасдиқлайди.

Байтни келтирамиз:

Ул ўтки ўртади парвонани, ҳамул ўтдин

Кўринки қовруладур шамъ доғи ёғи била.

Маълум бўладики, гап парвона ишқи устида бораяпти, яъни шоир булбулнинг нолали муҳаббати билан парвонанинг жим, аммо вужудини ёндирувчи “индамас” муҳаббатини қиёсламоқда. Тасаввур қилинг: шам, унинг атрофида эса алангага қараб талпинаётган митти парвона. У ўтга шундай ихлос, шиддат билан интиладики, оловга қўшилиб ёниб кетгунча тинчимайди. Бироқ парвона шунчалик ошиқлиги, дардининг зўрлигига қарамай, оху нола чекмайди, балки жим-жит ўтга томон талпинаверади. “Ул ўт”, яъни илоҳий ишқ алангаси фақат парвонани эмас, шамнинг ўзини-да, муми ва ёғи билан қўшиб қовуради, эритиб куйдиради.

Улуғ шоир тамсиллар воситасида Ишқнинг беинтиҳо зарроту жонзотлар, ошиқу маъшуқ барини қамраб олувчи қудратини бизга тушунтирмоқчи бўлган. Шамнинг шугъласи — илоҳий ишқ, муми ва ёғи — дунё, инсон вуҷуди, парвона — ошиқ инсон тимсолларидир. Парвона — фано тимсоли, яъни ёмон сифатлардан қутулиш ва маҳмуда (яхши) сифатларга эга бўлиш, ҳирсу ҳавасни тарк этиш йўли. Бу фақир дарвешларнинг, аҳлуллоҳнинг тариқати, хўш, шоҳлар-чи, улар ҳам бу бахтга мушарраф бўла оладиларми?

Шоҳу улус ғамию жоми Жам, хушо улким
Синук сафол ила дурд ичкай ўз фароғи била.

Йўқ, шоҳлар фано мартабасига етишолмайдилар, чунки улар дунё ғамию улус ташвиши, шон-шуҳрат, айшу ишрат билан банд — шоирнинг ғояси шу. Афсонага кўра, Ажам шоҳларидан Жамшид шундай жом ихтиро қилибдики, унинг ичидаги шароб асло тугамас ва у оламни ўзида акс эттириб турар экан. Шундай қилиб, “жоми Жам” — туганмас бойлик ва ишрат, шукуҳу салтанат рамзи. Унинг сўфиёна талқини ҳам бор: “Маърифат бодаси билан молим ориф кўнгли” (“Миръот-ул ушшоқ”). Лекин Навоий мазкур байтда буни назарда тутмаган, бўлмаса шоҳу дарвеш аҳволини чоғиштирамаган бўларди. Шоир анъанавий тасаввуфий эътиқодга амал қилиб ориф дарвешнинг фақир ҳаётини подшонинг ҳашаматли ҳаётидан устун қўяди, аммо буни қуруқ таъкид йўли билан эмас, балки “назарий” тушунтиришга интилади: “Шоҳ фуқаро ташвиши ва ўзининг шону шуҳрати, туганмас давлати, ишрати билан овора, у бу ғамдан фориғ бўлолмайди.

Демак, шунчалик дабдабаю шукуҳи билан озод, бахтиёр эмас. Ҳатто жаҳонни кўрсатувчи олтин жом ҳам уни ғамдан озод қилолмайди. Шоҳнинг акси ўлароқ синиқ сафолда (жоми Жам — салтанат ва ҳашам рамзи бўлса, синиқ сафол — камбағаллик, камтарлик белгиси) май куйкумини ичаётган, яъни маҳбубнинг васли деб азоб чекаётган дарвеш бахтиёр. “Дурд” — май куйкуми, қаноат ҳамда айни вақтда номродлик, маҳбубнинг бетоқат қилувчи ёдини ҳам англатади.

Хуллас, Навоий илоҳий ишқнинг хосиятлари ҳақида гапириб келиб, парвонасифат дарвешнинг мамлакат подшоҳидан устун турувчи озод-эркин турмушини шарафлайди.

Олтинчи байт:

Хумор аро тиладим соқию қадах, юз шукр,
Ки улки мен тиладим келди ўз аёғи била.

Шоир ўзининг синиқ сафолда “дурд” ичиб, маҳбуб ёдида сармаст қаҳрамони — ишқ парвонаси ҳолатидан руҳланиб кетиб, ўзини у билан шерик, ҳаммаслак қилиб кўрсатади. Аммо лирик қаҳрамон-дарвеш ёр ёдида сархуш бўлса, шоир ҳали хумор, у энди соқию қадах талаб қилаяпти. “Хумор” ҳам мастликнинг асорати, аммо у вақтинчалик совуш, солиқнинг иккиланишини, беқарор ҳолатини ҳамда “маҳбубнинг иззат пардаси ичига яшириниши, дунё пардаси ваҳдат юзини беркитишини” англатади. Ана шундай ҳолатда шоир турланган кайфиятни бир хилликка келтириш, яъни дарвеш ҳолатига мослаш учун соқи (пири муршид) қўлидан қадах (маърифат) тилайди ва Аллоҳ унга тилаганини етказганини — пир хузурига етганидан шукроналар айтади. Байтдаги “аёқ” сўзи икки маъноли: 1) одамнинг аъзоси ва 2) қадах. Демак, сўз ўйини — тажнис ясалган: “Келди ўз аёғи била — келди ўз қадахи била”. Теран маъно, тоза ифода ва тимсоллар билан очилган.

Еттинчи байт:

Кучарга сарв ниҳоли бири қадингдек эрмас,
Агар кетурса ани боғбон қучоғи била.

Бу байтнинг зоҳирий маъноси кўриниб турибди. Шоир маҳбуб қоматини энг чиройли дарахтга ўхшатмоқда, йўқ, маҳбуба қомати сарвдан ҳам чиройли, ахир сарвни қучганда ёр қучгандайин ҳаловат туйиш мумкинми? Боғбон сарвларни қучоқлаб олиб келса ҳам, лекин бу ёр қоматини қучганчалик эмас. Аммо байтнинг тасаввуфий, зоҳирий маъноси ҳам бор.

Қад деганда сўфийлар пирнинг ҳайбати, илоҳийлик аломати бор одамни назарда тутганлар. Шундай бўлгач, байтнинг мана бунақа маъноси ҳам келиб чиқади: “Гарчи боғбон боғдаги чирой-

ли сарв дарахтларини намоишкорона қучиб келса-да, лекин уларнинг бирортаси комил инсон — пирнинг гўзал, илоҳий ҳайкалидай эмас, уларни қучиш пирга сиғинишдай лаззат беролмайди”.

Алишер Навоийнинг улуғворлиги шундаки, унда зоҳирий ва ботиний маънолар, яъни ишқи илоҳий ва ишқи мажозий ифодалари бир-бирига ҳалақит бермайди, балки бир-бирини тўлдириб, қувватлаб туради. Бошқача айтганда, ишқи ҳақиқий тасвиридан ишқи мажозий тасвирига ёки аксинча, ҳолатга осон ўтилади, китобхон гоҳ бу маънодан, гоҳ у маънодан, гоҳ ҳар иккисидан завқлана олади. Ушбу ғазалда ҳам шуни кузатиш қийин эмас, унда тариқат ақоиди, мақомат босқичларидаги солиқ ҳолатлари, ишқ изтироби ва ошиқ азоби, дардли ўртанишлар тасвирланади ҳам шу билан баробар, муайян инсоний кечинмалардан воқиф бўласиз. Воқеан, ишқ парвонаси солиқ дарвеш ҳам реал инсон, унинг кечинмалари ҳақиқий инсоний кечинмалар фақат унда ният улуғроқ, дард беинтиҳо, идеал ғоят узоқ...

Нажмиддин КОМИЛОВ

—~~~~~
“Соқие, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била...”
~~~~~

Соқие, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била,  
Тут ачиғ майким, ичай Мирзо Чучук ёди била.

Сипқариб жоми сипеҳр ақдохин айлай рез-рез,  
Неча чеккаймен забунлуғ чарх бедоди била.

Зухд кўнглум кўзгусин қилмиш муқаддар, эй ҳариф,  
Синдурурмен тавба пири ишқ иршоди била.

Бевафолиғ гар будурким, қилди ул шўх, эй кўнгул,  
Сарфа қилмас ошнолиғ Одам авлоди била.

Ваҳки, синди нахли уммидим, хушо, ул боғбон  
Ким, эрур хушҳол бир навраста шамшоди била.

Чун ҳудой Лайло қулоғин ёлқитур, Мажнун, не суд,  
Тоғни гар келтурур афғонға фарёди била.

Эй Навоий, ишқ саҳросида худ қўйдунг қадам,  
То нечуклашқайсен ул поёни йўқ водий била.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Луғат

Афтидан, бу Алишер Навоийнинг ўз ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни акс эттирувчи ғазаллардан бири. Чунки унда якин кишисидан ажралиб, шодлиғи ғамга мубаддал бўлган, каттик қайғу чеккан одамнинг хасрат-ўкинчлари, бевафо ва бебақо дунё, унинг нотанти ишларидан норози қалбнинг нидоси ифодаланган. Классик шоирлар уз андухлари, шахсий кечинмаларини ҳам анъанавий образларда, умумий тарзда баён қилишни маъқул курганлар, лекин шундай бўлишига карамай, ушбу шеърда анъанавий ифода-истиоралар замирида инсоний дард, мотамзада юракнинг фиғон-хасрати, нохуш қайфиятини хис этамиз. Бирок ғазал гарчи андуҳли оҳангда бошланиб, унда навоиёна ўртаниш ёнишлар гулғуласи кўкка ўралаган бўлса-да, асар мақтасига келиб умумий умидворлик, илоҳий ишққа дахлдорлик туйғуси қалбга сингади.

Шоир ғазални жудолик дардидан бетоқат дилнинг галаёини тасвирлаш билан бошлайди:

Соқие, талх ўлди айшим хажр бедоди била,  
Тут ачиг майким, Мирзо Чучук ёди била.

(“Фапойиб ус-сиғар”, 559-ғазал) Агар “Мирзо Чучук ёди” деган маълумот булмаганида, байтнинг одатдаги ошикона мазмунли шеърлар каторида таҳлил қилган бўлардиқ, яъни ошиқнинг хижрондаги изтироблари сифатида талқин этилардиқ. Албатта, бу ерда ҳам айрилиқ ҳақида гап боради, аммо бу бошқа хилдаги айрилиқки, шоир суфиёна ишқи илоҳий ёхуд севгилисидан ажралган одам кечинмасини эмас, азиз тутган одамнинг йўқотган кишининг ҳолатини каламга олади. Хуш, Мирзо Чучук деб Навоий кимни назарда тутган? Мирзо Чу-чук – Темурий шаҳзодалардан бўлиб, ниҳоятда чучук тилли, шеър ёзиш истеъдоди бор йигитлардан булган экан. Навоий уни “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида тилга олган. Йигит дардга чалиниб, вафот этган. Навоийнинг мазкур ғазали ёш умри хазон булган шу йигит хотирасига бағишланган. Шоир айрилиқ дардини изҳор этиб, анъанавий образлар орқали буни тасвир этади. Матладаги “талх” (аччиқ) ва “чучук” сузларининг бир-бирига зид қўйилиши ҳам шунга ишора: Мирзонинг ширин ёди билан аччиқ май ичай, дейди шоир. Энди байтнинг мазмунини келтирамиз: “Эй соқий, айрилиқнинг зул-мидан ҳаётим майи, яъни турмушим аччиқ булди, сен ҳам менга аччиқ май тут, Мирзо Чучукнинг ширин ёди билан ичайин”, Май бу ерда одатдаги шароб ҳам, рухий сархушлиқ тимсоли, илоҳий маърифат нури ҳам эмас. Бу инсоний кайфиятнинг, рухий изтиробларнинг йиғма ифодаси ҳам-у хасрат рамзи. Шундай қилиб, май фақат шодлиқ ва сурур, дилхушлиқ ифодасигина эмас, мотамзадалиқ, андуҳнинг ҳам ифодасидир. Фарқ шундаки, “айшнинг талх” ўлишини ифодаловчи май “аччиқ май”дир. Иккинчи байт:

Сипқориб жоми сипехр, ақдохин айлай рез-рез  
Неча чеккаймен забунлуг чарх бедоди била.

“Сипехр” – осмон, фалак; “ақдох” – қадахлар, Шоир бу сузлар воситасида ажойиб истиорали тасвир яратган: осмон жомида май ичиб, унинг қадахларини майда-майда қилиб ташлайман, дейди у. Қадимгиларнинг тасаввурида осмон етти қаватдан иборат. Навоий ана шу қаватларнинг ҳар бирини бир қадах деб олади ва шўришу ошубим шунчалиқ зурки, осмон жомини сипқориб, қаватлари қадахларини чил-чил қилиб синдириб ташлайман, дейди

у. Чунки чархи фалак - осмоннинг зулми хаддидан ошган, қачон-гача ундан алам, хорлик чекиш мумкин? “Ҳажр бедоди”ни шоир “чарх бедоди” билан боғлайди, зеро дўстни дўстдан жудо этган, бир дам шодликни раво кўрмайдиган ғаддор душман шу забун (паст) ва ситамгар чарх-да! Бу ўринда шундай савол туғиладики, Навоийнинг фалакка қарши бош кўтариши, исён унинг тасаввуфий эътиқодига зид эмасми? Ахир, осмону фалакни ҳам Оллох яратган-ку? Буни англаш учун “тақдир” истилоҳининг ёки тақдир азалӣ-бу киши ҳаёти, фаолиятининг Худо томонидан олдиндан белгиланиши демак. Бу тушунча тасаввуфда кенгрок маънода талқин қилинади: Мутлақ рух томонидан ажралган моддий дунё ўзи мустақил ҳаракат қила бошлайди, одам фарзанди ана шу моддий дунёдан жабр кўради, Мутлақиятнинг ўзидан эмас. Демак, Навоий осмонга қарши ғазабкор норозилик изҳор этганда, Тангрига қарши эмас, балки ҳамма вақт инсонни азоб-ғирдобрарида тутадиган, ўз муроди бўйича яшашга имкон бермайдиган чархи фалакка қарши чиққан бўлади.

Зухд кўнглоум кузгусин килмиш муқаддар, эй ҳариф,  
Синдирурмен тавба пири ишқ иршоди била.

“Зухд” парҳез, тийилиш, узлат. “Ҳариф”-суҳбатдош, дуст. “Иршод”-тўғри йўл кўрсатиш, ҳидоят. “Муқаддар”-ғуборли, кора, ғамгин. Байтнинг маъноси бундай: “Зухд, яъни зоҳидона тавба-тазарру кўнглимнинг кўзгусини ғуборли қилибди, эй дўст, бундай тавбани ишқ пирининг раҳнамолигида синдириб ташлайман”. Тавба тасаввуфда ҳам бор, аммо унда бу тушунча тариқат йўлига киришнинг биринчи босқичи, ҳаром-ҳалолдан тийилишни англатади. Зоҳид тавбаси, шундай қилиб, тараққий топмаган, намойишқорона тавбадир. Осмон қадахларини “Синдириш” билан зухд тавбасини “синдириш” орасида алоқа борми? Агар зоҳидлик билан осмон, яъни дунё ва дунёпарастликни алоқадор деб ҳисобласак, унда осмон қадахини синдириш билан зухд тавбасини синдириш ҳам алоқадор бўлиб чиқади.

Бевафолик гар будурким, килди ул шух, эй кунгул,  
Сирфа килмас ошнолиғ Одам авлоди била.

Бу байтнинг маъноси “сирфа” сўзининг (“Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 1959 йилги ва “Бадоеъ ул-бидоянинг 1988 йилги нашрида мазкур сўз шу кўринишда чоп этилган) маъносини англаш орқали билиб олинади. Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғатида “сирфа” жабр, зулм, жафо деб тушунтирилган ва ушбу байт мисол қилиб келтирилган. “Фарҳанги забони тожики” луғатида мазкур сўз йўқ, балки “сирф” сўзи борким, унинг маъноси холис, соф, фақат ҳечдир. “Фиёс ул-луғот”да ҳам сирф (сирфа сўзи йўқ) сўзи шу хилда изоҳланган. Зулм, жабр маъносини қўйиб кўрайлик-чи: “Эй кўнгил бевафолик агар ул шўҳ қилган даражада бўлса, зулм (жабр) қилмас ошнолик одам авлоди била”, Кўриниб турибдики, маъно чиқмади: зулмнинг ошнолик қилиши ёки қилмаслиги мантиқсизлик. Энди “холис”, “соф”, “ҳеч” сўзларини қўлайимиз: “Бевафолик агар ул шўҳ қилганчалик бўлса, холис (соф) қилмас ошнолик одам авлоди била” ёки: “Бевафолик агар ўша шўҳ қилганчалик бўлса, ҳеч қилмас ошнолик одам авлоди билан”, Бу жумлаларда ҳам аниқ маъно йўқ, байт китобхон учун жумбоқ бўлиб тураверади. “Фиёс ул-луғот”да мазкур сўзнинг сарф ва сарфи шакллари ҳам келтириб, изоҳланган. Сарф олтин ва қумушни саралаш, харажат қилиш, сарфлаш, шунингдек, бута, хийла ва ходиса, замоннинг айланиши ва бирон нарсанинг тўнтарилиши., Сарфа- ёруғ юлдуз, у Ой манзилларидан ўн иккинчисининг номи-дир, бахиллик, ҳасисликни билдиради: хийла ва макр, зикналик рамзи. Бу маъноларнинг қайси бири Навоий байтига мос келади? Агар феъл сўзни оладиган булсак, сарфлаш, харажат қилиш, агар равишни оладиган булсак, сира, ҳеч, агар от сўз керак булса, юлдуз, фалак маъносида олишимиз мумкин. Сарфлаш маъносида: “Ул шўҳнинг бевафолиги жабру ситами шунақа бўлса, у одам авлоди билан ошнолик қилмайди, яъни одам авлодига ошнолигини сарфламайди”. Бунда “ул шух” - пари, рух, умуман реал булмаган хилкат сифатида англашилади. Сира маъносида: “Агар ул шўҳнинг бевафолиги шунақа булса, У одам авлоди билан сира ҳам ошнолик қилмайди”. Юлдуз маъносида: “Бевафолик агар ул шўҳ қилганчалик бўлса, Сарфа, юлдуз одам авлоди билан ошнолик қилмайди”. “Сарфа” сўзининг яна тежаш, фойда маънолари ҳам бор: “Агар бевафолик ул шўҳ қилганчалик бўлса, одам авлоди билан ошнолик фойда қилмайди.

Кейинги талқинда маъно борга ўхшайди, дарҳақиқат, махбубанинг бевафолигини кўрган лирик қаҳрамон “Одам боласи билан ошнолик қилишнинг Фойдаси йўқ экан”, деган хулосага келиб, хафсаласи пир булиши мумкин. Шунинг учун, “Ғаройиб ус-сиғарнинг янги нашрида “сирфа” сўзининг “сарфа” деб тузатилганини маъқуллаш лозим. Навоий ўлимни айрилиқ деб, ошиққа зулм деб олар экан, уни бевафолик ҳам деб атайди. Ошиқни доғда колдириб, ташлаб кетиш. Чархнинг, замонанинг бевафолиги, ситами-дан бир нишона бу. Шу нуқтада “сарфа” сўзининг замон айланиши, юлдуз (чархи фалак тимсоли), хийла, макр, хасислик маънолари ҳам туташади. Фалак одам авлоди билан ошнолик қилмайди, пари одам авлоди билан ошнолик қилмайди ва хоказо.

Ваҳки, синди нахли уммеди душ и била. ул боғбон,  
Ким эрур хушхол бир навраста шамшоди била

Маъноси: “Умидим ниҳоли синди эвоҳ, нобуд бўлди. Кўкарган шамшоди билан хушхолу хурсанд юрган боғбонга ҳавасим келади, қандай яхши!” Аламли ўкинч ва дард бор бу мисраларда – нахли - уммидини йўқотган одамнинг ичидан отилиб чиққан ўкирик ва бошқаларга нигоҳ ташлаб таскин топиши. Унинг ниҳоли синган, умидлари чилпарчин, аммо бошқа боғбонларнинг ниҳоли кўкарган, улар шод. Бу ҳасад эмас, бу умидли нигоҳ, ҳаётга, абадиятга боғланиш, ҳаёт абадиятини ҳис этиш. Байтдаги “синди” сўзи олдин ўқиганимиз “рез-рез”, эрурмен” сўзларини эсга солади. Синиш - ўлим, синиш “синди- исён, тоқатсизлик, руҳий зилзила. Фалак зулми, ажал шамоли унинг умид ниҳолини синдирди, у ғазабга келиб, осмон қаватларини синдиришга чоғланади, бир аччиқ-аччиқ, хасрат майини сипкоради, бир “навраста шамшоди”-дан хушхол боғбонларга караб таскин топади. Шу-да, инсоннинг аҳволи, унинг кўлидан бошқа нима ҳам келарди? Шоир аламзада одамнинг руҳий аҳволидаги ўзгаришлар, тўлқинларни бир неча шеърӣ байтда ана шундай теранлик билан чизади. Кейинги байтларда таскин оҳанги, ноиложлик, ночорлигида- синиш давом эттирилган. Масалан, олтинчи байт:

Чун худий Лайли кулокин ёлкитур, Мажнун, не суд  
Тогни гар келтурур афгонга фарёди била.

Яъни: “Эй Мажнун, фарёдинг билан тоғни фиғонга келтирганингдан нима фойда. Лайлининг қулоғи туякашнинг қўшиғи билан тўлган”. Шоир ўзининг оху ноласидан пушаймон, чунки бўзлаб дод солишлар, фалакнинг гирибонидан олиш ҳеч бир наф келтирмайди, ҳеч ким уни эшитмайди. Хатто, Лайли ҳам Мажнуннинг фарёдларидан тўйган. Ўкириклар беҳуда, ундан кўра, муаззам, беҳудул Ишк саҳросига қадам қўй, ўзингни шу билан овути-нажот шунда, деб уктиради у:

Эй Навоий, ишк саҳросида худ қўйдунг қадам,  
То нечук лошқайсен ул поени йўқ водий била.

Ишқ водийси- илоҳий даргоҳ ҳузури бир-биридан ажралган дўстларнинг васлға эришадиган, дийдор кўришадиган жойи. Инсон руҳи ўз маҳрамини излаб топади. Навоий ва унинг замондошларининг ишонч-имони шундай эди. Шу сабабли шоир ишқ водийсига кирдингми, имиллама, олдинга интил, деб жаҳд этади. Яъни, “Эй Навоий, ишқ саҳросига қадам қўйганингдан кейин, энди нега бўшашасан” (“лошқайсан” қадимги туркий сўз бўлиб, бўшашмоқ, имилламоқ маъноларини билдиради) поёни йўқ бу водийда ғазал Навоийга хос ана шундай мантикий якун-шоирона руҳбахш оҳанг билан ниҳоясига етган.

**Нажмиддин КОМИЛОВ**

—~~~~~—  
“Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ...”  
~~~~~—

Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,
Чун де олмас дардини бир йил югурса додхоҳ.

Шоҳ додимға нетиб етсунки, мулки ишқ аро,
Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадоий хоки роҳ.

Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса тонг эмас
Ким, болокашлик менинг ҳўйимдур, анинг иззу жоҳ.

Шоҳликнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат кўйида
Ким, керак анда сариғ юз, лаългун ашқ, ўтлуғ оҳ.

Шоҳким, матлубиға қуллуқ буюрғай ишқ эмас,
Кимки ошиқдур анга зору забунлуғдур гувоҳ.

Сарв ила хошок агар гул ошиқидур фарқи бор,
Сарвға то ўт туташқай, кул бўлур юз минг гиёҳ.

Эй Навоий, сидқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

– V – – – V – – – V – – – V ~ (– V –)
фоилотун фоилотун фоилотун фоилон (фоилун)
рамали мусаммани мақсур (махзуф)

Луғат

Додҳоҳ – адолат талаб қилувчи, адолат истовчи; арз-додга келувчи

Балокашлик – балога қолганлик, жафокашлик, азоб тортувчилик

Иззу жоҳ – иззат ва мартаба

Матлуб – талаб етилган, орзу етилган нарса

Сидқ – чин, ростлик, тўғрилик; ҳақиқат; холислик

Ишқ ва ошиқлик тарихи – энг қадим тарихларнинг ҳам қадим-гисидир. Ишқ бошланғичда, яъни коинот яратилган пайтдаёқ ўзини намоён эта олган. Борлиқни бор айлаган шу ишқ эди. Унга илк қувват дейилганди. Бу қувват жонсиз мавжудликлар ва сўнгра

жонлиларнинг ҳалқаларидан ўтиб, инсонга етгач айнан инсонда ўзини таниб, оламшумул шуур касб этган. Ишқ сир-асрорини тўлиқ кашф қилиб бўлмаганидек, дуёда ишқ салтанатига тенг келадиган салтанат ҳам йўқдир. Кўҳна Шарқда шоҳлиқка қараганда ошиқлик мақоми юксак кўрилган. Эрк ва хуррият подшоҳлик фуқаросида эмас, ишқ фуқаросида, деб англаган. Хуллас, ишқ, ошиқ, маъшук ҳақидаги гаплар, маълум бир тарзда шоҳ ва шоҳлиқка тесқари айтилганки, Навоийнинг ғазалида ҳам тазодий бу тамойил осон англашилади.

Ишқ аро душвордур, бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,
Чун де олмас, дардини бир йил юурса додхоҳ.

Мумтоз адабиётимиздаги кўп асарлар ошиқнинг дил дарди, маънавий-руҳий ҳоли, орзу ва армонлари тасвиридан таркиб топган. Ошиқлик фавқулодда самимият, тўғрилиқ, сидқ ва очиқликни талаб қилади. Ошиқ кўнглига йўл очишнинг чораси битта – ошиқлик. Шу маънода шоҳ ва ошиқ бошқа-бошқа одам. Биринчиси борлиғини бағишлаган нарсани, иккинчиси умуман назарга илмайди. Бири интилганидан, иккинчиси қочади. Шунинг учун ишқ дунёсида шоҳ билан ҳамдарад бўлиш душвордир. Йиллар мобайнида югуриб-елиб унга дардидилни изҳор этолмаслик ҳам одатий ҳодиса. Бундан ташқари, шоҳ ошиққа қандай қилиб мадад бериш ёки ёрдам қўлини чўзиш мумкин? Ишқ мулкида шоҳу гадо деган тафоввут йўқ – ҳамма бир хил:

Шоҳ додимға нетиб етсунки мулки, ишқ аро,
Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадои хоки роҳ.

Ишқда ижтимоий, иқтисодий тенгсизлик йўқ. Лекин севги ва садоқатда фарқлар бор. Чинакам ошиқ дарду бало одами. Қанча ғам ва изтироб чекса, унга шунча яхши. Азоб, алам, андух бўлмаса, ошиқда ҳаракат бўлмайди. Демак, у ўзидан-ўзи йироқлашиб, ҳатто ажралиб қолади. Подшоҳчи? Ҳеч пайт у иззату мартабадан кўнгил узолмайди. Чунки тожу тахтнинг ҳам ўз сеҳри, нафсга ором бағишловчи алоҳида жозибаси бўлади:

Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса, тонг эмас,
Ким, болокашлик менинг ҳўйимдур, анинг иззу жоҳ.

Шарқлик ошиқнинг ташки қиёфасини кўз олдингизга келтирсангиз юзи “хазон яфроғи”дай сариғ, кўзи ёшли, оҳ-воҳлари ўтли, қадди эгик бир одам намоён бўлади. Унинг ҳолидаги маъюслик ва маҳзунликка-ку чидаш қийин. Аммо булар ишқ аҳлига хос хусусият, яъни ошиқлик, вафо ва садоқат белгилари.

Шоҳликнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат кўйида
Ким, керак анда сариғ юз, лаългун ашқ, ўтлуғ оҳ.

Подшоҳлик мартабаси – ҳукм юритиш, фармойиш бериш, тобе айлаш демак. Аслида севги-муҳаббати ғалаба қилган ҳукмдор Бобур мирзога ўхшаб маъшуқасига “Шоҳмен элга вале сенга қулдурмен”, дейиши лозим. Аммо умумий таомилга кўра, шоҳу султонларнинг суюкли ёрлари ҳам уларга бўйин эгиш, қуллуқ қилишга мажбурдилар. Ваҳоланки, зориқиш, мағлуб бўлиш, таслимиятга розилик ишқнинг шартларидандир:

Шоҳким, матлубига қуллуқ буюрғай ишқ эмас,
Кимки ошиқдур анга зору забунлуғдур гувоҳ.

Етти байтли ғазалнинг беш байтида шоҳ ва ошиқ, ошиқ ва шоҳ ўртасидаги фарқлар кўрсатилган. Олтинчи байтда эса олдин айтилган гаплар гўё мажоз тили билан далилланган. Яъни: сарв билан гиёҳ (ёки хошок) гулга ошиқ бўлгани билан орада жиддий фарқ бор. Мабодо кутилмаганда олов бош кўтарса, сарвга туташгунича “юз минг гиёҳ” кулга айланиб бўлади:

Сарв ила хошок агар гул ошиқидур фарқи бор,
Сарвга то ўт туташқай, қул бўлур юз минг гиёҳ.

Шоир сарв воситасида ошиқ қадри ва толеининг баландлигини таъкидлар экан, ишқда сидқу сафони ҳамма нарсадан устун қўяди. Ва уни тожу тахт билан алмаштириб бўлмайдиган беқиёс давлат ўлароқ улуғлайди:

Эй Навоий, сидқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

Бунда ишқда гадолик имтиёзи подшоҳликдан афзал ва юқори
кўтарилаётган бўлса-да, ҳаётини тожу тахтга тикиш сўнмас истак
ва иштиёқлигини ҳам унутмаслик лозим.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

“Ишқаро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ...”

Ишқаро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,
Чун де олмас дардини бир йил юурса додхоҳ.

Шоҳ додимға нетиб етсинки мулки ишқаро,
Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадои хоки роҳ.

Шоҳ мендин ишқаро ожизроқ ўлса тонг емас
Ким, болокашлик менинг хўйимдур, анинг иззу жоҳ.

Шоҳликнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат кўйида
Ким, керак анда сариғ юз, лаългун ашқ, ўтлуғ оҳ.

Шоҳким, матлубиға қуллуқ буюрғай ишқ эмас,
Кимки ошиқдур анга зору забунлуғдур гувоҳ.

Сарв ила хошок агар гул ошиқидур фарқи бор,
Сарвга то ўт туташқай, кул бўлур юз-минг гиёҳ.

Эй Навоий, ишқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

– V – – – V – – – V – – – V – (– V ~)
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун (фоилон)
рамали мусаммани махзуф (мақсур)

Лугат

Душвор – қийин, оғир, мушкул

Чун – гўё, каби, ўхшаш

Додхоҳ – адолат талаб қилувчи, арз-додга келувчи

Мулки ишқаро – ишқ мамлақатиаро

Хоки роҳ – йўлнинг тупроғи, байтда гадонинг оёқ изи маъно-сида

Балокашлик – балога қолмоқ, жафокашлик, азоб тортувчилик

Хўй – бирор нарсага одатланиш, табиат, феъл

Иззу жоҳ – иззату мартаба

Кўй – кўча, йўл

Лаългун ашк – лаъл рангли, қип-қизил кўз ёши

Матлуб – Талаб этилган, орзу этилган нарса, исталган нарса; севикли ёр

Зор – нотавон, кучсиз; хор, бечора

Забунлуғ – ожизлик, нотавонлик, бечоралик, мағлублик

Сарв – тўғри, тик ўсадиган, кишин-ёзин кўм-кўк турадиган, ҳиди ёқимли хушқомат бир дарахт

Насрий баён

Адолат талаб қилувчи – додхоҳ бир йил югурса ҳам, арзини етказа олмаганидек, шоҳнинг ишқаро кишига ҳамдард бўлмоғи қийиндир.

Ишқ мамлақатиаро олий қадрли шоҳ билан гадонинг оёқ изи тенг экан, шоҳ менинг додимни қандай тинглайди?!

Шоҳ ишқаро мендан ожизроқ бўлса, ажабмас. Негаки, менинг табиатимда жафокашлиг-у, унинг феълида эса иззату мартаба бор.

Шоҳликнинг ишқ-муҳаббат йўлида даҳли йўқ, чунки унга сарик юз, лаъл рангли кўз ёш, ўтли оҳ керак.

Шоҳнинг матлуб – севикли ёрига хизмат қилишни буюриши ишқдан эмас, чунки ожизу нотавонлик ошиқликдан гувоҳлик беради.

Сарв билан хошок гулнинг ошиғи бўлса-да, улар бир-биридан фарқлидир. Негаки, сарвга ўт туташгунича юз-минг гиёҳ кулга айланиб улгуради.

Эй Навоий, ишқ ичра ишқ гадо бўлгинки, подшоҳ тахту тожини берса-да, бу давлатни топа олмайди!

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоий “Хамса”си таркибидаги дostonларида Ануширвони одил, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ, Шоҳи Ғозий, Чин хоқони, Хусрав Парвез, Бани Омир ва Ҳай қабиласи бошлиқлари, Ибн Салом, Баҳром, Искандар сингари катта-кичик ҳукмдорлар образини ижод этди. Мазкур асарларда ўша ҳукмдорларнинг яхши аъмоллари юксак санъаткорлик билан васф этилади, уларнинг табиатидаги ноқисликлар эса танқид остига олинади. Улуғ шоир “Ҳайрат ул-аброр” дostonида “Искандарнинг етти иқлим мамоликин панжаи тасарруфиға киритғони ва холи илик била оламдин рихлат маркабин сурғони”ни (Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Мукаммал асарлар тўплами. 7- том. Тошкент: “Фан”, 1991, 254-256-бетлар. Бундан кейин ушбу манбага мурожаат этилганда жилди ва саҳифасини кўрсатиш билан кифояланамиз) ибрат намунаси қилиб кўрсатган бўлса, “Садди Искандарий”да “...гадолиғ ихтиёр этган подшо, балки филҳақиқат подшолиққа етган гадо”нинг ҳиммати буюк жаҳонгир рифъати (баланд мартабаси)дан нечоғлик юқори эканлигини юксак эҳтирос билан тасвирлайди. (МАТ ХИ, 99-103) Шоирнинг “Хазойин ул-маоний” йиғма девонидан ўрин олган ғазалиётидаги шоҳу гадо образлари энг фаол бадий тимсоллар сирасига мансуб бўлиб, ижодкор ғоявий ниятини шеърхонга етказишдаги асосий восита саналади. Муҳими, Алишер Навоий инсон руҳиятига сўз санъатининг беқиёс таъсирини теран ҳис қилдирувчи шеър деб аталмиш илоҳий қудратнинг ижодкори бўлиш бахтига мушарраф бўлганидан умрининг сўнгги йилларида битган асарларигача мана шу икки бадий тимсол-

лардан жуда унумли фойдаланди. Шоҳу гадо тимсоллари билан ўзининг кўпгина фалсафий, ижтимоий-сиёсий, илоҳий-ирфоний, ахлоқий-таълимий қарашларини байтлар бағрига синдириди. Айтилганлар нуқтаи назаридан шоирнинг орифона ғазаллари алоҳида аҳамиятга эга. Уларда илоҳий файздан баҳраманд бўлиш мавзуси атрофида шоҳу гадо дунёқарашини тўқнаш келтириш билан буюк мутафаккирнинг чуқур фалсафий моҳият касб этувчи фикрларига мос бадиият либоси кийдирилади. “Ишқаро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ” (МАТ ИИИ, 432) мисраси билан бошланувчи ғазал ана шундай фазилатларни ўзида мужассамлаштиргани билан диққатга сазовор.

Матлада ишққа мубтало бўлган ошиқнинг шоҳ билан ҳамдарду сирдош бўлиши жуда қийин эканлиги ўзининг бадиий ифодасини топган. Фикр тасдиғи сифатида келтирилган ҳаётий тамсил уни шеърхон тасаввурида яна-да муайян тарзда намоён бўлишида имкон яратган:

Ишқаро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,
Чун де олмас дардини бир йил югурса додхоҳ.

Чиндан ҳам, ҳашмату салтанат, дабдабага ружуъ кўйган шоҳ бир йил давомида адолат талаб қилиб келган додхоҳнинг арзу додига бепарво муносабатда бўлиши замона аҳлига кундай равшан. Бу билан улуғ шоир даврининг ниҳоятда муҳим ижтимоий муаммоси саналган халқ номидан иш кўрувчи салтанат соҳибларининг шу улус яшаш тарзи, аҳволи, орзу-интилишларига бефарқ эканликларига диққатни қаратади. Айни чоқда тожу тахт улуғворлиги ҳукмдорнинг кўзига тортилган парда янглиғ уни атрофдан узиб кўйган экан, табиийки, подшо туйғулар оламининг асирига айланган, ишқнинг жон олувчи изтиробига мубтало бўлган ошиқнинг арзу додини эшитишдан ҳам маҳрумдир. Шу боис ғазал муаллифи “қадри олий шоҳ”ни “гадойи хоки роҳ” билан тенглаштиради. Бундай муқояса замиридаги қаршилантириш ўқувчини мушоҳадага чорлайди. Аввало, улуғ шоир орифона ғазалларидаги гадо образи фано мақомига эришган солиқ тимсоли эканлигини назардан қочирмаслик лозим. Гадони луғавий маъносидан англашилган “тиланчи” тарзида талқин қилиш ижодкорнинг орифона

ғазалларида илгари сурилган етакчи ғояни идрок этишдан чалғитади. Зеро, Алишер Навоий нақшбандия тариқатига эътиқод қилган бир мутасаввиф сифатида ўзининг “Туфҳат ул-афкор” қасида-сида қашшоқлик ҳам, кўп неъмат ҳам Ҳақ йўлига кирган йўловчини сулукдан ман этади деган, фикрни илгари суради. Улуғ мутафаккирнинг орифона ғазалларидаги гадо – Ҳақ гадоси. Аҳмад Яссавий таъбири билан айтганда, “дийдорталаб” ошиқдир. “Факр мартабасини эгаллаган дарвешнинг муҳим сифати ошиқлик. Ишқ кишини бетоқат этади, сафарга чорлайди, аммо ана шу оташ уни камолга етказди”. (Комилов Н. Тафаккур туҳфалари. Навоийнинг ижод олами. Тошкент: “Фан”, 2001, 21-бет) Шу боис шеър қаҳрамони ишқаро маҳрам, сирдош сифатида гадони танлайди. Унинг йўлдаги тупроғини – изинигина қадри олий шоҳга тенглаштиради, бу билан шоир оёғининг изи қадри олий шоҳга тенглаштирилган гадони иршод мақомига эришган муршид сифатида бадий талқин этади. Шу тариқа шеър қаҳрамони ифтихор билан табиатида болокашлик бўлгани боис иззату мартабага берилган шоҳни ишқаро ўзидан ожизроқ деб билади ва бунда ажабланмаслик лозимлигини таъкидлайди:

Шоҳ додимға нетиб етсинки мулки ишқаро,
Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадойи хоки роҳ.

Ҳазалнинг кейинги байтларида дастлаб ҳақсеварлик, инсонсеварлик нуқтаи назаридан қаршилантирилган шоҳу гадо зидлиги билан шоҳу ошиқ мухолифлиги ўрин алмашади. Бу билан ғазалда қўлланган гадо образи чинакам Ҳақ ошиғи эканлиги яна бир қарра исботини топади. Шоҳу гадо зидлигининг мантикий давоми бўлган шоҳу ошиқ мухолифлигидан баҳс этувчи кейинги байтларда ишқ бобида шоҳнинг инкор этилиши авж нуқтани забт этганлиги кузатилади:

Шоҳ мендин ишқаро ожизроқ ўлса тонг емас
Ким, болокашлик менинг хўйимдур, анинг иззу жоҳ.

Шоҳликнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат кўйида
Ким, керак анда сариғ юз, лаългун ашқ, ўтлуғ оҳ.

*Шоҳим, матлубиға қуллуқ буюрғай ишқ эмас,
Кимки ошиқдур анга зору забунлуғдур гувоҳ.*

Ишқ-муҳаббат кўйи (кўчаси)да подшоҳлик дахл қилолмайди. Сабаби унда маҳбуба ҳажрида ғаму андуҳларга гирифтор бўлиб, юз-минг риёзат чекиб заъфаронийрангта айланган юз, ўша сариқ юз узра оқаётган лаългун – қонли кўз ёш, ишқда ўртанган кўнгилдан ўрлагувчи ўтли оҳ йўқ. Демакки, шоҳ дунё бойликлари исканжасига қолиб, кўнглини маҳбубнинг тажаллийгоҳига айлантириш учун риёзат босқичларидан маънавий комиллик сари одимлаган. Бу йўлда дард чекиб, ўзини балокашлик бобида синаб кўрмаган. Бу унинг матлаби (талаб этган кишиси)га шоҳ олдида таъзим қилишни амр этганида ҳам намоён бўлади. Аслида ошиқликдан гувоҳлик берувчи белги – чинакам ошиқнинг ожизу нотавонлигидир. Фикр тасдиғи учун кейинги байтда келтирилган тамсил шоҳнинг “ошиқлиги”и муҳаббат кўйида ўртанувчи ошиқдан тубдан фарқ қилишини тасаввурга келтиришга имкон ҳосил қилади:

*Сарв ила хошок азар гул ошиқидур фарқи бор,
Сарвга то ўт туташқай, кул бўлур юз-минг гиёҳ.*

Сарв, хошок, гул, ўт тимсоллари мажозан ошиқ, шоҳ, маъшуқа, ишқ маъноларини ўзида бадиий ифодалаган бўлиб, бунда шоир сарвнинг кўкка томон тик ўсиши билан ошиқнинг ўз эътиқодига собитлиги орасида уйғунлик борлигини назарда тутди. Хошок тимсолида эса бундай маъно кўзга ташланмайди. Шунингдек, улуғворлигу дабдабага берилган подшо “ошиқлиги”ининг қиймати ҳиммат билан руҳий-маънавий манзилларни босиб ўтган гадо ошиқлигига қиёсланадиган бўлса, у сарв олдида турган хошокни эслатади, холос. Сарв ўт олса, ёлғиз ўзи кулга айланмай, юз-минглаб гиёҳларни ҳам ўша аланганда куйдиради. Ишқ кўйида ўртаниб маънавий покликка эришган ошиқ эса маърифат нурлари билан кўнгилларни ёритиб, минглаб кишиларни илоҳий файдан баҳраманд этади.

Буюк сўз санъаткори ғазал сўнгида ишқни юксак эҳтирос билан тасвирлаб, уни шоҳнинг тахту тожи эвазига қўлга киритилиши мумкин бўлмаган давлатга қиёслайди:

*Эй Навоий, ишқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.*

Улуғ шоир биргина ғазалнинг ўзида ҳам энг муҳим ижтимоий-сиёсий, ҳам илоҳий-ирфоний, ҳам ахлоқий-таълимий қарашларини санъаткорона тасвирлайди. Муҳими, инсонни маънавий камолотга, покликка чорловчи ниҳоятда таъсирли мушоҳадаларини рангин байтлар бағрига сингдиради.

Хусниддин ЭШОНҚУЛОВ


“Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ...”


Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,
Чун деёлмас дардини бир йил югурса додхоҳ.

Шоҳ додимға нетиб етсунки, мулки ишқ аро
Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадои хоки роҳ.

Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса, тонг эмас –
Ким, болокашлик менинг хўйимдур, онинг – иззу жоҳ.

Шоҳлиқнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат бобида –
Ким, керак анда сариғ юз, лаългун ашк, ўтлуғ оҳ.

Шоҳким, матлубиға қуллуқ буюрғай – ишқ эмас,
Кимки ошиқдур, анга зору забунлуғдур гувоҳ.

Сарв ила хошок агар гул ошиқидур, фарқи бор:
Сарвға то ўт туташқай, кул бўлур юз минг гиёҳ.

Эй Навоий, сидқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

– V – – – V – – – V – – – V – (– V –)
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун (фоилон)
рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)

Шоҳ ва дарвеш, шоҳ ва гадо муносабати Алишер Навоий қарашлари тизимида муҳим ўрин тутди. Мазкур ғазалда бу яхлит дунёқарашнинг бир қирраси – шоҳ ва гадонинг ишқдаги мавқе-мақоми хусусида фикр юритилади.

Ишқ – муҳаббатнинг даражаси, ошиқнинг саъй-ҳаракатлари натижасида қўлга киритиладиган мақом. Бу оламда зўрлик эмас, зорлик, бойлик эмас, фақирлик, амру фармон эмас, ажзу ниёз ҳукмронлик қилади. Ишқ йўлида шоҳу гадо баробаргина эмас, балки гадо шоҳдан устун. Чунки ҳақиқий ишқ молу дунё, амал-мартаба, мавқе-мақомнигина эмас, балки дунё неъматлари, нафс хоҳишлари, ҳатто жисму жонини ҳам унутиб, ёлғиз маъшуқа ишқига берилиш, фақат унинг ёди билан яшаш, танҳо унинг васлига интилишни талаб этади. Гадо бу йўлда ҳамма нарсадан, ҳатто жонидан-да кечишга ҳар лаҳза тайёр тургани ҳолда, мулку салтанат соҳиби бўлган шоҳ бор-йўғини унутар даражада севишга қодир эмас: унинг жони уёқда турсин, мол-давлатию тожу тахтидан-да кечиши қийин. Шундай экан, ҳаётдаги мартаба-мавқеи бир-биридан кескин тафовут қилувчи шоҳ ва гадонинг гўёки ошиқ-маъшуқларнинг ўзаро тенглиги асосига қурилган ишқ деб аталмиш мамлакатдаги мақоми ҳам баробар эмас.

*Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,
Чун деёлмас дардини бир йил юурса додхоҳ.*

“Даъвогар бир йил югуриб, шоҳ ҳузурига киролмагани, унга арзу дод қилолмагани каби ишқ борасида ҳам шоҳга тенг келиш, унга ҳамдард бўлиш мушкул”.

Ҳаётдаги каби ишқ оламида ҳам мақомлар тенг эмас. Фақат бу оламда ўринлар алмашади: энди гадо – султон султон – гадога айланади. Шоир ўзининг бошқа бир ғазалида лутф этганидек,

жисмига ишқ шуъласи туташган ошиқ зарбофт тўн кийган шоҳга ўхшайди:

Чун тушар ошиқ танига ишқ ўтининг шуъласи,
Уйла шахдурким, эрур зарбафтдин хилъат анга.

Бинобарин, шоҳ ва гадонинг мартабаси ҳаётда ҳам, ишқда ҳам тенг эмас экан, улар икки дунёда ҳам ўзаро ҳамдарду ҳамроз бўлмайди.

Шоҳ додимга нетиб етсунки, мулки ишқ аро
Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадои хоки роҳ.

“Ишқ оламида ўз аҳволидан шоҳга арз қилишнинг фойдаси йўқ, чунки бу ерда олийнасаб шоҳ билан тупроққа тенг гадонинг мартабаси баробар”.

Лекин, нима бўлганда ҳам, ишқ оламида бировни соҳиб мавкеига кўтариб, бошқани қул мартабасига туширадиган даражадаги ўзаро кескин фарқланувчи муносабатлар бўлмайди. Бинобарин, ишқда барча ўз саъй-ҳаракатига яраша муайян мақомга эришади, бунда биров бировнинг мушкулени осон қилолмайди. Демак, бировга арзи ҳол айлашга-да ҳожат қолмайди.

Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса, тонг эмас –
Ким, болокашлик менинг ҳўйимдур, онинг – иззу жоҳ.

Диққат қилинса, биринчи байтда шоҳнинг гадодан устунлиги ҳақида сўз борган бўлса, иккинчи байтда ишқ ичра бу икки тоифанинг тенглиги айтилади. Учинчи байтга келиб, энди гадо шоҳдан устун қўйилмоқда: “Ишқ аро шоҳ мендан ожизроқ бўлса, ажаб эмас, чунки ишқнинг асосий талаби ҳисобланган болокашлик, яъни, дарду азоб, қайғу-изтиробларни тортиш менинг касбим, шоҳ эса ўзининг давлату бойлигига мағрур”.

Шоҳлиқнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат кўйида –
Ким, керак анда сариғ юз, лаългун ашк, ўтлуғ оҳ.

Гапни узоқдан бошлаган шоир аста-секин асл мақсадга келаяпти: “Ишқу муҳаббат кўйида ким шоҳ, ким гадо деб қараб ўтирилмайди – чинакам ошиқ айрилиқда сарғайган юзи, қайғу-ҳасратда тўккан қонли ёши, маъшуқа ишқида чеккан ўтли оҳи билан ажралиб туради”.

Ҳа, ишқ тарозусига молу дунё эмас, обрў-мартаба эмас, балки маъшуқа кўйида чекилган дарду ғам, ишқ йўлида қилинган саъю ҳаракатлар қўйилади.

Шоҳим, матлубига қуллуқ буюргай – ишқ эмас,
Кимки ошиқдур, анга зору забунлуғдур гувоҳ.

“Шоҳ севгилисининг ўз амру фармонларига бўйсунганини талаб қилар экан, бу – ишқ эмас, балки кучли томоннинг заиф тарафга ўз ҳукмини ўтказишидир. Ошиқлик белгиси – маъшуқа олдида зору забунлик”.

Дунёвий муҳаббат ўзаро тенглик асосига қурилади. Лекин сўз илоҳий маҳбубага – Аллоҳга ошиқлик хусусида борар экан, маъшуканинг ҳар жиҳатдан тенгсизлигию ошиқнинг эса зору ожизлиги ҳақида гапирилади. Чунки Парвардигори олам қудратда ҳам, ҳуснда ҳам, илму ҳикматда ҳам мислсиз: банда эса унга фақат илтижо қилади, унинг кўйида зору ниёз айлайди.

Сарв ила хошок агар гул ошиқидур, фарқи бор:
Сарвга то ўт туташқай, кул бўлур юз минг гиёҳ.

“Сарв билан хошок агар гулга ошиқ бўлса, уларнинг ўртасида тафовут мавжуд: сарвга то ўт туташганча, хошок кул бўлиб, тупроққа сингиб кетади”.

Бу ерда шоҳ – сарв дарахтига, фақир – оддий гиёҳга, хошокка ўхшатилиб, ўзаро бир-бирига қарама-қарши қўйилаяпти: сарв осонликча ўтда ёнмагани каби шоҳнинг илоҳий ишқ йўлига кириши қийин. Аксинча, хошок учқун тушиши билан ёниб, алангага айланганидек, гадою фақирлар ҳам илоҳий ишқ ўтига туғма равишда мойил ва унинг шиддатини кўтаришга қобил бўладилар. Қуруқ хошок оловда қандай гуррилаб ёнса, пок ошиқ ҳам ишқ

ўтида шундай ўртанади, дейди Навоий “Лисон ут-тайр” достонида:

Ишқ ўтиға ошиқи пок ўртанур,
Барқдин андоққи, хошок ўртанур.

Бинобарин, илоҳий ишқ то битта шоҳнинг кўнглини макон тутгунича юз минглаб фақирлар бу ишқ ўтида ёниб, кулга айланадилар. Дарҳақиқат, Аллоҳ ишқи йўлида жон берган гадою дарвешларнинг сон-саноғига ҳеч ким етолмайди, лекин илоҳий ишқдан баҳраманд бўлган шоҳлар бармоқ билан санарли.

Эй Навоий, сидқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

“Эй Навоий, ишқ ичра сидку ихлос билан гадо бўлким, сен топган бу давлатни шоҳ тожу тахтини бериб ҳам топмайди”.

Сўфиёна адабиётда икки ошиқнинг мақоми юксак пардаларда куйланади: улардан бири – Иброҳим Адҳам бўлса, иккинчиси – Мансур Ҳаллож. Лекин Мансурнинг мақоми Иброҳимникидек юксак, чунки илоҳий ишқ йўлида Балх подшоҳи Иброҳим Адҳам тожу тахти, молу мулкининг баҳридан ўтган бўлса, машҳур сўфий Мансур Ҳаллож ширин жонидан кечди!

Ишқ ана шундай ўз йўлида тожу тахти, молу давлати, ҳатто ширин жонидан кечган чин ошиқлар мақоми бўлиб, шоҳлар ўз мавқеларидан воз кечолмаганлари учун кўпинча бу саодатдан бебаҳрадилар.

Эргаш ОЧИЛОВ



“Зиҳи ҳар лаҳни булбул савтининг зотингга исботи...”



Зиҳи ҳар лаҳни булбул савтининг зотингга исботи,
Жаҳон боғида ҳар гул яфроғи ҳусн-унгга мирёти.

Вужуди зарранинг мумкин эмас, то собит ўлмас меҳр,
Не ҳожат зарра хайлидин қуёш зотиға исботи?

Бўлуб зотингда ожиз ҳар сифат ичинда мавсуфе,
Онингдекким қила олмай сифотинг шарҳини зоти.

Хирад зотингни ташбеҳ етгали ҳар фикрким айлаб,
Такаллум анда йўл топмай, магар ҳайҳот-ҳайҳоти.

Не қаҳринг захридин емиш бўлуб ҳар сокини масжид,
Не лутфунг бодасидин ноумид аҳли хароботи.

Не зарра бўлса мақбулунг қуёшдин зарра қилғондек,
Қуёш заррадин айлаб шараф бирла мубоҳоти.

Навоий зикри отингдур, умиди улки, қутқорсанг
Они от истамақдин, балки андинким бўлур оти.

V — — — V — — — V — — — V — — —
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
ҳазажи мусаммани солим

Луғат

Савт – оҳанг, хониш, куй

Зот – бирор нарсанинг асли, моҳияти, Худонинг моҳияти на-
зарда тутилмоқда

Миръот – кўзгу
Лаҳн – куй, наво
Хайл – тўда, қавм, гуруҳ, тоифа
Мавсуф – сифатланган, таърифланган, шўхрат қозонган,
бирор сифат егаси
Хирад – ақл, фикр, билим
Такаллум – нутқ, гапириш
Сокин – ўтирган, маскан топган, жойлашган
Бода – ичимлик, май
Харобот – бу ерда пир ҳузури, комил инсон йиғини, майхона
Мубоҳот – муболаға, ноз-финоқ қилиш, фахрланиш

Насрий баён

Ажабки, булбул хонишининг ҳар бир оҳанги Сенинг зотингга бир далил – исбот, жаҳон боғидаги ҳар гул япроғи Сенинг ҳуснингнинг кўзгуси.

Қуёш порлаб кўринмагунча зарранинг борлиғи – вужуди аён бўлмайди (мавжуд бўлмайди), шундай экан зарра тўдаси орқали Қуёшни исботлашга ҳожат борми?

Ҳар бир сифатинг ичра сифатланган (наrsa) Зотингни таърифлашга ожиз (ёки Зотингга муҳтож) чунки унинг (сифатланганнинг) зоти Сени шарҳлаб, тушунтириб беролмайди.

Ақл Зотингни турли нарсаларга ўхшатиб, фикр-мулоҳаза юритади, бироқ буни сўзлаб беролмай, “ҳайҳот, ҳайҳот” билан чекланади.

Масжидда тоат учун ўтирганнинг ҳар бири қаҳринг тигидан ҳимоя қилинмаганидек, аҳли харобот (дарвешлар, қаландарлар) ҳам лутфу марҳаматингдан ноумид эмас.

Қайси бир зарра Сенинг қабулингга мушарраф бўлса (Сенга мақбул бўлса), қуёш заррасидай шараф топади ва қуёш бу заррадан ғурурланиб шарафли бўлади.

Навоийнинг зикри кеча-кундуз Сенинг отингдир, аммо умидим шуки, уни ном (от) чиқариш, ғурурланишдан сақласанг, балки ном чиқаришга боис бўладиганлардан ҳам халос етсанг.

Шарҳ ва изохлар

Бу шоирнинг анчайин мураккаб орифона ғазалларидан. Ғап шундаки, Аллоҳнинг Зотини ҳеч ким кўрган эмас, уни борлиқдаги ашёларда акс етган сифатлари орқали таниш мумкин. Аммо ана шу сифатларни таниш, билиш ва улар орқали Рарвардигори олам зотини таниб олиш ҳам осон эмас.

Ғазалнинг биринчи байтидаёқ ваҳдат ул-вужуд таълимоти ғояси булбул ва гул тимсоллари воситасида баён етилган: булбул гулга ошиқ, ёниб куйлайди, бу ошуфталик, ошиқлик изҳори. Аммо аслида булбул гулга шунинг учун беқарор ошиқки, гул – Аллоҳ жамоли акс етган кўзгу, гулнинг ҳар бир япроғида шу нур жилоланиб туради. Гул ва булбул шу учун Шарқ шеъриятида кўп тилга олинади. Лекин, аслида, бунда Табиат ва Инсон назарда тутилган. Гул – Табиат, Аллоҳ яратган борлиқ тимсоли, гулнинг нафислиги, латофати эса, Аллоҳ тажаллийёти, ҳуснининг рамзи. Булбул бўлса ана шу Ҳуснга мафтун инсондир. Инсоннинг кую кўшиғи, кўнгил нолалари, шавқу завқи, руҳий парвози, ижодкорлик мўжизаси – ҳамма-ҳаммаси ана шу Аллоҳ Ҳуснига мафтунлиги, ундан мадад олиши, руҳланиши, беҳудлиги туфайлидир.

Кейинги байтларда ғазал мақтаёидаги мазкур ғоя янги далиллар билан тушунтирилган: Қуёш ҳар бир заррани ёритгани каби Аллоҳ бутун коинот ва унинг ашёларини қамраб олади, қуёшнинг зоти исбот талаб қилмаганидай, Аллоҳ зоти ҳам исбот талаб қилмайди. Ақл Аллоҳ зотини исботлашдан ожиз, фикрлар, муҳокамалар билан бунга йўл топиб бўлмайди. Худонинг исботи Худонинг ўзи. Умри масжидга қатнаб, тоат билан шуғулланган Худо қаҳридан холи бўлмаганидай, майхона (пири комил йиғини) аҳли ҳам марҳаматидан умидвор. Яъни: мен шариятнинг барча шартларини бажардим, жойим жаннатда тайёр, деб ўйлайдиганлар адашади. Зеро, кимнинг дили пок ва Худога яқинлигининг Унинг ўзи билади. Бир зарра Худо қабулига мушарраф бўлса, унинг жойи Арши аълода ва Қуёш шунча азимати билан шу зарра билан ғурурланиши мумкин. Ғазал мақтаёсида шоир ўзини ожизларнинг ожизи, заррадан камроқ ҳисоблаб, ному нишонсиз бўлсам кошки,

чунки ном Уники, инсон – банди, банда зарра каби Қуёшда йўк бўлиб кетиши керак, деган фикрни баён этади.

Нажмиддин КОМИЛОВ

“Жилваму айлар қизил тўн бирла ҳар ён ул пари...”

Жилваму айлар қизил тўн бирла ҳар ён ул пари,
Ё магарким лолазор ичра кезар кабки дарий?

Телбалар қатли қизил қилмиш либосин, оҳким,
Бир йўли девоналар қониға кирмиш ул пари.

Ҳулласин хуноблиғ жон риштасидин қилди чарх,
Бўлди жонлар жони, ваҳ-ваҳ, ул париваш пайкари.

Оразинг нақшимидур қонлиғ кўнгулда жилвагар,
Ё шафақдин бўлди толиё офтоби ховарий.

Ич шафқгун майки, гардун қотиледурким, ерур
Янги ой бирла шафақ тигу либоси аҳмарий.

Қон уза кўнглум юзунг шавқидин андоқ хастадур,
Ким ерур гулгун ҳарир оллида онинг бистарий.

Ул пари лаълида жонинг, эй Навоий, бўлди маҳв,
Лаългун қисватда маҳв етгандек ўзни ул пари.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Кабки дари – тоғ каклиги
Ховарий – шарқлик, шарқий
Аҳмарий – қизил
Бистар – тўшак
Ҳарир – ипак, шойи мато
Кисват – кийим

Насрий баён

Қизил тўн кийиб олиб ҳар томонда сайр етаётган ул паридай гўзалми ёки сайроқи тоғ каклиги лолазор орасида кезиб юриб-димикин?

Телба ошиқларини қатл қилганидан, қонлар сачраб либосини қизил рангга бўябди, йўқ-йўқ, дод дейманким, ул пари бир йўла девона ошиқлар қонига кириб олибди.

Унинг нозик кийимини чархи фалак қонли жон ипидан тўқибдир, шу боис ул парига ўхшаш гўзалнинг зебо ҳайкали (қомати) жонларнинг ичига жойлашган.

Қонли кўнгил ичида жилва қилаётган юзингнинг суратими ёки шарқдан чиқаётган офтоб шафақ шуъласи орасидан юз кўрсатдими?

Шафақ рангли (қизил) май ич, чунки фалак шундай бир жаллод (қотил)ки, янги ой (ўроғи) ва шафақ унинг қиличи ва қизил либосидир.

Қонаган (қонли) кўнглим юзингнинг шавқидан шундай беморки, унинг гулдай қизил нафис шоҳи либоси олдида унинг тўшаги бор.

Эй Навоий, худди ул пари лаъл рангли (қизил) либос ичида беркиниб олганидай, жонинг унинг лаъли (лаби, сўзи) ичида йўқолди.

Шарҳ ва изоҳлар

Бу қизил тўн кийган жонон таърифига бағишланган учинчи ғазал. Аммо ҳар бир ғазалда ушбу таъриф алоҳида-алоҳида тасвирга

эга. Ҳар бир ғазалда қизил ранги билан боғлиқ ўзига хос ташбеҳлар қатори ва улар воситасида лавҳа, ҳолатларни чизиш маҳорати кўзга ташланади. Бошқача айтганда, жонон уч ғазалда уч хил лирик тимсол қилиб гавдалантирилган. Чунончи, биринчи ғазалда маъшукнинг қизил тўн кийиб чиқиши аввал Хитой (Чин) оҳ-усига, кейин гулдаста ва ичида оқ савсан гул ўсган арғувон дарахтига ўхшатилади. Қон, шафақ, қизил бўёқ билан ёзилган алиф ташбеҳлари ҳам бир-бирини тўлдириб келган.

Иккинчи ғазалда қизил тўн ловуллаган олов шуъласига ўхшатилади-да, кейин лола, лаъл, хуноба ташбеҳлари орқали тасвир ривожлантирилиб, маъшукнинг ошиқ қалбига солган изтироблари бир-бир чизиб кўрсатилади.

Учинчи ғазалда қизил тўн кийган жононнинг паридай нозиклиги, гул сайрига чиқиб жавлон уруши, жилвалар қилиши ва бу лолазор оралаб юрган тоғ каклиги (какликнинг бўйин патлари, қанотлари усти қизғиш рангда бўлади)га ўхшаб кетиши тасвирланади, яъни “қизил либос кийган жонон лолазор сайлида” деган бир чиройли сурат ўқувчи кўз олдида гавдалантирилади. Демак, бошқа ғазалларда бўлганидай, бу учала ғазалда ҳам Алишер Навоийнинг манзара, ўзига хос бир лавҳа яратиш ва шу лавҳанинг ошиқ дилига хилма-хил таъсирларини тасвирлаш маҳорати кўзга ташланади. Аммо ҳар бир ғазалда алоҳида санъаткорлик, алоҳида ҳолатлар тавсифи бор. Ҳар учала ғазалда марказий ташбеҳ ёки калит сўз – бу қизил тўн. У ҳар бир ғазалда ҳар хил турдош рангли ашёлар билан чоғиштирилиб, янги-янги бадий тасвирлар ҳосил қилинган. Биринчи ғазалда жононнинг кийиниши – ташқи тасвирига кўпроқ эътибор қилинган, иккинчи ғазалда қизил либосда кўринган жононнинг ошиқ қалбига олов солиши, уни ишқ азобида қийнаши тасвирланган бўлса, учинчи ғазалда қизил либосли жононнинг хатти-ҳаракати, жилва-карашмасини кўрсатиш кўпроқ назарга тушади. Шу ўринда яна бир хусусиятни таъкидламоқчимиз. Маълумки, ғазал – лирик жанр, у куй билан, нафосат билан йўғрилган бўлиши керак. Яъни: 1) оҳанг майинлиги, латофати; 2) сўз, иборалар латофати, нозиклиги; 3) қофия, радифлар нозиклиги ва 4) бадий санъатлар нозиклиги ўзаро уйғун бўлмоғи лозим. Навоий ғазаллари бунинг ёрқин намунаси. Қизил тўн кийган жонон таърифи ва бундан ошиқ жонида пайдо бўлган руҳий ғалаёнлар тасвирида ҳам ана шу латофат, нозик тасвирларни куза-

тамиз. Айниқса, учинчи ғазалда бу ёрқин намоён бўлган. Биринчи байтдаёқ жонон парига ўхшатилади. Рари нима? Рари – рух, халқ тасаввури бўйича у гоҳ кўринади, гоҳ кўринмайди, чунки у – самовий хилқат. Маъшуқа парига ўхшатилар экан, демак унинг ниҳоятда нозиклигига ишора қилинмоқда. Кўкимтир парлари ва қизғиш тавқли (бўйнидаги парлари тавқ дейилади) тоғ кийиги ҳам ғоят гўзал ва нозик куш. Маъшуқа паридай нозик бўлгани учун ҳам сархуш ошиқлар қонига кирган. Қизил либосли жонон худди қон ичидаги малакдай. Ажойиб, ғоят гўзал тасвир! Ул жонон париваш бўлгани сабабли жонлар ичидаги жондир, яъни руҳдир, дейди шоир. Мақтаёда Навоий бу фикрни аниқ-равшан баён етган: ул пари ўзини лаъл рангли (қизил) либос ичига яширгани каби ошиқнинг жони ҳам жонон лаъли (қизил лаби) ичига яшириниб, ғойиб бўлган. Бошқача айтганда, ошиқ ва маъшук бирлашиб кетган. Бу ўринда яна бир изоҳга еҳтиёж бор: ўқувчида қандай қилиб бир одам иккинчи одамнинг лабида йўқолиши мумкин, деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, лаъл лаб деганда тасаввуфда маъшуқа сўзининг ботини, нозик маъноси, шунингдек, илоҳий нафас, йўқликдан борлиқни вужудга келтирган Аллоҳ каломни англашилади. Яъни бу калом барчани қамраб олади, ошиқ бу каломни вали зотлар муждаси билан ошиқ вужудига сингиб, унинг жонини егаллаб олади. Мана шу тариқа, пари сўзининг тасвири нозик ибора ва ишоралар орқали орифона маънони ифодалашга хизмат қилган.

Нажмиддин КОМИЛОВ

——
“Сўзи хажринг ичра йўқ бирён кўнгулнинг тоқати...”
——

Сўзи хажринг ичра йўқ бирён кўнгулнинг тоқати,
Бўлмас эрмиш куйган элнинг ўт бирла кўп улфати.

Ашки тим-тим қонидин кулбам безанса не ажаб,
Ким эрур гул баргидин булбул эвининг зийнати.

Толпинур кул ичра мендек шуъла тортиб гўйиё,
Ким қуёшнинг жисмига ўт ёкти ул юз ҳасрати.

Лаъли серобидин ар хат зоҳир ўмас, айб эмас,
Хизрнинг ҳайвон суйи ичкандин ўлмиш ғайбати.

Ҳар сари махфий туганлик жисм ила мунглуғ кўнгул,
Сойиледурким, эрур мамлу дирамдин кисвати.

Эй мусаввир, чекма нозир мендин ўзга зинҳор,
Дафтари ишқим аро ёзилса ул ой сурати.

Мудбире топтуқ Навоийни саломатдин йироқ,
Кўрким, ул не наъву не янглиғ жаҳонда шуҳрати.

– V – – – V – – – V – – – V – (–V–)
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун (ёки фоилон)
рамали мусаммани маҳзуф (ёки мақсур)

Луғат

Улфат - дўст, ўртоқ

Ашк - кўз ёши

Лаъл - қимматбаҳо тош, мажозан. Лаълдек қизил лаб. Хатлаб
устидаги майин туклар

Сойил - гадо, тиланчи

Нозир - қузатувчи

Мудбир - бахтсиз

Насрий баён

“Куйган элнинг ўт билан кўп иши бўлмагани каби, ҳажринг
ўти ичра ҳам кўнгилнинг сира тоқати қолмади.

Кўнглумнинг тим қора қонли ёшидан кулбам безанса, бу ажабланарли ҳодиса эмас, чунки гулнинг барги ҳам булбул уйи учун зийнат ҳисобланади.

Гўё у юзнинг ҳасрати қуёшнинг жисмига ўт ёққанидай, қуёш кул ичида худди мендек шуъла таратиб талпинади.

Лаълдек қизил лабларинг устида хат, яъни лаб устидаги майин туклар кўринмаса, бу айб эмас, чунки Хизр ҳам тириклик сувини ичгандан сўнг ғойиб бўлди.

Сирли кўринишли жисм ва ғамгин кўнгил гадолар каби, уларнинг кийими тангалардан тўла.

Эй мусаввир, агар ишқим дафтари аро у ой юзли ёрнинг сурати ёзилса, менга бошқа кузатувчини қўйма.

Навоийни саломатликдан йироқ, бахтсиз топдик. Лекин унинг ўзи қандайу, жаҳонда тутган шуҳрати қандайлигини кўр!”

Шарҳ ва изоҳлар

Бу ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган. Ғазал етти байтли. Мавзу ва ғоявий йўналиши нуктаи назаридан ошиқона ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Чунки ғазалда ошиқнинг маъшуқага бўлган ишқи, муҳаббати, севгиси тараннум этилади.

Қофияланиши: а-а, б-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, ҳ-а, и-а. Қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар: тоқати, улфати, зийнати, ҳасрати, ғайбати, кисвати, сурати, шуҳрати.

Бу мутлақ қофия турига киради.

Қофиядош сўзлардаги равий – “т” товуши.

Радиф мавжуд эмас. Ғазалдаги асосий фикр қофияга тушган.

Ушбу ғазал тузилишига кўра якпорадир. Боиси, ҳар бир байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байт билан изчил боғланган. Матлаъда бошланган мавзу мақтага қадар давом этган. Мақтанинг биринчи мисрасида “Навоий” тахаллуси қўлланилган.

Навоийнинг “Бадойе ул-бидоя” дебначасидаги қайдларидан бири бевосита ғазал поэтикасига дахлдор. У ёзади: “...сойир давонинда расмий ғазал услубидинким шойедурур, тажовуз қилиб, махсус навларда сўз арусининг жилвасига намоиш

ва жамолига оройиш бермайдурурлар. Ва гар аҳёнан итмом хилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдурлар.... Ул жиҳатдин саъй қилинадиким, ҳар мазмунда матла воқе бўлса, аксар андоқ бўлғайким, мақтагача сурат хайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушгай”.

Навоийнинг бу танқидий мулоҳазаси жуда кенг маънога эга. Унда ғазалнинг моҳияти ва унга мувофиқ услуб билан алоқадор кўпгина масалалар қамраб олинган. Навоийнинг фикрича, ғазал байтлари мантиқан бир-бирига боғлиқ бўлиши керак. Ғазалнинг маъноси ва сурат бир бутун яхлитликни ташкил этиши лозим. “Сўзи ҳажринг ичра йўқ бирён кўнгулнинг тоқати” ғазали ҳам шу талабларга тўлақонли жавоб бера олади. Мумтоз адабиётимизда маъшуқа ҳуснда қанчалик гўзал бўлса, ситамгарликда ҳам шунчалик моҳир қилиб тасвирланади. Зеро, мана шу тўсиқларни енгиб ўта олган ошиққина ҳақиқий ошиқ мақомига кўтарилади.

Навоийнинг ушбу ғазали бевосита ҳижрондан аламзада ошиқнинг оҳу-нолалари билан бошланади. Севикли ёридан узоқда бўлган ошиқнинг ҳажр азоби шунчалик даражага етканки, унга чидашга кўнгилнинг бир лаҳза бўлса ҳам тоқати қолмайди. Навоий ўз фикрини исботлаш учун тамсил санъатига мурожаат қилади. Куйган эл деганда Навоий бахтиқаро ошиқларни ҳам назарда тутган. Шундай бўлса-да, ошиқ маъшуқасидан асло воз кечмайди. Ёр ҳажри узоқ давом этгани сабабли бечора кўнгил қонли ёш тўқади. Бунда мумтоз адабиётимиздаги энг кўп тасвирга олинadиган манба ҳисобланган кўнгил жонлантирилиб, ташбех санъати юзага чиққан. Аммо некбин ошиқ мана шу қонли ёшлар билан ўз кулбайи вайронасини безайди, яъни маъшуқа ёдида тўкилган кўз ёшлар ҳам у учун зеб-зийнат мисоли қадрли. Иккинчи байтнинг иккинчи мисрасида эса тамсил санъати асосида ҳаётдан мисол келтирилган: булбул ошиёни учун гул барги зийнат бўлганидек, ошиқнинг қонли кўз ёшлари унинг уйи учун безак сингаридир. Тамсил санъати асосида Навоий ташбех санъатида ҳам унумли фойдаланган. Бунда гул барги қонли кўз ёшларга, ошиқ эса булбулга ўхшатилган.

Шоир байтдан байтга ўтар экан, тадриж санъати воситасида ёр ҳажри нафақат, ошиқни, балки қуёшни ҳам ўртаётганлигини тасвирлайди. Қуёш бутун оламни ёритади. Аммо маъшуқа

хижронида у ҳам кул ичида қолган учқунга қиёс қилинади. Мазкур байтдан бошлаб ғазалдаги илоҳий-ирфоний маънолар ёрқинроқ назарга ташланади. Қуёш тасаввуфда илоҳий ваҳдат зиёси, пиру муршид қалби, мутлақ Рухнинг манбайи маъносида қўлланади. Маъшуқа тимсолида эса бутун оламлар хожаси бўлган Аллоҳ назарда тутилади. Аллоҳнинг бетакрор қаламидан яратилган қуёш ҳам айрилиқда Аллоҳга талпинади. Шоир учинчи байтда тамсил, таносиб, истиора санъатларидан унумли фойдаланган.

Лаблар, кўпинча, қимматбаҳо бўлган лаъл тошига қиёсланади. Ғазалда ёрнинг лаблари ана шу тошга ўхшатишган. Ошиқ ёрлаблари устидаги майин тукларнинг кўринмаслигидан ажабланмайди. Зеро, Хизр ҳам тириклик сувини ичгандан сўнг ғойиб бўлган. Бунда лаб устидаги майин туклар Хизрга ўхшатишган. Хизр – мумтоз адабиётда “оби ҳайвон” – абадий тириклик сувини ичган, ҳамма воқеадан, ҳамма ахволдан, ҳамма кечинмалардан хабардор, нарсалар хосияти ва қонуниятини олдиндан биладиган образ сифатида тасвирланади. Худо унга ўз билимини тўхфа этган, деган қараш ҳам мавжуд. Ривоятларда келтирилишича, Хизр оби ҳаёт – тириклик сувини топиб ичган ва ғойиб бўлган. Маъшуқанинг лаби тириклик сувига ўхшатишган. Лаблар устида жойлашган хатнинг тириклик сувидан ичиши табиий ҳолдир. Шу сабабли ҳам ошиқ хатнинг ғойиб бўлганига ажабланмайди.

Бундан ташқари, Навоий шеъриятида Хизр образи абадий мангулик рамзи, ҳаёт ва ишқ тимсоли, раҳнамо, пир, дарвешлик ва руҳий ҳурлик намунаси сифатида энг кўп қўлланилган образлардан бири ҳисобланади. Тўртинчи байтда тамсил, талмех ва истиора санъатларидан унумли фойдаланилган.

Маъшуқа дардида бечора кўнгил ва хароб бўлган жисм гадолар каби телбавор юришади. Уларнинг кийими эса одамлар садақа қилган чақа-тангалардан тўла. Бу байтда шоир ошиқнинг руҳий кечинмалари, изтиробларини қаламга олган.

Ўз ёридан шунча жабру ситамни кўрган ошиқ ўз маҳбубасидан воз кечмайди, балки Яратганга пешонасига шу инсон битилган бўлса, бошқа ҳеч кимнинг кераги йўқ, деб илтижо қилади. Чунки Мусаввир Аллоҳ таолонинг 99 муборак исмларидан бири ҳисобланади. Ўз ваъдасига вафодор ҳақиқий ошиққина ҳар қандай шароитда ҳам ўз аҳдига содиқ қола олади. Навоий нидо (Эй

мусаввир) ва истиора (ишқим дафтари) санъатлари воситасида ўзининг қарашларини бадиий суратда ифодалаган.

Мақтада Навоийнинг бахтсиз муҳаббати тилга олиб, унинг ёр кўйида қанчалик зору саргардон эканлигини тилга олади. Унинг шуҳрати қанчалар юксак бўлса ҳам ишқда шунчалик бахтсиз. Ошиқни шону шавкат, молу дунё ҳеч қачон саодатманд қилолмайди. У учун ёр висоли ҳақиқий давлат. Шунинг учун ҳам Навоий мазкур ғазалда ўз поэтик ва ғоявий қарашларини мужассам этган.



Тавсанинг наълидин истармен бошимға афсаре,
Ҳиндудекким бошиға товусдин санчар паре.

Оразингда май, май ичра оразинг зоҳир қилур,
Ғаҳе ахтардин шафақ, ғоҳе шафақдин ахтаре.

Базми айшин кўкка невчун чекмагай, улким, анга
Тутса руҳиллаҳ дами ҳар дам қуёшдек соғаре.

Маснадим кўргилки, ҳар тун қасри тошу фаршидин,
Бошқа хоро муттакодур, танға қоши бистаре.

Ваҳ, не лўлийвашдур ул қотилки умдан халқнинг
Қонини тўкмакка ҳар бир кирпичидур ништаре.

Оразинг васфи туганмас котиби сунъ айласа,
Даҳр бўстонида гул яфроғларидин дафтаре.

Эй Навоий, сарвдек озод бўл гар истасанг,
Гул масаллиг шоҳиде, булбул кеби хунёгаре.

–V– – –V– – –V– – –V–

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Тавса – ўйноқи, шўх от
Наъл – тақа
Афсар – тож, жиға
Масаллиғ – ўхшаш, монанд
Сун – яратиш, иш, ҳунар
Хунёгаре – созанда
Лўлийвашдур – лўлидек гўзал
Маснад – тахт, мансаб
Фарш – тўшаш, ётқизиш
Хоро – қаттиқ тош
Муттақо – суянчиқ, мададкор
Соғар – қадах
Рухуллаҳ – Исо пайғамбар
Ахтар – юлдуз
Коши – турли рангдаги пишган ғишт
Бистар – тўшак, ёстик

Насрий баён

Ҳиндулар товус патларини бошига таққанларидек, ўйноқи отнинг тақасини бошимга тож қилишни истайман.

Гоҳида юлдузда шафақ, шафақда юлдуз бўлганидек, чехрангда май, майда эса чехранг пайдо бўлур.

Унга Исо нафаси ҳар дам қуёш қадахини тутса, нима учун айш базминини кўкка чекмагай.

Тахтимни кўрки, ҳарт ун тошдан қурилган қасрда ғишт тўшакдан бўлак суянчиғим йўқ.

Ваҳ, қандай лўлий гўзали кабидир, ҳар бир киприги халқнинг (ошиқ халқининг) қонини тўқувчи киштардек.

Агар қотиб олам бўстонидаги гул япроқларидан дафтар қилса ҳам жамолинг васфини тутата олмас.

Эй Навоий, агар сарв дарахтидек озод бўлишни истасанг, гул шоҳидаги булбул каби созандалик қил.

Шарҳ ва изоҳлар

Берилган ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган. Ғазалнинг ҳажми 7 байт (ўн тўрт мисра).

Мавзу ва йўналиши нуқтаи назаридан ошиқона ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Чунки ғазалда ошиқнинг маъшуқага бўлган ишқи, муҳаббати тараннум этилган.

Қофияланиши: а-а, б-а, с-а, д-а, э-а, ф-а, г-а

Ғазал қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар: афсаре, паре, ахтаре, соғаре, бистаре, ништаре, дафтаре, хунёгаре.

Қофиядош сўзларда равий “р” товушидир. Шу сабабли ҳам у мутлақ қофия турига киради. Қофиядош сўзларнинг товуш таркиби тўла мос келганлиги сабабли тўлиқ (тўқ) қофия сирасига киритишимиз мумкин. Радиф мавжуд эмас.

Ушбу ғазал тузилишига кўра якпора ғазал. Чунки ҳар бир байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байт билан изчил боғланган. Матлаъда бошланган мавзу мақтаъга қадар давом этган. Мақтаънинг биринчи мисрасида “Навоий” тахаллуси қўлланган.

Навоий фикрича, ғазал байтлари мантиқан бир-бирига боғлиқ бўлиши керак. Ғазалнинг маъноси ва сурат бир бутун яхлитликни ташкил этиши лозим. “Тавсанинг наълидин истармен бошимга афсаре” ғазали ҳам шу талабларга тўлақонли жавоб бера олади.

Тавсанинг наълидин истармен бошимга афсаре,
Ҳиндудекким бошига товусдин санчар паре.

Ғазал ошиқнинг ишқ йўлидаги кўнгил истагини баён этишдан бошланади. Бунда ошиқ шўх, ўйноқи отнинг тақасини бошига тож қилиб кийишни истаиди.

Кейинги байтда эса ошиқ ҳар ерда маъшуқа жамоли ва ишқ майини бирдек туяди. Худди қуёш ботиш чоғида юлдуз, юлдузда эса шафақ кўринганидек.

Оразингда май, май ичра оразинг зоҳир қилур,
Ғаҳе ахтардин шафақ, гоҳе шафақдин ахтаре.

Ушбу байт таносиб санъати орқали гўзал ифодаланган.
Базми айшин кўкка невчун чекмагай, улким, анга
Тутса руҳиллаҳ дами ҳар дам қуёшдек соғаре.

Учинчи байтда талмеҳ санъатига намуна келтирилган. Яъни бунда ошиққа Исонинг нафаси ҳар дамда қуёш қадахига май тутади.

Маснадим кўргилки, ҳар тун қасри тошу фаршидин,
Бошқа хоро муттакодур, танға қоши бистаре.

Бу ишқ йўлида ошиқ шу қадар ғарибки, унинг тошдан қурилган саройида ягона суюнчиғи ғиштин тўшақдир.

Ваҳ, не лўлийвашдур ул қотилки умдан халқнинг
Қонини тўкмакка ҳар бир кирпичидур ништаре.

Бешинчи байтда шоир қотил, қон, ништар сўзлари орали таносиб санъатини қўллаган. Ва ушбу байтда шоир ўз маъшуқасини лўли гўзалига ўхшатади ҳамда ўз ҳусни билан ошиқ халқининг қонини тўкувчи қотил дея таърифланади. Бу орқали ҳам шоир ташбеҳ санъатига ҳам ажойиб намуна келтирган. Кейинги байтда ошиқ маъшуқанинг гўзаллигини шу қадар ортиқ билдики, ҳатто унинг васфини бутун дунё бўстонидаги гул япроқларидан дафтар тузиб ёзса ҳам тугата олмайди.

Мақтаъда нидо (Эй Навоий) санъати қўлланган. Ва ошиқ бунда ўзини гул шохидаги булбул каби бўлишини айтиб ўтади ва шу орқали таносиб, ташбеҳ санъатларини қўллайди.

“Давлат тонги юзию сочи тонг қоронғуси...”

Давлат тонги юзию сочи тонг қоронғуси,
Масти сабуҳ кўзларин элтиб тонг уйқуси.

Булбул пари эмас, гул эрур бергали жило,
Ҳар барги гулки, элдин эрур тийра кўзгуси.

Гулзор даҳр шуъбадасин гўйий англамиш,
Ичинда заъфарондин эмас ғунча кулгуси.

Бошимни юқори қила олман бинафшадек,
Кўнглумга чунки чирмашур ул турра кайғуси.

Кўз баҳри ичра шиша кийиб мардум этти ғавс,
Ёйилди ушбу важҳ ила юз сари инжуси.

Ҳолимға ҳажр базми аро тортсам суруд,
Бор навҳа мадди телба кўнгулнинг аялғуси.

Қатлимға мужда бердию ўлтурди интизор,
Бир умрдин сўнг элга йигит ваъда бергуси.

– –V –V–V V– –V –V–

мафъувлу фоилоту мафойилу фоилун
музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

Луғат

Тийра – қоронғулик
Шуъбода – ўйин, найранг
Турра – кокил
Ғавс – шўнғимоқ
Мардум – қорачиғ, одамлар
Навҳа – нола
Инжу – марварид
Суруд – қўшиқ куйламоқ
Мадди телба – телбаликнинг чўзилиши
Аялғуси – ўлан, таъсирли қўшиқ
Сабух – тонг пайтидаги ичкилик

Насрий баён

Юзлари тонг каби ёруғ, сочлари қоронғулик кабидир. Тонг вақтидаги ичкиликдан мастликдан кўзлари уйқуга кетади.

Гулга булбул жило беради, лек элдан ғам-ғусса кўради.

Гулзор дунёнинг найрангини тушунди, ғунчанинг кулғусида зафаронлик бордер.

Бошимни бинафшадек тик қила олмайман, чунки кўнглимга сочинг қайғуси чирмашади.

Кўзининг денгизига одамлар шиша кийиб шўнғийдилар ва шу сабабдан унинг юзига марваридлар ёйилади.

Айрилиқ базмида ҳолимдан қўшиқ куйласам, қайғу қўшиғимнинг бор ноласи телбалигимни оширади.

Қатлимга хабар бериб, интизор ўтирди. Элга йигит бир умрдан кейин ваъда қилади.

Шарҳ ва изоҳлар

Берилган ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган. Ғазалнинг ҳажми 7 байт (ўн тўрт мисра).

Мавзу ва йўналиши нуктаи назаридан ошиқона ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Чунки ғазалда ошиқнинг маъшуқага бўлган ишқи, муҳаббати тараннум этилган.

Қофияланиши: а-а, б-а, с-а, д-а, э-а, ф-а, г-а

Ғазал қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар куйидагилар: қоронғуси, уйқуси, кўзгуси, кулгуси, қайғуси, инжуси, аялғуси, бергуси.

Қофиядош сўзларда равий “у” товушидир. Шу сабабли ҳам у мутлақ қофия турига киради. Қофиядош сўзларнинг товуш таркиби тўла мос келганлиги сабабли тўлиқ (тўқ) қофия сирасига киритишимиз мумкин. Радиф мавжуд эмас.

Ғазалда маъшуқа бевосита иштирок этмайди. У ҳақдаги барча хабарлар ошиқ тилидан берилади.

Ушбу ғазал тузилишига кўра якпора ғазал. Чунки ҳар бир байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байт билан изчил боғланган. Матлаъда бошланган мавзу мақтаъга қадар давом этган. Мақтаънинг биринчи мисрасида “Навоий” тахаллуси қўлланган.

Навоий ғзалларида ошиқнинг маъшуқага муҳаббати, ошиқ дарди, ёр висолидан жудолик ҳолатларини ифода этувчи ғазаллар кўпгина. Аммо ҳар бир ғазалда ўзига хос оҳанг, тасвир ва бадий санъатлардан моҳирона фойдаланилади.

Ғазалнинг биринчи байти ёрнинг васфи билан бошланади. Яъни ёрнинг юзи, жамоли тонг каби ёруғ, сочлари эса қоронғулик кабидир. Ва ошиқ бу ишқ майидан сармастдир. Ушбу байтда шоир ташбеҳ ва таносиб санъатларидан фойдаланган.

Булбул пари эмас, гул эрур бергали жило,
Ҳар барги гулки, элдин эрур тийра кўзгуси.

Иккинчи байтда шоир элдан ғам-ғусса кўрган булбул гулнинг ҳар бир япроғига жило беришини айтиб ошиқнинг маъшуқага бўлган меҳрини ифодалайди. Байтда таносиб санъати қўлланган.

Гулзор даҳр шуъбадасин гўйий англамиш,
Ичинда заъфарондин эмас ғунча кулгуси.

Гулзор дунёнинг найрангини тушундики, гулгунчанинг кулгуси ичида зафаронлик, яъни сарғайиш (ғам) борлигини ифода этиш орқали тазод санъати юзага келган.

Бошимни юқори қила олман бинафшадек,
Кўнглумга чунки чирмашур ул турра қайғуси.

Ошиқнинг кўнглига ёр ишқининг қайғуси шу қадар чирмашиб кетганки, бу сабабдан ошиқ бошини бинафша гулидек тик тута олмайди. Бу байтда қайғуни жонлантириш орқали ташхис санъати юзага келган.

Кўз баҳри ичра шиша кийиб мардум этти ғавс,
Ёйилди ушбу ваҳж ила юз сари инжуси.

Ёрнинг кўз денгизига одамлар шиша кийиб шўнғийдилар ва шу сабабдан ёр юзига марваридлар ёйилади.

Ҳолимға ҳажр базми аро тортсам суруд,
Бор навҳа мадди телба кўнгулнинг аялғуси.

Олтинчи байтда шоир ошиқнинг ишқдан ҳоли танглигини қуйидагидек ифода этади: ошиқ айрилиқ базмида ўз ҳолидан қўшиқ куйласа, дардли қўшиғининг ноласидан телбалиги, ишқи янада ортади. Бунда ҳажр базми, суруд тортмоқ, навҳа, мадди телба сўзлари гўзал таносиб санъатини яратган.

Қатлимға мужда бердию ўлтурди интизор,
Бир умрдин сўнг элга йигит ваъда бергуси.

Мақтаъда шоир маъшуқанинг ошиқ қатлига интизор эканини айтади ва бундай ошиқ, бундай ишқ яна бир умрдан кейин бўлишига ваъда беради.

Хулоса қиладиган бўлсак, ғазалда ошиқнинг ҳижрон, айрилиқ дамларида чеккан изтироблари, дардли кечинмалари тасвирланган. Ғазалдаги бадий санъатлар, қофиялар, гўзал тасвирлар бу ҳолатну кучайтирган.

“Зоҳир айлар ашк ила оҳимни ҳажринг оғуси...”

Зоҳир айлар ашк ила оҳимни ҳажринг оғуси,
Гўйий мундоқ эснатур охир нафаснинг уйқуси.

Ҳажри бепоён, туни муҳлик, жунунум бул ажаб,
Субҳ гўё мотамим тутмишки, келмас кулгуси.

Куйдуруб жисмимни, бергайсен кулум бирла жило,
Тийра бўлса қон ила қатлимда тийғинг кўзгуси.

Мени мажнундек тутуптур дашт демангким, бу дашт
Тоғлар эрдикӣ, ҳомун қилди кўнглум қайғуси.

Эй кўнгул, оҳ ўқларин ул ғамзанинг оллиға чек
Ким, ўқ отмоғлиғда сендин туздур анинг қобуси.

Демангиз ошиқ кўзига не ёруғлуғдур муфид,
Ғам куни дилбар юзи, ҳижрон туни тонг ёғдуси.

Ҳажр аро тузди Навоий васл мулкин берди ёр,
Андоқ иш қилғанға мундин кам керакмас жўлдуси.

–V– – –V– – –V– – –V–
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Муҳлик – ўлдирувчи, ҳалок қилувчи, ҳалокатли
Жунун – жиннилик, ақлдан озганлик, савдойилик

Тийра – қора, қоронғу
Ҳомун – дашт, сахро, чўл
Ғамза – кўз қисиш, кўз билан ишора қилиш
Қобу – нишон
Муфид – фойдали
Жўлду – совға

Насрий баён

Ҳажрингнинг оғуси кўз ёшим ва оҳимни намоён этади. Бу гўё сўнгги нафаснинг уйқуси каби эснатади.

Ҳажри бепоён, туни ҳалок қилувчи девоналигим ҳайратланарли. Субҳ ҳам гўё мотамимни тутаётгандек кулмайди, яъни тонг ёришмайди.

Тиғингнинг кўзгуси қатлимда қон билан қора бўлса, жисмимни куйдириб, кулим билан тиғингга жило бергин.

Дашт мени мажнундай тутиб турибди деб ўйлама. Аслида бу тоғлар эди, аммо кўнглим қайғусидан улар яксон бўлди.

Эй кўнгил, оҳинг ўқларини унинг нозли карашмаси томон йўлла, ўқ отишда унинг нишони сендан мохирроқдир.

Ошиқ кўзига қайси ёруғлик фойда деб сўрамангиз, ғам куни дилбар юзию, ҳижрон тунида тонг ёғдуси унга фойдали.

Ҳижронда Навоий шунчалик ғам чекди, ёр эса васл мулкани берди.

Бунчалик иш қилганга васлдан ўзга нарса, совға керак эмас.

Шарҳ ва изоҳлар

Берилган ғазал “Ғаройиб ус-сигар” девонининг 580-ғазалидир. Ғазалнинг ҳажми 7 байт (ўн тўрт мисра).

Қофияланиши: а-а, б-а, с-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, ҳ-а, и-а.

Ғазал қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар: оғуси, уйқуси, кулгуси, кўзгуси, қайғуси, қобуси, ёғдуси, жўлдуси.

Қофиядош сўзларда равий “ у “ ҳарфидир. Шу сабабли ҳам у мутлақ қофия турига киради. Қофиядош сўзларнинг товуш

таркиби тўла мос келганлиги сабабли тўлиқ (тўқ) қофия сирасига киритишимиз мумкин.

Радиф мавжуд эмас. Ғазалдаги асосий фикр қофияга тушган.

Ғазал мазмунига кўра “ошиқона ғазал”. Айнан шу ғазалнинг тузилиши ҳақида гапирадиган бўлсак, “мусалсал ғазал” сифатида оламиз. Чунки таркибидаги лирик воқеа, манзара, фикр ва кечинма сатрлар силсиласида даражама-даража (тадрижий) ривожланиш хусусиятига эга. Матлаъда бошланган мавзу мақтаъга қадар давом этган. Мақтаънинг биринчи мисрасида “Навоий” таҳаллуси қўлланган.

Алишер Навоийнинг умр дафтари хусусида ҳиссиётга тўлиб фикр юритиш асло мумкин эмас. Негаки ўша саҳифаларнинг ҳар бир сатри бир олам. Уларга сирtdан қаралганда сокин кўринади. Аммо туби тўлқинли, бағоят теран, нодир. Навоий ижоди борасида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. “Навоий – бизнинг миллий ифтихоримиз, шарафимиз, ўзлигимиз тимсоли. Уни тўйдан тўйгача унутиб қўйиш эса гуноҳи азимдир. Улуғ шоирнинг маънавий мероси китоб жавонларида эмас, қалбимиз тўрида бўлиши зарур”, дейди профессор Р.Воҳидов. Устознинг фикрларига таяниб, Навоий маънавий меросини китоб жавонларидан қалбимиз тўрига кўчириш мақсадида “Ғаройиб уссиғар” девонидан ўрин олган ғазалларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Навоий фикрича, ғазал байтлари мантиқан бир-бирига боғлиқ бўлиши керак. Ғазалнинг маъноси ва сурат бир бутун яхлитликни ташкил этиши лозим. “Зоҳир айлар ашк ила оҳимни ҳажринг оғуси” ғазали ҳам шу талабларга тўлақонли жавоб бера олади. Мумтоз адабиётимизда маъшуқа хуснда қанчалик гўзал бўлса, ситамгарликда ҳам шунчалик моҳир қилиб тасвирланади. Зеро, мана шу тўсиқларни енгиб ўта олган ошиққина ҳақиқий ошиқ мақомига кўтарилади.

Зоҳир айлар ашк ила оҳимни ҳажринг оғуси,
Гўйий мундоқ эснатур охир нафаснинг уйқуси.

Матлада ифода этилишича, ошиқ маъшуқага бўлган ишқини пинҳон тутмоқчи. Аммо маъшуқа ҳажрида чекилган изтиробу

заҳматлар буни ошкор қилади. Иккинчи мисрада муаллиф биринчи мисрадаги фикрини хусни таълил воситасида очиб беради (Гўйий мундоқ эснатур охир нафаснинг уйқуси). Байтда қўлланган ашк, оҳ сўзлари таносибсанъатини юзага келтирган.

Ҳажри бепоён, туни муҳлик, жунунум бул ажаб,
Субҳ гўё мотамим тутмишки, келмас кулгуси.

Ошиқ бошига тушган ҳажр шу даражадаки, уни муаллиф ҳажри бепоён, ҳажрда ўтаётган ошиқнинг ҳар бир тунини уни ҳалок қилувчи тун - туни муҳлик дея кўрсатади. Ошиқ маъшуқа ҳажрида ҳар тун ўлиб, ҳар кун тиради. Иккинчи мисрада берилишича, тонг ҳажр азобида тунда ҳалок бўлган ошиққа мотам тутади, шу сабаб у кулмайди, яъни тонг ёришмайди. Урф-одатларимизга кўра, бирор хонадонда аъза бўлса, хонадондан шодлик йўқолади, хонадон эгалари ғамгин бўлади, мотамга келганлар ҳам уларнинг дардига шерик, ҳамдари бўлишади. Байтда айтилган шу ҳаётий ҳақиқат ифодаланган (Субҳ гўё мотамим тутмишки, келмас кулгуси). Биринчи мисрадаги тун ва иккинчи мисрадаги субҳ (тонг) ўзаро зид маъноларда бўлиб, тазод санъатини юзага чиқарган. Ҳазрат Навоий ташбеҳ санъатини ҳам шу санъатлар орасига омухта қилган.

Куйдуруб жисмимни, бергайсен кулум бирла жило,
Тийра бўлса қон ила қатлимда тийғинг кўзгуси.

Навоий маъшуканинг ошиқ бошига солган ҳажрини мисрама-мисра ривожлантириб борадики (тадриж), ошиқ учинчи байтга келиб, маъшуқаси томонидан ўлдирилади. Бу ишни маъшуқа қилишини ошиқ истаяпти (Тийра бўлса қон ила қатлимда тийғинг кўзгуси). Маъшуқа гарчи ошиқни ўлдирсада, унга ачинмаслиги, аксинча, унинг қатлида қон билан қора бўлган тиғини тозалаш чорасини кўриши лозим. Ошиқ бу ишга ҳам ечим топган: жисмимни куйдириб, кулимдан тиғингга жило берасан, дейди у. Ҳажр азобида ҳар тун ҳалок бўлаётган ошиқ учун маъшуқаси қўлидан ўлим топиш шараф.

Мени мажнундек тутунтур дашт демангким, бу дашт
Тоғлар эрдик, ҳомун қилди кўнглум қайғуси.

Байтнинг маъноси барчамизга тушунарли: ошиқ тоғни макон қилган эдики, кўнглининг қайғуси уни чўлга айлантирган. Шусабаб даштни макон тутибди деманглар, дейди у. Унинг мажнунлиги ўз хоҳиши билан эмас, кўнгил туфайли, ишқ туфайли. Ушбу ўринда қўлланган мажнун сўзи орқали ийҳом санъати қўлланган. Сўзда ишқи сабаб даштни макон қилган ва ўша ерда жон берган Мажнун шахсига, мажнун – телбалик маъносига ишора мавжуд. Дашт ва тоғ воситасида тазод санъати ҳам бор.

Эй кўнгул, оҳ ўқларин ул ғамзанинг оллиға чек
Ким, ўқ отмоғлиғда сендин туздур анинг қобуси.

Бошига тушган мажнунлик сабабчиси деб билгани кўнгил эканини кўрдик тўртинчи байтда. Ушбу байтни ошиқ айнан кўнгилга мурожаат билан бошлайди. Эй кўнгил, оҳ ўқларини кўз билан ишора қилган (маъшуқа)нинг олдиға қўй, ўқ отганда унинг нишони ўзинг бўл. Ошиқ ўз кўнглини маъшуқа нишонига айлантирмоқчи.

Демангиз ошиқ кўзига не ёруғлуғдур муфид,
Ғам куни дилбар юзи, ҳижрон туни тонг ёғдуси.

Ошиқ кўзига қайси ёруғлик фойда деб сўрамангиз, ғам куни дилбар юзи-ю, ҳижрон тунида тонг ёғдуси унга фойдали. Ошиқ маъшуқа ҳажридан шикоят қилмай, шу зулмат (ҳижрон)да унинг юзи-ю, ҳижрон тунидаги тонг ёғдуси унинг учун ёруғлик. Байтда қўлланган ёғду – ёруғлик сўзлари таносиб, ғам куни – ҳижрон туни, тонг эса тазод санъатини ҳосил қилган.

Ҳажр аро тузди Навоий васл мулкин берди ёр,
Андоқ иш қилганға мундин кам керакмас жўлдуси.

Мақтада тахаллус қўлланиб, ҳижронда Навоий шунчалик ғам чекди, ёр эса васл мулкини берди. Бунчалик иш қилганга васлдан

Ўзга нарса, совға керак эмас, деган фикрлар ўз ифодасини топган. Ошиқ шунчалар ҳажр азобини бошдан ўтказганки, мукофоти ёрнинг васли бўлди. Айни шу совға – ошиқнинг мақсади. мақтада ошиқ мақсадига эришди.

Алишер Навоийнинг аксар ғазалларида зоҳирӣ ва ботинӣ маъно, “дунёвий ишқ” ва “ишқӣ илоҳӣ”, бошқача айтганда, “мажозӣ” маънолар билан “ҳақиқӣ” маънолар бирга қўшилиб, бири иккинчисини тақозо этиб келади. Биз Навоӣ лирикасини таҳлил қилаётганимизда бу икки ишқни ажрата олмаймиз.



“Ўт солур эл жонига ҳар дам совуғлуғ бирла дай...”



Ўт солур эл жонига ҳар дам совуғлуғ бирла дай,
Соқӣё, синмас ҳаво заҳри кетур тарёки май.

Туз шабистон ичра суҳбатким, ишорат майғадуру
Шамъи кофурики, ости шуша музлар бирла дай.

Оташин май бирла, эй соқӣй, қизитқил базмни,
Мутрибо, ул ўтни тез этмакка ол оғзингга най.

Даҳр мушкин чун ҳаво кофури пинҳон айлади,
Бодаӣи мушкини кофурий мизож ичмай нетай.

Ичкали ихфо учун тун мушкини истар ҳаким,
Шукр бу кофур аро ҳам зоҳир эрмас ҳеч шай.

Ул қуёш қор узра чиққач юзум узра англаман,
Ашк ё кўз оқи су бўлуб оқарму, йўкса хай.

Илгида майлиг сафол, усрук Навоӣй қор уза,
Эй фалак, қил жоми Жам бирла тамошо тахти Кай.

-V- - -V- - -V- - -V-

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Дай – қиш мавсуми

Тарёк – захарни даф қиладиган дори

Шабистон – қоронғу тун

Шуша – шовуш, тарнов

Мутрибо – чолғучи

Мизож – табиат, хулқ-атвор

Ихфо – яшириш, беркитиш, сир тутиш

Хай – тер томчиси

Сафол – сопол

Усрук – маст, сархуш

Насрий баён

Қиш ҳар доим эл жонига совуқлиги билан ўт солади. Соқий, синмас ҳаво захрини даф қиладиган май келтир.

Тарновларда муз билан келган қиш тунида шам остида тузилган суҳбат майга ишорадир.

Соқий, оташин май билан базми қизитгин. Чолғучи, шу ўтни алангалатиш учун оғзингга най ол.

Дунё мушқини ҳаво кофури, яъни оқ хушбўй модда яширди. Энди мушқин оқ бода ичмай нима қиламан.

Ҳаким хуморини яшириш учун тун мушқини истайди, шукурки, бу кофурда шай кўринмайди.

У қуёш қор узра юзимга тушганда англайманки, ишқда кўзнинг оқи сув бўлиб оқадими ёки тер томчиси бўлиб.

Маст Навоий қор устида синган қадаҳ ушлаб турибди. Эй фалак, сен бу Жамшид жоми ва Каёнийларнинг тахтини кўр.

Шарҳ ва изоҳлар

Берилган ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 581-ғазалидир. Ғазалнинг ҳажми 7 байт (ўн тўрт мисра).

Қофияланиши: а-а, б-а, с-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, ҳ-а, и-а.

Ғазал қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар: дай, май, дай, най, нетай, шай, хай, Кай.

Қофиядош сўзлардаги тиргак ҳарф, яъни равий “н” ҳарфидир. Қофиядош сўзлар равий билан тугалланган, шу сабаб у муқайяд қофия турига киради. Қофиядош сўзларнинг товуш таркиби тўла мос келади, бу жиҳатдан тўлиқ (тўқ) қофиягага киритиш мумкин.

Радиф мавжуд эмас. Ғазалдаги асосий фикр қофияга тушган.

Ғазал мазмунига кўра “риндона ғазал”.

Мақъаннинг биринчи мисрасида “Навоий” таҳаллуси қўлланган.

Атоқли олим Натан Маллайев шундай деиди: “Навоий ҳароратли ишқий ғазаллар билан бирга ижтимоий-сиёсий темаларда ҳам ғазаллар битди, шайх-зоҳидларни, воизларни фош қилувчи ҳажвий ғазаллар яратди, ошиқ, рақиб ва ринд образлари билан чегараланиб қолмади, образлар туркумига мутафаккир ва мураббий образларини киритди ҳамда шоҳларни, шайх-зоҳид ва воизларни киритди”. Ҳақиқатан, Навоий ўзбек ғазалиётини энг юқори босқичга олиб чиқди, унинг бадиий маҳорати, айниқса, ғазалларида намоён бўлди. Шундай маҳорат намуналаридан бирини кўриб ўтсак:

Ўт солур эл жониға ҳар дам совуғлуг бирла дай,
Соқийё, синмас ҳаво захри кетур тарёки май.

Қиш ўзининг совуқлиги билан кишининг иссиқ жонига ҳам совуқлик солади. Матлада соқийга мурожаат бор. Соқийдан, қишнинг совуқлик захрини кетказувчи май келтириши сўралган. Дай бу – қиш мавсуми. Дай ҳамда совуғлуг ўзаро таносиб санъатини ҳосил қилган. Соқийга мурожаатда эса нидо санъати кўринади.

Туз шабистон ичра суҳбатким, ишорат майғаду
Шамъи кофурики, ости шуша музлар бирла дай.

“Ғаройиб ус-сиғар” девонига киритилган мазкур ғазалда ҳаёт ҳақиқатини изловчи, истовчи кўнгул, дайр образлари мавжуд. Ғазал чуқур мушоҳадавӣй, ирфон асрори сабоқларидан иборат. Бу суҳбат қишнинг совуқ кунда шам остида бўлмоқда. Суҳбатда май албаттаки бор.

Оташин май бирла, эй соқий, қизитқил базмни,
Мутрибо, ул ўтни тез этмакка ол оғзингга най.

Байтда ҳам соқийга, ҳам чолғучи (мутрибо)га мурожаат мавжуд бўлиб, нидо санъатини юзага келган. Улардан оташин май билан базмни қизитиш ҳамда ўтни алангалатиш учун найни чалиши сўралмоқда.

Илгида майлиг сафол, усрук Навоӣй қор уза,
Эй фалак, қил жоми Жам бирла тамошо тахти Кай.

Насрий баён куйидагича бўлади: Маст Навоӣй қор устида синган қадах ушлаб турибди. Эй фалак, сен бу Жамшид жоми ва Каёнийларнинг тахтини кўр. Бунда Навоӣй синиқ идишни Жоми Жамга, қорни тахтга ўхшатган. Жоми Жам ва Кайнинг берилиши орқали талмеҳ, эй фалак ундалмаси воситасида нидо санъати юзага чиққан.

Умумий олиб қараганда, май орқали илоҳӣй ишқ талқин қилинган.

М.Шайхзоданинг “Ғаройиб ус-сиғар” девони бўйича қилган тадқиқотларида айтган фикрларини эслаб ўтиш ўринли, назаримда: “Ғаройиб ус-сиғар”да ҳам лирик қаҳрамон Навоӣйнинг ўзидир. Бу – мураккаб бир замонда яшаган, тушунувчи, ўйловчи, ҳассос ва олийжаноб бир шахснинг бой, сероҳанг, ранг-баранг, сермазмун, маънавий, ботиний дунёсини ўзида гавдалантирган бир қаҳрамондир”. Бу таҳлил қилишга ҳаракат қилганимиз ҳар иккала ғазалга ҳам бирдек тегишли.



“Шукр лиллоҳ, эй кўнгулким, рафъ ўлиб ҳижрон туни...”



Шукр лиллоҳ, эй кўнгулким, рафъ ўлиб ҳижрон туни,
Ул қуёш юзин кўрармен тенгрининг қутлуғ куни.

Оташин лаълинг анингдек ўртади оламниким,
Ҳар тараф бир ўт туташқан жондур анинг учқуни.

Меҳрдин рухсора сарғарған сайи саргаштамен,
Зарра саргардонлигин афзун қилур меҳр олтуни.

Бодадин тим-тим қизармиш орази, ваҳ-ваҳ кўринг
Ким, ажаб гуллар очиптур ул малоҳат гулбуни.

Шоми ҳижрон меҳнатин шарҳ айла олман заъфдин,
Ул қора босқан кишидекким, анинг чиқмас уни.

Ахтаредур наҳс ушшоқи бадахтар жониға,
Улки ҳар ён илтирар ҳижрон тунининг шудруни.

Эй Навоий, демаким уйқуни туш кўргай кўзинг,
Йиғламоқ эрса бу туш кўргай магар кўз уйқуни.

–V– – –V– – –V– – –V–
фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Шукр лиллоҳ – худога шукр
Раф – юксалиш, баланд; ҳаракат

Лаъли – лаби
Рухсора – чехра, юз
Сарғарган – сарғаймоқ, сариқ тусга кирмоқ
Сайи – сари, сайин
Саргашта – сарсон, овора
Гулбуни – гул, гул тупи
Шоми – кечки пайт, кечкурун
Заъфдин – қувватсизлик, ҳолсизлик; хасталик, касаллик
Бадахтар – бадбахт, бахтсиз, бахти қора, юлдузи совуқ
Илтирар – йилтирар
Шудруни – шабнам, шудринг
Наҳс – бахтсизлик, шумлик

Насрий баён

“Худога шукурки, ҳижрон туни баланд бўлиб, ул қуёш юзини тангрининг қутлуғ кунда кўраман

Оташин лабинг оламини шундай ўртадики, ҳар тарафга ўт туташган, жон эса шуларнинг учқунидир

Меҳрдан чехраси сарғайгани сайин сарсон бўламан. Саргардонлигининг зарраси меҳр олтинидан устунлик қилади

Шамлолдан юзлари тим-тим қизарган, воҳ-воҳ кўринки, бу малоҳат гул тупи ажойиб гуллар очибди

Ҳижрон шомининг меҳнатини ҳолсизлигимдан айта олмайман. Қора босган кишидай (босинқираш назарда тутилган) унинг товиши чиқмайди

Бахтсизлик уншоқи бахтсиз жонига юлдуздир, у ҳижрон тунининг ҳар ёнда йилтирайдиган шудринги

Эй Навоий, кўзинг уйқуни туш кўрган дема, йиғламоқ бундай бўлса, кўз уйқуни туш кўрадимиз”

Шарҳ ва изоҳлар

Бу ғазал “Ҳазойин ул-маъоний” жамланмасидан “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан жой олган. Ғазал анъанавий ети байтдн иборат. Мавзу ва ғоявий йўналиши нуқтаи назаридан ошиқона ғазаллар

сирасига киритиш мумкин. Чунки ғазалда ошиқнинг маъшуқага бўлган ишқи, муҳаббати, тараннум этилади.

Қофияланиши: а-а, б-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, х-а, и-а. Қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар: туни, куни, учкуни, олтуни, гулбуни, уни, шудруни.

Бу мутлақ қофия турига киради.

Радиф мавжуд эмас.

Берилган ғазал тузилишига кўра якпорадир. Боиси, ҳар бир байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байт билан изчил боғланган. Матлаъда бошланган мавзу мақтага қадар давом этган. Мақтанинг биринчи мисрасида “Навоий” тахаллуси қўлланилган.

Алишер Навоийдан мерос қолган шу пайтгача ҳар хил тушунилиб, ҳар хил шарҳлаб келинган. Мумтоз шеърятда ғазал шоирнинг салоҳияти кўламини англатувчи асосий жанр ҳисобланган. Ҳар бир ижодкорнинг мақоми унинг ғазалчиликдаги маҳорат даражаси билан белгиланган. Шунингдек, девон тузишда ҳам ғазал алоҳида мавқе касб этган. Ўтмишда ғазал ёзмаган ижодкорнинг девон тартиб бериши мумкин бўлмаган. Ғазал дастлаб ишқий мавзуда ёзилган бўлса-да, кейинчалик унинг мавзу доираси кенгайиб борди ҳамда ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, мавъиза (панднасиҳат) ва ҳажвий Ғазаллар юзага келди. Ғазал тузилишига кўра 4 мустақил турга ажралади: мустақил байтлардан тузилган (пароканда) ғазал; якпора ғазал; воқеабанд ғазал.; мусалсал ғазал. Маъно жиҳатидан эса орифона, ошиқона ва риндона ғазалларга бўлинади.

Юқоридаги ғазалимиз ҳам ошиқона йўналишда ёзилган. Ғазал ошиқ томонидан берилган бўлиб, маъшуқа нисбатан ҳолати таърифланган. Байтларда акс этган ошиқнинг қийинчиликлари, бахтсизлиги айтиб ўтилган.

Матлаъда “эй кўнгил” деб нидо санъатидан фойдаланган. Иккинчи байтда “оташин лаълинг” истиора санъат бор. Мақтаъда “туш кўргай” сўзларининг такрорланиши орқали тақрир санъати берилган.



“Ғамингдин чун ажал гўр оғзида жисмим ниҳон эткай...”



Ғамингдин чун ажал гўр оғзида жисмим ниҳон эткай,
Мазорим лавҳи дардинг шарҳини тилдек баён эткай.

Қанотлиғ мўрдек жисмимни уй қилмиш ажал хайли,
Магар ул навъ кушлар бу бузуғни ошён эткай.

Юз очқоч эгма қаддим заъф қилди, ваҳ, не билдимким
Куёш васли янги ойимни мундоғ нотаваон эткай.

Оғиз бўлди кўнгулга чоки-ю тил анда пайконинг,
Не тонг бу тил оғиз бирла агар муҳлик фиғон эткай,

Қиличинг суйини истар қуруған нахлдек қаддим,
Ажаб эрмас қазо анинг гулин гар аргувон эткай,

Дер эрдим кўйини юй ашк ила эл захми қонидин,
Не билдимким, ҳам ул эл рашки-ўқ ашкимни қон эткай.

Натижа куймағу шакимдин ўзга топмағай, улким,
Бу гулшан шуълаву дудин гулу сунбул гумон эткай.

Тиллар юз лахт қон эткай насибин даҳр дехқони
Қаю булбулником, гул хони узра меҳмон эткай.

Жигаргундур Навойи жисми қон ёшдин маҳалдурким,
Қазо бу навъ лаъл фано тоғини қон эткай.

—V— —V— —V— —V—

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Навъ – тур, хил

Пайкон – камон ўқининг учидаги учлик темир, тикконнинг ўткир учи

Мухлик – ўлдирувчи, ҳалок қилувчи, ҳалокатли

Суйи – сув

Нахл – кўчат, ниҳол, ёш дарахт

Арғувон – қизил гул

Жигаргун – жигарранг, қизил; қонли кўз ёш

Қазо – I. азалий ёзув, аввалдан белгиланган тақдир. II. қозилик

Маҳал – муҳлат, фурсат

Хайли – тўда, гуруҳ тоифа

Насрий баён

Ғамингдан ажал гўр оғзидан жисмимдан яширинади.

Мозоримдаги ёзув дардининг шарҳини тилдай баён этади.

Қанотли чумолидай ажал тўдаси жисмини уй қилиб олган
Турли қушлар бу бузуғ жойни ошён этгай.

Юз очгач эгма қаддим баттар эгилди билдимким,
Қуёшнинг васли яни ойни шундай нотавазона этади.

Оғзи кўнглига чок бўлди, тил унга тиғи бўлди
Не тонг бу тил оғиз билн бирга ҳалок этиб фиғон қилади.

Қиличинг сувини истар қуриган ниҳолдай қаддим
Ажаб эрмас қазо унинг гулини қизил гулаг айлантиради.

Дердим қўйини ишқ ила эл қонидин
Билдимки у эл рашки ҳам ўқ ишқимни қон этади.

Натижаси ишқдан қуйишдан ўзгаси топилмайдик,
Бу гулшан шуласидан гул сунбул гумон этади.

Тилар насибасини дунё деҳқони юз лахта қон этгай
Қайси булбулни гул узра меҳмон этгай.

Жигаррангдир қон ёшидан Навоий жисми
Бу хилдаги лал учун қазо фано тоғини қон этади.

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал тўққиз байтдан иборат. Мавзу ва ғоявий йўналиши нуқтаи назаридан ошиқона.

Қофияланиши: а-а, б-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, ҳ-а, и-а, ж-а. Қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар: ниҳон, баён, ошён, нотагон, фиғон, арғувон, қон, гумон, неҳмон, қон.

Бу муқайяд қофия турига киради.

Қофиядош сўзлардаги равий – “н” товуши.

Радиф мавжуд “еткай” сўзи.

Ушбу ғазал тузилишига кўра якпорадир. Боиси, ҳар бир байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байт билан изчил боғланган. Матлаъда бошланган мавзу мақтага қадар давом этган. Мақтанинг биринчи мисрасида “Навоий” таҳаллуси қўлланилган.

Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маони” девонлар туркуми ўзининг мукаммаллиги ва шеърятининг комуси бўлганлиги билан ажралиб туришини назарда тутиб, шоир шеърятининг мавзу доираси, тимсоллари олами, бадийлиги сеҳрлари ҳақида сўз юритишда “Ҳазойин ул-маоний”га асосланамиз. “Ҳазойин ул-маоний”даги асарлар орасида ғазаллар етакчи бўлиб, уларнинг ҳар жиҳатдан ибратлилигидан Алишер Навоий ғазал мулкининг султони сифатида машҳурдирлар. Ана шу асосда биринчи навбатда ғазаллар ҳақида сўз юритиш маъқул кўринди. Алишер Навоий ғазаллари ғазал жанри олдига қўйиладиган расмий талабларга тўла равишда мос бўлиб, улар матлаъ (биринчи, бошланма байт) ҳамда мақтаъ (яқунловчи байт)га эгадирлар. Одатда мақтаъда шоирнинг адабий таҳаллуси (Навоий) келтирилади. Ғазалларнинг ҳаммасида қофия мавжуд бўлиб, улар орасида радиф қўлланилганлари ҳам анчагина. Алишер Навоийнинг

ғазаллари кўздан кечирилганда шоир мазкур масалани кенгрок маънода тушиниб амал қилганлиги маълум бўлади. Чунки, унинг ғазалларида фақат анъанавий ишқу ошиқликдангина баҳс юритилмайди, балки расмий ғазалнинг шаклидан фойдаланилган ҳолда ижтимоий, фалсафий, тасаввуфий ва ахлоқий мавзулардан баҳс юритиш ҳам кенг тарзда кўзга ташланади. Юқоридаги ғазал матлаъсида “гўр”, “ажал” таносиб, “ниҳон” ва “баё” сўзларида тазод санъати бор. Иккинчи байтда ташбеҳ санъати, учунчи байтда эса “ой” ва “қуёш” сўзларида тазод санъатидан фойдаланилган.

“Сиххатим озурда жононимда бўлғай кошки...”

Сиххатим озурда жононимда бўлғай кошки.
Дарди анинг тинмағур жонимда бўлғай кошки,

Нотавон кўргунча бистарда синондек қоматин.
Юз синон бу чашми гирёнимда бўлғай кошки

Бўлғуча ашки равоним сайли ҳар ён жилвагар,
Жилва ул сарви хиромонимда бўлғай кошки.

Кўзума гар кирпичим осибидан сунмас оёқ
Барқи офат бу найистонимда бўлғай кошки.

Ул оёқ озурда бўлгунча бўлуб бошим фидо,
Захмати боштин-аёқ жонимда бўлғай кошки.

Нолам ул ойға этиб жон васлидан маҳрум эрур,
Жон дағи пайваста афғонимда бўлғай кошки,

Эй Навоий, дема розийсенму умрунг истаса
Юз менинг умрумча султонимда бўлғай кошки.

-V-- -V-- -V-- -V-

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Сиххат – соғлиқ, саломатлик

Бистар – ўрин – бош, кўрпа - ёстик

Синон – найза учи

Осиб – зиён, зарар, мусибат

Барқи офат – офат чақмоғи

Насрий баён

“Саломатлигим касал бўлиб, озорланган жононимда бўлсайди кошки. Дарди менинг тинмайдиган жонимда бўлсайди кошки.

Тўшакда найзадек тик қоматини нотавон аҳволда кўргунча, юз синон бу йиғловчи кўзларимда бўлсайди кошки,

Оқувчи кўз ёшим ҳар ёнда жилвагар бўлгунча, шу жилва сарви хиромонимда бўлсайди.

Кўзимга гар кипригим зиёнидан оёқ босмас, бундай офат чақмоғи жонимда бўлсайди кошки

Нолам ул ойга етиб, жон вислоидан маҳрум эрур, жон ҳам пайваста ноламда бўлсайди кошки,

Эй, Навоий гар умрингни истаса розисанми дема, бундай умрингнинг юзтаси султонимда бўлсайди кошки.!”

Шарҳ ва изоҳлар

Бу ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган. Ғазал етти байтли. Мавзу ва ғоявий йўналиши нуқтаи назаридан ошиқона ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Чунки ғазалда ошиқнинг маъшуқага бўлган ишқи, муҳаббати, севгиси тараннум этилади.

Қофияланиши: а-а, б-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, ҳ-а, и-а. Қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар:

жононимда, жонимда, часми гирёнимда, найистонимда, жонимда, афгонимда, султонимда.

Бу мутлақ қофия турига киради.

Қофиядош сўзлардаги равий- “н” товуши.

Радиф мавжуд. “Бўлсайди кошки” радиф сўзи

Ушбу ғазал тузилишига кўра якпорадир. Боиси, ҳар бир байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байт билан изчил боғланган. Матлаъда бошланган мавзу мақтага қадар давом этган. Мақтанинг биринчи мисрасида “Навоий” таҳаллуси қўлланилган.

Ҳазрат Мир Алишер Навоийдан мерос қолган шу пайтгача ҳар хил тушунилиб, ҳар хил шарҳлаб келинган. Мумтоз шеърятда ғазал шоирнинг салоҳияти қўламини англатувчи асосий жанр ҳисобланган. Ҳар бир ижодкорнинг мақоми унинг ғазалчиликдаги маҳорат даражаси билан белгиланган. Шунингдек, девон тузишда ҳам ғазал алоҳида мавқе касб этган. Ўтмишда ғазал ёзмаган ижодкорнинг девон тартиб бериши мумкин бўлмаган. Ғазал дастлаб ишқий мавзуда ёзилган бўлса-да, кейинчалик унинг мавзу доираси кенгайиб борди ҳамда ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, мавъиза (панднасихат) ва ҳажвий ғазаллар юзага келди. Ғазал тузилишига кўра 4 мустақил турга ажралади: мустақил байтлардан тузилган (пароканда) ғазал; якпора ғазал; воқеабанд ғазал.; мусалсал ғазал. Маъно жиҳатидан эса орифона, ошиқона ва риндона ғазалларга бўлинади.

Навоийнинг ушбу ғазали бевосита ошиқнинг ёри озурда топган. Саломатлиғни шу ёримда бўлсайди деб айтади, у соғ бўлса бас, мен касал бўлсам ҳам майли дейди. Ўзининг жонини тинмағур деб атаган шоир ёрининг дардини ўзига олишини, унинг дарди шу жонида бўлишини хоҳлайди. Кейинги мисраларда эса касал бўлган ёрининг хол- аҳволи ҳақида сўйлайди. Шоир бу байтда ташбехдан фойдаланади. Ёрини қоматини найзадек деб таърифлайди. Бундай гўзал қоматли ёримни тўшакда нотавон аҳволда кўргунча, юз синон бу йиғловчи кўзларимда бўлсайди кошки дея таърифлайди.

Шоир байтдан байтга ўтар экан, сеvimли ёрида қаттиқ қайғуда эканлигини, унинг бу ҳолидан ташвишда эканлигини билдиради. Биламизки, кўз ёш оққанда инсонни юзида жилва қилади, шоир ҳам худди шу ўриндан усталик билан фойдаланган.

Оқувчи кўз ёшим ҳар ёнда жилвагар бўлгунча, шу жилва сарви хиромонимда бўлсайди кошки дейди. Ёрини эса сарви хиромон деб атаб, шу ўринда ҳам ташбеҳни қўллайди. Маъшуқа тимсолида эса бутун оламлар хожаси бўлган Аллоҳ назарда тутилади. Шоир бу байтларда ташбеҳ санъатидан унумли фойдаланган.

Шоирлушбуғазалдасўзларданусталикбилафойдаланганлигини кўришимиз мумкин. Шоир маъшуқасининг бу аҳволидан жуда эзилаётганлигини байтма-байт изохлаб беради. Кўзимга гар кипригим зиёнидан қадам босмас, бундай офат чакмоғи жонимда бўлсайди кошки дейди шоир 4-байтда. “Барку офат” сўзининг маъноси эса офат чакмоғи. Ёрига озор берадиган барча нарсаларни ўзининг жонида бўлишини хоҳлайди.

Шоирнинг оҳ у нолалари шу қадар бўладики, қани эди нолам ул ойга етсайди дейди. Ул ой дея шоир севгилисини назарда тутди. Пайваста ноламда жон ҳам бўлсайди кошки дея фиғон қилади шоир. Жон- жаҳони, бутун бору йўғи ёрига фидо бўлишини истайди.

Мақтада шоир ўзига мурожаат қилиб, агар сенинг умрингни сўраса, розисанми дема, сенинг бундай умрингдан юзтаси султонимда бўлсайди кошки. Бу умрим султонимга фидо бўлсин дейди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ғазалда ошиқнинг изтиробини, ўйлари тасвири берилган. Дардли ўй-кечинмалар ўқувчининг эътиборини тортмай қолмайди. Ошиқ севгилисининг бор дардларини ўзига олиб жонини фидо қилгиси келади. Ғазалда қўлланган турли ўхшатиш ва бадиий санъатлар ғазал мукаммал чиқишига хизмат қилган.



“Нечаким, ул ойга мендин меҳрибонроқ йўқ киши...”



Нечаким, ул ойга мендин меҳрибонроқ йўқ киши,
Яхши то қилсам назар мендин ёмонроқ йўқ киши.

Хасталар жонига ул бемор кўздин новаке,
Гар отарен билки, мендин нотавонроқ йўқ киши.

Оху хунобимни лаҳну бода қилмишсен гумон,
Дилраболар ичра сендин бадгумонроқ йўқ киши.

Аҳли ишқ озори жонин истабон тишлар лабин,
Мендин ушбу қиссада, озурдажонроқ йўқ киши.

Ёр этар эрмиш ватан беҳонумонлар кўнглини,
Шукр мендин кўйида беҳонумонроқ йўқ киши.

Хослар васл истагайлар, ваҳки, мен девонадин,
Ул парий кўйида беному нишонроқ йўқ киши

Эй Навоий, хурдаи назмингга ислоҳ истасанг,
Шохи Ғозийдин жаҳонда хурдадонроқ йўқ киши.

–V– – –V– – –V– – –V–

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзүф

Луғат

Хурда – майда, реза, зарра

Хурдадон - майда ва нозик нарсаларни билувчи, нозикфаҳм

Хос - 1) махсус, алоҳида; 2) мумтоз, энг яқин; 3) юқори табақа

Хуноб – қонли ёш, аччиқ йиғи

Новак - 1) камоннинг ўқи; 2) киприк

Лаҳн - овоз, куй

Беҳонумон - уй-жойсиз, ҳеч нарса

Насрий баён

Ул ойға мендан меҳрибонроқ киши йўқ, яхши назар қилсам,
яъни яхши қарасам мендан ёмонроқ киши йўқ.

Кўзидаги камондан ўқ узиб жонни хаста, бемоқ қилади. Агар ўқ отарсен, мендин нотавонроқ киши йўқ.

Менинг оҳимни бода ичгандан кейинги овоз деб гумон қиласан, дилраболар ичида сендан ёмон гумон қиладиган киши йўқ.

Ишқ аҳли жон озоридан лабини тишлайди, ушбу қиссада (масаалада) мендай жабрдийда йўқ.

Уйсизлар кўнглини ёр ватан этар эмиш, Ёрнинг кўйида мендек ҳеч нарсаси йўқ, уйсиз киши йўқ

Хос кишилар васл истайдилар, лекин мен девонадай, ул пари кўйида номсиз, нишонсиз киши йўқ

Эй, Навоий зарра назмингга (ижод маъносида) ислоҳ истасанг, Шоҳи Ғозийдан жаҳонда нозиктаъб киши йўқ

Шарҳ ва изоҳлар

Мазкур ғазал етти байтдан иборат. Мавзу ва ғоявий йўналиши нуқтаи назаридан ошиқона.

Қофияланиши: а-а, б-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, ҳ-а, и-а. Қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар: меҳрибонроқ, ёмонроқ, нотавонроқ, бадгумонроқ, озурдажонроқ, беному нишонроқ, хурдадонроқ

Қофия мутлақ қофия ҳисобланади.

Ғазалда ошиқ ўз маъшуқасига дил сўзлари битилган. Алишер Навоийнинг ишқ билан боғлиқ тасвирлари ранг-баранг ва бой бўлиб, бизунда инсон ҳаёти ва ҳолатининг чексиз кўп қирраларини – шодликни ҳам, ҳафачиликни ҳам, тақрорланмайдиган лаҳзаларни ҳам, ҳар кун, ҳар соатда юз берувчи кўнгилсизликларни ҳам кўрамиз. Зотан ўзбек шеъриятида инсон дарди ва ҳасратларини, ўз севгилисига талпинишларини Навоийдан ўтказиб ифодалаган шоирни топиш қийин. Алишер Навоийнинг ишқий мавзуда ёзган шеърларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, улардаги кўп ғоя ва тимсоллар, тасвирий деталлар анъанавий характерга эга. Шу билан бирга ишқ ва ишқий образлар талқинида ҳам бошқа мумтоз ижодкорлар каби Алишер Навоий рамзийликка кўп ўрин беради. “Ёр” – бу дунё гўзалигина эмас, унингча, бу –

бутун борлиқни яратган ва ҳамма нарсани ҳаракатга келтириб турган Аллоҳ ҳамдир. Шоир ўзининг тасаввуфий шеърларида ёрнинг қоши, кўзи, зулфи, сочи (ва ҳ.к.) деганда Аллоҳнинг куч-қудрати, меҳри, олий даражадаги гўзалликларини кўзда тутди. Алишер Навоийнинг барча лирик жанрларга оид шеърлари юксак маҳорат билан ёзилган бўлиб, инсон манфаатларига, унинг эътиқодини мустаҳкамлашга, руҳини соғломлаштиришга хизмат қилади. Унинг фалсафий, ахлоқий мазмундаги ҳаёт нафаси уфуриб турган ҳар бир шеъри бу жанрнинг ўлмас намуналаридир. Ҳазалда матладан бошланган мазмун мақтага қадар изчил давом этади. Ҳазал якпора шаклда ёзилган.

Мақтанинг иккинчи мисрасида “Навоий” таҳаллуси қўлланилган.

Алишер Навоийнинг лирик асарлари жамланган “Ҳазоин ул маоний” девонида икки ярим мингдан ортиқ ғазал бор. Шарқ адабиётида бирор шоирга бунчалик кўп ғазал ёзиш насиб бўлмаган. Аммо гап фақат сонда эмас.

Навоий қалбидан қуйилиб чиққан ғазалларнинг ҳар бири даҳо ижодкорнинг беназир санъати ва теран тафаккуридан гувохлик берадиган бадиий дурдона, мўжизадир. Бу бадиий миниатюраларнинг яратилганига беш асрдан ошди, лекин кеча ёзилгандай ҳамон руҳимиз, шууримизни ғалаёнга солиб, дилларга ҳаловат бағишлайди, ўқиган сари яна ўқигингиз, байтлар қатидаги сеҳрли ва сирли маъноларни теранроқ, тўлароқ англаб олгингиз келади.

Буюк ўзбек шоири салафлари ижодхонасида камолга етган кўҳна жанрнинг имкониятларини истифода этиб, бемисл маҳорат кўрсатиш, хазон билмас шеърий гулшанлар яратиш баробарида ўзи мустақил равишда янги ифода усулларини услублар ихтиро қилди, ижодий тажрибалар, улкан изланишлар йўлидан бориб, ғазал инкишофини баланд чўққиларга олиб чиқди. Навоий ушбу ғазалини бевосита маъшуқасини таърифлаш билан бошлайди. Ул ой дея истиора санъатидан моҳирона фойдаланган. Шоир маъшуқасига ўзидан кўра меҳрибонроқ киши йўқлигини ва айни дамда ўзидан ёмонроқ киши йўқлигини ҳам таъкидлайди. Шу байтда ажойиб тарзда тазод санъатидан фойдаланади.

Кейинги мисрада ошиқ аста – секинлик билан ўзининг дил изхорларини айта бошлайди. Ёрининг кўзини камонга киёслаб, шу камондан ўқ узиб, жонни хаста, бемор қилади. Агар ўқ отарсан, мендан нотавонроқ киши йўқ дея таърифлайди, яъни ўзини энг кўп жабр кўрган киши сифатида таърифлайди.

Яна маъшуқага мурожжаат этиб, менинг оҳимни эшит, уни бода ичгандан кейинги киши деб ўйласанг, дилраблар ичида энг ёмон гумон қиладиган киши сен экансанку дея таърифлайди.

Навоий 4-мисрада ишқ аҳли ҳақида сўз юритади. Ишқ аҳли жони озор топганидан лабини тишлайди дейди, бу борада эса мендан ўтадиган жабрдийда йўқ дея шоир ўзи ҳақида сўз юритади. Шоирнинг маъшуқасига бўлган ишқи, бу йўлда неларга тайёрлигини бирин-кетин таърифлай бошлайди. Ишқ туфайли қандай аҳволга тушганлигини ҳам шу мисралар орқали илғай олишимиз мумкин.

Кейинги мисрада шоир ўзини ғариб аҳволи ҳақида сўзлайди. Уйсизлар кўнглини ёр ватан этар эмиш, ёрнинг кўйида мендай ғариб, уйсиз киши бўлмаса керак дейди шоир. Чунки, унга ёри киё боқишни истамаяпти.

Шоир кейинги мисрада хос кишилар ҳақида сўз юритади, булар алоҳида кишилар ёки юқори табақа деган маънони билдиради. Хос кишилар васл истайдилар, аммо мендай ул пари кўйида номнишонсиз киши йўқ дея таърифлайди.

Мақтада Навоий тахаллусини қўлаган шоир зарра қадар ижодингга ислоҳ истасанг, шоҳ Ғозийдан нозиктаъброқ киши йўқ дейди.

Навоий шоҳ Ғозий деб бу ерда Хусайн Бойқарони назарда тутяпти.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, ушбу ғазалда ҳам шоирнинг чеккан машаққатларию, маъшуқасининг бевафолиги хусусида, унинг кўйида қандай ғариб аҳволга тушганлигию, лекин, барибир ундан воз кечмаслигини алоҳида таъкидлайди. Ушбу ғазал ҳам ишқ можароларига бағишланган.



“Соқиё, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай...”



Соқиё, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай
Шарт буким, ҳар неча тутсанг лаболаб сипқарай.

Бўғзима жоме куюб, қутқар гадолиғдин мени,
Ваҳ, неча бўғзум чекиб, бир журъа учун ёлборай.

Бир қадах май берсалар, ваҳ, ғояти ифлосдин,
Неча лаъли қийматий топқан гадодек олдарай.

Тортай ўзумни эваз, ким қилса эҳсон бир қадах,
Бу баҳона бирла ўзлукдин ўзумни қутқарай.

Важҳи май жон нақдию тан доғидур, эй муғбача,
Хилқатим ганжинасин юз қатла гар худ ахтарай.

Жонға еттим ақл васвоси била, тенгри учун,
Соқиё, жомимда афюн эски, ботроқ телбарай.

Эйки, дебсен ғайрдин айру келу чек жоми васл,
Гар бу хилватда Навоий маҳрам эрмас қайтарай.

–V– – –V– – –V– – –V–

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Афюн – кўкдори

Ахтармоқ – изламоқ

Ботроқ – тезроқ
Эваз – бадал
Ганжина – хазина, кон
Ифлос – муҳтожлик, бечоралик
Журъа – қултум
Лаболаб – лиммо-лим
Олдармоқ – довдирамоқ
Важҳ – сабаб, боис
Хилқат – яратилиш
Худ – ўзи, ўзгинаси
Ғайр – бегона

Насрий баён

Соқий бода тутки, бир лаҳзага ҳушимдан кетай
Шартим шуки, қанча тутсанг ҳам уни лиммо-лим қилиб сип-
қорай,

Бўғзимга қадахни қуйиб, мени гадоликдан қутқаргин
Э воҳ, бўғзимни неча бор қийнаб бир қултум учун ёлворай.

Бир қадах май берсалар, ғоятда муҳтожлигимдан
Қимматбаҳо тош топган гадодай довдирай.

Ким менга бир қадах (май) эҳсон қилса, унга ўзимни бадал
қилай

Шу баҳона билан аҳволимдан ўзимни ўзим қутқарай.

Май сабаби жон нақди-ю тан оғриғидир, эй муғбача
Яратилишим хазинасини гар юз хатто ундан ҳам кўпроқ
излай.

Ақл васвоси билан жонга етдим, тангри учун,
Соқий, қадахимда афюн (кўкдори) эзгинки, янада тезроқ
телба бўлай.

Дейсанки, ўзга ҳолингдан айрилгину васл қадах (май)ини ичгин

Агар шу хилватда Навоий бирга маҳрам эмас экан қайтай.

Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазал “Ғаройиб ус-сиғар” девони таркибига киради. Ҳазал 7 байтдан иборат. Мазкур ҳазални мавзу ва ғоявий жиҳатдан риндона ҳазаллар сирасига киритиш мумкин. Чунки ҳазалда соқий ва муғбачага мурожаат этилган байтлар ҳамда бода, қадах кабу тасаввуфий терминлар мавжуд.

Қофияланиши а-а, а-б, а-д, а-э, а-ф, а-г, а-ҳ кўринишда. Қофиядоҳ сўзлар:

борай, сипқарай, ёлборай, олдарай, қутқарай. ахтарай, телбарай, қайтарай.

Бу мутлақ қофия турига киради.

Қофиядош сўзлар таркибидаги равий “р” ҳарфидир.

Радиф мавжуд эмас.

Мазкур ҳазал тузилишига кўра якпорадир. Чунки ҳар бир байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байт билан изчил боғланган. Матлаъда бошланган мавзу мақтага қадар давом этган. Мақтанинг иккинчи мисрасида “Навоий” таҳаллуси қўлланилган.

Ушбу ҳазалда ошиқ ҳолати, унинг ишқ кўйида чекаётган ғам-қайғулари ва унинг дардига даво сифатида ўзи топган чораси байтлар силсиласида баён этилган. Ҳазалда қўлланилган соқий, муғбача, бода, жом каби тасаввуфий атамалар ушбу ҳазалнинг риндона ҳазаллар сирасига киришини кўрсатиб турибди. Тасаввуф таълимотидан маълумки, бода-май бу- Аллоҳга бўлган ишқ, жом эса ишқ жойлашган кўнгилдир. Ҳазал ошиқнинг соқийга мурожаати билан бошланиб, ўзининг ишқ боис қай ахволларга тушганлиги, нималарга тайёрлиги ва ошиқона иқрори ҳақидаги байтлардан ташкил топган. Навоий ҳазал асосида турган мазмунни тўлароқ очиб бериш мақсадида бадий санъатнинг энг гўзал намуналарига ҳам мурожаат этганлигини ҳазал таркибидаги бир неча мисраларда ҳам кўришимиз мумкин.

Ошиқнинг май (ишқ) талабида ҳатто ўзини бадал қилиши муқаррарлиги таъкидланган 4-байт бевосита ошиқ рухий ҳолатининг нақадар аниқ ифодаланганлигини кўрсатиб турибди. “Бир қадаҳ май”ни топган ошиқнинг қимматбаҳо тош топганидан хусанд бўлган ғоятда муҳтож гадога, унинг довдирашига ўхшатишган тасвири шубҳасиз, ғазал мазмунини бойитган шоирона ўхшатишдир.

Назора БЕКОВА



“Бўлғай эрди юз туман, минг ранжу меҳнат кошки...”



Бўлғай эрди юз туман, минг ранжу меҳнат кошки,
Бўлмағай эрди балову дарди фурқат кошки.

Елдек айларда ҳаво сайр эткали жисмим хасин
Ўртағай эрди уруб бир барқи офат кошки.

Хосият чун телбараб сахроға юзланмак эмиш,
Тутмағай эрдим парийлар бирла улфат кошки.

Офият кунжин, дедим, истай бузулдум бир йўли,
Кўнглум ичра кечмағай эрди бу ният кошки.

Юз ғариб аҳвол бекасликда ҳар дам бор эмиш,
Ўтмағай эрди тилимга лафзи ғурбат кошки.

Жилва қилгунча тилаб товус янглиғ ганжи зеб,
Чугз янглиғ тутқай эрдим кунжи узлат кошки.

Ёрдин эл рашкидин бўлдум жудо, бўлғай эди
Илтифотин ғайр ила кўрмакка тоқат кошки.

Демаким, жон эт фидо аҳбоб ила топқач висол,
Эй Навоий, умр бергай онча муҳлат кошки.

–V– – –V– – –V– – –V–
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Аҳбоб – севимлилар, дўстлар
Барқ – қаттиқ, маҳкам
Кунж – бурчак, зовия
Офият – соғлиқ, тинчлик
Ранж – машаққат, меҳнат, заҳмат
Туман – ўн минг
Узлат – чекиниш, яккалик
Хосият – махсус сифат, хусусият
Чуғз – бойқуш

Насрий баён

Кошки эди юз, ўн минг машаққат, меҳнат бўлса ҳам, айри-
лиқнинг дарди балоси бўлмаса эди.

Шамолда ҳавони сайр этаётганда бр хас қаттиқ офат уриб,
жисмимни ўртаса эди кошки.

Сахрога телбаланиб юзланиш бир хусусиятим учун, парилар
билан улфат бўлмасайдим кошки.

Тинч жойни истадиму бир йўла бузилдим, кошки кўнглимда
шу ният бўмасайди.

Ёлғизликда юз ғариб (бечора) аҳвол бўлиш ҳамиша бор экан,

Кошки тилимга кимсасизлик сўзи келмасайди, яъни ёлғиз
қолмасайдим.

Товусдай порлаб кўринишини тилаб, кунжи узлат (ёлғизликда)
бойқуш каби тутсайди кошки.

Ёрни элдан рашк қилиб ундан жудо бўлдим,

Унинг ўзгаларга илтифотини кўрмоққа тоқатим бўлсайди
кошки.

Дўстлар билан висолга етгач жонни фидо эт, дема,
Эй Навоий, шунча муҳлат умр берсайди кошки.

Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган. Ҳазал 8 байтдан иборат. Ушбу ҳазал мавзу ва ғоявий жиҳатдан ошиқона ҳазаллар сирасига киради. Сабаби унда ошиқнинг ҳолати, маъшуқага бўлган ишқи, муҳаббати тараннум этилади.

Қофияланиши: а-а, б-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, х-а, и-а. Қофияланишига кўра оддий ҳазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар:

меҳнат, фуқрат, офат, улфат, ният, ғурбат, узлат, тоқат, муҳлат.

Бу муқайяд қофия турига киради. Қофиядош сўзлар таркибидаги равий “т” товушидир.

“Кошки” сўзи ҳазалда радиф бўлиб келган.

Ушбу ҳазал тузилишига кўра якпорадир. Боиси, ҳар бир байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байт билан изчил боғланган. Матлаъда бошланган мавзу мақтага қадар давом этган. Мақтанинг иккинчи мисрасида “Навоий” тахаллуси қўлланилган.

Навоий қаламига мансуб ушбу ҳазал ҳам унинг ишқ мавзусидаги қарашлари, ошиқнинг аҳволу хусусиятлари баёни билан аҳамиятли. Шоир ишқ борасидаги ҳижрону висолнинг қийматини биринчи байтданок солиштира бошлаганини кўриш мумкин:

“Бўлғай эрди юз туман, минг ранжу меҳнат кошки,

Бўлмағай эрди балову дарди фуқрат кошки”.

Ошиқнинг фуқрат дардидан кўра минг машаққатга-да чидашга розилига баён этилган мазкур мисралар мазмуни байтда қўлланилган таносиб ва тадриж санъатлари орқали янада таъсирли ифодаланган.

Ҳазалда асосий мазмун радифга юклатилганлиги байтлар маъносини таҳлил қилибборган сари янада ойдинлашади.

5-байтда шоир ошиқнинг бекаслиқда умри ғариб ўтиши тайинлиги иқрорини келтириб, унинг тилидан ғурбат лафзи чиқмаслигидан умидворлигини ёзади. Айнан ғариб, бекаслиқ,

ғурбат сўзлари орқали байтда таносиб санъатидан унумли фойдаланилган.

Ғазал бегона байтида ёрнинг ўзгаларга қилган илтифотига тоқат қилолмаган ошиқ, рашк боисидан ёримдан жудо бўлидим дея тушкунликка тушганлиги ифода этилган. Мақтада Навоий ўзига мурожаат қилиб, жоннинг висолга етгач фидо этилмоғи учун умр муҳлати озлиги ҳақида фалсафий қарашини баён этади

Назора БЕКОВА



“Хуштурур гулгун қадаҳ давринда гулбарги тари...”



Хуштурур гулгун қадаҳ давринда гулбарги тари,
Хосса байрам аввали бўлган дағи гул охири.

Ҳар варақ бир номайи ишратдурур фаҳм айлагил,
Тонг елидан абтар ўлмастин бурун гул охири дафтари.

Ғунча худи бирла гул қолғониға етти шикаст,
Бўлғали пайдо сариғ савсаннинг олтун шашлари.

Гул адам шомига юзланган учун занбақ гули,
Бор кумуш машғал доғию хурдалардур ахгари.

Лола қон узра бўялиб, ўт узра анбар қўюб,
Бор парийхон, чиқмаган ғойиб чечаклардур парий.

Нилуфар тутмиш сипехри ложувардий ҳайъатин
Жолалар юзинда андоқким нужуми ахтари.

Ўпса лаълингни Навоий санга хуш келмас, вале
Хуштурур гулган қадаҳ давринда гул барги тари.

-V-- -V-- -V-- -V-

фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Гулгун - пушти ранг

Давр - 1) айлана, теварак; 2) айланиш; 3) замон, вақт

Хоса - 1) махсус; 2) хусусан, айниқса, ҳулоса

Абтар - 1) юлук, бузук, паришон нотавон; 2) бахтсиз

Худ - 1) узун учли қалпоқ; 2) албатта, ҳақиқатдан; 3) ёлғиз,
биргина

Шашпар - тўқмоқ

Адам - йўқлик

Занбақ - пиёзгул

Хурда - майда, зарра

Ахгар - қизариб ёниб турган олов, лаҳжа чўғ

Авбар - хушбўйлик

Сипехр - осмон, осмон гумбази, фалак

Хайъат - 1) шакл, сурат, кўриниш; 2) фан

Жола - 1) дўл; 2) шудринг; 3) ёш, кўз ёши

Нужум - юлдузлар

Ахтар - юлдуз

Насрий баён

Пуштиранг қадаҳ атрофидаги гулбарг ёқимлидир, Байрамнинг боши ва охири гул бўлгай.

Хар варақ бир ишрат номасидир фаҳм айлагил, тонг елидин паришон бўлмасдан олдин гул дафтари.

Гунча учидан гул қалқонига шикаст ети, Сарик савсаннинг олтин тўқмоғи пайдо бўлди.

Гул йўқлик шомига юзлангани учун ҳам пиёзгулда зарра чўғ излари бор.

Лола қонга бўялди, анбар ўт ичида куйди, Эй парихон гуллар олдига бор, чунки гуллар ичидан парихон чиқмади.

Нилуфар ложувард фалак суратини тутган, Шудринглар эса унинг юзидаги юлдузлар юлдузидек.

Навоий лабингдан ўпса санга хуш келмас лекин, гулгун қадах теварагидаги гул барги хушдур.

Шарҳ ва изоҳлар

Бу ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” достонидан ўрин олган. Ғазал етти байтдан иборат. Мавзу ва ғоявий йўналиш нуқтаи назаридан ошиқона ғазаллар сирасига киради.

Бу ғазал ўзига хос тарзда ёзилган. Унда ошиқ, машуқа сўзлари тилга олинмаган. Бир ўқишда ғазал табиат ҳодисаларига бағишлангандай туюлади. Унда гуллар хусусан, лола, нилуфар ҳақида сўз боради. Ғунчанинг очилишини шоир гулнинг қалқонига шикаст етиш дея таърифлайди.

Нилуфар гулидаги шудринг томчиларини эса юлдузларга ўхшатади.

Бу ғазалда шоир бадий санъатлардан ниҳоятда моҳирлик билан фойдаланган. Ғазалнинг биринчи байтида таносиб санъати қўлланган. (Бу санъатни гул ва гулбарг сўзлари ҳосил қилган)

Иккинчи байтда истиора санъатидан фойдаланилган.

Учинчи байтда “гул қалқони”, тўртинчи байтда “адам шоми” истиора санъатини ҳосил қилган.

Ғазалнинг кейинги байтларида ҳам истиора санъатидан жуда чиройли ва ўринли фойдаланилганлигини кўришимиз мумкин.

Ғазалнинг қофияланиши:

а-а, б-а, д-а, е-а, ф-а, г-а, ҳ-а.

Қофияланишига кўра оддий ғазал. Байтлардаги қофиялар қуйидагилар: тари, охири, дафтари, шашпари, ахгари, ахтари

Бу мутлақ қофия турига киради.

Қофияга олинган сўзларда равий “р” товушидир.

Ғазалнинг радифи йўқ.

Матлаънинг биринчи мисраси тезис характерида бўлиб, унда шоирнинг асосий фикри мухтасар ифода этилган. Иккинчи мисра эса ғазалнинг асосини ташкил этган ана шу таянч фикрни замон ва макон жиҳатидан конкретлаштиради. Гулгун май тўлдирилган

кадаҳ теварагида яшнаб турган гул япроқларининг бўлиши ниҳоятда ёқимли. Бу нарса, хусусан, қизил гул мавсумининг охири-ю ёз фаслининг бошланишида («байрам» сўзи бу ерда кенг маънода бўлиб, фақат хайит маъносида эмас, умуман фаровонлик фасли бўлмиш ёзни ҳам ўз ичига олади) ўзгача наъза бахш этади. Шоир кейинги байтни ўз фикрини оригинал истиоравий тасвир воситасида далиллашга бағишлайди: сен ана шундай жозибали ва айни замонда, муваққат фурсатни ғанимат бил. Зотан, идрок этган киши учун гул бамисоли ҳар бир варағи ишрат номасидан иборат бўлган бир дафтар.

Тонг ели ана шу нозик дафтарни барбод қилиши, шубҳасиз. Бинобарин ана шундай ғанимат айёмни беҳуда ўтказиш бу ғофиллик. Кейинги байтларда шоир ўз фикрини далиллар асосида шарҳ этиш учун конкрет тасвирга ўтади. Кейинги тўрт байт ана шу конкрет фаслнинг (қизил гул даврининг тугаши) энг характерли жиҳатларини намоёиш қилишга қаратилган. Натижада ҳар бир байт тамсилий характердаги лирик лавҳага айланган. Қаранг: сариқ савсаннинг «олтин гурзиси» (пайдо бўлиши очилиши) ғунчанинг учли жез қалпоғи билан гулнинг қалқонига шикаст етказди (3- байт). Қизил гул йўқлик шомига кирганлиги учун занбақ гули (пиёз бўтали, барглари узун сафсаргул) бамисоли ўша шомдаги кумуш машъалга ўхшайди (4-байт). Лола эса қонга бўялган ҳолда олов устига анбар (қора доғларига ишора) сепаётган парихон (5-байт). Нилуфар тўқ кўк тусли осмон суратига кирган. Унинг юзидаги шудринглар эса бамисоли осмон саҳнидаги юлдузлар. Шоир қизил гулнинг инқироzi давридаги гуллар олами учун характерли бўлган манзаранинг энг характерли жиҳатларини танлаб олиб, истиоравий тасвирини беради. Лекин бу ғазалда шоирнинг мақсади табиат манзарасининг оддий тавсифини бериш эмас. Ғазалда манзара тавсифи билан шоирнинг мулоҳазаси ёнма-ён боради. Ундаги ҳар бир детал муайян функсияга эга бўлиб, шоирда ўзига хос ассотсиатсия уйғотади ва шоир мулоҳазаларининг барчаси унинг биринчи байтдаги хулосавий фикрини ҳамда иккинчи байтдаги даъватини қувватлашга хизмат қилади. Шундан кейин шоир бутун тасвирни якунлаб, умумий хулоға ўтади. Маълумки, шоирнинг асосий ғояси ва, умуман, ғазал марказида турган хулоса тарзидаги фикри

биринчи мисрада тезис сифатида берилган эди. Ҳазал хулосасида эса ана шу фикр яна такрорланади. Лекин оддий такрор сўнгги байтни шеърнинг олдинги узвидан ажратиб қўйиши ва тасвирдаги мантиқий изчилликка путур етиши мумкин. Мантиқий такрор учун эса сабаб керак. Шу мақсадда шоир тасвирни маъшуқа билан боғлайди: Навоий лаълдек қизил лабингни мақтаса, сенга у қадар хуш келмайди. “Хуштурур гулгун қадах давринда гул барги тари”.

Бу фикрнинг исботи, шарҳи эса олдинги байтларда батафсил келтирилган. Шоир асосий фикр, ғояни тезис сифатида бериб, кенг изоҳлаш ҳамда уни яна хулоса тарзида таъкидлаш ва бунда мантиқий изчилликни сақлаш учун катта маҳорат кўрсатган. Шеъринг санъат сифатидаги мисра ҳар иккала байтда айнан бўлса-да, лекин уларнинг ҳар бири мансуб бўлган байтлардаги фикрий ва услубий муҳитлар бир-биридан тафовут қилади. Биринчи байтда поэтик фикр тўғридан-тўғри баён қилинган бўлса, мақтада энди истиоравий характерга эга. Яъни бу ердаги “гул барги тари” иборасида маъшуқанинг лаълига қизил лабига ишора ҳам бор. Демак, шеърнинг бошида умумий тезис сифатида келган мисрага шеърнинг хулосасида, дастлабки маъносини сақлагани ҳолда, янги вазифа юклатилган.

Демак, шоир ўзининг асосий ғояси, фикрини таъкидлаш учун уни айнан такрорлаш йўлидан бормайди, балки унинг янги қирраларини намоён қилиш ва янгича фикрий услубий вазият яратиш орқали ўз муддаосига эришади. Ҳазалнинг семантик композитсияси, бизнингча, уч қисмдан иборат: Булар тезис ва ундан чиқадиган хулоса (матлаъ ва мақта) ҳамда ана шу тезиснинг исботи шарҳидан иборат. Ҳазал асосидаги бош фикр бир пайтнинг ўзида ҳам тезис, ҳам хулоса сифатида келган. Бу, албатта, мазкур ғазалнинг характери билан боғлиқ ҳодиса. Чунки ғазалнинг бош томони тўғридан-тўғри мулоҳаза фикр баёни билан бошланади ва кейинги байтларда ассотсиатсия асосий позицияни эгаллайди. Охириги байтда тасвир яна дастлабки ҳолига қайтади. Тасвирнинг характери турлича бўлган шеърларда бу санъатни (гарчи асосий функцияси ўзгармаса-да) конкрет функцияси билан боғлиқ моҳияти турлича бўлиши мумкин.

Назора БЕКОВА



“Севунгил, эй кўнгул, охирки жисминг ичра жон келди...”



Севунгил, эй кўнгул, охирки жисминг ичра жон келди,
Кувон, эй жони маҳзунким, ҳаёти жовидон келди.

Сафардин ул парий ети, мени маҳзунни шод этти,
Кўнгулдин эски ғам кетти, тан ичра янги жон келди.

Хирад, йиғ бу масофингни, таҳаммул, қўй газофингни,
Вараъ, тарк айла лофингники, ошуби жаҳон келди.

Дамеким андин айрилдим, кўнгулни ҳамраҳи қилдим,
Бугун келди кўнгул, билдимким, ул номехрибон келди.

Келибтур ёшурун ул шах, мени мажнун эман огаҳ,
Парий эрмас эса бас, ваҳ, нечук кўздин ниҳон келди.

Фалак боқти фиғонимга, ажал раҳм этти жонимга,
Хазонлиғ бўстонимга гули боғи жинон келди.

Муғанний бир навойе туз, Навоий нағмаёе кўргуз,
Аёқчи, томса тут тўққузки Доройи жаҳон келди.

–V– – –V– – –V– – –V–
фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун
рамали мусаммани маҳзүф

Луғат

Маҳзун - ғамли, қайғули, хафа
Жовидон - абадий, доимий

Хирад - ақл, фикр, зеҳн

Масоф - 1) жаннат майдони; 2) жанг, уруш; 3) аскар сафи

Таҳаммул - тоқат, сабр, чидам

Вара - ман қилинган ишлардан чекиниш, парҳезкорлик

Жинон - жаннатлар

Нағма - 1) оҳанг, куй; 2) сайраш

Насрий баён

Эй кўнгил, севингил охири жисминг ичра жон келди, эй қайғули жон қувонгил, абадий ҳаёт келди.

Сафардан ул парий келиб мен маҳзунни шод этдикўнгилдан эски дард кетиб, тан ичра янги жон келди.

Эй ақл жаннат майдонларини йиғиштир, сабр-тоқат ғазо-фингни қўй, парҳез эрмагингни тарк этгинки жаҳонга фитна солувчи келди.

Ундан айрилдим, кўнгилни маҳрам қилдим дема, Бугун кўнгил келди, билдимки у номехрибон келди.

Ул шоҳ яширин келибдур, мен мажнун эса бундан огоҳ эмасман, Парий бўлмаса нима учун кўздан яширин келади.

Фалак фиғонимга боқди, ажал жонимга раҳм этди, Ҳазонли бўстонимга жаннат боғининг гули келди

Муғанний қўшиқ туз, Навоий рақсга туш, Соқий, қадахда шароб тутки, Жаҳон Дороси келди.

Шарҳ ва изоҳлар

Бу ғазал етти байтли. Мавзу ва ғоявий йўналиш нуқтаи назаридан ошиқона ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Чунки ғазалда ошиқнинг машуқага бўлган севгиси тараннум этилади.

Ошиқ ўз машуқасини шу даражада кутганки унинг келишини танга жон келишига ўхшатади. Машуқанинг ташрифи ошиқ қалбидан эски дардларни кетказиб, унга янги ҳаёт бахш этгандай бўлади.

Ғазалнинг бешинчи байтида шоир ўз кечинмаларининг кулминатсиясига чиқади ва машуқасининг келишини парийнинг ке-

лишига ўхшатади. (Парий бўлмаса не учун кўздан яширин келади дейди) Бу ерда парийларнинг ўзга кўринмаслиги ва машуқанинг ҳам ошиққа ҳусн кўрсатмаслиги бир бирига ўхшатиляпти.

Олтинчи байтда ошиқ ўз машуқасини “жанат боғининг гули” дея таърифлайди. Еттинчи байтда эса машуқанинг келишини Эрон подшоларидан бири Доронинг келишига тенглаштиради.

Ҳазалда қўлланган санъатлар:

Ҳазалнинг биринчи байтида нидо санъати қўлланган. (Эй кўнгил, эй жон сўзлари ҳосил қилган)

Иккинчи байтда тазод санъатидан моҳирлик билан фойдаланилган. Байтнинг биринчи мисрасидаги маҳзун ва шод сўзлари, иккинчи мисрадаги эски ва янги сўзлари тазод санъатини юзага чиқарган.

Учинчи байтдаги “эй ақл” бирикмаси ҳам нидо санъатини ҳосил қилган

Бешинчи байтдаги “шоҳ ва мажнун”, сўзлари тазодни, олтинчи байтдаги “ошуби жаҳон” бирикмаси эса истиора санъатини ҳосил қилган.

Еттинчи байтда таҳмел санъатидан моҳирона фойдаланилган.

Ҳазалнинг қофияланиши:

а-а, б-а, д-а, е-а, ф-а, г-а, ҳ-а.

Қофияланишига кўра оддий ҳазал бўлиб, байтдаги қофиялар қуйидагилар:

Жон, жовидон, жаҳон, номехрибон, ниҳон, жинон, доройи жаҳон.

Бу муқайяд қофия турига киради.

Қофиядош сўзлардаги равий: “н” товушидир.

Радиф: “келди” сўзидир.

Алишер Навоий қўлига қалам ушлаган ҳар бир киши сўзининг маънили бўлмоқлигига жидду жаҳд қилиши лозимлигини, ўз устида тинимсиз ишлаши кераклигини доимо таъкидлаб келган. Умуман олганда, Навоий истеъдодсиз қаламкашларга нисбатан ўта танқидий муносабатда бўлган. Ҳатто баъзи тарихий манбаларда бунга далолат қилувчи бирмунча латифанамо парчалар ҳам учрайди. Масалан, Хондамирнинг “Макоримул ахлоқ”

асарида айтилишича, Навоий Осафий деган шоирга ўз устида кам ишлаётганлигини айтиб танбеҳ берганида Осафий: “Ҳозирги фурсатда борган сари кўпроқ шеър айтишга машғул бўлаётирман. Масалан, ўтган кеча икки пуллик шам ёниб битгунича икки юз байт айтдим”, – дейди. Шунда Навоий: “Демак у тизмаларингизнинг ҳар юз байти бир пул эканда”, — деб жавоб қилган экан. Бу билан шоир нозик қочирим орқали шеър ҳажман қанча катта бўлса ҳам, агар у маънавий ва бадиий жиҳатдан саёз бўлса унинг баҳоси арзимасдир демоқда.

Алишер Навоийнинг ўзи сўз айтишдан мақсад маъно бўлиши керак эканлигини талаб қилар экан, ёзганларида бирор маъно-мазмун бўлмасада, ўзларини аҳли маъни деб даъво қилувчи кимсаларни қаттиқ маломат қилади:

Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Носара маъни-ю адо нодуруст.

Борчасига даъвийи маънийи хос,
Хосларим топмай алардин халос.

Навоий шеърни Чин гўзалига ўхшатади. Шоир бу гўзални шоирона истеъдоди билан баланд бир мақомга кўтариб қўйган бўлса-да, лекин ўзларини шоир деб атовчи бир гуруҳ жафокорлар бу гўзални ғорат қилиб, ўзини эса бедодлик билан асир олиб йиғлагудек аҳволга соладилар. Шоир кийдирган гўзал либослар ўрнига эски шол ёпадилар, яъни шеърни ҳам маънавий, ҳам бадиий гўзалликларидан маҳрум қиладилар.

Назора БЕКОВА



“Икки ҳамдамким, эрур май базм аро ҳамдамлари...”



Икки ҳамдамким, эрур май базм аро ҳамдамлари,
Топмасун биздин малолат хотири хуррамлари.

Ою кунким базм тузгайлар фалак хиргоҳида,
Зарраи саргаштадин не бўлғусидир ғамлари.

Гул била насринки, чеккай бода наргис жомидин,
Зулм эрур воқияки, булбул бўлмағай маҳрамлари.

Чуғздин рам айласа не айб дуррожу тазарв,
Хосса бўлса мастлиғдин ўзгача оламлари.

Эй табиб, ўлгумдурур гўёки ушбу кечадин,
Заҳмлиқ кўнглума ўқдек санчилур марҳамлари.

Эй муғанний, бўлма ғофилким, забони ҳол ила,
Навҳа айлайдур менинг ҳолимға созинг бамлари.

Кечалар афлок невчун ёш тўкар кийиб қора,
Бўлмаса мискин Навоий ҳолиға мотамлари.

—V— — —V— — —V— — —V—

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Ҳамдам – суҳбатдош, улфат, бирга юрувчи дўст
Малолат – малоллик, андуҳ, ғам, ғусса, азият

Хиргоҳ – 1) чодир; 2) манзил; 3) хиргойи
Саргашта – сарсон, овора, саргардон, паришон
Насрин – оқ хушбӯй гул
Бода – май, шароб
Жом – қадах, май пиёласи, шароб қадаҳи
Маҳрам – сирдош, улфат, ҳамдам
Марҳам – малҳам, даво
Чуғз – бойқуш, бойўгли
Рам – чўчиш, ҳуркиб қочиш
Дуррож – қирғовул, бедана
Тазарв – тустовук, қирғовул, товус
Заҳмлик – 1) ярали, жароҳатли; 2) аламли, изтиробли; 3) ошиқ
Муганний – мутриб, созанда, ашулачи, хонанда
Ғофил – ғафлатда қолган, билмай қолган, беҳабар
Навҳа – йиғи-сиғи, нола, мунгли йиғи
Бам – мусикадаги садо
Афлок – фалаклар, осмонлар, осмон қаватлари

Насрий баён

Икки дўст борки, базм аро улфатлари майдир, хотири хуррам-
лари биздан азият чекмасин.

Ою кун осмон чодирода базм тузарлар, овора заррачалардан
нима ғамлари бўлсин.

Гул билан насрин наргис қадахидан май чекарлар, воқелари
зулмдир, булбул дўстлари бўлмас.

Дуррожу товус бойқушдан чўчиб қочса не айб, мастликдан
ўзгача оламлари хосса бўлса.

Эй табиб, ўлгумдур, гўёки бу кеча малҳамлари ҳам яраланган
қалбимга ўкдек санчилмоқда.

Эй созанда, беҳабар бўлмаки, забони ҳол ила мусиқанг
садолари менинг бу ҳолимга мунгли йиғлайдир.

Кечалари фалаклар нечун қора кийиб йиғлайди, бечора
Навоий ҳолига мотамлари бўлмаса.

Шарҳ ва изоҳлар

Мазкур ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган. Анъанавий етти байтдан таркиб топган. Мавзу ва ғоявий йўналиши жиҳатидан ошиқона ғазал. Боиси ғазалда ошиқнинг нолаю фиғонлари акс этган. Ғазалда маъшуқа бевосита иштирок этмайди, у ҳақида ошиқ тилидан баён этилади.

Қофияланиши а-а, б-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, ҳ-а. Қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтларда қўлланган қофиялар куйидагилар: ҳамдамлари, хуррамлари, ғамлари, маҳрамлари, оламлари, марҳамлари, бамлари, мотамлари.

Қофия турига кўра мутлақ қофия қўлланилган.

Қофиядош сўзлардаги равий – “м” товуши.

Радиф қўлланилмаган. Ғазалдаги асосий фикр қофия зиммасига юкланган. Тузилишига кўра якпора ғазал. Ҳазратнинг таъбирича айтсак, бир байт мазмуни висол баҳорида, яна бири фироқ хазонида.

Ғазал сўнгида – мақтанинг иккинчи мисрасида “Навоий” тахаллуси қўлланилган.

Ўзбек классик шеърияти сирларга тўла бир оламдир. Бу оламнинг тагига етдим деган киши хатога йўл қўяди. Бу бепоён осмонни қучмоққа уриниш билан баробардир.

Қолаверса, у ёки бу шоир ижодининг, айрим ғазалнинг талқии ҳамиша ҳам бир киши томонидан айтилган фикр, яъни хусусий фикр бўлиб қолаверади. У бизга ёқиши ҳам, ёқмаслиги ҳам мумкин. Умуман олганда эса, буюк шеъриятимиз айниқса Алишер Навоий ижодини ўрганишга интилоқ зарур, мураккаб, аммо марғуб ишдир.

Улуғ Навоийнинг ҳар бири бир жаҳон маъно, бир олам ҳис тўйғу ифода қилгучи байтларини такрор-такрор ўқиб ҳар сафар кўнглимиз сурур ва ҳаяжон билан тўлади, ҳар сафар бу олмос сатрларнинг янги қирраларини кашф қиламиз, янги-янги маъно товланишларини кўриб ҳайратланамиз.

Навоий байтлари бизнинг ҳаётимизга болаликдан, дастлабки ўқиш китоблари билан кириб келади. Биз илк бор буюк шоирни донишманд муаллим сифатида таниймиз, “олим бўлсанг, олам

сеники” деб айтган устоз сифатида ўрганамиз. Сўнг ўсмирлик, йигитлик фаслида бизга Навоий муҳаббат, вафо дарсини беради.

Ёниқ ишқий байтларни ён дафтаримизга кўчириб ёзамиз, илк севги мактубларига кўшиб битамиз. Вақт ўтиши билан буюк Алишер кўз олдимизда файласуф сифатида намоён бўлади, бизга ҳаёт дарсини ўргатади, унинг севинч ва андуҳлари, завқу жафоларини сўзлаб дунё ҳақидаги тасаввур доирамизни кенгайтиради.

Мазкур ғазал лирик қаҳрамоннинг икки ҳамдамнинг жам хотирига азият етказишдан чўчиётган ҳолатини ифодалашдан бошланган.

Кейинги байтда уй, кун, фалак, зарра қиёслари орқали таносиб санъатидан фойдаланган. Шу билан бирга маънолари зид келиши жиҳатидан тазод санъатини ҳам юзага келтирган десак адашмаймиз. Ою кун фалак чодирда базм қилгувчига саргардон зарралардан нима ҳам ғам бўларди.

Кейинги байтда ҳам гул, наsrин, наргис сўзлари таносиб санъатини юзага келтирган. Мазкур байтгача Навоий бода яъни май тимсолидан фойдаланди. Ўз-ўзидан аёнки, Навоий зикр этган май биз тасаввур қилган ёхуд билган ичимлик эмас.

Шоир сира ҳам буни назарда тутмаган. Билъакс, ўта тақводор ва покдомон бўлган Навоий замонасининг ишратпараст, майхўр кишиларини қаҳру ғзаб билан танқид остига олиб, шаробни «уммул чабоис», яъни барча ёмонликлар, фалокатлар онаси деб эълон қилган.

“Ҳайрат ул-аброр” достонида бўлса, бадмастларнинг масхара-ли ҳажвий қиёфасини яратиб, уларни элга шарманда этган. Ушбу ғазалда шоир майни илоҳий ишқ – маърифат, дониш иштиёқининг авжи қиёми, Ёр жамоли мушоҳадасидан ошиқ дилида пайдо бўлган кучли завқ – илҳомнинг, беҳад хурсандлик, сурурнинг рамзий ифодачиси сифатида қўллаган. Хумор бўлиш, майпарастлик ҳам бу ерда шунга мувофиқ. Бу буюк нур чашмасидан ҳузурланиш, висол беҳудлиги, ҳаёт табиат зеболиги ҳамда ақл ва тафаккур етмайдиган, аммо кўнгил билан ҳис этиладиган Мутлақ руҳ мўъжизоти жилвасидан баҳрамандлик ва шунга талпиниш сархушлигидир. Чунки Навоий эътиқод қўйган фалсафий таълимотга биноан, олам азалий ва абадий ягона

руҳнинг ўз-ўзини севиб, ўз жамолини томоша қилиш истагидан пайдо бўлган кўзгудир. Бирламчи қудрат порлашидан таралган нур бу кўзгуда акс этади, яъни моддий дунёдаги жамики мавжудот ва маҳлуқот – заррадан қуёшгача, еру кўк, собуту сайёра шу иур билан ёритилади, шу нур туфайли ҳаракатланади, муайян уйғунлик ичра ривожланиб туради. Бу илоҳий тажаллини шоирлар май тимсолида қабул қилганлар. Моддий дунё эса, шу тасаввур бўйича, жом ёки қадахдир.

Дунёнинг ранго-ранг товлаишлари, ўзгариш, янгилаишлар, табиатнинг турфа сиру асрори, ҳодиса-ашёлари, баҳорий уйғониш, чунончи, дарахтларнинг кўкариб, гуллаб мева боғлаши, дашту даранинг ўт-ўлан билан қопланиши, қушлариинг маст бўлиб сайраши, борингки, ҳаётнинг барча нашъу намоси, гуркираб кўринган иафосат тўфони шу май уммонининг мавжланиши, кўпириши деб тушунтирилган. Инсон ҳам мазкур кўзгунинг бир бўлаги, лекин руҳи мутлақ энг кўп акс этган ҳилқат. Чунки у холиқиятнинг сарвари ва ганжи гавҳари, яъни “икки олам истеъдодиингжамулжами” (Бедил). Инсон руҳи шу боистинимсиз равишда ўз манбаига қараб интилади. Бу интилиш дунёнинг ўзини идрок этиш ва ўз-ўзини англаб етиш орқали содир бўлгани сабабли инсон олам ҳодисалари гўзаллигини мушоҳада этиб, чексиз ҳайратланади. Ҳайрат эса ашё-ҳодисаларни билиб олиш қизиқишини кучайтиради. Шу тариқа, киши моҳият-ҳақиқатни билиш иштиёқи билан ёниб, борган сари кўпроқ ташвиш-тараддудда бўлади. Инсоннинг бутун ҳаётий фаолияти, ижод ва яратувчилик қобилияти, кашфу каромати ва файзу фазилатлари шу ишқнинг қудрати деб талқин этилган.

Кейинги байтда чўғз, дуррож, тазарв каби қушлар ҳам таносиб санъатини, ҳам мантиқан зидликни таъминламоқда.

Кейинги байтда Навоий табибга мурожаат қилади, гўёки бу кеча ўларман, чунки ҳатто малҳам ҳам яраланган қалбимга ўқдек санчилмоқда.

Мурожаат кейинги байтда ҳам давом этади, энди ҳазрат муганний – созандага мурожаат қилади, ғофил бўлма эй чалғувчи, мусиқанг садолари ҳолимга мунгли йиғлайди.

Мақтада Навоий ўз таҳаллусини қўллайди ва ғазални мискин Навоий ҳолига мотамлари бўлмаса, нечун кечалари фалаклар

қора кийиб йиғлайди деган сўроқ билан, ўзгача ташбеҳ билан
яқунлайди.

Назора БЕКОВА

“Юз урма ҳар тараф, эй шўху зор қилма мени...”

Юз урма ҳар тараф, эй шўху зор қилма мени,
Қарор тут нафасе, беқарор қилма мени.

Кўзумни шамъи жамолинг фуруғи бирла ёрут,
Тонг откуча кечалар ашкбор қилма мени.

Худой учун яна ҳар сари беҳабар борма,
Фигону нолада беихтиёр қилма мени.

Тараххум айлагил, эй ихтиёрсиз нола,
Дамо-дам эл ичида шармсор қилма мени.

Хаёт ранжи, ўлум ёди саъб эмиш, соқий,
Бу дайр ичинда даме хушёр қилма мени.

Мен ўзга, Вомику Фарҳод ўзгадур, эй ишк,
Танаъбум аҳли аро эътибор қилма мени.

Қаёнки борсанг ўлармен, Навоий янглиғ зор,
Юз урма ҳар тараф, эй шўху зор қилма мени.

V-V- V V- - V-V- V V-
мафоилун файлотун мафоилун файлун
мужтасси муссаммани маҳбуни маҳзуф

Лутат

Фуруғ – ёруғлик, равшанлик, нур, ялтироқлик, порлоқлик

Ашкбор – ёш тўқувчи, кўп йиғловчи

Тарахҳум айламоқ – раҳм қилмоқ, шафқат қилмоқ

Саъб – қийин, оғир

Соқий – май қуювчи, косагул

Дайр – 1) роҳиблар турадиган жой, бутхона, монастыр;
2) майхона; 3) дунё, жаҳон, бу дунё

Танаъум аҳли – неъматланиш, баҳраманд бўлиш

Насрий баён

Ҳар тараф юз урма эй шўх, зор қилма мени, бир пас қарор тут,
беқарор қилма мени.

Кўзимни жамолинг шами нури билан ёрит, кечалар тонг
отгунча кўз ёшимни тўкма.

Худо учун яна ҳар тараф беҳабар борма, мени фиғону нолада
беихтиёр қилма.

Шафқат қилгин, раҳм айлагин, эй ихтиёрсиз нола, эл ичра ҳар
дам мени шармсор қилма.

Ҳаёт ранжи, ўлим ёди оғирдир, эй соқий бу дунё ичида мени
хушёр қилма.

Эй ишқ, мен ўзгаман, Вомиқу Фарҳод ўзга, баҳраманд бўлув-
чилар аро эътибор қилма.

Қайга борсанг ҳамки Навоий каби зор бўларман, юз бурма ҳар
тараф эй шўх зор қилма мени.

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал ҳам аввалгиси каби анъанавий ети байтдан иборат.
Мавзу ва ғоявий йўналиши нуқтаи назаридан ошиқона ғазал.

Қофияланиши а-а, б-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, ҳ-а.

Қофиядош сўзлар: зор, беқарор, ашкбор, беихтиёр, шармсор,
хушёр, эътибор, зор. Бу муқайяд қофия турига киради. Қофиядош

сўзлардаги равий “р” товуши. Аввалги ғазалдан фарқли ўларок, ушбу ғазалда радиф қўлланган: қилма мени.

Ғазалда раддул матла, яна биринчи мисранинг охирги мисрада айнан такрор қўлланиши санъати қўлланган.

Алишер Навоийнинг ҳар бир ғазали ўзига хос ёндошиш, ўзига хос таҳлил ва тафсир усулини тақозо этади, чунки ҳар бир ғазал алоҳида руҳий ҳолат, алоҳида бадиий фикр ва ҳис-туйғулар ривожини ифодалаб келади, тасвир тарзи, санъатлар мунтазамлиги ва мутаносиблиги ҳам шунга мувофиқ.

Алишер Навоий ғазаллари – гўзаллик мулкининг мангу сўлмас чечакларидир. Уларда ишқ бор, дард бор, фараҳ бор... Беором, оташин қалбнинг буюк талпинишлари, юксак, олийжаноб руҳнинг бетакрор сувратлари, манзаралари...

Маъно ва тафаккур, хаёл ва тасаввурнинг авж пардалари, учқур парвозлари, сўнгсиз жилвалари, демакдир... Уларни баҳолаш, талқин этиш учун биз, фақирларга Навоий етуклиги даражасига кўтарилиш йўл бўлсин, лекин, ҳарҳолда ҳазратнинг маънавий дунёсига яқинлашиш, унинг камолига эргашиш шарт. Шу маънода Навоий ижоди буюк бир кўзгудирким, ҳар кимса унга кўз солиб, унда кўзи илғаганча кўрар, у бир хазинадирким, ҳар киши унга қўл чўзиб, ундан қурби етганича олар... Навоийнинг ҳар битта байти замирида бир, уч, беш ёки ўнлаб маъно ва мазмунлар яширин, инчунин, уларнинг изоҳи учун бир, уч, беш ёки ўнлаб талқинлар туғилиши муқаррар.

Уларнинг қирралари, чизғилари, товланишлари, рамзу ишоралари беҳисоб. Бир йўла қамраб олиб бўлмайди. Дунёни бир қарашда қамраб ёки битта талқинга сигдириб бўлмагандек...

Биринчи байтданок Навоий маъшуқага ҳар тарафга юз урма мени зор қилма, бир дам қарор тут, мени беқарор қилма дея мурожаат қилади.

Иккинчи байтда жамоли шами нури билан кўзини ёритишни, кечалар тонггача ашқбор – кўз ёш тўқувчи қилма дея илтижо қилади. Кеча ва тонг отмоқ тимсоллари тазодни юзага келтирган.

Учинчи и байтда ҳам маъшуқага илтижо давом этади.

4-байтда шоир энди ихтиёрсиз нолага мурожаат қилади. Шафқат тилаб, ҳар дам эл ичра шармсор қилмасликни сўрайди.

5- байтда соқийга мурожаат қилинади. Ҳаёт ранжию ўлим ёди оғир, шу сабаб бу дунё ичра мени хушёр қилма. Ҳаёт-ўлим тимсоллари орқали тазод санъати қўлланилган.

Кейинги байтдаги мурожаат ишққа бўлади: мен бошқаю Вомиқу Фарҳод бошқадир, мазкур тимсоллар байтда талмеҳ санъатини юзага келтирган.

Сўнгги байтда ғазалнинг биринчи мисраси (ғазал мақтасида) айнан такрорланади ва раддул матла санъатини юзага келтиради.

Назора БЕКОВА

“Эй дудоғинг шарбатида оби ҳайвон лаззати...”

Эй дудоғинг шарбатида оби ҳайвон лаззати,
Лаззате бўлғай, насибим бўлса лаълинг шарбати.

Кечалар ҳажрингда беҳудмен, менинг ҳолимғадур
Шамънинг гаҳ куймаги, гаҳ ноласи, гаҳ риққати.

Меҳнати ҳажрингда ишим оҳ ила фарёд эрур,
Оҳ агар фарёдима етмас висолинг давлати.

Лабларингнинг ҳасрати кўнглумда бўлса не ажаб,
Шиша бирла боданинг бир-бирга кўптур нисбати.

Оразингга, эй парий, мажнун кўнгулнинг майли бор
Телба янглиғким, анинг ўт бирла бўлғай улфати.

Умр эрур ишқ аҳлига пайки насим, эй боғбон,
Басдурур бу муддаога шоҳид анинг суръати.

Юзу холингдин Навоийнинг кўзидур қон аро
Лоладекким, доғи бўлмиш кўз қораси ҳайъати.

–V– –V– –V– –V–

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Дудоғи – лаб

Оби ҳайвон – афсонавий тириклик суви

Лаъли – қизил лаб

Беҳудмен – ақли-ҳуши кетган

Риққати – нозиклик, юмшоқлик

Пайки насим – шаббода хабарчиси

Ораз – чехра

Муддао – даъво қилинган нарса

Роз – сир, асрор

Насрий баён

Лабларинг шарбатида афсонавий тириклик суви мавжуд, қизил лабинг насибим бўлса лаззат бўлғай

Кечалар ҳажрингда ҳушсизман, кечада шамнинг гоҳ куйиши, гоҳ ноласи ва нозиклиги менинг ҳолимдек

Сенинг ҳажрингда ишим оҳ ва фарёддир, аммо бу оҳу фарёдлар висолинг давлатига етишимга камлик қилур

Лабларинг ҳасрати, балки кўнглимдадир, шиша билан майнинг бир-бирига нисбати кўплиги каби

Эй пари, сенинг чехрангга мажнун кўнглининг майли бор, гўё телбадек ўт билан улфатлиги бор

Эй боғбон, умр ишқ аҳлига шабада хабарчисидек, бу хоҳишингни бас қил, шохидлар бунинг аксидир

Юзу холинг қоралигидан Навоий кўзидир қора, лола рангидек кўз қораси доғ бўлмиш

Шарҳ ва изоҳлар

Бу ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган. Ғазал етти байтли. Мавзу ва ғоявий йўналиши нуқтаи назаридан ошиқона ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Чунки ғазалда ошиқнинг маъшуқага бўлган ишқи, муҳаббати, севгиси тараннум этилади.

Қофияланиши: а-а, б-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, ҳ-а, и-а. Қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар: лаззати, шарбати, рикқати, давлати, нисбати, улфати, суръати, ҳайъати. Бу мутлақ қофия турига киради.

Қофиядош сўзлардаги равий - “т” товуши.

Радиф мавжуд эмас. Ғазалдаги асосий фикр қофияга тушган.

Ушбу ғазал тузилишига кўра якпорадир. Боиси, ҳар бир байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байт билан изчил боғланган. Матлаъда бошланган мавзу мақтага қадар давом этган. Алишер Навоийнинг лирик асарлари жамланган “Ҳазоим ул маоний” девонида икки ярим мингдан ортиқ ғазал бор. Шарқ адабиётида бирор шоирга бунчалик кўп ғазал ёзиш насиб бўлмаган. Аммо гап фақат сонда эмас. Навоий қалбидан қуйилиб чиққан ғазалларнинг ҳар бири даҳо ижодкорнинг беназир санъати ва теран тафаккуридан гувоҳлик берадиган бадиий дурдона, мўжизадир.

Яхлит маъноли, воқеабанд ғазаллар яратиш улуғ Навоийнинг шундай услубий ихтироларидандир. Мақсуд Шайхзода биринчи бўлиб бунга эътиборимизни қаратган эди. Аввалги шоирларда аҳён-аҳён учраб турадиган бу хусусият Навоий ижодида изчиллик тусини олади, муайян равия, бадиий ифода тарзига айланади. Турфа инсоний ҳолатлар, воқеа ҳодисалар тасвирига бағишланган туркум-туркум ғазаллар шундан далолат беради. Алишер Навоийнинг улугворлиги шундаки, унда зоҳирий ва ботиний маънолар, яъни ишқи илоҳий ва ишқи маъжозий ифодалари бири-бирига ҳалақит бермайди, балки бир-бирини тўлдириб, қувватлаб туради. Бошқача айтганда, ишқи ҳақиқий тасвиридан ишқи маъжозий тасвирига ёки аксинча ҳолатга осон ўтилади, китобхон гоҳ бу маънодан, гоҳ у маънодан, гоҳ ҳар иккисидан завқлана олади. Шоирнинг ижоди ана шундай мураккаб ва кўп қиррали,

ибора образлари кўп маъноли, теран. Унинг ҳар бир асари устида тўхталганда, бу хусусиятни албатта эътиборга олиш лозим.

Матла машуқанинг гўзаллиги таърифи билан бошланади. Лаблар, кўпинча, қимматбаҳо бўлган лаъл тошига қиёсланади. Ғазалда ёрнинг лаблари ана шу тошга ўхшатишган. Ғазалда дудог, лаъл ва ораз сўзлари таносиб санъатини юзга келтирган. Кейинги мисрада эса ошиқ ўз ҳолатини шамга қиёслаган ва ташбеҳ санъатидан фойдаланилган. Ошиқнинг оҳу фарёдлари машуқа висолига етмоқ учун етмас. Ғазалда пари ва боғбонга мурожаат ўринлари мавжуд, бу эса нидо санъатини юзага келтирган. Мажнун кўнгилнинг ўт билан мойиллиги телбага ўхшатишган, ташбеҳ санъатидан унумли фойдаланилган. Мақтаъдан олдинги банд пандона руҳда ёзилган. Мақтаъда Навоий таҳаллуси қўлланилган.

Мундарижа

| | |
|--|-----|
| ҲАЗАЛ МАТНИ ВА УНИ АНГЛАШ САНЪАТИ..... | 3 |
| “Меҳр кўрса ҳар киши ўз дилбари зебосидин...”..... | 7 |
| “Тўла қондур кўзумнинг ҳалқаси то қолди
ёримдин...” | 11 |
| “Мени заифни саргашта айлади гардун...” | 17 |
| “Елга берди куйдуруб ул гул таним хокистарин...” | 24 |
| “Ниҳон ишқингки кўнглум ичра тушти юз шарор
андин...” | 28 |
| “Дема меҳнат тоғининг Фарҳоди саргардонимен...” | 34 |
| “Чекканда наққоши қазо ул сарви гулрух сувратин...” | 39 |
| “Вафо аҳлиға даврондин етар жавру жафо асру...” | 45 |
| “Юзунгда май гули ё гул очилған бўстондур бу...” | 56 |
| “Ҳажрида кўнглумга бор ул лаъли сероб орзу...” | 62 |
| “Ҳар ён ул юзда тер оқиздингму...” | 67 |
| “Шоми ҳажр ўлтурди бу ношодни, сен шод ую...” | 72 |
| “Ғамимниму дейин ё беғам элнинг можаросинму?...” | 75 |
| “Назарға келгали ул икки наргиси жоду...” | 79 |
| “Юзу кўзунгда муайян камоли сунъи илоҳ...” | 83 |
| “Оташин гул гарчи зийнатдур жаҳон бўстониға...” | 87 |
| “Кўнгулким, васлин истар ҳар тараф доғи ситам
бирла...” | 92 |
| “Куйди кўнглумким, недин манзил эмас жононаға...” | 96 |
| “Ёнида эл кўрсам ўқ санчилмасунму жонима...” | 100 |

| | |
|--|-----|
| “Анбари тар истаман юз узра холинг борида...” | 105 |
| “Қил учи кўрмай оғзингдин нишона...” | 108 |
| “Лабларингким, ҳайф ерур тенг тутмоқ они
қанд ила...” | 111 |
| “Меҳрдин дерменки, бўлсам дойим ул ойим била...” .. | 113 |
| “Гар сабодек ҳамдам эрман сарви озодинг била...” | 121 |
| “Ваҳки, ул шўх бориб, жонима ўт солди яна...” | 129 |
| “Кўнглум оғзингнинг хаёлидинки тўлмиш ғам била...” | 134 |
| “Яна не ўт эдиким тушти хонумонимға...” | 140 |
| “Мени гадой қачон еттим эрса шоҳимға...” | 146 |
| “Кўнғлума андуҳ елидин ғуборедур яна...” | 152 |
| “Кўрадурменки борур ёру қолурмен мени гумраҳ...” .. | 159 |
| “Ваҳки, бир бадмеҳр ўқи жонимға паррондур яна,..” .. | 164 |
| “Танимда заъфдурур то иситмиш ул дилхоҳ...” | 170 |
| “Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била...” | 175 |
| “Соқие, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била...” | 184 |
| “Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ...” .. | 190 |
| “Ишқаро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ...” .. | 194 |
| “Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ...” .. | 200 |
| “Зиҳи ҳар лаҳни булбул савтининг зотингға исботи...” | 205 |
| “Жилваму айлар қизил тўн бирла ҳар ён ул пари...” | 208 |
| “Сўзи ҳажринг ичра йўқ бирён кўнгулнинг тоқати...” .. | 211 |
| “Тавсанинг наълидин истармен бошимға афсаре...” | 216 |
| “Давлат тонги юзию сочи тонг қоронғуси...” | 220 |
| “Зоҳир айлар ашқ ила оҳимни ҳажринг оғуси...” | 224 |
| “Ўт солур эл жониға ҳар дам совуғлуғ бирла дай...” | 229 |

| | |
|--|-----|
| “Шукр лиллоҳ, эй кўнгулким, рафъ ўлиб ҳижрон
туни...” | 233 |
| “Ғамингдин чун ажал гўр оғзида жисмим
ниҳон эткай...” | 236 |
| “Сиххатим озурда жононимда бўлғай кошки...” | 239 |
| “Нечаким, ул ойға мендин меҳрибонроқ йўқ киши...” .. | 242 |
| “Соқие, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай...” | 247 |
| “Бўлғай эрди юз туман, минг ранжу меҳнат кошки...” .. | 250 |
| “Хуштурур гулгун қадаҳ давринда гулбарги тари...” | 253 |
| “Севунгил, эй кўнгул, охирки жисминг ичра
жон келди...” | 258 |
| “Икки ҳамдамким, эрур май базм аро ҳамдамлари...” .. | 262 |
| “Юз урма ҳар тараф, эй шўху зор қилма мени...” | 267 |
| “Эй дудоғинг шарбатида оби ҳайвон лаззати...” | 270 |

Алишер Навоий

ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари

9 ЖИЛД

Монография

Муҳаррир С. Абдунабиева

Бадий муҳаррир А.Набиев

Компютерда саҳифаловчи У.Рахматов

Нашр. лиц. АА №0038.


“O‘ZKITOBSAVDO” нашриёти

Босишга рухсат 19.12.2020-йилда берилди.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет усулида босилди.

“PT Serif” гарнитураси. Шартли б.т. 10,75. Нашр ҳисоб т. 10,35.

Адади 40 дона. 16-букортма.



“ЎЗКИТОBSAVDO” нашриёти.
100000, Тошкент, Қуйлуқ даҳаси, 5.

